

АЁЛ

ҲУҚУҚИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

**Тошкент давлат юридик институти
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ГУМАНИТАР ҲУҚУҚНИ
ЎРГАНИШ МАРКАЗИ**



**АЁЛ
ҲУҚУҚИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ**

Адолат - 2002

NAMANGAN DAVLAT
Ushbu markaz
Axborot-razvedka markazi

258186



Ушбу нашр Winrock International томонидан "Ойладаги зўравонлик ва одамлар билан савдототиқ қилинишига барҳам бериш юзасидан ижтимоий ташаббуслар: Арманистон, Молдова, Украина ва Ўзбекистон" лойиҳаси доирасида АҚШ Давлат Департаменти, гиёҳхандликка қарши кураш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорлик Бюросининг молиявий мадади билан амалга оширилган.

АЁЛ ҲУҚУҚИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА
ГУМАНИТАР ҲУҚУҚНИ
ЎРГАНИШ МАРКАЗИ**

**"МЕҲРИ"
АЁЛЛАР ЖАМИЯТИ**

Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари /Муаллиф жамоаси:
Г.Н.Тансиқбаева, М.Ю.Гасанов, А.М.Қодирова ва
бошқ.; Сўзбоши: С.Ш.Рашидова. – Т.: “Адолат”,
2002–236 б.

Сарлавҳада: Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни
ўрганиш маркази.

И. Тансиқбаева Г.Н. ва бошқ.

ББК.66.74(5У)+67.412.1

№ 397-2002

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон

Республикасининг Давлат кутубхонаси

*ТДЮИ Ўқув-услугий кенгаши тавсиясига биноан чоп
этилаётган мазкур тўпламни нашрга тайёрлашда Халқаро ва
қиёсий ҳуқуқ кафедраси яқиндан кўмак кўрсатди.*

© Муаллифлар жамоаси

© ТДЮИ хузуридаги Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни
ўрганиш Маркази, Т., 2002 йил.

© COPYRIGHT (2002) Winrock International

Ушбу нашр АҚШ Давлат департаменти қўллаб-
қувватлаганига кўра, S-OPRAQ-99-H-N005 лойиҳаси бўйича
тайёрланди. Нашр муаллифларининг фикри, баҳолари, хулоса ва
тавсиялари АҚШ Давлат департаменти ва Winrock International
нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаланган. Winrock
International, Leadership Development Unit, 38 Winrock Drive,
Morrilton, AR 72110-9370 USA, e-mail: copyright-ld@winrock.org.
орқали дастлаб рухсат олмасдан ушбу нашрни тўла ёхуд қисман
тарқатиш, қайтадан чиқариш, қидирув тизимида сақлаш ёки
нусха олиш тақиқланган.

© COPYRIGHT (2002) Winrock International

This manual was made possible through support provided by the
U.S. Department of State, under the terms of Award No. S-OPRAQ-
99-H-N005. The opinions, findings and conclusions or recommen-
dations expressed herein are those of the Authors and do not nec-
essarily reflect those of the U.S. Department of State or Winrock
International.

All rights reserved. No part of this publication may be
reproduced, stored in a retrieval system, or transmitted, in any
form or by any means, electronic, mechanical, photocopying,
recording, or otherwise, without the prior permission of
Winrock International, Leadership Development Unit, 38
Winrock Drive, Morrilton, AR 72110-9370 USA, e-mail:
copyright-ld@winrock.org.

М У Н Д А Р И Ж А

| | |
|---|-----|
| Муқаддима..... | 6 |
| Г.М.Тансиқбоева – Аёлларнинг дискриминация қилинишини бартараф этиш - уларнинг амалдаги тенглигининг зарурий шарти..... | 8 |
| М.Ю.Гасанов – Ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар соҳасида хотин-қизларнинг дискриминация қилинишига йўл қўйилмаслиги..... | 30 |
| А.П.Қодирова – Айрим урф-одат ва расм-русумларнинг аёлларга нисбатан дискриминация қилувчи таъсири..... | 45 |
| Н.М.Қориева – Аёллар ҳуқуқининг тарихий илдизлари..... | 68 |
| М.М.Иноқова – Ҳаётнинг барча соҳаларида аёл ҳуқуқи муҳофазасининг ҳуқуқий кафолатлари..... | 75 |
| И.Г.Гартман – Аёллар ҳуқуқлари муҳофазаси жамият ва давлатнинг бурчи ҳамда вазифасидир..... | 84 |
| Ф.Х.Бақоева – Аёлларга нисбатан зўравонлик: унинг олдини олиш ва бартараф этишда оила, жамият ва давлатнинг роли..... | 98 |
| Н.М.Холмухамедова – Оиладаги зўравонлик - хотин-қизларни камситиш демакдир..... | 108 |
| А.Т.Юнусова – Ўзбекистон хотин-қизларига нисбатан зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида..... | 125 |
| З.И.Ибрагимова, Э.А.Искандаров – Оиладаги зўравонлик муаммоларини ҳал этишда нодавлат нотажорат ташкилотларининг роли..... | 136 |
| М.Г.Кромова – Аёлларни зўравонликлардан муҳофаза қилиш ва ҳимоялаш юзасидан жиноят қонунчилигининг таҳлили..... | 141 |
| Т.В.Кочергина – Оилада эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоялаш ва аёлларни зўравонликлардан муҳофаза қилиш..... | 149 |
| К.Нельсон – Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик..... | 161 |
| О.Муҳаммаджонов – Оиладаги зўравонликка қарши тавсия қилинаётган қонунларнинг асосий қоидалари..... | 170 |
| Иловалар: | |
| Аёллар ҳуқуқлари дискриминация қилинишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида БМТ Конвенцияси..... | 178 |
| Аёлларга нисбатан дискриминация қилишнинг ҳамма шаклларини бартараф қилиш тўғрисидаги Конвенциясига Факультатив Протокол..... | 197 |
| Оиладаги зўравонлик тўғрисидаги модели қонунлар..... | 205 |
| Оиладаги зўравонликка қарши курашиш буйича Польша декларацияси..... | 222 |
| Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан (парчалар) Муаллифлар ҳақида маълумотлар..... | 223 |
| Аннотация | |
| Summary..... | 224 |

МУҚАДДИМА

Аёлларнинг бахт-саодати муаммоси бу бутун жамиятнинг беҳбудлиги муаммосидир, чунки ижтимоий тараққиётни хотин-қизлар эркинлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шуниси яхши маълумки, аёлларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари камситилган жамиятни маданий жамият деб бўлмайди.

Бизнинг давлатимиз ўз мустақиллигига эришган илк қадамлариданок, демократик ривожланиш йўлини тутди ва инсонни энг олий қадрият, деб эълон қилди. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириши, унинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро ҳужжатларга, шу жумладан бутун дунёда маълум бўлган аёлларга нисбатан дискриминация қилишнинг ҳамма шакллари бартараф қилиш тўғрисидаги Конвенцияга қўшилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамияти олдида мазкур "аёллар масаласидаги энг муҳим" Конвенция қоидаларини жамият турмуши амалиётига татбиқ этишга доир мажбуриятни ўз зиммасига олгач, изчиллик билан, қадамба-қадам аёлларнинг оиладаги, жамиятдаги ва давлатдаги аҳволини яхшилаш юзасидан миллий дастурни ишлаб чиқилмоқда ва аёлларнинг эркаклар билан амалда тенг ҳуқуқли бўлиши, уларнинг мақомини оширишга эришиш учун интиломоқда.

Шуни қайд қилиш керакки, ўттиш даврдаги мураккаб шарт-шароитлар, бозор муносабатларининг қарор топиши билан боғлиқ иқтисодий қийинчиликлар, ижтимоий қадриятларнинг қайтадан идрок этиб чиқилишига доир ўзига хос чигалликлар жамият тараққиёти йўлида жиддий муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Собик давр воқелиги билан — истиқлол даври ўртасида зиддиятларнинг келиб чиқиши ижтимоий ривожланиш табиатининг ўзига хос бўлган хусусиятидир. Бизнинг жамиятимиз ҳам бунга ўхшаши қарама-қаршиликлардан холи эмас. Аёлларни эркакларга нисбатан ҳуқуқ доираси тор заифа деб қарашдан иборат муносабат андазасининг шу кунгача ҳам сақланиб келаётганлиги ана шундан далолат бермайдими? Бундай муносабат Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган "Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар", деган қоидага зид эмасми?

Агар ҳар қандай зиддиятнинг чуқурлашиб боришининг олдини олиш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар қабул қилинмаса, у албатта ижтимоий тараққиёт жараёнига зарар етказади. Хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги ҳақидаги қонунларда белгилаб қўйилган ҳолат билан улар ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалдаги аҳволи ўртасида, афсуски, шунга ўхшаши зиддият ҳали ҳам давом этиб келмоқда, бунда ўтмиш замонларга оид мутаассиб урф-одатлар ва анъаналар ижтимоий тараққиёт йўлида тўсқинлик қилмоқда. Айнан шунинг учун ҳам, мавжуд зиддиятларга барҳам бериш юзасидан зарур чора-тадбирларни ўз вақтида қабул қилиш мақсадида уларнинг теран илдишларини аниқлаш ва тадқиқ этиш гоят

муҳимдир.

Ушбу тўпلامдаги мақолалар аёллар аҳволини тадқиқ этиш, улар мақомига салбий таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш, уларнинг оилада ва жамиятда камситилишини бартараф қилиш масалаларига бағишланган. Тўпلامда ёритилаётган муаммоларнинг мажмуа тарзида тадқиқ этилишида ҳуқуқшунос олимлар, нодавлат жамоат ташкилотлари, давлат тузилмалари вакиллари иштирок этдилар.

Уқувчилар эътиборига ҳавола қилинаётган тахлилий мақолалар тўплами муаллифларининг аёлларга нисбатан содир этиладиган камситишнинг ҳар қандай шаклини бартараф қилиш, жамият ва давлат ҳаётида аёлларнинг ўрни ва фаолиятини юксалтириш, уларнинг инсоний қадр-қиммати ва эркинлигини қарор топтиришга астойдил интилиши билан эътиборни жалб этади.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллигига бағишланган ушбу тўпلامда ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида албатта ҳал этилиши шарт бўлган долзарб масалаларнинг кўйилиши кувончли ҳолдир. Чунки хотин-қизлар жамиятимизнинг кенг маънодаги иккинчи тенг ярмини ташкил қиладиларки, ҳар қандай ижтимоий муаммонинг муваффақиятли ҳал этилишини уларнинг бунёдкорлик фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мазкур тўплам муаллифларининг аёл шахсининг жамият турмушининг барча жабҳаларида, шу жумладан, оилада эркаклар билан тенг ҳуқуқли аъзо сифатида шаклланишига тўсқинлик қилаётган зиддиятлар табиатини тадқиқ этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини муборақбод қилиш имкониятидан воят мамнунман.

Ишончим комилки, тўпلامдан жой олган материаллар кенг доирадаги она-диёримиз китобхонлари эътиборини ўзига жалб этади ва аёлларимизнинг жамиятимиз ҳаётида тенг ҳуқуқлилиги, улар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ривожлантириш муаммолари устида жон куйдираётган ҳар бир фидокор инсон қалбида чуқур мамнуният ҳисларини уйғотади.

Сайёра РАШИДОВА
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари
бўйича вакили

АЁЛЛАРНИНГ ДИСКРИМИНАЦИЯ ҚИЛИНИШИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ – УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ТЕНГЛИГИНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ

Инсон ҳуқуқлари муаммоси ҳозирги вақтдаги энг жиддий муаммолар қаторига киради. Бундай ҳуқуқларнинг универсал тусга эгаллиги ушбу муаммони дунёдаги ҳамма мамлакатлар учун ҳам умумий аҳамиятга эга қилиб қўяди, чунки инсон ҳуқуқлари бузилмайдиган мамлакатнинг ўзини топиш қийиндир. Хотин-қизларнинг ҳуқуқларига риоя қилиниши соҳасида вужудга келган вазият жаҳон ҳамжамиятини қаттиқ ташвишга солмоқда. Аёлларнинг эркаклар билан ҳуқуқий тенглигига эришиш борасидаги муайян ютуқларга қарамасдан аёллар учун ҳақиқий тенглик ҳали ҳам барибир орзулигича қолиб келмоқда. Улар ҳуқуқларининг чекланиши ва хўрланишида намоён бўлаётган дискриминация қилиш ҳоллари ана шундан далолат беради.

Хотин-қизлар ўз ҳуқуқларининг камситилишига сиёсий ҳаётда ва ижтимоий турмуш фаолиятида дуч келади. Оилада қиз боланинг ўқиши, ўқув юрти ёки олий ўқув муассасасини битириши ҳамда ижтимоий ҳаётда қатнашишини тақиқлаш, мода талабларига амал қилишини ман этиш, аёлнинг ҳомиладорлиги ёки кўп болалиги сабабли ишга қабул қилмаслик, аёл билан эркакнинг касбий қобилият билимдонлик даражалари баравар бўлгани ҳолда аёлни эмас, эркакни юқори хизмат поғонасига кўтариш, аёлларнинг давлатни бошқариш ишларига яқинлаштирмаслик каби ҳолларнинг ҳаммасида аёл кишининг инсоний ҳуқуқларига путур етказилган бўлади.

Ҳар қандай шаклда амалга ошириладиган камситилиш аёлни эркаклар эга бўлган имкониятлардан маҳрум қилиб, муқаррар равишда унинг амалдаги тенгсизлигига олиб боради. Аёлнинг инсоний кадр-қимматини паймол қиладиган зўравонлик (камситилиш) қилишнинг энг хавфли шакли ҳисобланади.

БМТнинг маълумотларига қараганда, дунёда миллионлаб аёллар жисмоний зўравонлик хавфи остида яшайдилар. Хотин-қизлар шафқатсиз зўравонлик натижасида нафақат майиб-

юмадилар. Кўпинча ўғил боланинг туғилишини афзал биладилар, она қорнидаги боланинг жинси аниқлангани ҳолда эса ҳомиланинг сунъий равишда туширилишига ҳам сабаб бўлади. Хотин-қизларга қарши зўравонлик "ҳаддан ташқари четга огишиш" сифатида баҳоландики, у хотин-қизларга жисмоний, психологик ва ижтимоий жиҳатидан азоб беради ва оқибатда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатади.

Хотин-қизлар ҳозирги вақтда зўравонликнинг ҳар хил турларига дуч келишмоқда.

Улар олди-сотди ва ўғирликлар объектига айланиб, фоҳишахоналарга, шоу-бизнес соҳаларига тушиб қолапти. "Эйша-Уотч" ташкилоти ва Хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича гуруҳ маълумотларига кўра, камида 20 минг аёллар Таиланддаги фоҳишахоналарда хизмат кўрсатишади. Кўчиб юриш муаммоларига доир Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига биноан, ўз мамлакатларидан четга чиққан хотин-қизлар кўпинча фоҳишахоналар эгаларига пуллаб юборилади. Уларнинг ҳужжатлари тортиб олиниб, қамоқ ҳолатида тутиб турилади. Улар қочишга уринишганида жисмоний зўравонликка, ўз оилалари шаънига таҳдидларга дуч келишади¹.

АҚШнинг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат масалалари бўйича Давлат Котиби Жон Шэттак Конгресснинг Халқаро муносабатлар бўйича қўмитасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги аҳволни тавсифлар экан дунёдаги инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолларини қайд қилиб, улар қаторига Хитойдаги зўрлик билан ҳомилани тушуриш ва стериллаштириш ҳолатларини ҳам кўрсатиб ўтди².

Дунёда сақланиб келаётган хотин-қизларни дискриминация қилиш ҳоллари аёлларга нисбатан эркаклардан қатъий фарқ қилиниши, ўзининг интеллектуал ва маънавий ривожланишига кўра улардан анча паст турадиган, "эркакларнинг раҳномалигига муҳтож" зотларга бўлгани каби асрлар мобайнида қарор топган андазавий муносабатнинг одамлар онгида яшовчанлигининг кучли эканлигидан далолат

¹ Женщины мира. 1995год. Тенденция и статистика. Организация Объединенных Наций. С.225.

² Права Человека в Мире и Казахстане. Вып. №3 Декабрь, 1996. Январь, 1997, 17-бет.

беради.

Бундай муносабатда намоён бўладиган эркакларнинг устунлиги хотин-қизларнинг инсон сифатидаги қиёфасига соя ташлайди, уларнинг одамийлик ҳақ-ҳуқуқларини чеклайди. Ҳолбуки, инсон ҳуқуқлари, эркакми ёки хотин, ўғил болами ёки қиз бола эканлигидан қатъи назар, ҳар бир шахс эга бўладиган ҳуқуқлардандир. Инсон ҳуқуқларининг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ёки маданий ҳуқуқлар сифатида қай тарзда таснифланишига қарамасдан уларнинг ҳаммаси барибир, эркак ёки хотин, ўғил бола ёки қиз бола эканлигидан қатъи назар, баравар ҳолида ҳар бир кишининг ажралмас ҳуқуқлари ҳисобланади. Инсоният минг йиллар давомида қадамба-қадам босиб ўтган йўлида одамларнинг ижтимоий тенгсизлиги ҳақидаги тасаввурлар консерватизмини бартараф этиб, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати ғоясини ривожлантириб ва қўриқлаб, ҳар бир кишининг ҳуқуқларини эътироф қилиши-бугунги кунда эришилган инсон ҳуқуқлари тушунчаси ана шундан иборатдир. Бироқ ҳозирча ҳамма сиёсий тизимлар ҳам шундай нуқтаи назарни мақбул кўрмайди ва эътироф этмайди; гарчи ижтимоий тараққиёт тажрибаси аксилдемократик тузумларнинг муайян тарзда камайганлигидан далолат бериб турса-да, лекин одамларнинг энг оддий ҳуқуқларини ҳам паймол этувчи бундай тузумлар амал қилиб келаяпти. Инсон ҳуқуқлари ҳамма жойда ҳам бирдек эътироф этилиб, ҳар бир кишининг чинакам мулкига айланишигача, эҳтимол, яна анчагина вақт ўтса керак. Одамларнинг муносабатларини шахс ҳуқуқларининг гендер, ирқий, миллий, диний ёки ижтимоий негизга кўра ҳар қандай камситилишини истисно этадиган жинсларнинг тенглигини умумий эътироф этиш асосида инсонийлаштиришга даъват қилинган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андазалар айни шу йўналишда иш олиб бораёпти. Ҳозирги даврда ўзларининг демократия ва инсон ҳуқуқлари тарафдори эканлигини эътироф этмайдиган давлатлар сони тобора камайиб бораёпти. Ижтимоий тараққиёт қонуниятлари давлатларнинг демократик ривожланиш мантиқини муқаррар равишда идрок этишида намоён бўлмоқдаки, бунда давлат суверенитети билан инсон ҳуқуқларининг ўзаро нисбати ҳақидаги тасаввур тубдан ўзгарди. Давлат суверенитети инсон ҳуқуқларидан юқори

баҳоланилган олдинги даврлар секин-аста ўтмишга айланиб, тарих бағридан ўрин олаёпти. Инсон ҳуқуқлари, одамнинг шаъни ва қадр-қиммати, унинг ҳуқуқларининг ажралмаслигини эътироф этиш давлатнинг маданийлиги, демократиклиги мезонига айланаяпти.

Инсон ҳуқуқларини тушуниш борасидаги ҳозирги ёндошув анъанавий қадриятларни тубдан ўзгартиради: давлат илгари замонлардаги сингари ўзининг суверен эканлигига таяниб, ўз фуқароларига нисбатан жазосиз равишда ўзбошимчалик, зўравонлик қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини менсимаслик ҳолларини намоён эта олмаяпти. Ҳозир жамиятда инсоннинг қадр-қиммати, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги тасаввурнинг қанчалик ўзгарганлигини англаб олиш мақсадида Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан кейин кўп ўтмасдан Нюрнбергдаги ҳарбий трибуналнинг юксак лавозимларни эгаллаган давлат мансабдор шахсларини ўз фуқароларига нисбатан жиноятлар содир қилганлиги учун жиноий-ҳуқуқий жавобгарликка тартишни зарур деб топган дунё тарихидан биринчи шундай воқеани эсга олиш ўринли бўлади.

Давлатлар ўзларининг демократик тусда эканлиги ҳақидаги нуфузни сақлаб қолишини хоҳлар экан, уларга инсон ҳуқуқларини эътироф этиш ва риоя қилиш борасида қўйиладиган замонавий талабларни эътиборга олиши керак бўлади. Бу улар томонидан баён қилинадиган демократикликнинг ҳақиқийлигини синайдиган мезондир.

Хотин-қизларга нисбатан намоён қилинадиган дискриминация намоён қилиш ва зўравонлик муаммоси ҳозирги вақтда халқаро ҳамжамятнинг диққат-эътиборини жалб қилиб турган энг кескин ижтимоий муаммолардан биридир.

Дунёнинг ҳамма бурчакларидаги хотин-қизлар ўз-ўзини қарор топтириш борасидаги ўз интилишларида кўпинча бартараф этилиши қийин бўлган гендер тусдаги тўсиқларга дуч келишади.

Ҳаммага маълумки, барча ота-оналар ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда қизидан кўра ўғlining таълим олишини афзал кўришади. Натижада таълим соҳасида хотин-қизлар билан эркеклар ўртасида ўрнини тўлдириб бўлмайдиган тафовут пайдо бўладики, бу хотин-қизларни

бирмунча нохуш шарт-шароитларга солиб қўяди. Бундай тафовут хотин-қизларнинг меҳнат бозорида иштирок этиш тарзига ҳам таъсир қилади. Таълим олмаган, саводи ҳаминқадар хотин-қизлар малака талаб қилмайдиган, кам ҳақ тўланадиган меҳнат билан шуғуланишга мажбур бўлишадигани, бу уларни камбағаллик чегарасига олиб келади. Аёлларни умумий таълим жараёнидан маҳрум қилиб, фақат ҳамиша ҳам тенг мавқега эга бўлавермайдиган уй-рўзгор шароитидаги турмуш билан чеклайдиган мажбурий эртаги никоҳлар амалиёти ҳам шундай натижа беради.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг гендер жиҳати уларнинг эркакларга қараганда гоят кам ҳолларда раҳбарлик лавозимларини эгаллаш имкониятига эга бўлишида ҳам намоён бўлади. Энг юксак давлат лавозимларини ижро этиш эса, одатда, фақат эркаклар имтиёзига тегишли ҳуқуқ бўлиб қолмоқда. Ҳокимиятнинг энг юқори буғинларида хотин-қизларнинг иштирок этиши - бутун дунёда энг кам учрайдиган ҳоллардандир. Бунга ўхшаган фактлар фақат инсониятнинг хотин-қизлардан иборат бўлган иккинчи ярми интеллектуал-ижодий салоҳиятининг қанчалик паст баҳоланишини кўрсатади.

Шубҳа йўқки, хотин-қизларга нисбатан йўл қўйилмайдиган энг кичик дискриминация қилишлар ҳам уларнинг ўз инсоний ҳуқуқларига эришиш борасида олиб борган қатъий кураши оқибатида қўлга киритган барча ижобий жиҳатларни ҳам пучга чиқариб, уларни яна орқага силтаб ташлайди. Афсуски, ўтиш даврига оид қийинчиликлар бизнинг воқелигимизда ҳам хотин-қизлар муаммосини анча кескинлаштириб қўйди.

Жамиятда хотин-қизларга нисбатан диний-патриархал анъаналарнинг қайта тикланиши тенденцияси, улар ҳаётини фақат оилавий турмуш доирасида чеклаб қўйиш, аёлларни яна анъанавий уй бекаси ролини бажариш ҳолатига қайтаришга интилиш тобора яққол кўзга ташланмоқда. Бундай анъаналарнинг охир-оқибатида нафақат хотин-қизлар, шу билан бирга жамият учун ҳам яхши натижа бермаслиги, хотин-қизлар анъанавий турмуш тарзига ўтиши билан жамият улар сиймосида ўзининг ишончли ва фидокор бунёдкорларидан маҳрум бўлажагини исботлаб ўтириш шарт бўлмаса керак.

Хотин-қизлар кўп марта янгилик билан эскилик

ўртасидаги курашнинг қурбони бўлишган. Уларни анъанавий турмуш тарзига қайтаришга интилиш ҳар доим сақланиб келган. Собиқ советлар даврида давлат "хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлганлик учун" ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш, бундай иллатларга йўл қўйувчиларни "коммунистлик унвонига номуносиб" шахс сифатида партия билетидан маҳрум қилиш йўли билан бу хилдаги интилишларни бироз жиловлаб келинган, холос. Шубҳасиз, бундай мажбурловчи чоралар ўз муайян таъсирини ўтказган, лекин мазкур муаммонинг ўзига барҳам берилмаган, у низосизлик хомхаёлини яратиш билан фақат янада чуқурроқ муҳрлаб қўйилган. Ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикаси демократик ривожланиш йўлини танлаб, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглигини баён этиш, уларнинг ҳуқуқий тенглик неъматларидан фойдаланиш борасида реал имкониятларга эга. Бироқ давлатнинг маънавий қадриятларни қайта тиклашга қаратилган чора-тадбирлари ҳар доим ҳам тўғри қабул қилиниб, ҳаётий амалиётга татбиқ этилаётгани йўқ. Жамиятнинг қолоқ фикрлайдиган, ўтмишнинг унчалик яхши бўлмаган дастурлари ва анъаналари тарафдори бўлган қисми руҳий-маънавий қайта тикланишнинг туси ва мақсадларини ўзича тушуниб, хотин-қизларнинг қарамлиги ва тобелиги ҳос патриархал турмуш тарзини яна қайтадан жорий этишга интилаяпти. Эскирган мафкурани яна жорий қилишда оммавий ахборот воситалари ҳам сезиларли роль ўйнаб, телекўрсатувларда "мўмингина келин" идеалини тарғиб қилишга ҳаракат этишади. Замонавий шахарлар манзарасининг ажралмас бир аломатига айланиб бораётган ҳижобга ўралган аёл қиёфаси бутунлай тарих қасридан ўрин олгандек бўлиб туюлган ўтмишга ҳос хусусиятларнинг ҳозирги турмуш тарзига қанчалик шиддат билан кириб келаётганлигини намойиш қилади. Бу ўринда гап хотин-қизларнинг қандай кийиниши ҳақида эмас (бу, албатта, ҳар кимнинг шахсий ҳуқуқи), балки паранжининг замонавийлаштирилган ўзига ҳос бир шакли бўлган "ҳижоб"нинг ўз турмушида бутун олам ишларидан маҳдуд тутиладиган шарқ аёли идеалининг рамзи бўлиб, уни татбиқ этишга қаратилгани ҳақида бораёпти. Яхши маълумки, ўзбек хотин-қизлари ўз ҳуқуқсизлиги рамзи бўлган паранжидан аллақачон халос бўлишган. "Ҳижоб" эса муайян ижтимоий-руҳий тағмаёнога эга

бўлиб, буни айниқса аёллар жуда яхши тушунишади ва ҳис қилишади. Унинг руҳий таъсир кучи ҳам ана шунда намоён бўлади: чунки у хотин-қизларни ўз оламини тор оилавий турмуш доираси билан чеклаш, ўзининг фуқаро эканлигини унутиш, қадимий ўтмишнинг асрлик анъаналарига сўзсиз итоат этишга чорлайди. У гўё кундалик иш, ўқиш, ижтимоий фаолият, уй-рўзғоридаги ва бошқа юмушу ташвишлардан иборат замонавий турмуш тарзини кечираётган аёлларга жонли таъна сифатида намоён бўлади.

Замонавий хотин-қизларнинг турмуш тарзи анъанавий тасаввурлар доирасига сизмаслиги сабабли уларга фаол турмуш тарзи, кийиниши, соч турмаклаш услуги, атрофидагилар, айниқса эркак шахслар билан бемалол мулоқотда бўлишини айтиб писанда қилишганида улар нохуш ҳис-туйғуларни бошдан кечиришади. Шахсий мулоқот пайтида кўпгина аёллар бундай вазиятда ўзларини ноқулай ҳис этиши, гарчи ҳеч қандай айбли иш қилмаган бўлса-да, руҳи тушиб кетишини очиқ эътироф этадилар.

Бундай ҳол шуни таъкидлайдики, замонавий хотин-қизлар уларнинг инсоний кадр-қимматига заррача бўлса ҳам путур етказилишини нақадар нозик ва оғриниш билан идрок қиладилар. Бу уларнинг юксак инсоний руҳи ва онгидан далолатдир.

Эркинлик ва озодлик ҳисларини туйган, ўзининг ижодий имкониятлари кучини, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари моҳиятини тушунган ҳозирги хотин-қизлар, албатта, ҳеч қачон яна мозийга қайтишга рози бўлмайдилар. Улар бунга ихтиёрий равишда асло кўнмайдилар. Хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларига эришиш соҳасидаги ютуқларининг энди асло мағлубиятга учрамаслигини тушуниш учун бундай ҳуқуқларни ҳимоялашга қаратилган ҳаракатлар қанчалик тез кенгайиб бораётганлиги, улар ноҳуқумат ташкилотлари сонининг ўсаётганлиги, Хотин-қизлар кўмиталарининг қанчалик гайрат-шижоат билан фаолият кўрсатаётганлигига эътибор қаратишнинг ўзи етарлидир. Муаммонинг энг кескин жиҳати шундаки, хотин-қизлардан иборат аҳолининг аксарият қисмини анъанавий турмуш тарзига кўпроқ амал қилувчи қишлоқ аёллари ташкил этадилар. Қишлоқдаги хотин-қизларнинг турмуш шароити ва муҳити уларни асрлар мобайнида эркаклар

ҳукмронлигига бўйсундиришнинг таъсирчан воситаси бўлиб келган ўтмишнинг қоқоқ урф-одатларининг қайта тикланиши учун қулай негиз яратади.

Консерватив патриархал урф-одатларнинг қайтадан жорий этилиши хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли шахс сифатидаги ҳуқуқий мақомига реал хавф солади. Бундай хавф аввало хотин-қизларнинг оиладаги мавқеининг пасайиши, уларнинг шахси устидан назоратнинг кучайиши, ўқиш, ишлаш, ўз хоҳиш-истагига кўра турмушга чиқиш ҳуқуқларининг чекланиши, тил бириктириш орқали эрта турмушга узатишлар, аёлларнинг қарамлиги ва шу қабиларда намоён бўлади.

Оила ижтимоий ташкилот сифатида жамиятга, унинг негизлари, турмуш тарзининг қарор топишига чуқур таъсир кўрсатади, чунки бўлғуси шахс айнан шу оилада камолга етказилади, унинг дунёқарашга оид асослари, руҳий-маънавий фазилатлари шакллантирилади. Оиладаги маънавий иқлим кўпгина таркибий қисмлар, шу жумладан эр-хотиннинг бир-бирига ўзаро илиқ муносабати, тенглиги, бир-бирини яхши тушунишидан таркиб топади. Консерватив анъаналарнинг қайта тикланиши, албатта, эркакларнинг аёллар устидан ҳукмронлигининг амалда эркинлаштирилишига олиб келади. Оилавий муносабатларнинг издан чиқиши бу ёки бошқача тарзда жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг умумий аҳволига ва тусига таъсир қилади, чунки жамиятда хотин-қизларнинг қадр-қиммати пасайтирилган ва озодликдан махрум қилинган бўлса, бундай жамият асло эркин бўла олмайди.

Ўз умрини яшаб бўлган эски урф-одатларни қайта тиклаш тенденцияси айниқса кўп хотинлиликни миллий урф-одат сифатида қонунийлаштиришга доир уринишларда яққол намоён бўлмоқда. Лекин шуни қайд қилиш керакки, никоҳнинг муайян шакли сифатидаги кўп никоҳлилик энг қадимги институт бўлиб, у миллатлар пайдо бўлишидан илгари вужудга келган, унинг илдизлари асрлар қаърига сингиб кетади. Кўп никоҳлилик қандай шаклда - кўп хотинлилик ёки полиандрия (кўп эрлилик) - шаклида мавжуд бўлса ҳам, у миллий эмас, балки умумий ижтимоий тусда бўлган. Кўп никоҳлилик муносабатларини дунёнинг ҳар хил бурчакларида мавжуд бўлганлиги ҳам шу билан изоҳланади.

Кўп хотинлилик анъаналарининг Ўрта Осиё минтақаси,

жумладан, Ўзбекистондаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш лозимки, никоҳнинг бундай шакли ҳеч қачон асосий шакл бўлмаган. Бундай никоҳ фақат жамиятнинг бадавлат кишилардан иборат тоифасида учраган, халқ эса асосан бир хотинли никоҳ шаклига амал қилган. Бундай никоҳ шакли халқ менталитетига ёт бўлиб, у бундай ҳолни "бадавлат кишиларнинг тентаклиги" деб билган. Ҳозир ҳам кўп хотинлиликини расмийлаштириш ҳақидаги таклиф муайян тоифадаги кишиларнинг интилишини акс эттиради. Бунга ўхшаган таклифларнинг бозор иқтисодиётига кириш билан маърифий тараққиёт амалиёти синовидан ўтган кўплаб ижтимоий қадриятлар қайта баҳоланадиган ўтиш даврининг ўзига хос шарт-шароитларида илгари сурилиши ҳам бежиз эмас. Айнан шунинг учун ҳам никоҳнинг бундай шакли маданий ҳодиса сифатида кўриб чиқилади. Бетартиб кўп никоҳли муносабатлардан бир никоҳли шаклга ўтилиши билан боғлиқ никоҳ муносабатлари эволюцияси шундан далолат беради. Жамиятда юз бераётган туб ўзгартиришлар даврида консерватив ғоялар тарафдорлари гўёки миллий ўзига хос хусусиятлар ва интилишлар ифодаси бўлган кўп никоҳлилики ғоясини ижтимоий онгга сингдиришга ҳаракат қиладилар. Никоҳнинг бундай эскирган шаклини қўллаб-қувватлаётган аёллар хусусида шуни айтиш мумкинки, улар интилишларида аввало иқтисодий сабаблар, моддий таъминланишга бўлган ниятлар ҳал қилувчи роль ўйнаётган бўлса керак. Лекин бу борада фикр билдираётган хотин-қизларнинг ўтмишда кўп хотинлилики билан боғлиқ фожиали оқибатларни бошидан ўтказган бахти қаро аёллар қисматини бир бор эсга олиб, мушоҳада юритиб кўришса, ёмон бўлмас эди.

Ижтимоий тараққиёт амалиёти шундан гувоҳлик берадики, эркинликни бой бериш осон, лекин бундай эркинликни, ўзининг инсонлик кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳатто уларнинг ҳуқуқий эътироф этилиши ҳолатида ҳам муҳофаза қилиш жудаям энгил ва осон бўлавермайди.

Аёлнинг диний урф-одат бўйича "никоҳ" ўқитиш йўли билан иккинчи хотин сифатида турмуш қуриши тенденцияси-юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар негизидаги муаммо янада жиддийроқ тусга эга. Диний шаклдаги никоҳ ўқишнинг ҳеч қандай айбли жойи йўқ. Бинобарин, никоҳдан ўтиш нафақат

шахсий иш, балки ҳар кимнинг ўз ҳуқуқи ҳамдир. Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонунига мувофиқ, "Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга" (31-модда). Бинобарин, ҳар бир киши ўз никоҳини ФХДЁда рўйхатдан ўтказиш билан бир қаторда диний никоҳ ўқитилишини сўраб тегишли муассасаларга ёки шахсларга мурожаат қилишлари мумкин. Лекин оила ҳуқуқи меъёрларига кўра фақат расмий тартибда рўйхатдан ўтказилган никоҳ юридик кучга эга бўлади. Диний шаклда ўқилган никоҳ эса юридик кучга эга бўлмайди. Демак, бундай никоҳ ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди. Бинобарин, ФХДЁда рўйхатдан ўтмасдан фақат диний никоҳдан ўтган аёл қонуний хотин мавқеига эга бўлмайди, чунки у никоҳда турган шахс деб эътироф этилмайди. Бу шуни англатадики, бундай аёл мол-мулкка, алимент олишга ва шу кабиларга даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Бундай никоҳ бекор бўлгани ҳолда аёл болалари билан ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоясиз ҳолатда қолади. Афсуски, кўпчилик аёллар, айниқса, қишлоқдаги аёллар ўз ҳуқуқий маданияти даражасининг пастлиги сабабли бунга ўхшаш никоҳларнинг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмайдилар. Бундай ҳол умуман аҳолининг, айниқса, мулла ўқиган никоҳнинг муқаддаслигига ишонадиган хотин-қизларнинг ҳуқуқий билим олиши муаммосини кескин қилиб қўяди.

Шундай ҳоллар ҳам эътиборга сазоворки, иккинчи хотин сифатида диний никоҳдан ўтган аёллар ўзларининг қонуний хотин эмасликларини билишганида ғоят ғалати аҳволга тушиб қолишади. Улар "худо номидан муқаддас деб эълон қилинган" никоҳнинг уларни шубҳали ҳолатга солиб қўйиши, никоҳга оид мақом ва ҳуқуқлардан маҳрум қилиши мумкинлигига ҳатто ишонгиси келмайди.

Ҳаётда кўп никоҳлилиқни қарор топтириш учун қўлланилаётган диний никоҳлар муаммоси ҳозирча уларни ўрганиш ва кўпайиши сабабларини аниқлаш объектига айланганича йўқ. Уларнинг тарқалиши миқёслари ҳақида фикр юритишга асос бўладиган статистика ҳам олиб борилмайди. Уларни аниқлашнинг ўзи ҳам даргумон, чунки аҳолини рўйхатдан ўтказиш жараёнида одатда фақат қонуний

2581876

рўйхатдан ўтган никоҳлар ҳисобга олинади. Кўпроқ бунга ўхшаш никоҳлар ҳақидаги маълумотлар "ёлғиз оналар" деган устунда акс эттирилади. Лекин бундай ҳолда ҳам аниқ статистикани аниқлаш қийин: чунки "ёлғиз оналар" деган тушунча аёлларнинг турли-туман тоифаларини - эридан ажрашганлар, бевалар, бола сақлаб олганлар ва бошқаларни ўз ичига олади. Шу сабабли аҳолини рўйхатдан ўтказиш жараёнида аниқ статистик маълумотларни олишга умид қилиб бўлмайди.

Ҳолбуки, гарчи бундай ҳодисанинг пинҳоний тусга эгалиги сабабли унинг миқёсларини тасаввур қилиб бўлмаса-да, муаммонинг ўзи мавжуддир. Унинг борлигини сезмаслик ёки умуман эътиборга олмасликка уриниш, афтидан, тўғри бўлмайди, чунки бундай қилиниши пировард натижада реал тенденцияга ва, бинобарин, унинг ижтимоий оқибатларига етарли баҳо бермасликка олиб келиши мумкин. Бунга ўхшаш "никоҳ"лар сонининг ўсиб бориши шубҳали никоҳ бекор бўлгани ҳолда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмай қоладиган хотинлар, уларнинг фарзандларини муқаррар равишда ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазалаш чора-тадбирларини кўришни тақозо этади. Аёл қанчалик итоаткор ва тобе бўлмасин, ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўлади ва "диний асосдаги хотин" оғир вазиятга тушиб қолиб, кўлидаги болаларини ёлғиз ўзининг қандай боқиши, ўстириши, ўқитиши таъвишлари бошига тушганида унинг бунга сабр қилиб жим туриши даргумон. Агар бундай ўзига хос тоифага мансуб "хотин"ларнинг одатда ҳеч қаерда ишламаслиги эътиборга олинса, уларнинг бу вазиятдаги аҳволи яна қанчалик чигаллашиши маълум бўлади. Аёлларнинг шубҳали никоҳдаги ҳуқуқларига оид хомхаёллардан халос бўлиши учун таъсирчан чора-тадбирларни ишга солиш лозим, деб ўйлаймиз. Аввало, ҳуқуқий тусдаги чора-тадбирлар зарур. Фикримизча, оила ҳуқуқи меъёрларида диний "никоҳ" урф-одати бўйича тузилган никоҳнинг ҳуқуқий оқибатларга эга бўлмаслиги тўғрисидаги қоида аниқ-равшан ифодаланиб қўйилиши керак.

Бу хилдаги аниқ ҳуқуқий қонданнинг белгиланиши аёлларнинг диний никоҳнинг уларга қонуний хотин мақомини бермаслиги, демак, ўзларининг турмуши учун маблағлар, болаларига алиментларни талаб қилиш, мол-мулкнинг бўлиниши хусусида

даъво тақдим этиш ҳуқуқларига эга бўлмаслигини англаб этишига ёрдам беради.

Гўёки амалда мавжуд бўлмаганидек, ҳатто одатда тилга ҳам олинмайдиган яна бир муаммо борки, у ҳам ҳаётда ўз ечимини топишга муҳтождир. Аслида эса, бундай муаммо бутун дунёда, ҳар бир жамиятда ва давлатда, шу жумладан, ўзимизда ҳам мавжуд. Гап хотин-қизлар камситилишининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ шакли ҳақида бормоқда. Оиладаги зўравонлик теран илдишларга эга. Яхши маълумки, уй-рўзгор тузилишига оид қондалар энг қадимги вақтлардан бошлаб уруғ бошлиғига оила аъзоларини, айниқса, "ўз хўжасининг қули бўлиш учун яратилган" аёлни айблаш ва жазолаш юзадан кенг ҳуқуқлар тақдим этган. Ҳозирги вақтдаги жинслар тенглигига эришиш соҳасидаги барча илгор ютуқларга хилоф равишда кишилар онгида сақланиб келаётган ўтмиш қолишлари хотин-қизларга нисбатан ўз табиатига кўра эркак ҳукмронлигига бўйсуниб учун даъват этилган зот сифатидаги нуқтаи назарни қўллаб келади. Бундай қараш оиладаги зўравонликнинг амалга оширилиши учун қувват манбаи бўлиб хизмат қилади.

Оиладаги зўравонлик хотин-қизларнинг муносиб турмуш кечириш, шахсий даҳлсизлиги, соғлиқ-саломатлик ва эркинлик учун бўлган ҳуқуқини йўққа чиқаради, чунки бундай муносабат уларни қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиқ неъматларидан фойдаланишга доир реал имкониятлардан маҳрум қилади.

Оиладаги зўравонлик гўё хусусий ишдир, деган кенг тарқалган нуқтаи назар шахс ҳуқуқлари поймол қилинишини шубҳа остига қўяди, бу билан унинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш зарурияти инкор қилинади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари ҳам шундай фикрда бўладиган ҳоллар ғоят ташвишлидир.

Яхши маълумки, милиция ҳам ҳамма мамлакатлардаги полиция сингари оиладаги жанжаллар ва тўпалонлардан четроқ туришни афзал кўради, улар бундай ҳодисаларни оиланинг ўз ички иши, деб ҳисоблайди. Одатда бирмунча оғир оқибатларга олиб келадиган оиладаги зўравонлик ҳолларигина бундай органларнинг диққат-эътибор объекти бўлади. Ҳолбуки,

оиладаги зўравонлик ҳолларига ўз вақтида, жадал аралашиб оғир оқибатларнинг олдини олиши, таъбир жоиз бўлса, "илдизига болта уриши" мумкин.

Оиланинг бошқа аъзолари ҳам уйдаги зўравонлик объекти бўлиши мумкин, лекин хотин-қизлар айнан аёл кишилар бўлгани учун ҳам ўз ҳуқуқлари ва эркинликларида кўпроқ камситилади. Бунга кўп жиҳатдан эскирган урф-одатлар, диний қарашлар ҳам кўмаклашади. Зўравонликни фақат жисмоний калтаклаш, жароҳат етказишлардан иборат деб билиш хато бўлур эди, чунки зўрлик - зўравонлик ҳолатлари инсоннинг руҳий аҳволига хавф соладиган руҳий таъсир кўрсатиш шаклларида ҳам намоён бўлади. Хотин-қизлар баъзан шундай ҳақоратли оғир вазиятларга ҳам дучор қилинадики, улар энг сўнгги чораларни қўллашга, ҳатто ўз жонига ўзи қасд қилишга мажбур бўлиб қолади.

Оиладаги зўравонлик ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиётида учраб туради. Масалан, Республика прокуратураси томонидан назорат тартибида кўриб чиқилган бир қанча ишлар шундан гувоҳлик берадики, эр томонидан ўз хотинига нисбатан жисмоний зўравонлик кўрсатиш ҳолларининг ўз вақтида тўхтатилмаганлиги баъзан фожиали оқибатларга олиб келган. Ўз эри томонидан мунтазам равишда калтакланишлар ва хўрланишларга, қайнонаси ва эр томондаги бошқа қариндошларнинг ҳақоратли муносабатларига чидай олмасдан - кичик ёшли қизчасини қолдириб, ўз жонига ўзи қасд қилган бир аёлнинг тақдири айнан шундай яқунланган.

Ҳолбуки, у бир неча марта ота-онасига ёрдам сўраб мурожаат қилган. Бироқ ўзлари ҳам ёзилмаган урф-одатлар қули бўлган ота-она қизини сабр-бардош қилиш, "оила номига доғ туширмаслик" учун ўз хўрланишларини ошкор этмасликка ундаб келишган.

Боласизлиги сабабли доимий ҳақоратларга дучор қилинган бошқа бир аёл қисмати ҳам шундай фожиали тутаган. Эрининг ўз ўйнашини уйига бошлаб келиши, унинг сабр косасини тўлдириб юборган охирги томчи бўлади. Ночор аҳволда қолган аёл ўз-ўзига ўт қўйишга қарор қилади. Унинг ҳаётини сақлаб қолишининг иложи бўлмаган.

Эрининг доимий равишда калтаклайвериши сабабли ундан ажралишини сўраб судга кўп марта мурожаат қилган,

лекин мурожаатлари жавобсиз қолаверган аёл тақдири ҳам шу тарзда якун топган. У мунтазам қийноқларга дош беролмасдан ўзини ўзи ўлдирган.

Унинг эридан ўз вақтида ажратиш муаммонинг бундай ечимига олиб келмаган бўларди.

Зўравонлик илдизларини аввало фикрлаш андозаларидан, ҳуқуқий маданиятнинг паст даражадалиги, қонунларни билмаслик, инсоний тараққиёт йўлига жиддий тўсиқ бўлиб келаётган, аллақачон ўз умрини яшаб бўлган, эскирган урф-одатларнинг яна қайта тикланиши ҳолларидан излаш керак.

Эрлари эскирган урф-одатларга амал қилиб, ўз хотинларининг ишлашини, ўқишни давом эттиришини тақиқлайдиган, бундай "ақлсиз хотинларининг ақлини киритиб қўйиш учун" жисмоний зўравонлик ишлатилган хотинларни дискриминация қилиш ҳоллари шу билан изоҳланмайдими, ахир?

Ижтимоий онгда қотиб қолган асрий одатларнинг кучи одамлар иродасини шунчалик ўз измига олганки, хотин-қизларни ўз итоатида тутиб туриш, турмушда уларнинг мутелиги ва тобелигини таъминлаш учун улар онгига жисмоний ва руҳий таъсир қилишнинг минг хил усуллари қўлланилади.

Энг хавфлиси шуки, хотин-қизлар, шу жумладан, ўсиб келаётган қизлар билан қўпол муносабатда бўлишнинг ҳар хил шакллари "миллий анъаналар ва урф-одатлар" сифатида қабул қилинади ва уларни авлоддан авлодга давомийлик ҳуқуқига биноан етказиш керак, деб талқин этилади. Бундай кайфиятлар турмушда "муштумзўрлик ҳуқуқи"нинг жорий этилишига олиб келади.

Ҳайратланарли ҳол шундан иборатки, бунга ўхшаш анъананинг инсонга, айниқса, катта ёшдагилар ва болаларга ҳурмат-эътиборли муносабат ҳиссини юксак қадрлайдиган халқ менталитетининг табиатига зид эканлиги хусусида ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмайди. Фарғона водийсида то шу кунгача ҳатто болаларга ҳам "Сиз" деб мурожаат қилиш одати авайлаб сақланиб келинмоқда. Бундай муносабатнинг кенг сингдирилиши билан, болами ёки катта ёшдаги кишими эканлигидан қатъи назар, ҳар бир шахснинг шаъни ва қадр-қиммати таъкидлаб кўрсатилади. Чунки "қайсики зот бор", унинг одам эканлиги

муҳимдир. Катта ёшдаги кишиларга нисбатан намоён қилинадиган иззат-ҳурмат ҳам ана шундан далолат беради.

Катталарга нисбатан ҳурмат - шунчаки оғзаки чақириқлар эмас. Бундай муносабат аввало ота билан онага нисбатан иззат-ҳурматни тарбиялашга қаратилган. Бу - одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бутун бир фалсафаси бўлиб, бунда ҳар қандай катта ёшдаги киши иззат-ҳурмат қилинадиган яқин кишилар қаторида кўрилади. Катталарга нисбатан "она", "ота", "ака" ва "опа" деган сўзлар билан мурожаат қилиниши бежиз эмас.

Бундай муомала этикаси ҳар бир киши, ҳар бир шахснинг миллий, ирқий ёки гендер жиҳатдан фарқ қилишига қарамасдан уларнинг кадр-қимматига нисбатан ҳурмат-эҳтиром рамзини ифодалайди.

Мусулмон оилаларда, одатда, дастурхон атрофига ота-она келиб ўтирмасидан олдин оиланинг кичик аъзолари сабр қилиб туришади. Мабодо улар дастурхон атрофидан жой олишган бўлишса-да, ота-она хонага кириб келишлари ҳамон уларнинг иззат-ҳурмати сабаб, албатта, ўринларидан туриб қарши олишади. Ота-она билан муомаланинг одатдаги кундалик амал қилинадиган таомили ана шундай. Шу сабабли ҳам, эркакнинг аёлига-ўз болаларининг онасига қарши қўл кўтаришга йўл қўйиши таажжубли ҳолдир.

Шуниси ачинарлики, бунга ўхшаш манзара бола онгида муҳрланиб қолади ва унинг фикрлаш тарзи, келгусида оиладаги салбий феъл-атворини шакллантираборади.

Агар ўғил бола бўлса- у отасидан кўрган ҳаракатларни келгусида ўз хотини ва қизларига нисбатан қўллайдиган бўлади. Мабодо қиз бола бўлса, келгусида у ҳам итоаткор, муте ва эрининг жисмоний ёки руҳий тусдаги ҳар қандай азобларига дош бериб чидайдиган бўлиб ўсади.

Оиладаги зўравонликнинг юқумли ҳолати шу тарзда давом этиб келади. Лекин, барибир, уй-рўзғордаги зўравонлик ҳолатини "миллий анъана" сифатида баҳолаш хато бўларди. Фикримизча, у барча халқларга, барча жамиятлар ва маданиятларга хос бўлган зарарли, асрлар оша яшаб келаётган хунук одатдир. Биринчидан, хотин-қизларнинг камситилишига қарши, улар устидан зўравонлик қилинишини бартараф этишга қаратилган, ўз моҳиятига кўра универсал бўлган халқаро

Конвенцияларнинг қабул қилиниши ана шундан гувоҳлик беради.

Давлатларнинг ўзи оиладаги зўравонликка қарши махсус декларацияларни қабул қилиши ҳам бундай ҳолатнинг кенг тарқалганлигини кўрсатади. Масалан, 1995 йил декабрида оиладаги зўравонликка қарши курашишга бағишланган Иккинчи умумпольша конференциясида қабул қилинган "Польша декларацияси" шулар қаторига киради.

Одамнинг қадр-қимматига даҳлдор зарарли одатлар тубдан йўқ қилиб ташланиши керак. Бундай одатларни улар одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга сингиб улгурмасидан олдинроқ кескинлик билан йўқотиш керак бўлади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1993 йилда қабул қилинган хотин-қизлар устидан қилинадиган зўравонликни бартараф этиш тўғрисидаги Декларациянинг давлатларни "Хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган зўравонликни қоралашга ва зўравонликни бартараф қилиш бўйича мажбуриятларни бажармаслик учун ҳеч қандай урф-одатлар, анъаналар ёки диний анъаналарни важ қилиб кўрсатмаслик"ка даъват қилганлиги тасодифий ҳол эмас.

Декларация давлатларни хотин-қизларга нисбатан қилинадиган зўравонликни бартараф этишга қаратилган сиёсатни "барча имкони бор усулларни қўллаб ва зудлик билан" амалга оширишга киришишга чақиради. Декларация ушбу мақсадга эришишга йўналтирилган чора-тадбирлар қаторида хотин-қизларни дискриминация қилишнинг ҳамма шакллариغا барҳам беришга доир Конвенцияни ратификация қилиш ёки унга қўшилиш, хотин-қизларни зўравонликнинг ҳар қандай шаклидан ҳимоя қилишга ёрдам берадиган огоҳлантирувчи ёндошувлар, юридик, сиёсий, маъмурий, маданий тусдаги барча чора-тадбирларнинг кенг ривожлантирилишини назарда тутди.

Хотин-қизлар устидан қилинадиган зўравонлик ҳолларининг "гендер жиҳатларни ҳисобга олмасдан ишлаб чиқилган қонунлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарасиз фаолияти сабабли" юз бермаслигига алоҳида эътибор қаратилади.

моҳиятини, ҳар бир мамлакатда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат миқёсидаги чора-тадбирлар қабул этилиши ва амалга оширилиши зарурлигини таъкидлайди.

Бир қатор мамлакатларда оиладаги зўравонликни бартараф қилиш тўғрисида махсус қонунлар ишлаб чиқилган, уйдаги зўравонлик қурбонларига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш юзасидан ихтисослаштирилган хизматлар, тинчлик марказлари, ишонч телефонлари, бошпаналар ва шу қабилар ташкил этилган. Дарвоқе, халқаро тажрибанинг ўрганилиши ундаги ижобий ютуқлардан маҳаллий ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бизнинг турмушимизда ҳам қўлланишга ёрдам берган бўлур эди.

Ўзбекистонда ҳозирча хотин-қизларга қарши зўравонликни бартараф қилиш тўғрисида махсус қонун қабул қилингани йўқ. Мамлакат қонунларида шахсни камситадиган қоидаларга йўл қўйилмаган. Аксинча, барча қонунчилик ҳужжатлари Конституциядаги барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги (18-модда), хотин-қизлар ва эркаларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги (46-модда) ҳақидаги қоидаларни ривожлантиради ва аниқлаштиради. Бироқ юридик жиҳатдан дискриминация қилишнинг йўқлиги хотин-қизларнинг амалда камситилиши ҳолларини истисно этмайди. Ҳаётда учрайдиган дискриминация қилиш, уйдаги зўравонлик ҳоллари алоҳида киши учун ҳам, умуман жамият учун ҳам салбий моҳият касб этади, улар давлатнинг ҳуқуқ воситасида ўрнатган умумий ҳуқуқий тартибига путур етказилади.

Буларнинг ҳаммаси хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган зўравонликнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши зарурлигини кўрсатади. Бунга ўхшаш чора-тадбирлар ишлаб чиқилишининг долзарблиги яна шу билан боғлиқки, Ўзбекистон Республикаси 1995 йилдаёқ юқорида кўрсатилган хотин-қизларни дискриминация қилишнинг ҳамма шакллари бартараф қилиш тўғрисидаги Конвенцияни имзолаган эди.

Бизнингча, оилавий муносабатларнинг инсоний-лаштирилишига қаратилган "Оилада зўравонликни бартараф

қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши оиладаги зўравонликка барҳам бериш ишида ҳуқуқий негиз бўлиб хизмат қилган бўлур эди. Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган яхлит давлат тизимини, зўравонлик қурбонлари бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган ихтисослаштирилган хизматларни ташкил этиш шартлари ва тартибини бир изга соладиган қонуннинг қабул этилиши зўравонликни бартараф қилиш бўйича амалда превентив таъсир кўрсатган бўлур эди.

Бундай қонун хотин-қизларга қарши ҳар қандай, айниқса, оиладаги зўравонлик турининг ижтимоий моҳиятини тушуниш даражасини анча кўтарган бўларди.

Шубҳасиз, бундай қонуннинг қабул қилинишининг ўзиёқ хотин-қизларга қарши зўравонликнинг йўл қўйилиши мумкинлигини истисно этадиган янгича ҳуқуқий тафаккурнинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Муаллиф шахсга қарши жиноятлар учун юридик жавобгарликни назарда тутадиган меъёрлардан иборат мустақил бўлимни ўз ичига олган Жиноят кодекси мавжудлигини сабаб қилиб кўрсатиб, махсус қонуннинг қабул қилиниши юзасидан эътирозлар билдирилиши мумкинлигини билади. Жиноят кодексида, дарҳақиқат, шундай бўлим бор. Бироқ шуни ҳисобга олиш керакки, унда белгиланган юридик жавобгарлик умумий, табақалаштирилмаган, чунки у ҳар қандай шахсга ҳам тегишлидир. Ишлаб чиқиш учун таклиф этилаётган қонун лойиҳаси эса муайян тоифадаги кишилар, яъни, айнан - хотин-қизларни оиладаги зўравонликдан ҳимоя қилиш юзасидан махсус механизмлар ташкил этилиши билан боғлиқдир. Қўйилаётган таклифнинг моҳияти ана шунда. Бундай қонунда юқорида кўрсатилган хотин-қизлар устидан қилинадиган зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги Декларацияда қайд этилган "гендер жиҳати" ҳисобга олинади.

"Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация"нинг эълон қилиниши инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш соҳасида катта аҳамият касб этган бўлар эди.

Маълумки, декларациялар ўз табиатига кўра ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмайди, бироқ улар ўзининг маънавий кучи билан кишилар онгига шакллантирувчи таъсир кўрсатади.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилларини эълон қиладиган "Декларация"нинг қабул этилиши унга хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги асосий ҳужжат сифатида мурожаат қилиш имконини беради. Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг кўплаб андазалари ва тамойиллари ҳозирча миллий қонунларда ўз аксини топмаганлиги сабабли уларни юқорида айтилган "Декларация"да қайд қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, амалдаги Оила кодексида оилавий аҳвол бўйича хотин-қизларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги, уйда, яъни оиладаги зўравонликнинг йўл қўйилмаслиги тамойиллари акс эттирилмаган, уларнинг болалар сони ва уларнинг тузилиши оралигидаги муддатлар ёки болаларга васийлик, нозирлик, ишонч қоғози берувчи шахс ва уларни сақлаб олувчи бўлиш ҳуқуқи ҳақидаги масалани эркин ва мустақил ҳал этиш ҳуқуқи айтиб ўтилмаган ва ҳоказо.

Шуни қайд қилиш керакки, халқаро ҳамжамиятда халқаро андозаларнинг унинг аъзолари бўлган давлатларнинг миллий қонунларига имплементация қилиниши тўғрисидаги қатъий талаб мавжуддир. Бизнинг давлатимиз ҳам халқаро ҳамжамиятнинг унга аъзо бўлган бошқа давлатлар сингари тенг ҳуқуқли аъзоси. Шунинг учун имплементация муаммоси унинг учун ҳам халқаро ҳамжамиятга аъзо бўлган бошқа давлатлар каби долзарб ҳисобланади.

Юқорида қайд қилинган тамойиллар миллий қонунлар соҳасига, жумладан, оила ҳуқуқига имплементация қилиниши лозим бўлган асосий халқаро андазалар қаторига киради. Ҳозирча шундай қилинмаган бўлса-да, мазкур Кодексга тегишли ўзгартиришларни киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз, чунки бундай тамойилларни барча фуқаролар ва, айниқса, ўзининг ҳуқуқни қўлланиш фаолияти жараёнида уларга амал қилиши шарт бўлган судьялар билиши керак. Бундай тамойиллар ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи фаолиятининг негизидан ўрин олиши лозим. Дискриминация қилиш ва зўравонликка йўл қўймаслик тамойиллари Оила кодексида мустаҳкамлаб қўйилганидан кейин, фикримизча, милиция оиладаги зўравонлик фактларига "шахсий, хусусий иш" соҳаси деб қарамаса керак.

Ушбу тамойлларнинг ҳаммаси муҳим ижтимоий аҳамиятга эгаллиги сабабли эълон қилиши учун таклиф қилинаётган "Декларация"да ўз аксини топган бўларди.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича Омбудсман институтидан фойдаланиш масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак.

Бундай институт Европада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун бир неча асрлар давомида муваффақиятли қўлланилаёпти. Фикримизча, ушбу институтнинг жорий этилиши хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича самарали чоралардан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин. Унинг фаолият кўрсатиши хотин-қизлар ҳуқуқлари поймол қилинишининг ҳар қандай шаклининг ижтимоий моҳиятини, уларни ҳимоя қилишнинг ҳаётий муҳим эканлигини таъкидлаб туради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳар хил тузилмалари ва, аввало, судьялар, ички ишлар ва прокуратура органлари хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта роль ўйнашга даъват этилган. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида Ўзбекистон халқининг инсон ҳуқуқларига содиқлиги таъкидланади. Бу шуни англатадики, ҳар бир киши, давлат органларининг барча ходимлари инсон ҳуқуқлари концепцияси билан таништирилиши лозим. Ҳолбуки, Конституцияда умумэътироф этилган халқаро меъёрлар устуворлигининг тан олиниши билан ана шу меъёрларга асосланиш лозимлиги тўғрисидаги алоҳида, айтиш мумкинки, касбий мажбурият аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари зиммасига юкланади.

Бироқ бундай органларнинг ҳамма ходимлари ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги халқаро андазалар билан танишми, уларнинг муҳим аҳамиятга эгаллигини англашадими?

Инсон ҳуқуқлари, шу жумладан, хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳужжатлар қоидалари ҳали ҳам миллий қонунларга имплементация қилинмаганлиги сабабли ушбу меъёрларни билиш алоҳида долзарб бўлиб қолаёпти. Бинобарин, кундалик фаолият амалиётида давлатимиз эътироф этган халқаро андазаларга бевосита мурожаат қилиш

зарурияти пайдо бўлмоқда. Шубҳа йўқки, юксак мақсадига кўра ҳам инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш органлари уларнинг қўлланилиши ва риоя этилишида бош-қош бўлишлари лозим. Ушбу органларнинг "ҳуқуқни муҳофаза қилувчи" деб аталиши ҳам бежиз эмас.

Фикримизча, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андазаларни билиш ва уларга риоя этиш борасидаги малакаларини оширишга биринчи даражали аҳамият берилиши керак. Таълимнинг тренинг семинарлари, "давра суҳбатлари" ва бошқа шакллар типидagi замонавий услубларини қўлланилиши ўз хизмат тури бўйича одамлар манфаатларини ҳимоя қилишга касбий жиҳатдан даъват этилган ва бу вазифани бажариши шарт бўлган хизматчилар малакасини оширишга ёрдам бериши керак.

Хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган зўравонликни тугатиш оддий муаммо эмас. Унинг ечими кўплаб ранг-баранг омилларга, шу жумладан, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантирилиши, унинг умумий маданияти савияси, фуқаролик жамиятининг етуқлиги даражаси, демократия ва бошқаларга боғлиқ. Ушбу муаммони ҳал этиш учун давлат ва жамиятнинг биргаликдаги куч-гайратлари талаб этилади. Шунинг учун фақат ҳуқуқий тусдаги чора-тадбирлар етарли бўлмайди. Ҳозирча шаклланиш босқичида бўлган мазкур муаммони астойдил ўрганмасдан туриб самарали ечимни топиш қийин. Шуни қайд қилиш керакки, айтиб ўтилган муаммонинг тадқиқ этилиши ишончли ахборотнинг йўқлиги, оила соҳасининг ёпиқлиги, уйдаги зўравонлик қурбонлари бўлган аёлларнинг ўзларининг шахсий дарду-аламларини ошкора этишни, устига устак суд органларига мурожаат қилишни хоҳламаслиги билан боғлиқ кўплаб қийинчиликларга дуч келади. Шу сабабли хотин-қизларга қарши содир қилинган зўравонлик ҳақида суд амалиёти, шунингдек, тегишли статистика ҳам йўқ. Шахсга қарши жиноятларга доир мавжуд статистика анча умумий, табақалашмаган бўлиб, бу, табиийки, зўравонлик объекти бўлган аёлларни аниқлаш ва улар сонини белгилаш имкониятини қийинлаштиради. Шубҳасиз, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг шахсга қарши содир этилаётган жиноятлар ҳақидаги статистик маълумотларни тақдим этиш

тизими анча мукаммал, жинсларга, жиноятлар турларига ва бошқа муҳим мезонларга қараб ажратилиши лозим.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳасида вужудга келаётган айрим муаммоларга мурожаат қилиш ҳаётда намоён бўлаётган йўналишлар шахс ва жамият манфаатлари учун нохуш салбий ҳодисаларнинг олдини олишга кўмаклашадиган аниқ чоратadbирларни белгилаш учун батафсил ўрганилиши керак. Тадқиқотчилар давлатнинг ташаббусчилик ёрдамига, инсон ҳуқуқлари, жумладан, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари соҳасида содир қилинаётган бузилишларнинг умумдавлат миқёсидаги статистик ҳисобининг тартибга солинишига муҳтождир. Ҳар қандай тадқиқотнинг натижаси пировард оқибатда конструктив хулосалар чиқаришга имкон берадиган ўрганилаётган фактлар, статистик материалнинг ишончлилик даражасига боғлиқ бўлади.

Мақолада кўриб ўтилган масалалар амалий ҳал этилиши ва ижтимоий тараққиёт жараёнида амалга оширилиши нуқтаи-назаридан туриб ўрганилиши керак. Булар инсон ҳуқуқлари умумий муаммосининг фақат кичик бир қисми ҳисобланади.

ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАР СОҲАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ДИСКРИМИНАЦИЯ ҚИЛИНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАСЛИГИ

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга оширилишидаги тенглик, ҳамманинг қонун олдида бараварлиги ва дискриминация қилинишга йўл қўйилмаслик, ҳар бир кишининг тенг ҳимоя қилиниши - инсон ҳуқуқлари соҳасида асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган ва умум эътироф қилинган халқаро андазалар ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясининг муқаддимасида "инсон оиласининг ҳамма аъзоларига хос бўлган кадр-қиммат ва уларнинг тенг ҳамда ажралмас ҳуқуқларининг эътироф этилиши эркинлик, адолат ва ялпи тинчликнинг негизидир", деб эътироф қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар сингари эркаклар билан хотин-қизлар ҳуқуқларининг тенглигини мустаҳкамлайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглигини назарда тутди.

Конституциянинг 46-моддасига мувофиқ, хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

Конституциянинг 44-моддаси ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида амал қиладиган кўп сонли қонунчилик ҳужжатлари Конституциянинг юқорида келтирилган қоидаларини бундай ҳужжатлар тартибга солиб турадиган ижтимоий муносабатларга нисбатан аниқлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси меҳнатга

оид муносабатларда имкониятларнинг тенглиги ва дискриминация қилишнинг тақиқланишига жиддий эътиборни қаратади. Хусусан, ушбу Кодекснинг 6-моддаси биринчи қисмига биноан "барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар дискриминация қилиш деб ҳисобланади".

Меҳнат кодекси 6-моддасининг учинчи қисми меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахснинг дискриминация қилишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкинлигини назарда тутди.

Шундай қилиб, **Ўзбекистон Республикасида эркаклар билан хотин-қизлар ҳуқуқларининг тенглиги ва жинсий белгига кўра дискриминация қилишга йўл қўйилмаслиги қонунлар орқали мустаҳкамлаб қўйилган, дискриминация қилишга дучор бўлган шахснинг ўзини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти, суднинг бузилган ҳуқуқни қайта тиклаши ва дискриминация қилиш оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланиши назарда тутилган.**

Шу билан бирга, **Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар каби хотин-қизлар ҳуқуқларининг эркаклар ҳуқуқлари билан шунчаки оддий тарзда тенглаштириб қўйилишининг ўзи уларнинг ҳақиқий тенглигини таъминлай олмаслигига асосланади.** Бу, жумладан, шу билан изоҳланадики, аёллар жамиятда эркаклар бажарадиган функцияларни бажариш билан бир қаторда ўзига хос яна бир функция - оналик функциясини ҳам амалга оширадилар. Бинобарин, хотин-қизларнинг ҳуқуқий мақоми, яъни уларга тегишли ҳуқуқлар ва бажарадиган мажбуриятлар мажмуи эркакларнинг ҳуқуқий мақоми билан айнан бир хил бўлмаслиги керак.

Амалдаги қонунларга биноан хотин-қизлар эркакларга ҳам тегишли бўлган ҳуқуқларга эга бўлиш билан бирга оналик билан боғлиқ қўшимча ҳуқуқларга ҳам эга бўлишади. Бундай қўшимча ҳуқуқлар эркаклар билан хотин-қизларнинг тенглигини таъминлашга қаратилгани сабабли бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши дискриминация сифатида баҳоланмаслиги керак. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 6-моддасининг меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга мухтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар дискриминация қилиш деб ҳисобланмаслигини назарда тутадиган иккинчи қисмида ана шу ҳолатга эътибор қаратилган.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий мақоми, шунингдек, аёллар ва улар фарзандларининг саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилган муайян тақиқлашлар ва чеклашларнинг белгиланиши билан ҳам тавсифланади. Бунда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга (бундай ҳол, айниқса, ХМТ Конвенцияларида аниқ ифодаланган) ва миллий қонунларга мувофиқ бундай чеклашлар дискриминация қилиш сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмас, чунки улар аёллар манфаатларини кўзлаб жорий этилади.

Лекин, барибир, шу нарсани қайд қилиш керакки, одамнинг имкониятларини чеклайдиган тақиқлаш - бу ҳуқуқий тартибга солишнинг энг содда ва ҳар доим ҳам мўлжалланган мақсадга олиб боравермайдиган воситасидир. Айнан шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, масалан, хотин-қизлар меҳнатини қўллаш соҳасида кўпгина чеклашлардан воз кечилди ва улар манфаатларини ҳимоя қиладиган бошқа бирмунча мойил механизмлар назарда тутилган. Бундай ёндошув ХМТнинг хотин-қизлар меҳнати тўғрисидаги Конвенциялари талабларига тўлиқ мос келади.

Аниқ бир мисолга тўхталамиз. Бундан илгари амал қилган Меҳнат ҳақидаги қонунлар кодекси ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларга жалб қилишга йўл қўйилмаслигини назарда тутарди. Амалда эса аёллар учун берилган бундай қўшимча имтиёз кўпинча "аксилимтиёз"га айланиб қоларди.

Маълумки, уч ёшга тўлмаган боласи бор ишловчи аёлларнинг кўпчилиги болани парваришлаш учун бериладиган таътилларда бўлишади. Айтайлик, аёл боласи икки ёшга тўлганидан кейин, яъни қисман ҳақ тўланадиган таътил тугаганидан сўнг моддий қийинчиликлар сабабли ишга чиққан. Шундай ҳам бўладики, бундай аёлнинг ўз моддий аҳволини яхшилаш учун иш вақтидан ташқари ишларда, дам олиш ёки байрам кунларида ишлашни хоҳлайди. Орттирилган (камида икки баравар) миқдорда ҳақ тўланадиган бундай иш унинг қўшимча иш ҳақи олиши ва уни ана шу боланинг ўзига сарфлаш учун имкон бериши мумкин. Бироқ илгари амал қилиб келган қонунлар буни тақиқлаб қўйган эди. Она ва бола манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида белгиланган имтиёз, аксинча, уларнинг манфаатларига мос келмаслиги мумкин.

Ҳозир амал қилаётган Меҳнат кодекси ушбу масаланинг бундай бир ёқлама ва жўн ечимидан воз кечди ва ҳомиладор аёлларнинг ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёллар уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, жалб қилинишига ва хизмат сафарига юборилишига йўл қўйилмаслигини назарда тутди. Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиги учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Шубҳасиз, янги тартиб аёллар манфаатларини кўпроқ ҳисобга олади, чунки уларнинг нима қилиши лозимлиги олдиндан белгилаб қўйилмайди, балки бундай қилиш учун уларнинг ўзларига имконият тақдим этилади.

Айтилган мулоҳазалар асло меҳнат фаолияти соҳасида аёлларга нисбатан ҳамма чеклашлардан умуман воз кечилиши керак, деган фикрни англатмайди. Бундай чеклашлар имкони борица камайтирилиши ва фақат уларни қўлламаслик мумкин бўлмаганида ҳамда аёллар саломатлигини ҳимоя қилиш учун зарур бўлганида белгиланиши лозим. Масалан, амалдаги қонунларда аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай ишлар рўйхатининг ҳамда улар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган юк нормалари чегарасининг аниқ белгилаб қўйилиши мутлақо асосланган

ҳолдир.

Болаларни парваришлаш билан боғлиқ ҳуқуқларга аёл қанчалик кўпроқ эга бўлса, жинсларнинг тенг ҳуқуқлилиги шунчалик тўлиқроқ таъминланади, деган фикр ҳали ҳам кўп тарқалган. Аслида эса болаларни парваришлаш билан боғлиқ ҳуқуқларнинг фақат аёллар томонидан амалга оширилиши, бир томондан, уларнинг бошқа ҳуқуқларини (меҳнатга оид, сиёсий ва шу кабилар) эркаклар билан барабар шарт-шароитларда амалга ошириш имкониятларини чеклаб қўяди, бошқа томондан эса, эркакларнинг болаларни парваришлаш соҳасидаги ҳуқуқларининг асоссиз тарздаги камситилиши сифатида баҳоланиши мумкин. Айнан шунинг учун кейинги йилларда қабул қилинган қонунларда биологик сабабларга кўра фақат аёлларга тегишли бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқларнинг (масалан, ҳомиладорлик ва туғиш учун ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқи) болаларни тарбиялаш билан боғлиқ бошқа ҳуқуқлардан ажратилиш гоёси қатъийроқ намоён бўлмоқда. Тарбия соҳасидаги ҳуқуқларнинг амалга оширилишини нафақат аёллар, шу билан бирга эркаклар зиммасига ҳам бемалол ишониб топширса бўлаверади.

Масалан, кўп йиллар мобайнида болани уч ёшга тўлгунига қадар парваришлаш учун таътил фақат аёлларга берилиши мумкин эди. Бироқ вазият шундай бўлиши ҳам мумкинки, боланинг онаси бирмунча юқори миқдордаги маошли ишда ишлайди ва шу сабабли оила манфаатларини кўзлаб, онанинг ўзи туғишдан кейинги таътил тугаганидан сўнг ишга чиқиши, болани парваришлаш учун таътил эса боланинг отаси ёки оиланинг бошқа аъзоси томонидан фойдаланиши мумкин. Шунинг учун амалдаги қонунлар бундай таътилдан ким фойдаланиш ҳақидаги масаланинг ҳал этилишини оиланинг ихтиёрига топширади.

Бугунги кунда болани парваришлаш учун бериладиган таътиллار тўлалигича ёки қисман нафақат онага, шу билан бирга болани амалда парваришлайдиган отага, бувига, бувага ёки бошқа қариндошларга тақдим этилиши мумкин.

Айни бир пайтда шуни ҳам қайд қилиш керакки, амалдаги қонунларда анчагина ҳал этилмаган масалалар, зиддиятлар ҳам мавжуд. Улар кўпинча аёллар ва эркакларнинг болаларни тарбиялаш соҳасидаги тенг ҳуқуқлигига путур

етказди.

Масалан, пенсия таъминотига доир қонунлар уч ёшга тўлмаган болаларни парваришлайётган ишламайдиган аёллар учун муайян имтиёзларни назарда тутди. Таъкидлаймизки, бу ўринда гап бундай имтиёзларнинг кераклиги ёки йўқлиги ҳақида эмас (бу масала алоҳида кўриб чиқишни тақозо этади), балки бундай имтиёзларнинг фақат аёлларга тегишлилигининг асосли ёки асоссиз эканлиги хусусида бормоқда.

Шундай қилиб, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунда назарда тутилган шартларга риоя қилингани ҳолда ишламайдиган аёлнинг болани уч ёшга тўлгунига қадар парваришlash даври жами ҳисоблаганда олти йилгача бўлган муддат билан иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Амалиётда шундай ҳоллар учрайдики, масалан, боланинг отаси корхона тугатилганлиги муносабати билан ишини йўқотган, она эса оилани таъминлаш учун ишга чиқишга мажбур бўлади. Агар ишламайдиган ота болани уч ёшга тўлгунига қадар унинг парваришланишини амалга оширганида ҳам, барибир, бундай парваришлар даври унинг меҳнат стажига киритилмайди. Шундай ажиб ҳол юзага келадики, бунда қонунлар, бир томондан, болани уч ёшга тўлгунига қадар унинг парваришланишини нафақат она, шу билан бирга боланинг отаси (ёки оиланинг бошқа аъзоси) амалга ошириши мумкинлигини эътироф этади, бошқа томондан эса, болани кўрсатилган ёшгача тарбиялаш даври фақат ишламайдиган онанинг меҳнат стажига киритилиши мумкинлигини назарда тутди. Амалга оширилиши аёл ва бола манфаатларига жавоб берадиган қўшимча ҳуқуқларнинг фақат эркаклар учун мустақамлаб қўйилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги янгилик бўлди. Хусусан, Меҳнат кодекси 144-моддаси тўртинчи қисмида ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларининг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилиши назарда тутилган.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг яқуни сифатида шу нарсани яна бир бор қайд қилиш керакки, эркаклар билан хотин-қизларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга нисбатан бараварлаштирувчи, "ҳамма нарса бир хил бўлиши керак" қабилидаги тамойилга асосланган

ёндошув мутлақо тўғри бўлмайди. Фақат миллий қонунчилик халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлигига асосланиб, инсон ҳуқуқларининг бузилмаслиги ва бирлигини эътироф этиб, ҳар қандай, шу жумладан, жинсий белгига кўра ҳам дискриминация қилишга йўл қўйилмаслигини мустаҳкамлаб, оналик ва болаликнинг қўллаб-қувватланиши ва химоя қилинишини кафолатлаб, эркаклар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий мақомидаги уларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилган тафовутларни назарда тутадиган ва уларга тегиш ҳуқуқлар ҳамда қонун билан химояланадиган манфаатларнинг амалга оширилишига кўмаклашадиган ҳолда бўлганидагина хотин-қизлар ва эркакларнинг чинакам тенг ҳуқуқли бўлишига эришилади.

Ўзбекистонда демократик ислоҳотларнинг амалга оширилиши, бозор иқтисодиётининг шаклланиши миллий қонунларни ислоҳ қилиш заруриятини, уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андазаларга яқинлаштирилишини тақозо этди. Ишонч билан айтиш мумкинки, республикада нафақат аёллар ҳуқуқлари жиддий бойитилди, шу билан бирга уларнинг ижтимоий фаоллиги ҳам ошди.

Айни бир пайтда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида, одамлар онгида туб ўзгаришлар юз берди. Бундай ўзгаришлар миллий қонунларга ўзгартиришлар, шу жумладан, аёлларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ўзгаришларнинг киритилишини, ҳуқуқни қўлланиш амалиётининг такомиллаштирилишини объектив тарзда тақозо этмоқда. Ушбу фикр-мулоҳазалар муносабати билан, хотин-қизларнинг бир қатор ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларни амалга ошириши жараёнида амалиётда вужудга келаётган айрим муаммолар хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан химояланиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланган.

Амалдаги қонунлар эркаклар ва хотин-қизлар ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнатга оид муносабатларда

дискриминация қилишга йўл қўйилмаслигини эълон қилиш билан бирга аёлларга ва оилавий вазифаларни ижро этиш билан машғул бўлган бошқа шахсларга меҳнат соҳасида анчагина қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар берилишини назарда тутди. Иқтисодий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда корхоналар жамоа шартномаларида ва бошқа локал ҳужжатларда ишловчиларнинг ушбу тоифаси учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатларни назарда тутиш мумкин.

Шуни қайд қилиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси лойиҳаси Халқаро меҳнат ташкилотига экспертиза учун юборилганда ХМТнинг шарҳларида ҳужжат лойиҳасида аёллар ва вояга етмаганларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва уларни юксак даражада ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида "кўрсатилган ғамхўрликнинг мақтовга сазовор эканлиги"га эътибор қаратган. 1996 йил 1 апрелдан бошлаб, яъни Меҳнат кодекси амалга киритилган кундан эътиборан аёллар ва оилавий вазифаларнинг ижро этилиши билан банд бўлган шахслар учун Кодексда назарда тутилган барча қўшимча кафолатлар қўллана бошланди.

Лекин, барибир, амалиётда хотин-қизларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида анча муаммолар вужудга келади. Ҳуқуқни қўлланиш амалиёти таҳлили шуни яққол кўрсатадики, кўпинча хотин-қизларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари қасддан эмас, балки аёлларнинг ўзлари ва тегишли мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий жиҳатдан лозим даражада хабардор эмаслиги сабабли бузилади.

Бир қатор ҳолларда меҳнатга оид ҳуқуқларнинг бузилиши шу билан изоҳланадики, айрим қонун кучидаги актлар зарур миқдорда нашр қилинмайди, ходимлар ва иш берувчиларнинг эътиборига етказилмайди. Натижада Конституциянинг Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги таъкидланган 30-модда талаби бажарилмайди.

Амалдаги қонунларнинг номукамаллиги фуқароларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўз вақтида таништирилмаслигининг сабабларидан биридир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги "Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни 26-моддаси 3-қисмига биноан вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бирмунча кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради. Гарчи кўрсатилган Қонуннинг 26-моддаси тўртинчи қисми тегишли ҳужжатларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ўн кунлик муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилишини назарда тутса-да, бундай талабни бажариш ҳамиша ҳам мумкин бўлавермайди. Биринчидан, қонун тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни манфаатдор шахслар эътиборига ким (қандай орган)нинг етказиши кераклигини белгилайди. Ва, иккинчидан, масалан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари миллионлаб кишиларнинг ҳуқуқларига тегишли бўлиши мумкин. Бироқ бундай ҳужжатларнинг эълон қилинмасдан туриб барча манфаатдор шахсларнинг эътиборига етказилиши даргумондир. Кўриб чиқиладиган ҳужжатларнинг Адлия вазирлиги нашр қиладиган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатларининг Бюллетенида ёки вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрларида эълон қилиниши анча муддат ўтганидан сўнг, баъзан улар кучга кирганидан кейин бир неча ой ўтгач амалга ошади. Мутлақо равшанки, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг кечикиб эълон қилиниши инсон ҳуқуқларининг ижро этилмаслиги, бузилишининг сабабларидан биридир.

Баён қилинган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, "Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 26-моддаси мазмунини қайта кўриб чиқиш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг инсон ҳуқуқларига тегишли бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг, агар уларда бирмунча кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, бундай ҳужжатлар эълон қилинганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киритилишини назарда тутиш лозим, деб ўйлаймиз.

Айни бир пайтда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари фақат

фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қонунларни билмаслиги ёки қонунлардан лозим даражада хабардор эмаслиги туфайли бузилади, деб таъкидлаш тўғри бўлмас эди. Бу сабабларнинг биттаси, холос.

Амалиётда иш берувчилар меҳнатга оид қонунларни онгли равишда ҳам бузадилар, шу жумладан, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини камситадиган ҳоллар учраб туради.

Айрим корхоналарда меҳнатга оид қонунларнинг жиддий бузилишлари учрайди. Жумладан, амалиётда жамоа шартномаларига баъзан Меҳнат кодексига зид, ишловчиларнинг меҳнатга доир ҳуқуқлари кафолатлари даражасини қонунларда белгиланганига нисбатан пасайтирадиган қоидалар қўшиб қўйилади.

Айрим корхоналар болани парваришлаш бўйича қисман ҳақ тўланадиган таътиллардаги оналарга нафақаларни тўлаш юзасидан катта миқдордаги қарзларга эга, ҳомиладор аёлларга тиббий хулосага биноан ишлаб чиқариш нормаларини камайтириш ва уларни бирмунча енгилроқ ишларга ўтказиш, ҳомиладор аёллар ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларнинг меҳнатидан уларнинг розилигисиз тунги ишларда, иш вақтидан ташқари ишларда, дам олиш кунларидаги ишларда фойдаланиш ва шу кабиларни чеклаш тўғрисидаги Меҳнат кодексига назарда тутилган кафолатларга риоя қилинмайди.

Меҳнатга оид қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш, хотин-қизларнинг қонунларда кафолатланган меҳнатга оид ҳуқуқларининг бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш, албатта, меҳнатга доир қонунларга амал қилинишига кўмаклашади.

Айни пайтда шуни ҳам қайд этиш керакки, бир қатор ҳолларда хотин-қизлар ҳуқуқларининг бузилиши меъёрларни ишлаб чиқиш жараёнида тегишли қарорнинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳар доим ҳам ҳисобга олинаввермаслиги билан боғлиқ бўлади.

Масалан, хотин-қизларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларининг бузилишига доир кўпгина ҳолатлар асосан аёллар меҳнатидан фойдаланиладиган корхоналарда учрайди. Турган гапки, асосан хотин-қизлар ишлайдиган корхоналар уларга қонунларда

назарда тутилган кафолатларнинг (бола уч ёшга тўлгунига қадар уни парваришlash учун таътил, бола 2 ёшга тўлгунигача қисман ҳақ тўланадиган таътиллар) берилиши муносабати билан муайян, шу жумладан, моддий тусдаги сарф-харажатларни амалга оширадилар. Бинобарин, уларнинг бошқа корхоналар билан тенг шарт-шароитлар асосида рақобатлашиши осон бўлмайди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ходимлар умумий сонининг кўпчилигини орттирилган ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар (ўрта мактаблар, хунар-техника билим юртлари ўқувчилари, ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти ветеранлари) ташкил этадиган корхоналар учун даромад солигини тўлашдан озод қилишни мутлақо асосли тарзда назарда тутгани ҳолда, асосан хотин-қизлар ишлайдиган корхоналар учун ҳеч қандай солиқ имтиёзларини белгиламаган. Шуни таъкидлаймизки, бу ўринда гап бундай корхоналарни солиққа тортишдан озод қилиш ҳақида эмас, балки солиқлар юқини бироз камайтириш хусусида борапти.

Амалиётда шундай ҳоллар ҳам учрайдики, иш берувчининг хотин-қизлар билан тузган меҳнат шартномасига ёки жамоа шартномасига хотин-қизларнинг ҳуқуқларини камситадиган қоидалар ҳам қўшиб қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 5-моддаси меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартларининг ҳақиқий эмаслиги, яъни юридик кучга эга бўлмаслигини назарда тутати. Бироқ, дискриминация қилиш нафақат аҳволнинг қонунларда кафолатланишига қараганда ёмонлашишида намоён бўлади.

Шартнома ҳужжатлари, масалан, қонунларда назарда тутилганига нисбатан қўшимча имтиёзлар ва кафолатларнинг камситиладиган асосда берилишини назарда тутати.

Баён қилинган мулоҳазаларни ҳисобга олиб, Меҳнат кодексининг 5-моддасини қуйидагича таҳрирда ифодалаш зарур, деб ҳисоблаймиз

"Меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг қуйидаги тарздаги шартлари ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади:

- ходимнинг аҳволини қонунлар ва бошқа норматив

хужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлар;

- камситадиган тусга эга бўлган шартлар.

Меҳнат ҳақидаги келишув ёки шартнома айрим шартларининг ҳақиқий эмаслиги умуман келишув ёки шартноманинг ҳақиқий эмас деб эътироф этилишига сабаб бўлмайди".

Ҳар хил меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг пухта ишланмаслиги ёки келишиб олинмаслиги ҳам дискриминация қилишга сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, меҳнат ҳақидаги қонунларга мувофиқ умумий қоидага кўра ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Меҳнат кодексининг 77-моддасига биноан ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлигига ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Мазкур ҳолларда ота-онадан бирининг ёзма розилиги 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирларни ишга қабул қилишда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашга қаратилган қўшимча кафолат сифатида кўриб чиқилади.

Айни бир пайтда Меҳнат кодексининг 72-моддаси Оила кодексининг ота-оналар ўз фарзандларига нисбатан тенг ҳуқуқларга эгаллиги ва тенг мажбуриятларни зиммаларига олишларини назарда тутадиган 71-моддаси билан мувофиқлаштирилмаган. Кўриб чиқиладиган ҳолатда амалдаги меҳнат ҳақидаги қонун ота-онадан фақат биттасининг розилигини олишнинг етарли эканлигини эътироф этиш билан, аслида ота-онадан иккинчисининг фикрини ҳисобга олмаяпти, бу эса унинг болани тарбиялашга доир ҳуқуқини камситади.

Баён қилинган фикр-мулоҳазалар муносабати билан Меҳнат кодексининг 77-моддасига тегишли ўзгартиришларни киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз: 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирларни ишга қабул қилишда ота-онанинг ҳар иккаласининг

ёзма розилиги талаб қилиниши керак. Фақат ота-онадан бири ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган ёки вафот этган ҳолларда ота-онадан бирининг розилиги етарли бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасига мувофиқ ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистоннинг кўпчилик аҳолиси сингари умуман хотин-қизлар ҳам ижтимоий таъминот соҳасидаги ўз ҳуқуқларини амалга оширишга, пенсиялар, нафақалар, ҳар хил ижтимоий мададларни олишга, Бунда аёлларга тўланадиган айрим нафақаларнинг (масалан, туғишдан олдинги ва туғишдан кейинги таътилдан фойдаланишда) давомийлиги халқаро андазаларда белгиланган муддатлардан ҳам кўпроқдир.

Бироқ хотин-қизларнинг ижтимоий таъминот соҳасидаги ҳуқуқларини амалга ошириши борасида ҳеч қандай муаммолар йўқ, дейиш хато бўлур эди.

Кўпинча хотин-қизлар, оилавий вазифаларни ижро этиш билан банд бўлган шахслар ва айрим иш берувчиларнинг лозим даражада хабардор эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражасининг пастлиги сабабли қонунларда кафолатланган ҳуқуқлар амалга оширилмайди.

Масалан, Меҳнат кодексининг 230-моддасига биноан ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорига ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади. Меҳнат кодекси қабул қилинганидан кейин дарҳол "Халқ сўзи" ("Народное слово") газетасида ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномасида эълон қилинган ва унинг аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун етарли миқдордаги нусхада бир неча марта нашр этилганига қарамадан, кўпинча ногирон боласини тарбиялаётган ота-оналар Меҳнат кодексининг 230-моддасида назарда тутилган кафолат ҳақида ҳеч нарсани билишмайди, корхоналар раҳбарлари эса ушбу модда талабларига риоя қилишмайди. Вазиятни ўзгартириш учун оммавий ахборот воситаларининг амалиётда вужудга келадиган масалаларни тушунтиришга доир

фаолиятини фаоллаштириш, бевосита корхоналарда тегишли ишларни амалга ошириш зарур. Корхоналардаги касаба уюшмалари, ходимларнинг вакиллик органлари бундай ишларнинг ташкил этилишига катта ҳисса қўшиши мумкин.

Конституциянинг 40-моддаси ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгалигини мустаҳкамлайди. Бундай ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлашдаги ислоҳотларни амалга оширишда зарурий ҳуқуқий базани яратган "Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги ва бошқа қонунларида аниқлаштирилган ва янада ривожлантирилган.

Айни бир пайтда шуни қайд қилиш керакки, бу соҳада ҳали ҳам кўплаб ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Шундай муаммоларнинг бири хусусида тўхталамиз. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда анча кўп аёллар ҳомиладорликни сунъий йўл билан тўхтатишмоқда. Улар гарчи шундай сабаб юзасидан касаллик варақаси асосида вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик юзасидан нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлишса ҳам баъзи аёллар онгли равишда бундай нафақани олишмайди. Бу шу билан боғлиқки, нафақани олиш учун "ташхис" ("диагноз") устуни тўлдириладиган касаллик варақаси расмийлаштирилиши лозим. Аёллар эса уларнинг шахсий ҳаётига тегишли бўлган ҳолатни ошкора қилишни хоҳлашмайди. Фикримизча, ҳомиладорликни тўхтатишга қарор қилган аёл айни шундай сабабга кўра кўпинча ҳақ тўланмайдиган таътил, дам олиш куни берилишини илтимос қилади ва ҳоказо. Ваҳоланки, "Фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун шифокорлик сирининг ошкор этилмаслиги малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатларидан бири эканлигини назарда тутаяди. Кўриниб турганидек, юқорида келтирилган вазиятда қонунларнинг бундай талабига риоя этилмайди. Натижада аёлларнинг тегишли нафақани олиш ҳуқуқи камситилади. Умуман, касаллик варақасида беморнинг ташхисини кўрсатиш зарурлиги ва врачлик сирининг ошкор этилишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги масала тартибга келтирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган. Узлуксиз

таълимни ташкил этишнинг принципиал янги моделини назарда тутадиган "Таълим тўғрисида"ги амалдаги Қонун эркаклар ва хотин-қизларнинг бу соҳадаги ҳуқуқларининг тенглиги, таълим соҳасида дискриминация қилишга йўл қўйилмаслигига асосланади.

Социологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, таълим олиш жараёнида хотин-қизларнинг ўзлаштириш даражаси эркаклардагига қараганда анча юқори. Хотин-қизларга улар меҳнат фаолиятининг бошланғич даврида алоҳида эътирозлар билдирилиши ҳам мумкин эмас. Бироқ ҳамма нарса бола туғилганидан кейин ўзгариб кетади. Аёлнинг бола уч ёшга тўлгунига қадар уни парваришlashга доир таътилда бўлиши даврида ўзининг касбий даражасини биров пасайтиради. Шунинг учун ҳам лозим даражада малакага эга эмаслиги оқибатида бажарилаётган ишига номувофиқлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинадиган шахслар орасида боласи уч ёшга тўлганидан кейин ишга чиққан аёллар кўпчиликни ташкил қилади. Агар қонунлар бундай аёлларга малака ошириш ёки қайта тайёргарликдан ўтиш учун шарт-шароитлар яратилишини белгилаб қўйилганида эди, вазият ўзгариши мумкин эди.

Мақолада хотин-қизларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини амалга ошириш жараёнида амалиётда вужудга келадиган айрим муаммолар хусусида тўхталиб ўтилди. Бироқ бундай муаммолар таҳлили шуни кўрсатадики, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида ҳали ҳам амалдаги қонунлар ва уларни қўлланиш амалиётининг такомиллаштирилиши зарурлигини белгилайдиган ҳал этилмаган масалалар мавжуддир.

АЙРИМ УРФ-ОДАТ ВА РАСМ-РУСУМЛАРНИНГ АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ДИСКРИМИНАЦИЯ ҚИЛУВЧИ ТАЪСИРИ

Ушбу тадқиқот аёлларга нисбатан дискриминация қилишнинг барча шакллари тугатиш юзасидан Конвенцияда (CEDAW) "аёллар томонидан (...) инсон ҳуқуқлари ва сиёсий, иқтисодий, маданий, фуқаровий ва бошқа ҳар қандай соҳадаги эркинликлардан фойдаланилиши, амалга оширилиши ва тан олинисини заифлашишига олиб келишга ёки йўққа чиқаришга қаратилган ҳар қандай фарқ, истисно ёки жинсига кўра чеклашлар" сифатида гендер асосида кўриб чиқилади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар дискриминация қилишни инсон ҳуқуқларининг бузилиши сифатида талқин қилиш имконини беради ва иштирокчи давлатлар зиммасига бу ёмон хатти-ҳаракатларга барҳам беришнинг самарали ҳуқуқий воситаларини топиш мажбуриятини юклайди. Дискриминация қилиш оиладаги зўравонликнинг оқибати бўлган жаҳонда эпидемик кўламдаги муаммо бўлиб қолмоқда. Бу эса мазкур муаммога ҳукуматлар даражасида самарали таъсирнинг етишмаслигидан далолат беради.

Оилада аёлларни дискриминация қилишнинг кучайишида айрим анъанавий амалиётлар (расм-русумлар, анъаналар, нотўғри фикрлар) жиддий таъсир кўрсатмоқда. Жамият ва аёлларнинг онгида кўпинча инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келаётган анъаналарни енгиб ўтиш тўғрисида гап борар экан, қуйидаги савол туғилади: қай даражада, қандай қилиб ва қайси анъаналар инсон ҳуқуқларини камситади?

Ушбу тадқиқотнинг мақсади оилада аёлларни дискриминация қилиш кўламини аниқлаш ҳамда анъанавий амалиётнинг айрим шакллари ошкор қилишдир.

Биз эътиборни аёллар ҳуқуқларини дискриминация қилувчи қуйидаги одатларга қаратдик:

– Турмуш ўртоғини танлаш эркинлиги – бу турмушга чиқишда унинг ташаббускорлари ота-онаси ёки бўлажак

эрининг бўлиши;

– Аёлларни оила даромадлари ва маблағларидан четлатилиши;

– Аёлга оилада иккинчи даражали; муносабатда бўлиш;

– Келин қиз чиқмаганида никоҳнинг бекор қилиниши;

– Дефлорация натижаларини (далилларни) намойиш қилиниши;

– Оилада ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг тақсимланишидаги тенгсизлик;

– Кўп хотинлик (полигамия).

Демак, тадқиқотнинг асосий мақсади оилада аёлларнинг аҳволига салбий таъсир кўрсатаётган ва шу билан Ўзбекистонда аёлларга нисбатан дискриминация қилишнинг барча шакллари тугатиш ҳақидаги Конвенциянинг (CEDAW) бажарилишига зид ҳаракатларни келтириб чиқараётган одат ва анъаналарни аниқлашдир. Нишон сифатида Конвенциянинг қуйидаги ҳолатлари олинади:

1) 1-қисм, 2-модда.

Иштирокчи давлатлар аёлларга нисбатан дискриминация қилишнинг ҳамма кўринишларини қоралайдилар, зудлик билан аёлларга нисбатан дискриминация қилишни ҳамма тегишли усулларда тугатиш сиёсатини амалга оширишга рози бўладилар ва шу мақсадда мажбурият оладилар:

ф) аёлларни дискриминация қилувчи амалдаги қонунлар, қарорлар, одат ва амалиётни ўзгартириш ёки тақиқлаш учун ҳамма тегишли чора-тадбирларни кўриш;

2) 1-қисм, 5-модда.

Иштирокчи давлатлар қуйидаги мақсадларда ҳамма тегишли чора-тадбирларни амалга оширадилар:

а) нотўғри фикрларни тағ-томири билан йўқотиш ва заифлик ёки бир жинснинг иккинчиси устидан устунлик ёки эркак ва аёл ролининг андозавий гоясига асосланган урф-одатлар ва бошқа ҳамма амалиётни бекор қилиш мақсадида эркак ва аёлларнинг маданий ахлоқ моделини ўзгартириш;

б) оилавий тарбия оналикни ижтимоий функция сифатида тўғри тушунишни ўз ичига олиши ва ҳамма ҳолларда фарзандларнинг манфаатлари устунлик қилиш шарти билан эркак ва аёлнинг фарзандларини тарбиялашдаги

умумий жавобгарлигининг тан олинисини таъминлаш.

3) 4-қисм, 16-модда

Иштирокчи давлатлар никоҳ ва оила муносабатларига тегишли ҳамма масалаларда аёлларга нисбатан дискриминация қилишни тугатишининг ҳамма тегишли чораларини кўрадилар, хусусан эркак ва аёлнинг тенглиги асосида қўйидагиларни таъминлайдилар:

а) никоҳга кириш учун бир хил ҳуқуқлар;

б) турмуш ўртоғини танлаш ва никоҳга ўтишида ўзининг эркин ва тўлиқ розилиги билан боғлиқ бир хил ҳуқуқлар;

в) никоҳдаги даврда ва ажралишида бир хил ҳуқуқлар ва вазифалар.

Тадқиқот индикаторлари сифатида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида (Тошкент, Нукус, Қўқон ва унга ёндош туманлар ҳамда Андижон вилоятининг Балиқчи тумани) ўтказилган анкета ёрдамида сўров ва суҳбатларнинг натижаларидан фойдаланилди.

Тадқиқот учун турмуш ўртоғини танлашдан бошлаб оилавий ҳаёт ва эр-хотин муносабатларининг анча нозик масалалари билан яқунланадиган одатларни танлаб олишга ҳаракат қилдик.

Сўралган аёлларнинг ижтимоий ҳолати

Сўров ўтказиш учун ҳар бир ҳудуддан таркиби бўйича аҳолининг турли қатламларидан ташкил топган 100 тадан иборат, яъни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан мос равишда 50/50 гуруҳ танлаб олинди. Сўралаётган гуруҳларнинг сони бўйича махсус танлов ва регламент амалга оширилмади. Ижтимоий келиб чиқиши бўйича улар хизматчилар (ўқитувчилар, бухгалтерлар, шифокорлар, ҳамширалар) ҳамда ишчилардан (тикувчилар, ошпазлар, фаррошлар ва ҳ.к) ташкил топган. Сўралганларнинг ёши 18-60 ўртасида.

Миллий таркиби бўйича сўралганлар асосан туб миллатга мансубдир — ўзбеклар (Қорақалпоғистонда — қорақалпоқлар). Бу тадқиқот мақсадларига мос келади. Маҳаллий урф-одатлар ва расм-русумлар кўпроқ уларга таниш бўлгани учун маҳаллий миллат аёлларини қамраб олишга ҳаракат қилдик. Тошкент шаҳридан фарқли равишда

Тошкент вилоятида аҳолининг миллий таркиби турличадир. Шунинг учун биз сўровга оз сонли миллатлар вакиллари қўшдик - қozoқлар (12), татарлар (6), туркманлар (2), руслар (4) ва украинлар (1).

Маълумоти бўйича сўралганларнинг деярли ҳаммаси (98%) тўлиқ ўрта маълумотга эга, улардан 19 аёл ўрта махсус ва ўрта техник маълумотга эга, 15 қиз ва аёл олий ўқув юрларида таълим оладилар, 25 аёл олий маълумотли мутахассисдирлар.

Сўралганларнинг кўпчилиги турли оилавий ҳаёт "стажига" эга бўлганлардир. Шуниси қизиқарлики, айрим аёллар анкетада сўралмаган бўлса ҳам оилаларидаги фарзандлар сонини ҳам кўрсатганлар. Шунинг учун биз 100 сўралганлар ичида Тошкент бўйича 30, Тошкент вилояти бўйича 19 аёл биттадан бештагача фарзандлари борлиги тўғрисидаги маълумотларни келтирдик. Бу рақам ҳар бир аёлга иккитадан кўп (2,3) фарзанд тўғри келишини кўрсатувчи характерли демографик кўрсаткичдир.

Бу аёллар умумий ижтимоий ҳолатига кўра, болалар ва уй ташвишлари билан банд бўлганлардир, кўпчилиги маълумотли ёки маълумот олаётган қизлар ва аёллар.

Никоҳдан ўтиш масалалари

Ўзбек аёлининг ҳаётида турмушга чиқиш энг асосий воқеадир. Отасининг уйидаги ўтган ҳаёти унинг келин (қайнонаси учун), хотин (эри учун) ва она (фарзандлари учун) бўлишига тайёргарликдир. Халқ мақоли "Қиз бола бировнинг хасмидир" дейди. Итоаткор, чакқон ва камгап қизнинг никоҳга тайёрланиши замонавий аёл андасасидир.

Аёлнинг оиладаги роли иккинчи даражали. Уйда эрини чидамлилик билан кутиб ўтирган аёл энг яхши ҳисобланади. Ёшларни таништириш бўйича ёшлар томонидан кўрсатилган ташаббус хуш келмайди, айниқса қизлар томонидан кўрсатилган ташаббус қораланади. Агар қиз оилада ўзи танлагани борлиги ва унга турмушга чиқмоқчи эканлигини эълон қилса, оилада бу рад этилади. Одат бўйича танишиш совчилар орқали амалга оширилгани маъқул. Ота-оналарнинг розилигидан сўнг ёшлар биринчи учрашувга чиқадилар, ундан кейин эса улар ёки ота-оналарининг танловини тасдиқлашлари

ёки рад этишлари лозим. Кўпчилик ҳолларда ота-онанинг танлови ҳал қилувчи бўлади. Никоҳингизнинг ташаббускори ким деган саволга аёлларнинг 52 фоизи ўз никоҳ ришталарини ота-оналарининг иродаси билан боғлаганларини, фақат икки аёл ота-онасининг иродаси уларнинг туйғулари билан мос тушганлигини кўрсатди. Бошқача қилиб айтганда, аёллар турмушга чиқишда қарор қабул қилиш учун шахсий эркинликка эга эмас. Улар учун жуда муҳим ҳаётий воқеанинг асоси ота-онанинг хоҳиши, ота-онанинг танлови, деб ҳисоблайдилар. Аёллар ихтиёрий равишда турмуш қуришдаги танлаш ҳуқуқларини ота-оналар зиммасига юклайдилар.

Сўралганларнинг 42 фоизи ўз ташаббуслари билан севиб турмушга чиққанлар. Сўралганларнинг 2 фоизи ўз хоҳишларига қарши турмушга чиққанликларига иқроп бўлдилар.

Иккинчи ва учинчи жавоблар ўртасида тенглик ишорасини қўйиш мумкин. Шундай қилиб, сўралганларнинг 54 фоизи ўз хоҳишларига қарши, сукут билан, эътирозларсиз бировнинг иродасига бўйсундилар.

Анъанавий кўрсатмалар қизга турмушга чиқиш ёки чиқмаслик хоҳишларини намоён қилиш имконини бермайди. Бу жамият томонидан қиз зиммасига юклатилган мажбуриятдир ва у бу мажбуриятни бурч сифатида ўз хоҳиши, ҳис-туйғулари ва иродасига қарши равишда 100тадан 54 ҳолатида бажариши лозим. Шундай қилиб, ҳар иккинчи аёл никоҳда ўз ҳуқуқлари тўғрисида ўйлаб кўрмасдан ҳис-туйғу ва хоҳишларини инобатга олмай яшамоқда.

Бу никоҳга ўтишда сўралганларнинг ярмидан кўпи эркин ўз хоҳишини изҳор эта олмаслигини англатади. Аёлларнинг оиладаги бундай аҳволи Оила кодексига зиддир, (3-боб, II-қисм, 14-модда). Никоҳ ихтиёрий равишда тузилади. Никоҳ тузиш учун бўлгуси эр-хотинлар ўз ихтиёрларини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлишлари лозим. Никоҳдан ўтишга мажбур қилиш тақиқланади. (CEDAW I-қисм, 5-модда)

Эрта никоҳ — зарурат ёки нотўғри фикрми?

Қадим замонларда Шарқ мамлакатларида қизни иложи борица эрта эрга берганлар. Жинсий етукликнинг биринчи белгилари пайдо бўлиши билан қизни жиддий равишда эрга беришга тайёрлаганлар ва у 12-13 ёшга етганда узатиб

юборганлар. Ўзбекларга нисбатан қорақалпоқларда бу ёш 2-3 йилга каттадир. Бу одат айрим ўзгаришларга учраган бўлса ҳам асосан шундайлигича қолди. Қизини иложи борича эрта эрга беришга интилиш эса бугунги кунда ҳам сақланиб қолган. Бу ҳам одат. Ёш қизни янги оиланинг қоидаларига бўйсунушга мажбур қилиш осонроқ бўлади, деб ҳисобланади. "Ёш новда тез эгилади" дейилади. Унда жамиятда қадимий одат ва анъаналарга асосланган ҳолда юз бераётган аёлларни дискриминация қилишнинг негизи, асоси ифодаланган. Ушбу одатларга кўра, аёл эрининг уйида унинг оиласидаги қонунларга бўйсунуш учун туғилган. Агар буни аёл онгсиз равишда қилса, бу унинг учун ҳам яхшидир. Бу англанилмаган дискриминация қилишнинг бутун бир катламидир ва бутун оилавий ҳаёт шунга асосланиб қурилади.

Сўралганларнинг ярмидан кўпи 19-20 ёшга етган қизлар турмушга чиқиши шартдир, деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, қизлар йигирма ёшида оила қуриш, фарзанд кўриш, оилани таъминлаш ва келгуси авлодни тарбиялашга тайёрдирлар. 42 жавобда қизлар 21дан 25гача бўлган ёшда оила қуриш лозим, деб ҳисобланади. Фақат бир жавобдагина қиз шошмаслиги мумкин ва оилани 25 ёшдан кейин ҳам барпо қилса бўлади, дейилади.

Мазкур савол бўйича сўров натижалари кишини хафа қилади. Сўралганларнинг 96% 25 ёшга етган қизларнинг турмуш қуриши шартдир, деб ҳисоблайдилар.

Демак, 25 ёшида аёл нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам етук бўлиши лозимдир. 25 ёшида у оила қуриш ва уни сақлаб қолиш, ўзини ва ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконини берувчи билим ва тажрибага эга бўлиши лозим. Бу ёш қиз учун ҳар доим ҳам қўлидан келадиган иш эмас.

20 ёшдан ошган қизлар қари қиз бўлиб қолади, деган фикр (одат) мавжуддир. Бу тамға унга ҳар бир балогатга етган қизни кузатиб борувчи маҳаллада қўйилади. Агар қиз белгиланган (18-21) ёшда турмушга чиқмаса, у кейинчалик умуман турмушга чиқа олмаслиги мумкин. У тўғрисида миш-мишлар тарқата бошлайдилар ва қизга куёв сифатида ажралишган ёки ундан ёши анча катта бўлган бева кишилар кела бошлайди. Бу ёш қизнинг қадр-қимматини янада кўпроқ камситади. У ўзи билан ўзи кўпинча яккаланиб қолади.

Одат (ёзилмаган қонун) қизни гоҳ қари қиз бўлиб қолиши билан кўрқитиб, гоҳ ғоявийлашган оилавий ҳаётнинг бўрттирилган сароблари билан тезроқ эрга тегишга ундайди. Шундай қилиб, эрта никоҳларга хайрихоҳлик одати аёлни 25 ёшгача турмушга чиқишга мажбур қилади ва аёлнинг оиладаги аҳволини белгиловчи дискриминация қилувчи омил дейиш мумкин. Қаҳри қаттиқ одатлар қизга 25 ёшдан кейин мукамал оила барпо қилишга деярли имкон қолдирмайди. 18 ёшдан бошлаб кўпчилик қизлар амалга ошмаган бурчдан виждон азобини ҳис қила бошлайдилар. Бунга 2000 йилда "Оила ва жамият" рўзномасига келган хатлар далил бўла олади. Ноқулайлик ва норасолик ҳисси уларни таъқиб қила бошлайди ва қизнинг онгида ёмон из қолдиради. Ҳеч қандай бошқа ҳаётий мақсадлар кучи унга тенг кела олмайди. Деярли ҳамма ҳолларда қизнинг бундай ҳолати ота-онаси, қариндошлари ва умуман жамият томонидан шаклланади. Анъанавий фикрланш доиралари эрга тегмаган қизлар ва аёлларни чеклайди ва қўлоёғини боғлаб қўяди, бунинг натижасида уларнинг орзунимидлари ва ҳаётдаги даражалари рўёбга чиқмаслиги мумкин.

Оилада тенгликми?

Оилада ким бошчилик қилувчи деган саволга:

– сўралганларнинг 58 фоизи эр бошчилик қиладиган оилаларда яшашларини айтдилар (ва буни тўғри деб ҳисоблайдилар);

– сўралганларнинг 22 фоизи қайнона ёки қайнота (3 фоиз) бошчилик қилувчи оилаларда яшайдилар;

– 10 фоиз ўзларини оилада бошчилик қилувчи деб ҳисоблайдилар, улардан биттаси эрга тегмаган, иккитаси ажралишган, миллий таркиби бўйича улардан иккитаси рус, иккитаси татар, биттаси қозоқ, шундай қилиб икки эрга теккан ўзбек аёли ўзлари оилани бошқаришларини айтдилар;

– сўралганлардан 6 қиз эрга тегмаган, улар оилада тенг ҳуқуқлик бўлиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

Шундай қилиб 100 сўралганлардан 82 фоиз оилада бошчилик қилмайди ва мустақил қарор қабул қила олмайди. Ўз ихтиёри билан ёки зўрлаб (мажбуран) оиланинг фаровонлиги учун жавобгарлик эр ёки қайнонанинг елкасидадир. Аёл-хотин оила аъзоси сифатида фақат 17 фоиз ҳоллардагина, уларнинг

ярмидан кўпи эрга тегмаган ёки ажралишган, овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу савол учун ибратлиси шуки, эрга теккан аёлларнинг ҳеч бири оилани биргаликда бошқариш мумкинлигини кўрсатмади.

Одатта кўра анъанавий оилада аёл қатъий равишда оилавий иерархияга бўйсунити керак. Эрининг бошчилигига эътироз билдириб бўлмайди, агар ёш оила ота-онаси билан яшаётган бўлса, қайнонанинг бошчилигига ҳам эътироз билдириб бўлмайди.

Оилада молиявий босим

Эр ва қариндошлари хоҳишига кўра таълим ва мутахассислигини ташлаб қўйиб уйда қолган ҳар бир аёл молиявий босимни ўзида ҳис қилади. Ҳамма нарсада эрига қарам бўлиб қолиб, у натижада ўзини мустақил маблағлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилади. У ўз хоҳишича ва кераклича ишлатиши мумкин бўлган маблағва бошқа бойликларга эга эмас. Ўзининг элементар эҳтиёжларини қондириш учун у ружеат сўраши керак. Шундай қилиб Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича 100та сўралганлардан 64 фоизда даромад манбаларини тақсимлашга ижозат йўқ.

Сўралган аёлларнинг фақат 15 фоизигина, улардан саккизтаси турмуш юритиш тажрибасига эга эмас, оилавий бюджетни эри ёки бошқа оила аъзолари билан келишган ҳолда олиб боришади ёки олиб бормоқчилар, 21 фоиз аёллар оила бюджетини мустақил тақсимлайдилар. Бу сонни синчиклаб кўриб чиққанимизда икки аёл эрга тегмаганини, икки аёл ажралишганини, улардан еттитаси кам сонли миллат вакиллари эканлигини кўрадик.

Шундай қилиб, сўралган аёлларнинг ҳар 1,5 таси оилавий сабабларга кўра иқтисодий жиҳатдан эри ёки қайнонага боғлиқдир ҳамда ўз бюджетини режалаштириш, маблағларни тақсимлаш имкониятига эга эмаслар ва қорамлик ёки итоаткорликни афзал кўрадилар.

100 тадан 64 фоиз аёл ўз оиласи учун фойда келтирувчи ёки қандайдир бошқа фаолиятни барпо қилиш ташаббусини кўрсата олмайдилар, чунки ўз шахсий маблағларига эга эмаслар. Бундай оилаларда аёллар ҳатто ўзларига шахсан

тегишли бўлган қимматбаҳо, мебель ёки қандайдир бошқа нарсаларга эгалик қилабилмайдилар. Аёлнинг банкдаги жамғармаларидан ҳам хабардор бўлган эр уни тақиқ остига олмоқчи бўлади, кўндириш ёки дўқ-пўписа орқали бу маблағлардан беминнат фойдаланади. Оилаларнинг ярмидан кўпи ўзаро муносабатларини патриархал тарзда олиб боради. Бундай оилаларда эр ва унинг ота-онаси бошчилик қилади. Аёллар пастки - тобе ўринни эгаллайди. Оиладаги патриархал иерархия оилада маблағларни тақсимлашга ўз тамғасини босади. Шарқ оилаларининг анъана ва одатлари пул ва моддий маблағларни тақсимлашда эрнинг ҳукмронлик ҳуқуқига асосланган.

Бу аёлга молиявий босим ахлоқий ва руҳий зўравонлик шаклларида бирининг намоён бўлишидир. Маблағ йўқлигидан эзилган ва хўрланган аёл ўз эри ва унинг оила аъзолари учун қулга, текин хизматкорга айланади. Кўпинча асосий постулати итоаткорлик ва ҳамма нарсада гайрат қилиш бўлган келиннинг ахлоқ нормалари тўғрисидаги одатга шама қилинган ҳолда аёл ўз эрининг оиласида шафқатсиз эксплуатация қилинади. Қишлоқ жойларда бу эксплуатация дала ишларини олиб бориш ва молларга қараш билан оғирлаштирилади. Бу давр ичида аёллар фарзанд кўришга ҳам улгуришини ҳисобга олсак, 30-40 ёшларга келиб бундай аёлларнинг саломатлиги жисмоний ва руҳий ҳолати тамоман ишдан чиқади, деб фараз қилишимиз мумкин.

Оиладаги ўзаро муносабатлар

Сўров натижаларига кўра 100 ҳолатдан 60 тасида аёллар ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар. Бу рақам аёлларнинг ярмидан кўпи ўз оиласининг тенг ҳуқуқли аъзоси эмаслигини кўрсатади, уларнинг ҳис-туйғулари, фикрлари, хоҳишлари ва эҳтиёжлари кўпинча оилада эътиборсиз қолдирилади. Бу билан мазкур одат Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг "Оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги" 3-моддасига зиддир. Бу моддада "ҳар бир фуқаро оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадир ва ҳуқуқларнинг бевосита ёки билвосита қандайдир чекланишига йўл қўйилмайди..." дейилган.

Сўров оилавий муаммоларни ҳал қилишда аёлларнинг

фикрига 19 фоиз (улардан 1таси эрга тегмаган, 2таси ажралишган ва 5таси оз сонли миллат вакили) ҳолатда қулоқ солишларини кўрсатди. Қолган ҳолатларда (бу эса 60 фоиз ташкил этади) аёллар бу имкониятдан маҳрум бўлган ва имтиёзни эрига (34 фоиз), қайнонасига (23 фоиз) ва қайнонасига (3 фоиз) берадилар.

Фақат 17 фоизгинаси (учтаси эрга тегмаган) оилавий муаммони биргаликда ҳал қилиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Сўралганларнинг 2% - булар ёшлар, эрга тегмаган қизлар "агар ким объектив бўлса", "ақл билан иш юритиш лозим" ёки "оиладаги муаммоларни ҳал қилишда умумий розиликка келиш керак" каби жавобларнинг бир неча вариантини таклиф этдилар. Шундай қилиб, оилада бирор бир қарор қабул қилинаётганда аёлларнинг аҳволи таҳликали бўлиб қолмоқда. Аёлларнинг фикрига 100 ҳолатдан 60тасида қулоқ солмайдилар. Қачонки, қайнона даражасига етганида унинг фикри ҳал қилувчи бўлади (26). Агар аёл ажралишган ёки оз сонли миллатга мансуб бўлсагина, унинг ўзи қарор қабул қилади. Ҳаммаси бўлиб 17 аёл мазкур масалада ўзаро тушуниш тажрибасига эга (14) ва бунга умид боғлайдилар (3).

Оиладаги можаролар

Оиладаги муносабатлар тенгсизлик, бир оила аъзосининг иккинчисидан устунлиги асосида курилади, бу эса CEDAW ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси кўрсатмаларига зиддир. Фарзандлар ҳам худди шундай муҳитда ўсадилар ва тарбияланадилар ва шунинг учун келгусида ота-оналари мисолида ўз оилаларида оилавий турмуш ахлоқи моделига тақлид қиладилар.

Ўзбек оилаларида можаролар масаласини сўров мисолида кузатиш мумкин.

Сўралган 100 аёлдан 95 фоизи можароли вазиятга эга оилаларда яшайдилар, улардан 15 фоизида эса бундай вазиятга ҳали эрга тегмаган қизларнинг оилаларида йўл қўйилади. Сўралганларнинг фақат 5 фоизи оилаларида можаролар бўлмайди, деб жавоб бердилар (улардан бир аёл турмушга чиққанига икки ой бўлди).

Можароларни ҳал қилишда 35 фоиз ҳолатларда эр қайнонанинг томонини олади ва 39 фоиз ҳолатларда (улардан

саккизтаси эрга тегмаган ва тўққизтаси бошқа миллатларнинг вакиллари дир) хотинининг манфаатларини ҳимоя қилади. Ҳаммаси бўлиб 24 ўзбек аёли эри томонидан тушуниш ва ҳимояга ишониш имконига эга дирлар.

Можаро вазияти юзага келганда эр онасининг томонида туради. Бундай вазият кўпинча ота-оналарининг ташаббуси билан турмуш қурган оилаларда учрайди ва оила барпо қилишда ҳамма жавобгарликни олишга тайёр эмасликдан келиб чиқади. Бу айниқса вояга етмаган қизлар турмушга чиқаётган эрта никоҳларга тегишли дир.

Баъзида оиладаги можаро вазияти вазифаларни тақсимлаш асосида юзага келиши мумкин, фарзандларни тарбиялаш одат бўйича аёлларнинг вазифаси дир, эрлар фарзандларни парвариш қилиш, ўқишини назорат қилиш жараёнида ва улар ҳаётидаги бошқа воқеаларда иштирок этмайдилар. Шу сабабли маълум босқичда оилада фарзандлар ва оталар бир-биридан узоқлашиб кетадилар. Ўзбек оилаларида энг кўп можаро вазиятлари "келин-қайнона" муносабатлари асосида келиб чиқади. Бу ерда гап ахлоқ-одоб жиҳатларида эмас, балки аёлни (келини) жисмоний ва руҳий эзишда боради. Келиннинг ҳар бир ҳаракатини қатъий назорат қилиш, шахсий ҳаётига, ҳатто эр-хотин ҳаётининг нозик соҳаларигача, кўполлик билан аралашиб шулар жумласига киради. Молиявий назорат қайнонанинг келинга нисбатан хатти-ҳаракатларининг анъанавий кўрсаткичидир. Қайнонанинг кундалик эзиши ва эр томонидан тушунмаслик аёлни танглик ҳолатига олиб келади, у жуда оғир юкни кўтара олмайди ва энг яхши ҳолатида можаро юзага келади, ёмон ҳолатда эса чидашни давом эттиради. Чуқурлашиб кетган можаро тузатиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади – ўзини-ўзи ўлдиришга уринишлар, суиқасд, руҳий касалликлар – шундай турмуш тарзининг натижаси дир.

Оиладаги ҳал қилинмаган можаро секин ҳаракатга келадиган минага ўхшайди. Оиладаги можаролар кўпинча оила бошлигининг қатъий қарори билан бартараф қилинади. Жуда кам ҳолларда оилада можарони тушуниш, моҳиятини очиш ва унинг сабабларини зарарсизлантиришга ҳаракат қиладилар. Аёлларни ҳимоя қилиш учун далиллар анъанавий қарашлар таъсири остида оила аъзоларининг кўзи билан ҳам кўпинча ишонарсиз кўринади. Оиладаги можаро вазиятларини ҳал

қилиш учун руҳий хизмат кўрсатадиган муассасаларга муурожаат қилиш ҳоллари жуда камдир. Кўпинча можаро тўғрисида ажралиш, суиқасд ёки жиноят, баъзида одам ўлдириш ёки ваҳшиёна дўппослаш каби бирор бир фавқулодда ҳодиса юз берганда маълум бўлади.

Оилада қанча фарзанд бўлиши керак?

Бу савол мазмуни бўйича эрга теккан аёлни бола туғиш машинаси сифатида ишлатувчи одатни кўриб чиқади. Оилада қанча фарзанд бўлиши (унинг жинси) масаласи деярли умумоилавий консилиумда ҳал қилинади. Бу давр ичида ташвишлар билан овора бўлиб қолган аёл ҳомиладорлик тўғрисида ўйлаш ва уни олдини олишга улгурмайди, чунки одат бўйича бу оилада қабул қилинмаган. Тез-тез туғишлар, абортлар, бола тушишлари, анемия ва уларнинг натижаси организмнинг жисмоний ва руҳий заифлашиши бола туғиш ёшидаги аёллар саломатлигига жиддий путур етказадиган ҳолатлардир. 100 та сўралганлардан 57 фоиз оилани режалаштириш масалаларини ўзлари ҳал қиладилар, 43 фоизи эса эрларининг (33), қайноналарининг (9) ва ҳатто қайноталарининг (1) қарорини ҳисобга оладилар. Шундай қилиб, 100 аёлдан 45таси яна бир бола туғишга мустақил равишда қарор қила олмайдилар, агар оилада ўғил бола бўлмаса у яна бола туғади, одат шуни талаб қилади. Ҳатто аёлнинг "ўзи" ҳал қилганида ҳам, одатда у ўзи яшаётган оиланинг талаблари билан ҳисоблашади. Бу эса унинг эрга текканидан кейин бир йилдан кеч қолмасдан туғиши лозимлигини билдиради. Бу кунларни қайнонаси, эри, бошқа қариндошлари ва ҳатто маҳалладаги қўшнилар санаб борадилар. Агар бирор сабабларга кўра ҳомиладорлик кечикиб қолса, бундай келин ва хотинга муносабат ёмон томонга ўзгара бошлайди. "Бу одат" дейилади ёзилмаган қонунда. Турмушга чиққан биринчи кундан бошлаб келин ҳар қандай оғир ишларни бажара бошлайди. Қанчалик сидқидиллик билан бажарса, шунчалик уни ҳурмат қилишади. Ва кўп ҳолларда ёш аёллар яхшироқ бўла қолсин деб ўз соғлигини ҳисобга олмасдан оғир юклар кўтаради, совуқ муздек сувда идиш-товоқ ювади. Бундан кейин эса касал бўлади, бу эса яна бир муаммо, чунки ёзилмаган қонун одатлари бўйича келин умуман касал бўлмаслиги керак.

Шундай қилиб, аёл репродуктив ҳуқуқларга эга бўла туриб, танлаш имкониятига эга эмас ва кўпинча қиз туғилганидан хурсанд эмасликларини намоиш этувчи эри ва қариндошлари томонидан дискриминация қилишларга дуч келадилар.

Аёлларда шахсий ҳаёт ҳуқуқининг бузилиши

Одатлар ва баъзи бир расм-русумлар жамият ҳаётини тартибга солади ва ахлоқ нормалари ҳамда ҳар бир одамнинг шахсий ҳаётига аралашуш даражасини белгилайди. Одатлар ва уларга амал қилиш талаби аёлларни тобе ҳолатга қўяди. Аёл бу нормаларни бажармаса, у қаттиқ жазоланади. Бу аёлнинг никоҳга киришда ўзининг қизлигини намоиш қилиш ва исботлаш мажбуриятига тегишлидир. Ўзбек оилаларида қиз боланинг шаъни масаласи бевосита оила шаъни масаласига боғлиқдир. Қизлигича эрга бериш масаласи қиз болага қўйиладиган талабларнинг энг муҳимидир. Бу одат тўғридан-тўғри аёллар аҳволини камситади, чунки бу аёлнинг шахсий ҳаётига қўпол равишда аралашушдир. Аёл шахсий ҳаётининг бу жиҳати бошқалар томонидан муҳокама қилинади ва бундай ҳолат миллий қадрият ва анъаналарга бориб тақалади.

Сўровларга кўра аёлларнинг 48 фоизи дефлорация натижаларини намоиш қилишда ўз ҳуқуқларининг дискриминация қилинганлигини ҳис қиладилар. Қон бўлган мато парчасини онаси ва яқин қариндошларига кўрсатиш, эри эса никоҳ кечаси натижалари ҳақида оғзаки ахборот беради. Шундай қилиб аёл шахсий ҳаётининг ўта нозик қисмига биринчи кунданок аралашадилар. Буни одат талаб қилади. Шунга қарамасдан 33 аёл бу одатга амал қилиш лозим деб ҳисоблайдилар, 8 аёл "қиз ўз ота-онасининг уйидаги пайтида бунинг орқасидан хушёрлик билан кузатиб туриш лозим" ва қизни ҳаётидаги бу муҳим воқеага тайёрлаш керак, деб ҳисоблайдилар. 10 аёл бу саволга жавоб беришга қийналаман деб жавоб берди ва фақат бир аёлгина ҳаётининг бу қисми фақат унга ва эрига тегишлидир, деди.

Дефлорация натижаларини намоиш қилиш кўрғазмали одатдир ва унга амал қилиш деярли ҳамма жойда мажбурийдир. Кўпинча фақат одатнинг ўзигина эмас, балки никоҳ дефлорацияси тезда ажрашиб кетишларнинг сабабчиси

бўлади. Шарманда бўлган келинни ўша кунгача уйдан ҳайдаб юборишлари мумкин. Ҳеч бир суриштиришларсиз ёш қизга айб қўйилади. Бу уйда келин билан ҳамма нарса бўлиши мумкин. Зўрлаб ва ваҳшиёна деклорация ҳоллари маълум. Ундан кейин аёлни кучли қон оқиши билан касалхонага олиб борадилар ва бунинг учун ҳеч ким жавобгар бўлмайди. Бу оилавий муаммолар деб ҳисобланади. Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш органларига мурожаат эта олмайдилар, чунки бундай ишларни ҳеч ким кўриб чиқмайди. Тўйнинг иккинчи куни бўлиб ўтадиган дефлорацияда келин томондан икки аёл (янга) иштирок этади. Улар биринчи кун ёшлар ўзларини босиб туришларини кузатиб туришади, баъзи ҳолларда дефлорация пайтида янги келин-куёв билан ҳатто бир хонада бўлишади.

Биринчи марта турмуш қурганда қиз чиқмаган ҳолларда келин ўзини қандай тутиши керак, деган савол бўйича аёлларнинг жавоблари қизиқарлидир. Ўтказилган сўров натижаларига кўра 86 фоиз аёллар "тиббий ёрдамга мурожаат қилиш лозим" деган жавобни кўрсатдилар: бу никоҳгача тиббий кўрикдан ўтиш (60 фоиз) ёки врачга маслаҳат сўраб мурожаат қилиш (26 фоиз)дир. 6 фоиз аёллар бундай қизни шармандасини чиқариб уйига ҳайдаб юбориш керак деб, 6 фоиз аёллар оилавий ҳаётда ҳар нима бўлиши мумкин дейди ва 3 фоиз аёллар эса буни оддий ҳол, деб ҳисоблайдилар.

Шундай қилиб қиз бола шаъни тўғрисидаги савол аёл ҳаётида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Одат ва у билан боғлиқ бўлган маросим аёлга нисбатан шавқатсиздир ва ўлим ёки оила учун умрбод шармандалик кўрқуви остида унга амал қилишни талаб қилади.

Оиалада қизнинг аҳволига дискриминация қилувчи таъсири ота томонидан шубҳаланиш тарбиянинг ўта нотўғрилигида намоён бўлади. Қизларга тўйгача қарама-қарши жинс билан ўртоқлашиш ва қандайдир бошқа муносабатларни ушлаб туришга руҳсат этилмайди.

Аёлнинг фарзандсизлиги - ажралишларнинг сабабидир

Агар аёл қандайдир аниқланмаган сабабларга кўра ҳомиладор бўла олмаса, у ҳолда айб албатта хотинга қўйилади. Шифокорга биринчи бўлиб аёл мурожаат қилади ва йиллар

давомида даволаниши мумкин. Ваҳоланки айрим даволаниш муолажалари фақат эр-хотин бирга келганларидагина белгиланади ва эр-хотин уларни биргаликда ўтишлари лозим. Эркакларни фарзандсизлик муносабати билан шифокорга мурожаат қилиш ҳоллари жуда ҳам камдир.

Сўровлар натижасига кўра, фарзандсизлик ажралишда учинчи сабабдир (20 жавоб), ундан кейин оила аъзоларидан бирининг (кўпинча эрнинг) алкоголь ёки гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиши келади. Хулоса қилиб айтганда, ажралишга сабаб бўладиган омиллар кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз таъсирининг кўрсатиши мумкин. Фақат икки аёлгина ажралишнинг сабаби бир-бирини тушунмаслик бўлиши мумкинлигини кўрсатдилар. Агар ҳамма сабаблар биргаликда деган жавоб 34 фоизни ташкил қилишини ҳисобга олсак, у ҳолда фарзандсизликни ажралишнинг асосий сабабларидан бири қилиб кўрсата оламиз. Аёлларнинг репродуктив ҳуқуқларини бузилиши яққол кўриниб турибди.

Полигамия — кўп хотинлик демакдир

Кўп хотинлик муаммоси ижтимоий-иқтисодий илдизларга эга. Ижтимоий-иқтисодий соҳада жамиятнинг заиф қисми ўз муаммоларининг ечимини унутиб юборилган одатларда излайдилар. Ўзларининг боқимандалик ҳолатларини оқлашда айрим аёллар эски маросимлар томонидан ҳимоя қидирадилар. 20 ижобий ва 5 иккиланувчи жавоб кўп хотинлик қонунда тақиқланган (Жиноят Кодекси, 126-модда), бунга йўл қўйганлар 3 йилгача озодликдан маҳрум этилиши ёки 50-100 энг кам иш ҳақи миқдорида жарима тўлаши кўзда тутилган.

Жавоблар орасида кўп хотинлик йўли билан оилавий муносабатлар ва можароларни ҳал қилишга умид қилганлар ҳам бор. Улар ўз оилаларини сақлаб қолиш учун эрларига иккинчи хотин олишга рухсат берадилар. Аёллар эри билан 10-15 йил яшаб, уни ушлаб қолиш ёки тирикчилик воситаларисиз қолмаслиги учун эрининг иккинчи никоҳига розилик берган ҳоллари маълумдир. Уларнинг фикрича, бу ажралишдан кўра анча тўғри йўлдир. Тобе бўлиб яшашга кўникиб қолган аёллар ўз ҳаётларини эрсиз, ҳатто у севмаса ҳам, аёлга муҳтож бўлмаса ҳам, тасаввур қила олмайдилар. Шунга қарамай устунлик икки хотинликни тан олмайдиган аёллар

томонидадир. Уларнинг жавоблари эрларига нисбатан жонкуярлик билан муносабатда бўлишларини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, полигамия замонавий жамиятда аёл ҳуқуқларининг қўпол равишда чеклаб қўйилишидир ва эркакларнинг имтиёзлари олдида хўрланган ҳолатга қўйган ҳолда, аёлнинг оиладаги ва жамиятдаги аҳволини камситади. Бу одат диний асосга эгадир ва эркаклар шариат нормаларини баҳона қилган ҳолда, виждони қийналмасдан фуқаролик ахлоқ нормаларини бузадилар. Қонун бу масалада қатъий турса ва кўп хотинликни жиноят деб баҳоласа ҳам, амалда жамият кўп хотинлик фактларига ҳайратда қоларлик даражада бепарволик кўрсатмоқда. Жамиятнинг маълум қисми ўзига тўқ эркаклар томонидан кўп хотинликни рағбатлантирмоқда ва бу фактни улар камбағал аёлга нисбатан муҳтожларга берилган ёрдам деб ҳисоблайдилар.

Кўп хотинлик муаммосининг кам ўрганилганлиги бизга мазкур тадқиқот доирасида бу ҳодисани анча чуқур таҳлил қилиш имконини бермайди, лекин айрим кўп хотинлик ҳолларида аёллар диний "никоҳдан" ўтиши билан ихтиёрий равишда ёки билмай туриб ўзлари ва фарзандларини юридик маънода ҳимоя қилиш ҳуқуқларидан маҳрум қилишларини ва никоҳда ўзларини ижтимоий жиҳатдан ўта тобе ва тенг бўлмаган ҳолатга қўйишларини кўрсатади. Бундай никоҳда туғилган болани давлат хизматларида расмий рўйхатдан ўтказиб бўлмайди, бу ўрнатилган тартибни четлаб ўтган ҳолда амалга оширилади. Шу билан бирга ФХДЁда рўйхатдан ўтказилмаган никоҳ юридик кучга эга эмас. Демак, Оила ва Фуқаролик кодекслари аёлни ҳимоя қила олмайди.

Бундай одат ва анъаналар керакми?

Кўпчилик аёллар баъзи одатларимизга нисбатан салбий муносабатда бўладилар. Чунки улар шу ҳуқуқлар туфайли ҳуқуқлари чекланаётганлигини ҳис қиладилар, лекин ижтимоий фикр олдидаги қўрқув ва хавфсираш (одатларга амал қилмагани ёки тўлиқлигича амал қилмагани учун) туфайли ёки аёллар ушбу ҳеч қаерда кўрсатилмаган ва ёзилмаган қонунлар, ахлоқ ва турмуш нормаларининг талабларини бажаришга мажбурдирлар.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексининг 8-модда-

си (Оилавий муносабатларда маҳаллий одат ва анъаналарнинг қўлланилиши) қай даражада аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиши тушунарсиз: "Қонунчиликда тегишли нормалар бўлмаганида, оилавий муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий одатлар ва анъаналар қўлланилади".

Бизнинг фикримизча, Кодекснинг бу ҳолати CEDAWнинг 5-моддасига зиддир ва қайта кўриб чиқиш ва тuzатишлар киритишни талаб қилади. Мазкур сўровларга кўра 100 аёл қуйида келтирилган ҳолатларда анъаналарнинг таъсири натижасида ҳуқуқлари чекланган деб ҳисоблайдилар:

- 1) эрталаб соат 4-5да ўриндан туриш - 41 жавоб;
- 2) уй ишларини бажараётганларида - 29 жавоб;
- 3) эркин ҳаракат қилиш учун рухсат сўрашда - 43 жавоб;
- 4) аёллар келинлик мажбуриятларини бажариш ва ҳамма

одатларга амал қилиши зарур, бу келинни тарбиялайди ва оилани мустаҳкамлашга хизмат қилади, "гапга қирадиган келин муваффақият гаровидир" деб ҳисоблайдилар - 2 жавоб.

Айрим аёллар ҳамма бандлар бўйича, айримлар 1- ва 2-бандлар бўйича ҳуқуқларининг чекланганлигини ҳис қиладилар. Лекин кўпчилик 3-банд бўйича ҳуқуқлари чекланган деб ҳисоблайдилар. Деярли ҳар иккинчи аёл танлаш имконияти ва ҳаракатлар эркинлигига эга эмас, айниқса эрга текканидан кейин. Аёл кўринишидаги балоғатга етган, ишга лаёқатли ва тенг ҳуқуқли фуқаро Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ўзига бириктириб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликнинг ҳамма қирраларидан фойдалана олмайди. Бу аёл бирор нарсани хоҳлаганида ёки бирор нарсага ташаббус кўрсатганида (ота-онасини кўриб келиш, ўқишга ёки дўстларининг олдига, дўконга, театрга ва ҳ.к боришда) рухсат сўраши лозимлигини билдиради.

Ҳақат "рухсат" олганидан сўнг у белгиланган тартибда маълум вақтгача уйдан - бирор маълум жойга бориб келиши мумкин. Акс ҳолда уни муҳокама қилиш кутади, унга аёл ишончли исбот ёки ўзининг ҳимояси учун далил тайёрлаб қўйиши лозим. Ўзининг эрталаб 4-5 да оилада бошланадиган вазифаларини у касал ёки ҳомиладор бўлса ҳам, ўз вақтида бажариши керак.

Анъана ва одатлар

Албатта анъаналарнинг ҳаммаси ҳам оилада аёл ҳуқуқларини чекламайди. Лекин уларнинг кўпчилиги жамиятда аёлга муносабатлар андозасини шакллантирувчи ва аёлнинг оиладаги ҳолатига билвосита таъсир кўрсатувчи ва камситувчи характерга эгадир. Жамиятдаги одатлар ва нотўғри фикрлар турғун эмас ва вақт таъсири остида ўзгариш хусусиятига эга, улар асосида эса аёлни тобе ҳолатга қўювчи мазмун ётади. Ишонч билан айтиш мумкинки, айрим одатлар "тиклаш" байроғи остида жонландилар, вақт таъсири остида эса "гибрид" ва "мутантларга" айландилар.

Моддий фаровонлиги бўйича жамиятнинг кескин табақаланиши, иқтисодий қийинчиликлар мазкур масалада халақит берувчи объектив омил бўлдилар. Ўзига тўқ оилалар ҳар бир оилавий тадбирни анъаналарга амал қилган ҳолда ўтказишга ҳаракат қиладилар. Шу билан бирга ҳамма анъаналарга қарамасдан қариндошининг вафоти муносабати билан ўтказилаётган маърака катта тўйни эслатади, тўйни эса эстрада юлдузларининг концертлари ёки мусиқавий шоуларидан фарқлаш қийин. Бу тадбирларнинг ҳаммаси ўзбек аёлининг елкасига оғир юк бўлиб тушади – ташкил қилиш ва тайёрлаш бўйича оврагарчиликлар унинг ҳамма бўш вақтини эгаллайди.

Чекланган имкониятларга эга оилаларда эса аёллар икки марта кўп оғирлик сезадилар. Чунки маиший соҳада бажарилиши мумкин бўлган ишларни ҳам аёл ўз қўли билан бажаради: кўрпача тикиши (20та), овқат пишириши (20 тоғара), меҳмонлар кетгандан сўнг ҳамма ёқни йиғиштириши (200 ва ундан ортиқ одам) керак. Кундалик ҳаётда булар яна ҳар куни бажариладиган ишлар билан қўшилиб кетади ва натижада аёл фарзандларининг тарбияси билан шуғулланиш, ўқишини давом эттириш, касб маҳоратини ошириш ва ҳатто ҳаётнинг мазмуни тўғрисида ўйлаб кўриш ўрнига доимо мазкур одат ва расм-русумларга амал қилиш билан банддир.

Аёл одатлар босими остида дискриминация қилишнинг онгли ва онгсиз шаклларига дучор бўлади. Онгсиз дискриминация қилиш натижасида, бунда аёл ўзининг оиладаги ҳуқуқлари чекланганлигини англаб етмайди, у одат ва анъаналарга амал қилишни давом эттиради ва натижада ўзини жисмоний ва

рухий ҳолдан тойдиради. Дискриминация қилишни аёл англаб етиши билан оилада можаро вазияти юзага кела бошлайди.

Хулоса

Тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатадики, кўпчилик аёллар оиланинг иккинчи даражали аъзосидирлар ва оиланинг бошқа аъзоларига (эри, қайнонаси, отаси, онаси, акалари) қарам ҳолатни эгаллайдилар. Бу тенденция умуман жамиятнинг ҳамма табақасида кузатилмоқда. Одатлар, расм-русумлар ва нотўғри фикрлар инсон ҳуқуқлари нормаларидан устунлиги халқаро ҳуқуқ шакллари ва тамойилларига (CEDAW) путур етказди ва аёлларнинг оиладаги, демак жамиятдаги ўрни камситувчи характерга эга. Аёл анъанавий кўрсатмалар билан асосий ҳуқуқларидан танлаш ва ўз ҳаётида эркинлик ҳуқуқларидан четлаштирилган. Тадқиқот натижалари қуйидагиларни кўрсатади, аёллар:

- турмуш ўртоғини танлашда тўла ҳуқуқга эга эмас - 52%;
- оилада қарор қабул қилинишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас - 82%;
- оиладаги даромад манбаларидан фойдалана олмайдилар - 64%;
- оилавий муаммоларни ҳал қилишда ўз фикрини ифода-лаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган - 60%;

ва бунинг оқибати сифатида:

- урф-одат ва расм-русумларга амал қилишда ўз ҳуқуқларининг чекланганлигини ҳис қиладилар - 98%;
- оилани режалаштириш масалаларини мустақил ҳал қилмайдилар - 43%;
- аёлнинг фарзандсизлиги эридан ажралишнинг сабаби бўлиши мумкин - 54%.

100 аёл билан ўтказилган суҳбат кўпчилик аёллар оиладаги аҳволларидан қониқмасликларини кўрсатди. Кўпчилик аёллар ўз вақтида турмуш ўртоғини танлаш, ўқишни давом эттириш, касбга эга бўлишда ва ҳ.к. ўз иродаларини кўрсатмаганликларидан афсусланадилар.

Аёлнинг оиладаги ўз аҳволига муносабатини шундай таърифлаш мумкин:

- Ўз ҳуқуқларига, ўз саломатлигига, маънавий ва касбий маҳорати ўсишига нисбатан эътиборсизлик;

- Ҳуқуқий саводсизлик;
- Ўз ҳуқуқларининг бузилиш ҳолларига бепарво қараш ва толерантлик (оилада зўравонликнинг келиб чиқиш сабабларидан бири сифатида);
- Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига фақат айрим ҳолларда ёки оиладаги фавқулодда ва жиноий ҳолатларда мурожаат қилиш;
- Ўз ҳуқуқларидан фойдаланишни билмаслик, оилада ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш воситалари (қонунлар, моддалар, кодекслар) ва механизмлардан фойдаланишда кўникмаларнинг йўқлиги;
- Сабр-тоқат – омон қолиш усули сифатида қўлланилиши;
- Оила, эрга тегиш, фарзандларнинг устунлиги-ўзини ифодалаш усули сифатида тушуниш;
- Ўзига нисбатан паст баҳо бериш.

Жамиятнинг аёлга нисбатан оиладаги анъанавий қарашлар нуқтаи назаридан муносабати.

Оиладаги иккинчи даражали ўрни – эридан кейин, баъзида эса ўглидан кейин иккинчи, қайнонаси бўлса – учинчи, қайнотаси бўлса – тўртинчи ва ҳ.к.

Қатор вазифаларни юклаш:

- уй бўйича;
- эрига нисбатан;
- фарзандларига нисбатан;
- эрининг қариндошларига нисбатан;
- қўшнилари, маҳаллага нисбатан.

Расм-русум ва урф-одатларга амал қилиш мажбурияти:

- никоҳ мажбуриятлари;
- фарзанд туғилганда;
- фарзандларининг тўйи ва ҳ.к.
- Оиладаги, патриархал иерархияга тўлиқ бўйсунуш – хусусан, жамият ва оилада эркакларнинг ҳукмронлиги.
- Иқтисодий қарамлик.

Анъаналар, орқага қайтиш носоғлом жамиятнинг белгиларидир. Тараққий этмаётган, турғун жамият шубҳасиз вақт бўйича орқага қайтади. Унутилган анъаналарга мурожаат қилиш бу можаро бўлмаслиги учун вакуумни ўзаро

муносабатлар сароби билан тўлдиришдир. Мусибатларга сабр-тоқат қилган ва ўзининг сабр-тоқатлилиги ва камситилгани учун мукофотланган (қачондир) аёлнинг мажбуран қабул қилинган андазаси оммавий ахборот воситалари саҳифаларидан, ТВ экранларидан “дўппайиб” чиқмоқда ва радио орқали эшитирилмоқда. Бу андоза билан тубдан қайта қуришни талаб қилувчи қадимги ёриқ ва тешиклар сувалмоқда.

Оиладаги ўзаро муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила, Фуқаролик, ва Жиноят кодекслари асосида эмас, балки унга хилоф равишда анъаналар ва нотўғри фикрлар асосида қурилмақда.

Анъанавий кайфиятларга эга жамиятнинг кўрсатмаларига кўра аёлларнинг якка, оиласиз яшашга ва мустақил ҳаёт кечиришига ҳаққи йўқ. Агар аёл маълум даражада мустақилликка эриша олса, унга дарҳол норасолик, ахлоқсизлик, диёнатсизлик ва ҳ.к. доғлари тушади. У бир вақтда иқтисодий таъминланган ва якка бўла олмайди. Бу яккалик эркаклар бор жамиятга нисбатан “ахлоқсизликдир”. Бундай факт аёлнинг “энг муҳим” вазифаси – хотин бўлишдан бош тортиш деб баҳоланиши мумкин ва бундай аёл ҳамда унинг турмуш тарзи, у қанчалик юқори поғоналарга эришмасин, қоралаш ва гийбатлар манбаи бўлади.

Ўзбек оиласида аёл мақомининг ўзгаришини у туғилганидан бошлаб солиштирамиз ва оилада аёл ўрнининг даражасини ортиши ва пасайиши тенденцияларини ҳамда аёлнинг хатти-ҳаракатлари унинг ижобий (+), салбий (-) сифат ва характеристикаларини жамият томонидан баҳоланиш омилларига боғлиқлигини кузатамиз:

| | | | |
|-----------------|-----|---------------------------------------|-----|
| Қўнғилчан | (+) | Қайсар | (-) |
| Нозик | (+) | Қўпол | (-) |
| Сабр-тоқатли | (+) | Ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан | (-) |
| Заиф (тобе) | (+) | Мустақил | (-) |
| Рад қилмайдиган | (+) | Ишчан | (-) |
| Уйда ўтирадиган | (+) | Тиришқоқ | (-) |
| Муруватли | (+) | Жиддий | (-) |

Аёлга хато қилиш учун ҳуқуқ қолдирмайдилар. Жамиятда аёлга нисбатан дискриминация қилиш

тенденциялари олдин ҳам бўлган. Лекин қайта тикланган одат ва расм-русумлар таъсири остида кейинги пайтларда оилада аёлларнинг аҳволига камситувчи таъсир кўрсатувчи унутилган анъаналарнинг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бундай салбий ҳодисаларга ўз вақтида ва тез қаршилиқ кўрсатиш лозим. Итоаткор ва сабр-тоқатли, уй хотинига нисбатан талабчан, мустақил, маълумотли ва ишчан аёл қиёфасини қарама-қарши қўйиш керак.

Тавсиялар

Қонунчилик чоралари:

- 1) тартибни бузувчиларга нисбатан жавобгарлик ва жазо чораларини кучайтириш;
- 2) оилада дискриминация қилиш ва зўравонлик тўғрисида алоҳида қонун қабул қилиш;
- 3) мавжуд қонунларнинг бажарилиш механизмларини такомиллаштириш;
- 4) маҳаллий қонунларни халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан мувофиқлаштириш.

Таълим ва тадқиқот ташаббуслари:

1. Оилада дискриминация қилиш ва зўравонлик ҳуқуқларининг бузилиши ва жиноят эканлигини англашга ёрдам берувчи медиа ва таълим компаниялари орқали аёлларни оиладаги ўз ҳуқуқлари билан таништириш;
2. Оилада, мактабларда, фуқароларнинг ишлаш ва яшаш жойларида дискриминация қилишнинг ҳар қандай шаклига йўл қўйиб бўлмаслигини тушунтириш;
3. Аёлларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканликларига ишонтиришга қаратилган тадбирлар ўтказиш;
4. Оилада аёлларни дискриминация қилиш ва унинг оқибати сифатида зўравонликка қарши курашга диний арбобларни жалб қилиш;
5. Жамоат бирлашмалари томонидан оилада дискриминация қилиш ва зўравонлик муаммолари бўйича ўтказилаётган тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;
6. Оилада дискриминация қилиш муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказишда давлат муассасалари ва академик институтларни рағбатлантириш;
7. Оилада дискриминация қилиш ва зўравонлик

муаммоларини соғлиқни сақлаш муаммолари бўйича миллий тадқиқотларга киритиш;

8. Оилада дискриминация қилиш ва зўравонлик муаммоларини жабрланганларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатларига таъсири масалаларини тадқиқ қилиш;

9. Оилада дискриминация қилиш орқали жамиятга ва давлатга келтирилган молиявий йўқотишларни тадқиқ қилиш.

Мувофиқлаштирилган ёндашишни муаммони ечишга жорий қилиш

1. Қонунлар ва давлат сиёсатини ишлаб чиқишда НДТларга анча фаол қатнашиш имконини бериш;

2. ОАВ, ижтимоий ташкилотлар ва давлат структуралари иштирокида оилада аёлларни дискриминация қилиш ва зўравонликка қарши биргаликда компанияларни ташкил қилиш;

3. Давлат ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматлари, маслаҳатлар ва юридик хизматлар ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини кўрсатиш.

АЁЛЛАР ҲУҚУҚИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Маълумки, аёлларга нисбатан ўтган даврлар давомида давом этиб келаётган андазавий муносабатлар ҳозирги кунга келиб, яъни, Ўзбекистон мустақилликка эришиб, муносабатлар шаклланиб келаётган озод ва эркин жамиятда янги мазмун, янги маъно кашф этмоқда. Бунинг маъноси шундаки, қадимдан давом этиб келаётган турли анъаналар маълум даражада сақланиб қолган бўлса ҳам, янги тизим сиёсатида уларга эътибор, муносабат ҳам ахлоқий, ҳам маънавий ва айниқса иқтисодий жиҳатдан анча ўзгариб кетди.

Албатта, собиқ Иттифоқ даврида оналик ва болаликни, аёллар озодлигини, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатида бирмунча ўзгаришлар амалга оширилган бўлса-да, улар ҳақ-ҳуқуқининг асосий масалалари ва ундан келиб чиқадиган муаммолар ўз ечимини топаолмади.

Янги тизим, янги қонун деганларидек, баъзибир ҳуқуқий муносабатлар ҳозирги иқтисодий ўтиш даврининг ўзига хос қийинчилиги билан боғлиқ қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Тарихдан биламизки, аёлларнинг жамиятдаги ҳолатига муносабат турли даврларда давлат сиёсатига қараб ўзгариб келди. Зеро, хотин-қизлар ҳар қандай жамиятда ҳам оиланинг асосини ташкил этган. "Аёллар бир қўллари билан бешик тебратсалар, бир қўллари билан дунёни тебратади", деган гап бежиз айтилмаган. Шу боисдан масалага чуқурроқ ёндошадиган бўлсак, ҳар бир жамиятнинг тараққиёти, адолатлиги ва инсонпарварлиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Давлатлар сиёсатининг буюклиги, ҳаққонийлиги ҳам ана шу аёлларга муносабатнинг натижасига қараб белгиланади. Тарихга бир назар ташлайлик. Аёлларга муносабат улар ҳуқуқларининг тарихий илдизлари қаерга бориб тақалади. Кўрамизки, аёл деган энг ноёб мавжудод ҳақ-ҳуқуқсиз қул, уни сотса ҳам, сотиб олса ҳам, ҳатто ўлдириш ҳам мумкин. Ёки бўлмаса, аёл сиёсатчи, давлат арбоби, шоира, олим, жамиятга энг зарур инсон. Кўриб турибмизки, агар биз кўҳна тарихимиз саҳифаларини варақлаб чиқсак аёлларнинг жамиятда тутган

ўрнини яққол кўрамиз. Ҳатто буюк тумурийлар салтанатида Амир Темурнинг суюкли рафиқаси Бибихоним мамлакат ижтимоий ҳаётида катта рол ўйнаган, оқила-меҳрибон она сифатида Жаҳонгирга энг яқин маслаҳатчи, болаларнинг тарбиячиси сифатида танилган. Амир Темур Ҳиндистонга юриш қилган чоқда Самарқандда тарихий мадрасини бунёд этишга раҳнамолик қилган донишманд аёл Бибихоним эди.

Аёл – табиатнинг қудратли ва буюк инъоми бўлиб, ҳаракатчан, мукамал, турли қийинчиликларга бардошли, айни пайтда ёқимли ва нозик, севувчи ва тушунувчи мавжудот сифатида ўзини кўрсатди. Балким мана шу хислатлари орқали табиат унга ҳаётнинг давомийлигини таъминлашдек вазифани ҳам юкланган. Фарзанд кўриш бу мўъжиза; ушбу хизмат эвазига замон ва авлодлар ўртасидаги алоқа узилмай келаётир. Фақатгина шу туфайлигина, яъни аёлнинг инсоният, табиат, жамият олдидаги ўз мажбуриятини тўла-тўқис бажариб келаётгани боис, унинг жамиятдаги ҳолати эркаклар ҳолатидан паст бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам унинг озодликка, мустақиллик ва тенг ҳуқуқлилиқка бўлган интилишини табиий деб ҳисоблаш лозим.

Маълумки, Шарқ одат ва анъаналарига биноан аёл ва эркак ўртасидаги муносабат қатъий тартибга солинган. Мана шу тартибга солиш орқали аёлнинг жамият ва оилада тутган ўрни белгиланади. Аёлнинг оиладаги вазифаларига эса фарзанд кўриш, уларни тарбиялаш, уй хўжалиги ишларини юритиш кабилар кирган ва у буларни бажариш асосида оилавий муносабатлар барқарорлигини таъминлаган. Ҳозирги замон Шарқ аёли мақомини белгилаб олиш учун тарихимизнинг муайян даврларига назар ташласак, аёлларнинг жамиятдаги роли, эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги ҳақида гапириш у ёқда турсин, ҳатто бу ҳақда ўйлаш ҳам мумкин бўлмаганлигига гувоҳ бўламиз. Энг оддий инсоний ҳуқуқларидан ҳам маҳрум бўлган аёл дин исканжасида ҳақ-ҳуқуқсиз яшаган ҳамда маиший характердаги хурофий қарашлар асосидаги зулмни бошидан кечирган.

Шарқда эса қадимдан шариат ва одат нормаларидаги тамойиллар ўзбек аёлининг ҳаёт тарзини белгилаб берди. Шариат ва одат нормаларига биноан аёлнинг оиладаги ҳолатига назар ташласак, унга кўпроқ мулкка қарагандек муносабатда

бўлишган. Қайсиким, унинг отаси, акаси ёки эрининг хоҳишига биноан сотиб юбориш, жазолаш мумкин бўлган. Шариятни тафсир қилувчилар фикрига кўра, аёлнинг турмуш ўртоғи хотинига кўз олайтирган ҳар қандай шахсни ўлдириши мумкин бўлган. 12-13 ёшдан балоғатга етган қиз болалар кўчага чиққанларида, паранжи ёпиниб юришлари шарт бўлган, яъни таналарининг бирор қисми, ҳатто кўллари кўрсатиш ҳам тақиқланган. Юқоридаги қоидаларга риоя қилмаслик шариятга бўйсунмаслик, деёл баҳоланган ва шарият қонунлари асосида жазоланган. Илгарилари аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштирокига шарт-шароит бўлмаган. Ўзбекистон ҳудудида саноат ишлаб чиқариши ривожланмагани, баъзи бир майда корхоналарда оғир меҳнат талаб қилингани боис аёллар у ерларда ишлай олмаганлар. Саноат ишлаб чиқаришидаги уларнинг иштирокига ва эркаклар билан бир бинода ишлашига яна ўша диний одатлар тўсқинлик қилган. Шунинг учун ҳам Туркистон аёллари кўпинча ўз уйларида ёки эркаклар бўлмаган жойда асосан қўл меҳнатига асосланган ҳунармандчилик билан банд бўлишган.

Бухоро амирлиги ва Хева хонлигида аёллар ҳаёти анча оғир бўлган. Шарқ мамлакатларида аёллар ва қизлар билан савдо қилувчи кул бозорлари ҳам мавжуд бўлган. Бухоронинг сўнгги амирининг 300га яқин аёли, чўри ва канизаклари бўлган. Бухорода шундай аёллар қамоқхоналари бўлганки, у ерда эрларига бўйсунмаган, қизларига таълим бермоқчи бўлган аёллар қозилар ҳукмига биноан, баъзан эса суд қилинмасдан сақланган. Кўпхотинлилик, қизларни ёшлигида сотиш, аёлнинг наслдан наслга ўтиши (эри ўлганда унинг ака-укаларига никоҳланиши), ақидапараст руҳонийлар томонидан қонунийлаштирилган. Кўп вақтлар давомида ислом дини чаласавод дин ходимлари томонидан бузиб талқин этилган.

Ваҳоланки, ислом динида аёлларни ҳурмат қилиш ва севишга даъват қилинади. Қуръони каримда таъкидланишича, эркак ва аёл, уларнинг қобилияти ва лаёқати тенг ҳисобланади. Диний нормалар уни тан олган қадриятларга мос келган ҳолда аёлнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳолатини белгилайди. Ислом динига биноан аёллар ва қиз болалар товар олди-сотдисининг предмети ҳисобланмайди. Эркак кишининг 10 ёшли қиз билан никоҳга кириши шариятга мувофиқ битим ҳисобланади. Бундай

бар вақт никоҳлардан кўплаб аёллар турли касалликлар билан оғриб, кўпинча вояга етмай ёшлигидаёқ вафот этганлар. Аёлнинг ўз эри буйруқларини сўзсиз бажаришга мажбурлиги, аёлнинг ҳуқуқсизлигига олиб келди. Шарият нормалари орқали қарама-қарши жинсдагилар ўртасидаги ўзаро алоқанинг белгиланиши аёлларнинг жамиятдан батамом ажраб қолишига сабабчи бўлди.

Шарқ аёлларининг собиқ иттифоқ даврига келиб озодликка чиқарилиши ҳам салбий, ҳам ижобий аҳамиятга эга. Никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунлар кўпхотинлиликни, қалин тўлашни бекор қилди ҳамда эркаклар билан аёллар ўртасидаги тенгҳуқуқлиликини жорий этди. Лекин мажбурий тарзда ҳуқуқларнинг ўзгартирилиши дин ходимлари томонидан маъқулланмади, аҳолининг бир қисми эса ўрнатилган янги тартиб-қоидалардан норози эди. Аёлларга бундай эркинликлар берилиши ва эркаклар билан тенг ҳуқуқли деб топиллиши диндорлар томонидан қаршиликка учради. Ҳозирги вақтдан туриб тарихга назар ташласак, советларнинг аёлларни эркинликка чиқариш сиёсати ўзбек халқининг бевосита оилавий ишларига аралашиб бўлиб, бир қанча ноҳушликларни келтириб чиқарган. Бунга яққол мисол бўлиб 1927-28-йиллардаги "Ҳужум" ҳаракати ҳисобланади. Бу ҳаракатнинг асосий мақсади аёлларни эркинликка чиқариш, уларни патриархал оила қоидаларидан озод қилиш паранжи-сочвондан қутқариш эди. Кўп сонли қурбонлар эвазига "Ҳужум" ҳаракати ўзбек аёлларини паранжидан ҳалос этди. Бу сиёсатининг оқибатида кўплаб аёлларнинг оммавий қирилиб кетишига ҳам олиб келди. Паранжисини ташлаган, мактабга борган ва комсомолга аъзо бўлган аёлларни ваҳшиёна ўлдирардилар ёки майиб қилардилар. "Ҳужум" ҳаракатининг қурбонлари бўлиб, ўз яқинлари томонидан ўлдирилган иштирокчилардан ташқари, ҳаракат ташкилотчилари ҳам бу ишда фаол қатнашганликлари архив материалларида қайд этилган. Лекин бошқа томондан бу ҳаракат аёллар ва қизларга дунёвий билим олиш йўлини очди ва уларни ижтимоий ҳаёт иштирокчиларига айланишига кўмаклашди. Шунга қарамай жамият аъзоларининг асосий қисмини аёлларга бўлган муносабати ўзгармай қолди. Давлат томонидан ўтказилган жазо чоралари қисқа вақт ичида халқнинг фикри, қарашларини ўзгартира олмади, бироқ

аёлларнинг ўз эркинлиги, тенг ҳуқуқлиликлка эришиш йўлидаги кураши тўхтаб қолмади.

Халқ аёлларни уйдан ташқарида ишлаши, таълим олиши ўз ҳуқуқини қўлга киритганини тан олишни истамас эди. Шарқ аёлларини Европача усулда жаҳон стандартлари асосида эмансипациялашнинг салбий жиҳатлари ҳам бор эди. Аёлларга жамият ҳаётининг барча бўғинларида ҳам йўл очиқ эмас эди. Бунга баъзи ёзилмаган одат тўсқинлик қилар эди. Ҳозирги кунда ҳам айрим патриархал қоида ва анъаналар учраб туради. Шарқ халқларининг асрлар давомида шаклланган анъана ва урф-одатлари бевосита ислом дини билан боғлиқ ва унга асосланади. Ислом дини инсонларнинг ижтимоий, оилавий ва шахсий ҳаётига маънавий жиҳатдан таъсир этган ва таъсир этиб келмоқда.

Ислом дини умум эътироф этган қадриятларга ҳамоҳанг. Бундай қадриятларга одиллик, эркинлик, мустақиллик, инсонпарварлик ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Бироқ айрим ақидапараст, реакцион кучлар гайриинсоний ҳаракатларни амалга ошириш ва адоватни уйғотиш мақсадида адолатпарвар гояларни бузган ҳолда фойдаланадилар. Бундай ҳолатни Афғонистон воқеалари асосида кузатиш мумкин.

Собиқ совет ҳукумати ўрнатилгандан кейин ҳам суд муассасалари билан бир қаторда шариат ва урф-одат судлари ҳаракатда бўлган. Бу бир-бирини инкор қилувчи икки ҳуқуқ тизимининг мавжудлигидан дарак эди. Ҳуқуқий дуализм ҳолати узоқ муддатга чўзилди. Шариат ва одат бўйича судлар ўта консерватив руҳда бўлиб, (эскича рух) фуқаровий ва оилавий низолар бўйича адолатсиз ҳукм чиқарар эдилар. Айниқса, бундай адолатсизликларни қалинни қайтариб бермаганлик учун никоҳни бекор қилишни рад этиш, паранжини ечиб, очиқ юз билан эркаклар билан суҳбатлашган аёлларга айблов ҳукмини эълон қилишда аке этган. Шу боис бу судлар тарқатиб юборилган. Тараққиётимизнинг кейинги йилларида халқимизга хос бўлган анъана ва одатларни сақлаб, маънавий ва ахлоқий қадриятларни тиклаш чоралари ишлаб чиқилад бошланади. Аёллар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ҳамда уларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ечишнинг энг муносиб йўллари ахтармоқда. Оилавий низоларни ҳал қилишда маҳалла катта роль

уйнамоқда: ажралишдан огоҳлантириш; ажрашгандан кейин аёллар манфаатини ҳимоя қилиш (мулкӣ низола, аввалги эр уйида яшаш ҳуқуқи тўғрисидаги низо, моддий ёрдам ва бошқалар). Хотин-қизлар қўмиталари эса ижтимоий соҳа ҳолати бўйича масъулдирлар.

Аёллар ҳуқуқлари ва уларнинг муҳофазаси бугунги кунда ҳам муҳим бўлиб қолмоқда. Баъзи ўз-ўзини ўлдириш, ёқиб юбориш, аёллар устидан жабр-зулм ўтказиш фактлари ҳозир ҳам учраб туради. Ёзилмаган қонун кучига эга бўлган бу анъаналар ҳозиргача мавжуд, у эр ва хотин, ота ва қиз, ака ва сингил, қайнона, қайнота ва келин ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб келмоқда. Бундай муносабатлар ҳамма вақт ҳам умуминсоний тартиб-қоидаларга ва этика тамойилларига жавоб беравермайди. Вояга етмаган қизларнинг эрта турмушга узатилиши, катта оилаларда келинларнинг ҳуқуқсизлиги, унинг нафақат эрига, балки ота-онасига ҳам бўйсунishi, келиннинг ҳомиладорлик масалаларини, акушер ва гинекологларга учрашни ўзлари ҳал қилолмаслиги, никоҳга киргандан сўнг ўқишни давом эттириш меҳнат фаолияти билан шуғулланиши, каби масалаларнинг унга боғлиқ эмаслиги келинга нисбатан нотўғри муносабатларнинг исботидир. Оғир уй меҳнати, итоаткорлик, болалар орасидаги фарқнинг 1-1,5 ёш эканлиги, қониқарсиз санитария шароитлари, меъёрида овқатланмаслик каби омиллар аёллар учун кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқаради. Бундай ҳодисалар ҳаётда тез-тез учраб туради ёки ҳар биримиз бундай ҳодисаларнинг гувоҳи бўлганмиз.

Энди ҳозирги кунда қонунларимизнинг асосий йўналиши аёлларни тўла муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, аёлларнинг ҳуқуқий аҳволи борган сари яхшиланиб бормоқда. Бунда айниқса хотин-қизлар қўмитасининг фаолияти диққатга сазовор. Бу қўмитанинг вазифасига аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш, аёлларни давлат бошқарувига жалб қилиш кабилар киради. Ҳукумат миқёсида қўриладиган чора-тадбирлар вояга етмаган фарзандлари бор аёлларга моддий ёрдам бериш, улар соғлигини муҳофаза этиш ва бошқаларни кўзда тутати.

Аёлга нисбатан дискриминация қилиш руҳидаги

муносабатни бартараф этиш-енгил ва оддий вазифа эмас. Бугунги кунда бу вазифа биринчи даражали вазифалардан. Унинг ечими эса барча давлат, жамоат ташкилотлари таркибий тузилмаларининг қатъий ва масъул фаолият юритишини талаб этади. Мазкур вазифани бажаришга аҳолининг барча қатламлари жалб этилиши шарт.

ҲАЁТНИНГ БАРЧА СОҲАЛАРИДА АЁЛ ҲУҚУҚИ МУҲОФАЗАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари ва уларнинг муҳофазаси жаҳон ҳамжамиятининг асосий вазифасидир, унинг ҳал этилиши инсоният хавфсизлигини таъминлаш имконини беради. Инсон ҳуқуқлари гоёси ўзининг тарихий тараққиётида асосий моҳиятини йўқотмади – қандай вужудга келган бўлса, шундайлигича ҳар бир инсон фарзандининг бахт-саодати сифатида намоён бўлмоқда. Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишда халқаро ҳамжамият ирқий камситилмаслик масаласига алоҳида эътибор беради. Ирқий камситилиш деганда эса кишиларнинг жинси, ирқи, тили, дини, эътиқоди ва келиб чиқишига асосланиб бир-биридан фарқлаш, ҳуқуқларини чеклаш ва дискриминация қилиш англашилади.

Замонавий давлатлар ўзларининг қонун ҳужжатларида кишиларнинг қандайдир асослар бўйича дискриминация қилинишига йўл қўймаслик принципини мустаҳкамлаб қўйишга ҳаракат қиладилар. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг бутун жараёни мана шу принципга асосланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида барча фуқароларнинг тенглиги мустаҳкамлаб қўйилган. Унда айтилишича, "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар". Бу қоида давлатимизнинг кўпгина қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган. Халқаро ҳужжатларда, шунингдек ички қонунчиликда ҳам жинсий белги бўйича камситмаслик тўғрисидаги қоида биринчи ўринга чиқарилган.

Аёлларнинг ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисмини ташкил этади. Демократик давлат принципларини ва шиорларини эълон қилар эканмиз, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги тўғрисида гапиришни ҳам ёддан чиқармаймиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аёллар ва эркакларнинг тенглиги принципи тарафдоридир. Бу тенглик ҳар бир инсон фарзандига аёллар ва эркакларнинг қадр-қимматда

тенглигини, ҳуқуқлар бўйича тенглигини, қадриятлар бўйича тенглигини англатади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва жаҳон ҳамжамияти аъзолари бўлмиш замонавий давлатлар аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини қонунчилик тартибида умум тан олинишини таъминлашга, аёлларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун тенг имкониятлар берадиган йўлларни ахтаришга интилоқдалар.

Аёллар ва эркакларнинг ҳуқуқда тенглиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг муҳим принципларидан биридир. БМТ Уставининг муқаддимасида айтилишича, "инсоннинг асосий ҳуқуқларига, шахснинг қадр-қиммати ва қадриятига, аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигига ишончни мустаҳкамлаш" йўлида ҳаракат қилиш БМТнинг асосий мақсадларидан биридир. Унинг биринчи моддасида айтилишича, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг вазифаларидан бири, ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишни рағбатлантириш ва тараққий эттиришда халқаро ҳамкорликни амалга оширишдир.

Уставдан ташқари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг умумий характердаги бир қатор ҳужжатларида эркаклар ва аёлларнинг тенглиги принципи ўз ифодасини топган ва аёлларни дискриминация қилиш ман этилган. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлар, Аёлларни дискриминация қилишни йўқ қилиш тўғрисидаги декларация, Фавқулодда ҳолатларда ва қуролли тўқнашувлар даврида Аёллар ва болаларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги декларация, аёлларни дискриминация қилишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция шулар жумласидандир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатлари ичида аёлларнинг конкрет ҳуқуқларига тааллуқли бир қатор ҳужжатлар ҳам мавжуд. Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Оилали (турмушга чиққан) аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги конвенция, Никоҳга киришишга розилик, энг қуйи никоҳ ёши ва никоҳларни қайд этиш тўғрисидаги конвенция, Одамлар билан савдо-сотик қилишга қарши ҳамда учинчи шахслар томонидан фоҳишаларнинг эксплуатация қилинишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция

ва Қулчиликни, қул савдосини ва қулчиликка ўхшаган институтлар ва урф-одатларни бекор қилиш тўғрисидаги қўшимча конвенциялар шулар жумласидандир. БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1967 йил 7 ноябрда эълон қилинган "Аёлларни дискриминация қилиш барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги декларация Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аёлларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган фаолиятида муҳим босқич бўлди. БМТ Уставининг муқаддимасида ҳам шундай ҳужжат зарурлиги хусусида сўз юритилганди. Унда Бош Ассамблеянинг ташвишланиши шундай ифода этилганди: "БМТнинг Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлар ва БМТнинг ҳамда ихтисослаштирилган муассасаларнинг бир қатор ҳужжатлари қабул қилинганлигига ҳамда тенг ҳуқуқлилик масаласида бирмунча тараққиёт амалга оширилганлигига қарамадан, аёлларни маълум даражада дискриминация қилиш мавжуд бўлиб қолмоқда".

Ушбу Декларацияда қуйидагилар эълон қилинган:

- аёлларга нисбатан камситувчи руҳда бўлган мавжуд қонунлар, урф-одатлар, амалиётни бекор қилиш;
- эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлигининг тегишли юридик муҳофазасини ўрнатиш;
- ички қонунларга эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлиги принципини киритиш;
- аёлларнинг нотўлақонлиги ғоясига асосланган хурофий тасаввурларни таг-томири билан қуритиш ҳамда шундай руҳдаги урф-одатлар ва бошқа амалиётга қарши жамоатчилик фикрини тайёрлаш ва миллий интилишларни шуларга қарши йўналтириш ва бошқалар.

Декларацияда ҳукуматлар, ноҳукумат ташкилотлари ва алоҳида шахслар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва БМТнинг Уставига мос равишда декларация принципларини барча мамлакатларда амалга оширишга қўлларидан келганча ёрдам беришга даъват этилган.

1968 йилдан бошлаб ҳукуматлар, ихтисослаштирилган муассасалар ва ноҳукумат ташкилотлари декларацияни тарғиб-ташвиқ қилиш борасида ўзлари амалга оширган чоратадбирлар, унда баён қилинган принципларга мос равишда қилган хатти-ҳаракатлари хусусида Бирлашган Миллатлар

Ташкилотига ҳисобот бериб турадилар.

Аёлларнинг турмуш, оила ва жамиятнинг барча жабҳаларидаги ҳуқуқларига тааллуқли нормалар ва принциплар 1967 йилда қабул қилинган "Аёлларга нисбатан дискриминацияга барҳам бериш тўғрисида"ги декларацияда мавжуд эди. Сўнгра улар кенгайтирилиб, мажбурий юридик кучга эга бўлди. Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга киритилди. Бу Конвенция 1979 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинди ва 1981 йил 3 сентябрдан бошлаб кучга кирди. Бундан кўзланган мақсад аёлларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ва ҳаётнинг бошқа жабҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини инкор этувчи ёки уни чеклаб қўювчи дискриминацияга узил-кесил барҳам бериш эди.

Ушбу конвенцияга биноан иштирокчи-давлатлар бундай дискриминацияни қоралайдилар ва унга барҳам бериш сиёсатини юритишни ўз зиммаларига оладилар.

Конвенциянинг 1-моддасига биноан "аёлларга нисбатан дискриминация" тушунчаси аёлларни аёл бўлганлиги учун ҳар қандай фарқлаш, рўйхатлардан ўчириш ёки ҳуқуқларини чеклаб қўйишни англатади. Бу эса аёллар томонидан, уларнинг оилавий аҳволидан қатъи назар, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида турмушнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ва бошқа жабҳаларида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш, улардан фойдаланиш ёки уларни амалга оширишни кучсизлантириш ёхуд йўққа чиқаришга йўналтирилгандир.

Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари тегишли барча тадбирларни кўради, бундан мақсад:

– эркаклар ва аёллар ролининг стереотиплиги ёки жинслардан бирининг устуворлиги ёхуд аёлларнинг нотўлақонлиги ғоясига асосланган барча амалиёт ва урф-одатларга барҳам бериш, турли хурофий тасаввурларни тағ-томири билан қуритишга эришиш мақсадида эркаклар аёллар ахлоқининг ижтимоий ва маданий моделини ўзгартириш;

– ҳар қандай ҳолларда ҳам болаларнинг манфаатлари устувор бўлиши шарти билан болалар тарбияси ва тараққиётида эркак ва аёлнинг умумий масъулиятини тан олиш

ва оилавий тарбияда оналикни ижтимоий функция сифатида тўғри тушунилишини ўзида мужассам этишини кўзлаб барча тегишли чораларни кўриш.

Давлатлар турмушнинг барча соҳаларида аёлларнинг камситилишини йўқотиш учун барча чораларни кўришлари лозим, булар орасида никоҳ ҳамда оилавий муносабатларга тааллуқли масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Аммо, афсуски, аёллар барча жойларда, оилада ҳам, жамиятда ҳам, иш жойида ҳам у ёки бу даражада камситилиши барчага маълум. Бу дискриминациянинг сабаблари нимада ва уни таг-томири билан қуритишга нималар тўсқинлик қилмоқда?

Дискриминация тўғрисида гапирганда аёллар ва эркаклар ҳуқуқлари ўртасидаги ўзини оқламаган дифференциацияни (фарқни) ҳам назарда тутиш керак, агар шундай ҳол кўзга ташланса, давлат бундай нотенгликнинг олдини олиши керак. Бу аёлларнинг физиологик фарқлари билан боғлиқ бўлган баъзи бир имкониятлар ва мажбуриятлардаги ўзини оқлаган фарқларга тааллуқли эмас. Аммо, барибир, қонунчиликнинг такомиллаштирилганлиги, БМТ доирасида бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинганлиги ва имзоланганлигига қарамасдан, аёлларнинг аҳволи кўпгина ҳолларда эски ҳаммом, эски тослигича қолмоқда. Бунинг сабаби нимада? Жинсидан қатъи назар, тан олинган тенгликни амалга оширишга нима тўсқинлик қилмоқда?

Аёлнинг кундалик ҳаётига назар ташласангиз бошқалардан фарқли ўлароқ, айнан аёл инсоний қадр-қимматининг ерга урилиши, ҳуқуқларининг чеклаб қўйилиши объекти бўларкан ва бу ҳол айнан оилада, яъни аёл ўз умрининг энг кўп қисмини ўтказадиган гўшада содир этиларкан. Уйда эрнинг зўравонлиги яққол намоён бўлиб турибди ва эр хотинни назорат қилиб туриш, қўрқитиш мақсадида ҳар куни жисмоний, маънавий, бақириб-чақириб ва иқтисодий таҳқирлаш йўли билан хотинни камситиб келади.

Оиладаги зўравонлик умумлашган категориядир, чунки оилада бир киши бошқасининг ахлоқини ва ҳис-туйғуларини назорат қилиб борадиган махсус вазиятлар мавжуд ва бу вазиятлар дилозор билан жафокаш ўртасидаги муносабатлар табиати ҳамда уларнинг турмуш шароитлари орқали

аниқланади. Масалан:

- болаларга бешафқат муносабатда бўлиш;
- эр ёки хотинга қарши қаратилган зўравонлик;
- кексаларга нисбатан зўравонлик.

Кўпгина ҳолларда, асосан, аёллар оиладаги зулмкорлик қурбони бўладилар ва бу зўравонлик даромад, маълумот ва жамиятда тутган мавқеларига боғлиқ бўлмаган ҳолда барча ижтимоий гуруҳларда мавжуддир.

Оиладаги жабр-зулм бутун дунёда энг кўп тарқалган кўринишдир. БМТнинг аёллар муаммоларига бағишланган, 1995 йил сентябр ойида Пекинда бўлиб ўтган тўртинчи анжумани сиёсий дастурида айтилишича, уйдаги зўравонлик кўпгина давлатларда "эпидемия"га айланган.

Оила васийлик жараёнлари, ғамхўрлик амалга ошириладиган жойдир, унда одамлар ўзаро ҳис-туйғулар билан боғланган бўлади. Аммо у зўравонлик юзага келадиган, аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйиладиган жойга ҳам айланиб қолиши мумкин. Оила инсон ҳаётининг хусусий доираси бўлганлиги сабабли, кўпинча унда содир бўлаётган жараёнлар ижтимоий жараёнлардан ажралиб туради ва мана шу ҳол аёл ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилади.

Оиладаги зўравонлик, биринчи навбатда, жисмоний бешафқатлик ва жинсий зўравонликдир, аёлнинг оила бюджетига раҳбарлик қилишини, репродуктив ҳуқуқларини чеклаб қўйишдир. У чегара билмайди ҳамда инсон ҳуқуқлари бузилишига айланади, шу сабабдан ҳукумат ва давлат органлари, оила доирасида содир этилганидан қатъи назар, зўравонликка қарши кураш чораларини кўриши лозим. Бу вазият, яъни оиладаги зўравонлик қўллаб-қувватланса ёхуд безътибор қолдирилса, дилозор эркеклар хотинлари устидан зўравонлик қилганликлари учун ҳеч қандай жазога тортилмасликларини билсалар, агар давлат аёлнинг шикоятларига лозим даражада эътибор бермаса, давлатнинг ўзи ҳам ушбу зўравонлик иштирокчиси бўлиб қолади. Оиладами, иш жойидами, бошқа жойдами, барибир, аёл киши ҳар доим муҳофаза остида бўлиши керак.

Илгарилари БМТнинг мажлисларида, асосан, "уйдаги зўравонлик", "оиладаги зўравонлик" хусусида гапирилди, умуман, аёлларга нисбатан зўравонлик тўғрисида гапир-

масдилар. 1992 йилда, БМТ Женева Конвенцияси бўйича назорат комиссиясини таъсис этиб, унга аёллар устидан қилинаётган зўравонлик фактларини аниқлаш ҳамда жиноятларнинг олдини олиш бўйича давлатларнинг мажбуриятларини аниқлаш хусусида алоҳида топшириқ берганда илк бор "ёриб ўтиш" амалга оширилди. Сўнгра қуйидаги ишлар амалга оширилди:

а) аёллар устидан зўравонлик қилиш тўғрисидаги бўлимнинг ҳаракат дастури Вена декларациясига киритилди (Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференцияси ҳисоботи, 1993 йил);

б) аёллар устидан зўравонлик тўғрисидаги декларация 1993 йилда БМТ томонидан қабул қилинди;

в) БМТ 1994 йилда аёллар устидан зўравонлик тўғрисида гапириш учун махсус маърузачи тайинлади.

Хўш, инсон ҳуқуқлари билан зўравонлик ўртасида қандай боғлиқлик бор? Аёллар устидан зўравонлик тенглик ва нодискриминация йўлидаги тўсиқдир. Аёллар ва эркекларнинг ҳуқуқ борасидаги тенглиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг энг муҳим принципларидан биридир. Бу ҳол БМТнинг Уставида, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларда, Аёлларга нисбатан дискриминация қилиш барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги декларация ва конвенцияда ҳамда аёлларнинг махсус ҳуқуқларига тааллуқли бошқа ҳужжатларда эълон қилинган.

Аёлларга нисбатан бўлган дискриминация қилишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга биноан давлатлар аёллар билан эркекларнинг тенглигини амалда таъминлаймиз деб мажбурият олдилар. Уйдаги зўравонлик оиладаги дискриминациянинг ҳар қандай кўринишини ташкил этади. Шундай қилиб, зўравонлик аёлларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўяди ва йўққа чиқаради. Зўравонлик қанчалар кенг тарқалса, аёллар ҳуқуқларини шунчалар кўп йўқотадилар. Бундай ҳолларда аёл учун энг асосийси зўравонликни таг-томири билан қуритишдир, бу ҳол уларнинг эркеклар билан тенг ҳуқуқли бўлишга олиб келади.

Зўравонликдан халос бўлган аёллар ўз ҳуқуқларидан ўзларини ва бошқа аёлларни адолатсизликдан халос этиш,

муҳофаза қилиш йўлида фойдаланадилар. Қуйидагилар шу ҳуқуқлар қаторига киради:

- яшаш ҳуқуқи;
- тенглик ҳуқуқи;
- шахсий эркинлик ва хавфсизлик ҳуқуқи;
- тенг равишда қонун ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи;
- дискриминациянинг ҳар қандай шаклидан ҳимояланиш ҳуқуқи;
- соғлиқ ҳуқуқи;
- меҳнат муносабатларидаги тенглик ҳуқуқи;
- турли қийноқлар ва бошқа гайриинсоний, бешафқат ёки кадр-қимматни ерга урадиган ҳатти-ҳаракатлар ва муомалалардан озодлик ҳуқуқи.

Уйдаги зўравонлик мавжудлиги халқаро ва миллий характердаги ҳужжатларда аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги оғиз кўпиртириш камлик қилишини исбот этади. Оилада аёлга нисбатан зўравонлик қилишга йўл қўймаслик ва уни таг-томири билан қуритиш борасида алоҳида чоралар кўриш лозим. Ушбу масала бўйича давлатнинг қонун ижод қилиш фаолияти, ёшларни сабр-тоқат руҳида тарбиялаш, оилада аёлларга нисбатан жиноий ҳатти-ҳаракатларни қоралаш, шундай вазиятларда судьялар ва прокурорларни самарали ҳаракат қилишга ўргатиш, зўравонлик қурбонларига ёрдам беришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг имкониятларини кенгайтириш шундай чоралар сирасига киради. Оиладаги зўравонлик тўғрисидаги мутаносиб қонунчиликнинг ишлаб чиқилиши халқаро ҳамжамият доирасида аёллар устидан оилавий зўравонлик қилишни таг-томири билан қуритиш масаласида сезиларли қадам бўларди. БМТнинг тавсиялари оила доирасида аёлларни муҳофаза қилишда сезиларли ёрдам кўрсатиши мумкин, уларда айтилишича, оиладаги зўравонлик шахс ва жамиятга қарши жиддий жиноят деб тан олинади.

Мутаносиб қонунга кўра, аёлга нисбатан жинсий белги асосида амалга оширилган барча жисмоний, руҳий ва жинсий характердаги зўравонлик ҳаракатлари, агар бу ҳаракатлар улар билан оилавий ёки яқин муносабатлар орқали боғлиқ бўлган шахс ёки шахслар томонидан амалга оширилган бўлса, оғзаки ҳақоратлар ва таҳдидлардан тортиб оғир жисмоний калтаклашлар, ўғирлаб кетиш, “бирон жойингни синдираман”,

деб таҳдид қилиш, қўрқитиш, мажбур қилиш, таъқиб қилиш, ҳақоратлаш, турар жойига куч ишлатиб ёки ноқонуний бостириб кириш, ўт қўйиш, мулкни йўқ қилиш, жинсий зўравонлик, никоҳда бўлиб мажбурлаш, келиннинг сепи ёки қалин пули билан боғлиқ зўравонлик, жинсий аъзоларига шикаст етказиш, фоҳиша сифатида эксплуатация қилиш билан боғлиқ зўравонлик, уй хизматчиларига нисбатан зўравонлик ҳамда шундай хатти-ҳаракатларни содир этишга уриниш оиладаги зўравонлик деб тан олинishi керак. Бундай зўравонликни таг-томири билан қуритиш аёллар ҳуқуқларини амалга ошириш ишида алоҳида шарт-шароит бўлади.

АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИ МУҲОФАЗАСИ ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ БУРЧИ ҲАМДА ВАЗИФАСИДИР

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қўлга киритиши мунасабати билан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида демократлаштириш жараёнида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу ўзгаришларнинг марказида инсон турибди, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳофазасига устувор аҳамият берилмоқда. Айниқса, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммосига давлат алоҳида эътибор қаратмоқда.

Асосий Қонунимизнинг 46-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган жинсларидан қатъи назар “хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги” давлатнинг аёллар ҳуқуқларини тан олиши, уларга рияз этиши ва уларни муҳофаза қилиш борасидаги конституциявий мажбурияти билан чамбарчас боғланиб кетади.

Ўзбекистонда аёлларнинг аҳволини яхшилаш ва жамиятда уларнинг ролини ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастури давлат амалга ошираётган энг муҳим тадбирлар қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони асосида “Соғлом авлод учун” ноҳукумат жамғармасининг тузилиши ҳам аёлларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Жамғарманинг мақсади келгуси авлод соғлигини таъминлашга ҳисса қўшиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом ва ҳар томонлама тараққий этган авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдир. 1995 йил март ойида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида аёллар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳаракат дастурида аёлларнинг манфаатларини ҳисобга оладиган конкрет чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган. 1995 йилда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг миллий механизмида катта ўрин тутадиган Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман) институтининг амалга киритилиши аёллар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва гендерга оид тенг

ҳуқуқлиликни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар ичида алоҳида аҳамиятга эгадир. Вакилга кенг ваколатлар бериб қўйилган. Аҳолининг ўта ижтимоий заиф тоифаси бўлмиш аёллар ва болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш вакил фаолиятининг устувор йўналишидир. Шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ёки чеклаб қўйилганда вакилга мурожаат қилиш ҳолларининг кўпайиб бораётганлиги мамлакатда инсон ҳуқуқлари муҳофазаси бўйича омбудсман хизмати обрўининг ортиб бораётганлигидан далолат беради. Олий Мажлис девони вакилининг маълумотларига қараганда, Омбудсманга қилинган мурожаатларнинг 60 фоиздан ортигини аёлларнинг мурожаатлари ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андозаларни мамлакат миллий қонунчилигига сингдиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 57 та халқаро ҳужжатни имзолади. Бу ҳужжатлардаги қоидалар миллий қонунчиликда ўз ифодасини топиши лозим. 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган "Аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция" шундай халқаро ҳужжатлар сирасига киради.

Бу Конвенция ўз ҳолича аёллар ҳуқуқларини таъминлашнинг гарови эмас ва уларни ўз-ўзидан (автоматик тарзда) ҳимоя қилишни кафолатламайди. Давлат ва жамият тузилмалари Конвенциядан амалда фойдаланишни ўрганиб олишлари керак.

Очигини айтганда, Конвенциянинг моҳияти тугул, ҳатто унинг мавжудлигидан ҳали кўплар, шу жумладан мансабдор шахслар ҳам хабардор эмас. Бундай ҳолат ҳуқуқий маърифат муаммосини, умуман, жамият ҳуқуқий маданиятининг умумий даражасини юксалтиришни янада долзарблаштиради. Инсон ҳуқуқлари бузилишида, албатта, ҳуқуқий маданият даражаси муайян ўрин тутаяди. Аёллар бошига тушадиган кулфатлар, ҳуқуқларининг бузилиши, асосан, уларнинг ҳуқуқий билимсизлиги, ўзларининг шахсий, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларини билмасликлари сабабли содир бўлади.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг маълумотларига қараганда, саволга тутилган аёлларнинг 60,1 фоизи ўз фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисида

гира-шира тасаввурга эга экан. Савол-жавоблар натижасида аниқланишича, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, шунингдек аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларни етарли даражада билмас эканлар. Аёлларнинг ҳуқуқий билимлари даражаси пастлиги уларни дискриминация қилишга имконият яратади. Қонунларни яхши биладиган аёлгина ўз ҳуқуқларини дадил ҳимоя қила олади.

Ўтказилган савол-жавоблар аёллар ҳуқуқий маданиятининг даражаси пастлигидан далолат бериб турибди.

Ҳуқуқий маданияти паст бўлган аёлларнинг ўз ҳуқуқларини тегишли даражада ҳимоя қилишлари муаммо эканлиги барчага аён. Шундай экан, ҳамма бало керакли қонунларнинг йўқлигида эмас, балки ҳуқуқий билимсизлик натижасида амалдаги қонунлардан фойдаланишни билмасликдадир. Бундан ташқари, жамоатчилик онгида сақланиб қолган хурофий тасаввурлар, аёлларга эркакларга нисбатан пастроқ назар билан қараш аёллар ҳуқуқлари ҳолатига кўпроқ таъсир кўрсатади. Аёллар ҳуқуқлари ҳолатини ўрганиш давомида Тошкент шаҳридаги ўнта маҳалла хотин-қизлари орасида савол-жавоб ўтказилди. Анкета ёрдамида савол-жавобга тортилган аёллар 385 кишини ташкил этди. Савол-жавоблар барча ёш ва ижтимоий гуруҳларни қамраб олди.

| Жами | Ёш | | | | | Ижтимоий аҳволи | | | |
|------|----------|----------|----------|----------|----------------|-----------------|------------|--------------|------------|
| | 16-20 ёш | 20-30 ёш | 30-40 ёш | 40-50 ёш | 50 ёшдан катта | Ўқувчилар | Ишловчилар | Пенсионерлар | Уйбекалари |
| 385 | 59 | 93 | 89 | 85 | 59 | 24 | 126 | 23 | 212 |
| % | 15,3 | 24,15 | 23,1 | 22,1 | 15,3 | 6,23 | 32,7 | 5,97 | 55 |

Савол-жавобга жалб этилган аёлларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишини таҳлил қилишдан аввал уларнинг юридик билимларга эгаллиги даражасини кўрсатиш ҳам маълум маънога эгадир. Аёллар ҳуқуқлари муҳофазаси бўйича бирор халқаро ҳужжатлар билан танишмисиз, деган саволга 81 та аёл, яъни савол-жавобга жалб этилган аёллар умумий сонининг

21 фоизи "ҳа" деб жавоб қилган. Аммо уларнинг биронтаси ҳам бирон ҳужжатнинг аниқ номини айта олмаган. Сўралганларнинг 79 фоизи эса, умуман, бунақа ҳужжатлар мавжудлигини билмас экан.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давомида қадимий, патриархал муносабатлар тизими қайта тикланаётганда меҳнат қилиш соҳасида аёлларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйишга уринишлар яққол кўзга ташланиб қолди. Миллий анъана ва урф-одатлар сифатида тақдим этилаётган бундай чеклашлар меҳнат фаолиятини танлашда аёлларнинг ҳуқуқларини бузмоқда. Сўровлар натижасида аён бўлишича, 22 та аёл, яъни сўралганлардан 5,7 фоизи эри ёки бошқа оила аъзоларининг тақиқлаб қўйганлиги боис ишлаш имкониятига эга эмас экан.

Аёлларнинг тан олишларича, иқтисодий қарамлик оилада улар учун маънавий ва жисмоний зўравонликни келтириб чиқармоқда. Бу ерда гап асосий ҳуқуқлардан бири бўлмиш меҳнат қилиш ҳуқуқи бузилаётганлигини англайдиган аёллар тўғрисида эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу билан бирга меҳнат қилиш ҳуқуқи бузилган аёллар сонини аниқлаш жуда мушкул ишдир. Кўпгина аёллар ҳуқуқий билимсизликлари туфайли ҳуқуқбузарлик содир этилаётганлигини англамайдилар ҳам. Бундай ҳолатлар "Аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция" қоидаларига бутунлай зиддир. Зеро ушбу Конвенция моддаларидан бирида (11-модда, 3-қисм) "меҳнат қилиш ҳуқуқи барча кишиларнинг ажралмас ҳуқуқидир", деб ёзиб қўйилган. Бу модда "эркаклар ва аёллар тенглиги асосида уларни тенг ҳуқуқлар билан таъминлаш учун ишга жойлашиш соҳасида аёлларга нисбатан дискриминацияга барҳам бериш учун барча тегишли чораларни кўришни" давлатлар зиммасига бурч қилиб юклайди.

Республикада аёлларнинг илм олиш даражаси анча юқоридир. Бу даража саноати юксак даражада тараққий этган мамлакатлардаги аёлларнинг илмлилик даражасидан кам эмас. Аммо шунга қарамасдан, илм олиш ҳуқуқининг бузилиши билан боглиқ бўлган дискриминация ҳоллари ҳаётдан бутунлай ўчиб кетганича йўқ. Хўш, улар қанақа фактлар экан? Сўровлар натижасида аниқланишича, сўралган аёлларнинг 8,6 фоизи, яъни 33 та аёл жуда эрта турмуш қурганлиги ҳамда

жамиятда аёлларнинг ролига эскича тасаввурлар билан қаралгани сабабли техникум ёки институтларда ўқиша олмаган. Сўралганлардан биттаси, яъни ҳозирги кунда касб-ҳунар мактабида ўқиётган 17 ёшли қиз қарийб ҳар куни отасидан калтак ер экан. Сўқиш ва урушларга фақат у дучор бўлар, учта акасига бўлган муносабат бутунлай ўзгача экан. 32 яшар бир аёлнинг айтишича, ўз вақтида у эрининг буйруғига биноан институтдаги ўқишини ташлаб кетган. Аёлларнинг билим олишга бўлган муносабат "олим бўлиб, оламни олиб берармиди", деган ибора билан ифода этилади. Шу йўл билан "Аёлларга нисбатан дискриминациянинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция"да мустаҳкамлаб қўйилган аёлларнинг билим олиш ҳуқуқи бузилади (3-қисм, 10-модда): "Аёлларга нисбатан дискриминацияга барҳам бериш ҳамда таълим соҳасида уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлаш мақсадида иштирокчи давлатлар барча тегишли чораларни кўрадилар".

Аёлларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилинишини таъминлашга қодир бўлган тугал ҳуқуқий база республикада бунёд этилганга ўхшаб туюлади. Аммо аёлларнинг ҳуқуқлари бузилишда давом этмоқда ва бу ҳол жазосиз қолмоқда. Аёлларнинг ҳуқуқлари давлат ёки унинг вакиллари томонидан эмас, балки оилада, хусусий шахслар томонидан бузилганда, уларни тиклаш ҳамда муҳофаза қилиш борасида кўплаб муаммолар юзага келади. Оиладаги руҳий ҳамда ахлоқий зўравонликнинг олдини олиш ва жазолаш жуда қийин ишдир. Аёлнинг қарам ҳолатини, психологик зўравонлик кўринишидаги гендерга оид нотенгликни сўралган аёлларнинг 32 фоизи, жисмоний зўравонликни эса 16 фоизи доимий равишда хис этиб турадилар. Аммо бизнинг жамиятимизда "уйдаги зўравонлик" тўғрисида гапиришга ор қиладилар, яъни уйдаги гапни кўчага чиқармасликка ҳаракат қиладилар. Аёллар ва эркакларнинг болаликданоқ шикастанафслик ва итоат руҳида тарбияланганлиги, баъзи бир анъаналар уларга турлича ижтимоий тус берадики, аёллар уйдаги зўравонликка ҳатто қарши ҳам чиқмайдилар, аслида шундай бўлиши лозим, деб ўйлайдилар. Баъзи мисолларга мурожаат қилайлик. Ўрта махсус маълумотга эга бўлган 30 ёшли Азиза деган аёл эри тақиқлаб қўйганлиги учун ҳеч қаерда ишламас, фақат уй юмушлари

билан банд экан. Қайнонаси, қайнотаси, эри ва болалари биргаликда бир уйда истиқомат қилишади. Никоҳ ота-онасининг қийин-қистови билан тузилган. Эри уни тез-тез калтаклаб тураркан, аммо у юзага келган вазиятдан чиқиб кетиш йўлини билмайди, бошқа борадиган жойим йўқ деб барчасига чидаб, яшаб келмоқда.

Олий маълумотли, 22 ёшга кирган Нилуфар ҳам уй бекаси, аммо у ишлаш ниятида. "Ишламоқчиман, - дейди у, - аммо менга рухсат беришмайди. Агар гапим уйдагиларнинг гапи билан бир жойдан чиқмаса, "боравер, тўрт томонинг қибла", дейишади. Эрим ичиб келиб, калтакласа, қайнонам кулиб, ҳечқиси йўқ, бундан баттари ҳам бўлади, деб қўяди. Ота-онамининг олдига борганимда, жилмайиб, ҳаммаси жойида, дейман. Уларга дардимни тўкиб, кўнглини ранжитгим келмайди. Шундай қилиб, кўпинча аёлларнинг касбий, ижодий имкониятлари рўёбга чиқмай қолади, уларнинг ишга солинишига имкон бўлмайди, аёллар қўшиши мумкин бўлган маданий ҳиссадан маҳрум бўлган жамият ҳам жуда кўп нарсани йўқотади. Конвенциянинг бандларидан бирида шундай дейилади:

"Аёлларнинг нотўлақонлиги ёки бир жинснинг бошқасидан устуворлиги ёхуд эркаклар ва аёллар ролининг стереотиплиги воясига урф-одатлар ҳамда амалиётдан барҳам бериш ва турли хурофий тасаввурларни таг-томири билан қуритишга эришиш мақсадидан эркаклар ва аёллар ахлоқининг ижтимоий ва маданий моделини ўзгартириш учун иштирокчи давлатлар барча тегишли чораларни кўрадилар".

Аёлларнинг ҳуқуқлари ҳолатини ўрганиш учун олиб бораётган ишлари етарли даражада илғор бўлган маҳаллалар танланди. Шу аснода қуйидаги мисолни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик: Чилонзор тумани маҳаллаларидан бирида маҳалла фуқаролар йиғини раисини сайлашда бор-йўғи битта аёл иштирок этган. Маҳалладаги эркаклар бунда умумий ўрнашиб қолган "қоида"га амал қилишди: эркаклар ҳамма нарсани ҳал этишади, аёллар эркакларнинг ишига аралашмасликлари лозим. Аёллар маҳалла мажлисларида қатнашмоқчи бўлсалар, уларга секингина "сизларга бало борми бу ерда?" деб жўнатиб юборишади. Бу вазият аёллар аҳволининг икки томонлама бўлиб қолганлигидан далолат

беради: бир томондан, давлат аёлларнинг сиёсий ҳуқуқларини ўз ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўяди, иккинчи томондан, кўпчилик кишилар онгида эски ахлоқ нормаларига қайтиш анъаналари ҳукмронлик қилади. Давлат аёлларни давлатни бошқариш ишларига, ижтимоий муаммоларни фаол ҳал этиш жараёнига жалб этиш мақсадида аниқ шакллантирилган сиёсатга эга бўлса-да, сиёсий ҳаёт соҳаси ҳали ҳам эркаклар фаолияти соҳаси эканлигича қолмоқда.

Аёлларни уйга қайтариб, ўзларининг она ва уй бекаси ролини бажаришлари лозимлигига жамоатчиликни ишонтиришга уринишлар Ўзбекистонда аёлларнинг аҳволини яхшилаш ва жамиятда уларнинг ролини ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастурида белгиланган давлатнинг умумий стратегиясига зид келиб қолмоқда. Шундай қилиб, ўнта маҳалладан биттасида (бу эса 10 фоизни ташкил этади) Конвенциянинг 7-моддаси 2-қисмида мустаҳкамлаб қўйилган аёллар ҳуқуқларининг жуда жиддий бузилишига йўл қўйилган: "Мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида аёлларга нисбатан дискриминацияга барҳам бериш бўйича иштирокчи давлатлар барча тегишли чораларни кўрадилар, шу жумладан аёлларни эркаклар билан тенг равишда ҳуқуқлар билан таъминлайдилар:

- a) барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз бериш ҳамда барча сайланадиган органларга ошқора сайланиш;
- б) ҳукумат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек давлат бошқарувининг барча босқичларида барча давлат функцияларини амалга ошириш;
- в) мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёти муаммолари билан шугулланувчи ноҳукумат ташкилотлари ва ассоциациялари фаолиятида иштирок этиш".

Аёллар ҳуқуқларининг бузилиши тўғрисидаги ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, шунингдек ўтказилган савол-жавоблар материаллари аёлларнинг ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқларидан юридик хабардорлиги ўта паст даражада эканлигидан далолат беради.

Аёлларнинг асосий қисмининг ҳуқуқий онгсизлигига сабаб уларнинг гўшанишинлиги, ижтимоий ҳаётдан ажратиб қўйилганлигидадир. Аёлларнинг ишга ёки ўқишга жойлашиши эрнинг ҳамда унинг ота-оналарининг қўлида. Ота-оналар

хожиши билан жуда эрта қурилган турмуш, уйдаги зўравонлик кўринишлари аёлларнинг қонунлаштирилган ҳуқуқлари ва эркинликларини йўққа чиқаради. Буларнинг барчаси жамоатчилик онгида сақланиб қолган хурофотлар, эскирган нормалар ва стереотипларнинг салбий таъсири натижасидир. Саноат ва молия бошқаруви аппаратларида, ҳокимиятнинг юқори табақаларида аёллар вакиллигининг паст даражада эканлиги тенгсизлик мавжудлигидан далолат беради. Аммо анъанавий равишда "аёллар соҳаси" деб юритиладиган тиббиёт, таълим, маданият соҳалари ва бошқа соҳаларда ҳам раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган аёллар жуда камчиликни ташкил этади. Баъзи манбаларга қараганда бу рақам 9–20 фоизни ташкил этади.

Қонунчилик йўли билан аёллар ва эркекларнинг амалдаги тенглигига эришилган мамлакатлар ҳам мавжуд. Бу, асосан, Европа мамлакатлари ҳамда Америкага хосдир, зеро бу мамлакатларда давлат органларидаги лавозимларнинг қарийб 40 фоизиди аёлларнинг ишлаши назарда тутилган.

Замбияда ҳам шундай чоралар кўрилган. Бу давлатда давлат бошқаруви хизматчиларининг 25 фоизини аёллар ташкил этади.

Бундай чораларнинг самарадорлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бизнинг мамлакатимизда ҳам халқаро ҳамжамиятнинг бошқа аъзоларининг ижобий ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Аёллар ва оммавий ахборот воситалари

Аёллар ҳуқуқлари муаммоларини ёритишда, ушбу муаммо бўйича ижтимоий фикрни шакллантиришда давлат ОАВлари роли жуда катта. Очиқ жамиятнинг ОАВлари ўзларининг демократик табиатига кўра жамиятдаги эркеклар билан бир қаторда ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қодир бўлган замонавий аёлнинг ижобий образини яратишга даъват этилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу ёгини сўрасангиз, бизнинг жамиятимиз ҳам очиқ жамиятдир. Жамият ва давлатда аёлнинг аҳволини яхшилашга йўналтирилган гендерга оид тенглик сиёсати Ўзбекистон Республикаси ОАВларига эркеклар билан тенг ҳуқуқли бўлмаган мавжудот сифатида аёлларга нисбатан стереотип муносабатда бўлишни бартараф этиш ишида алоҳида

масъулият юклайди. Аммо ОАВлари кишилар онгида сақланиб қолган хурофий тасаввурлар ва стереотипларга қарши туришга ҳар доим ҳам қодирмикан?

Аёлларнинг ҳуқуқлари бузилишлари билан боғлиқ фактларга нисбатан ОАВлар нуқтаи назарини аниқлаш учун оммабоп газеталардан бири бўлмиш "Оила ва жамият" газетасида чоп этилган баъзи бир мақолаларга мурожаат этиш кифоя. Бу газетага ҳар куни республиканинг турли бурчакларидан юзлаб мактублар келади, уларда аёллар ўз ҳаётлари ҳақида ҳикоя қиладилар ва маслаҳат сўрайдилар. Шундай мактублардан баъзиларини кўриб чиқайлик.

"Оила ва жамият" газетасининг 2000 йилдаги 1-сонида журналист Исоқ Сатторов "бир хат изидан" амалга оширган сафари хусусида ҳисобот берган. Аёл ўз хатида юзага келган вазиятни очиқ баён этган ва таҳририятдан ёрдам сўраган. Комила шундай деб ёзади: "Эрим М.Бердиев билан ўн йил бирга яшадик. Тўртта фарзандимиз бор. Мен деҳқончилик билан шуғулландим, мол боқдим, умуман, ҳеч кимга шикоят қилиб бормаганман. Барча айб касал бўлиб қолганимда, мени "ўпка касалсан" деб уйдан қувиб чиқаришди. Қирқ кунлик чақалоғим билан уйдан чиқиб, шу ерга келиб жойлашдим. Учта болам уйда қолган. Улар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р. Абдурахмонов бошчилигида уйдаги мол-мулкни бўлишди. Менга битта буқача, битта қўй ва бир қанча кўрпа-кўрпачалар тегди. Аммо биронта нафақа, ижтимоий ёрдам йўқ. Суднинг қарори бўлмаса, ким ҳам нафақа беради? Айтингчи, маҳалла фуқаролар йиғини раисига мени эримдан ажратиб қўйишга ва мол-мулкни бўлишга ким ҳуқуқ берган?" Аёлнинг гапларини эшитаркан, журналист савол беради: "Хўш, айтингчи, мақсадингиз нима?" Комила жавоб беради: "Ҳуқуқларнинг тикланишини, болаларимни бағримга босишни, уларга бор меҳримни бахшида этишни истайман. Ўн йил давомида биргаликда орттирган мол-мулкимизни тенг бўлиб беришсин Ахир, шуларни йиғаман деб соғлиғимдан айрилдим-ку. Суд ҳаммасини ҳисобга олсин, молларни ҳам, уй-жойларни ҳам. Нафақа белгилашларини истайман, ахир қонун бўйича менга нафақа берилиши керак-ку. Эримнинг акаси ўғли билан бирга жавобгарликка тортилсин, мен болаларимни кўргани борганимда улар мени ушлаб олиб, роса калтаклашган". Шундан сўнг журналист Исоқ Сатторов

хўжаликнинг бош ҳисобчиси ва бошлиғига учрашиб, Комилага тегишли нафақа беришларини сўрайди, аммо унинг гаплари жавобсиз қолади. Шу билан журналистнинг "бир хат изидан" уюштирган сафари тугайди. Мақоланинг сўнгида журналист Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 24 майда чиқарилган "Фуқароларнинг юридик билимларини ошириш тўғрисида"ги Фармонини эслатиб ўтади ҳамда туман ҳокимияти ва маъмурий ҳуқуқий органлар Комила Холиқованинг ҳуқуқлари тикланишига ҳисса қўшадилар ва бу ҳақда таҳририятга хабар қилдилар, деб умид билдиради.

Ўша газетанинг 2001 йил 6–16 майдаги 19-сонида Зухра Алимардонова ўз тарихини батафсил баён қилган. Унинг ёзишича, севиб эмас, балки ота-оналарининг қийин-қистови билан турмушга чиққан, эри уни севмас экан, ҳар доим қандайдир аёллар уларнинг уйига телефон қилиб турарканлар. Бир куни синглисининг тўйи бўлаётганда, улар ФХДЁга миниб кетган машина 2–3 минут кечикиб келганлиги учун эри уни роса дўппослабди, ота-оналари эса сираям эътибор қилмабдилар. "Бу ойларни эслашнинг ўзи даҳшат, қаттиқ ҳаяжонланиш ва калтаклар зарбидан икки марта болам тушиб қолди. Иккинчиси олти ойлик бўлган эди, ўгил экан", деб ёзади у ўқинч билан. Ажрашганларидан сўнг уч йил ўтгандан кейин у йўқотилган вақтларидан, отаси тирик бўлса ҳам, тирик етим бўлиб қолган олти ёшлик қизчасининг ҳолига ачиниб хат ёзган. Унинг ёзишича, ота-онаси уни бахтли қилиш учун тўйдан олдин ва тўйдан кейин барча нарса билан таъминлаган бўлсаларда, эридан ажрашгандан кейин умуман эътибор бермай қўйибдилар, унинг шу олти ёшли қизчасидан бўлак ҳеч нарсаси қолмабди. Хатининг сўнгида у таҳририятдан маслаҳат сўраган. Хатга таниқли журналист Мурод Калонхон батафсил жавоб берган. У келин тараф тўйнинг барча ташвишларини ўз зиммасига оладиган Тошкентча урф-одатларни танқид қиларкан, Самарқандда бутунлай бошқача урф-одатлар мавжудлигини айтади. Янги урф-одатлар яратишга чақиради. Мақола таҳририятининг янги, замонавий урф-одатлар бунёд этиш ва уларни тарғиб қилиш хусусидаги таклифи билан якунланади. Ҳозирги вазиятда аёл нима қилиши лозимлиги тўғрисида эса бирон гап-сўз айтилмайди.

Газетанинг 2000 йилдаги 49-сонида эса Гулчеҳра деган

қизнинг мактуби эълон қилинган. Унда ёзилишича, Гулчехра ишга кирмоқчи бўлганида ташкилот раҳбари шилқимлик қилиб, жинсий алоқада бўлиб юришга рози бўлса, ишга қабул қилишини, акс ҳолда кетавериши мумкинлигини айтган. Таҳририятнинг изоҳ беришича, қизнинг номи ўзгартирилган, хотинбоз бошлиқнинг номи эса баъзи мулоҳазаларга кўра умуман келтирилмаган. Таҳририят ушбу мақолани "виждонсиз, хотинбоз бошлиққа ўхшаган шахслар" ўқиб, "ўзларини бир оз тутиб олишар, виждонлари бир оз қийналиб, инсофга келишар", деб умид билдиради.

Келтирилган ушбу учта мисолда аёллар конкрет ёрдам сўраб ОАВларига мурожаат қилганлар. Таҳририят эса бирон марта ҳар бир конкрет вазиятда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган шахсларга тегишли жазо чоралари назарда тутилган қонун моддаларини тилга олмайди ва ҳуқуқий онги паст даражада бўлган аёлларга уларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларини кўрсатиб бериш, тушунтириш ўрнига, арзимас маслаҳатлар билан уларни аро йўлда қолдиради. Кўпинча, аёлларнинг таҳририятга ёзган илтимосномаларига жавобан уларга бошқа аёлларнинг берган маслаҳатлари эълон қилинади. 1999 йилдаги 39-сонда ўша газета М. исмли аёлнинг хатини чоп этган. М.нинг ёзишича, амакиваччаси бир куни маст бўлиб келиб, зўрлик билан унинг номусига тегади. Бунга жавобан бошқа бир катта аёлнинг қизга берган маслаҳатлари эълон қилинган. У аёл мактубининг бошида "содир бўлган бу воқеада сиз айбдор эмассиз", деган гапларни ёзса-да, аммо хатнинг сўнгида: "сиз амакиваччангизнинг уйида қолмаслигингиз керак эди... у барибир сизни ҳурмат қилмасди", деган гаплар билан тугатади, яъни "ҳаммасига ўзинг айбдорсан, танача кўзини сузмаса, буқача ипини узмасди", демоқчи бўлади.

Давлат ОАВларида эълон қилинган материаллар таҳлили шундан далолат берадики, гарчи "ўтказилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад демократик, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини қуриш" бўлса-да, амалда бир неча мақолалар эълон қилинганлигидан ташқари, газеталар ҳеч нарса қилмаганлар. Буни эса аёлларга нисбатан бўлган муносабатни замонавий-лаштириш сиёсати деб атаб бўлмайди. ОАВлари ҳар бир сонда аёлларни кўкларга кўтаради, унинг оиладаги образини уй

бекаси, она ҳамда ёш авлоднинг эртанги куни қандай бўлишини белгилаб берадиган устоз сифатида тасвирлашади.

Худди ўша ҳафталик газетада, яъни "Оила ва жамият" газетасида "Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит", деган рух бор. Уни таниқли журналист Санъат Маҳмудова олиб боради. Келажакда бахтли турмуш кечирishi учун лозим бўлган хислатлар, қизлар ва келинларнинг сифатлари ушбу рух остида баён этилади. Масалан, газетанинг 2000 йил 16–22 февралдаги 7-сонида қизларга шундай маслаҳат берилган: "Агар уларнинг (эрингнинг оила аъзоларининг) характери ни ҳисобга олиб, ўзингни тутсанг ва уларнинг гапига гап қайтармасанг, ҳаммаси аъло даражада бўлади, азизим". 2000 йил 8–14 мартдаги 10-сонда эса оналар ўз ўгилларига қизларни қандай танлашлари тасвирлаб берилган: "Улар ҳовлининг саранжом-сарипталиги, ошхона ва ҳатто ҳожагхонанинг тозалигига ҳам эътибор беришган, қиз яшаган уйда унга турли вазифалар бериб, бажарилишига қараб баҳо беришган". Наргизанинг хатида эса (1999 йил, 47-сон, "Оила ва жамият") аёлларнинг ўз-ўзига муносабати тасвирлаб берилган: "Билган одамлар бекорга қизларнинг жони қирқта демаганлар. Биз, аёллар, болаларимиз дунёга келгач, эрларимизнинг меҳр-муҳаббатидан ўзимизни чеклаб, асосий эътиборимизни болаларимизга берамиз. Аммо бу нотўғри экан, биз ҳаммасига улгуришимиз керак экан".

ОАВларининг асосий қисми оиладаги анъаналар ва ахлоқ маданиятини ташвиқ қилиб, уни миллатнинг маънавий қайта туғилиши деб атамоқдалар. Аммо маънавий қайта туғилиш жуда чуқур жараён бўлиб, унда эришилажак ютуқлар, биринчи навбатда, шахснинг маънавий эркинлигига боғлиқдир. Агар аёллар ерга урилган ва ҳуқуқсиз бўлсалар, ўз халқининг маънавий қайта туғилишига ёрдамлашишга қодир бўлармикан? Аёллар йўллаган мактублар билан танишиб чиқиб, хайрон бўлиб қолдик, шундай обрўли газета аёлларга нисбатан бўлган муносабатни замонавийлаштириш (модернизация қилиш) масаласини, аёллар тўғрисидаги хурофий тасаввурларга барҳам бериш масаласини бирон марта кўтариб чиқишни ўзига эп кўрмабди.

Тилга олинган маҳаллалардаги аёллар ҳуқуқлари ҳолатини ўрганиш тегишли хулосалар чиқаришга ва баъзи

таклифларни киритишга асос беради, улар, менинг фикримча, аёлларнинг аҳволини тубдан ўзгартиришга ёрдам беради. Бу масала ўта оддий ва осон бўлмасда, аммо ҳал этилиши мумкин бўлган масаладир. Бу масала аёлларга нисбатан бўлган дискриминациянинг барча кўринишларига, шу жумладан уйдаги зўравонликка ҳам барҳам берилишидан манфаатдор бўлган халқаро ҳамжамиятнинг умумий сиёсатидан келиб чиққанлиги учун қуйидаги чораларни кўриш лозим:

1. Хотин-қизларнинг давлатнинг бошқарув тузилмаларидаги ролини ошириш учун сиёсий, қонунчилик ва ижрочилик жараёнларида қарорлар қабул қилинишида уларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида гендер квоталарини жорий қилиш.

2. Аёлларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида нуқтаи назарлар бирлиги ва биргаликдаги актив фаолият стратегиясини ишлаб чиқиш учун миллий ва халқаро даражада ишлаётган аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат ва жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш.

3. Аёлларнинг ҳуқуқий билимларини ва ижтимоий фаоллигини ошириш. Бу ишни аёллар кенгашлари раҳбарларини жалб этган ҳолда маҳаллалардан бошлаш керак. Аёллар кенгашлари раҳбарларининг ҳуқуқий билимдонлиги маҳалладаги барча аёлларнинг ҳуқуқий маърифатини ошириш гаровидир. Бунинг учун аёллар ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ва халқаро ҳужжатлар борасидаги ахборий бўшлиқни тўлдиришгина эмас, балки аёлларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кўникмаларини ҳам шакллантириш лозим. Бу масалаларни ҳал этиш учун маҳаллаларда бюллетенлар ёки газеталар чиқариш ва тарқатиш мумкин. Газетада инсон ҳуқуқлари муҳофазаси соҳасидаги миллий ва халқаро ҳужжатларга шарҳлар берилиши, маҳалла аёлларининг кундалик муаммоларини аниқлаб, уларни юридик нуқтаи назардан шарҳлаб бериш мумкин. Бу газета саҳифаларида жуда самарали қурол бўлмиш ижтимоий танбеҳдан ҳам фойдаланиш мумкин. ОАВларининг таҳлили кўрсатишича, биронта газета аёлларнинг ҳуқуқий маърифатини ошириш мақсадида бу вазифани амалга оширмайди, аксинча, аёлларнинг оила ва жамиятдаги бўйсунувчан, қарам ҳолати аёлларнинг табиатига хос хусусият

сифатида жамоатчилик онгига сингдирилади. Агар бошқарув, суд ва прокуратура органлари ходимлари ўртасидаги маърифий фаолиятга урғу берадиган бўлсак, иш бошланган заҳоти тугаб қолиши мумкин (зеро, бу соҳаларда ишлайдиган хотин-қизлар ўз хизмат вазифалари нуқтаи назаридан ҳам сиз амалга оширмоқчи бўлган ишни жуда яхши билишади). Аёлларнинг ҳуқуқлари мавжудлиги тўғрисида етарли даражада ахборотга эга бўлмаслик жамиятнинг кенг қатламлари ўртасида уларни амалга оширишга ва тенгликка эришишга тўсқинлик қилади. Самарали қурол бўлмиш газета аёлларга ўз ҳуқуқларини билиб олиш ҳамда улар бузилган тақдирда уларни муҳофаза қилиш механизмини ўрганиш имконини беради. Анъаналар ва уларни ўзгартириш зарурияти ўртасидаги можаролар фақат Ўзбекистон учун эмас, балки барча мамлакатларга хос кўринишдир. Аёлларнинг ўз-ўзини англаши шаклланиши учун анча-мунча сабр-тоқат лозим бўлади.

Аёлларнинг фуқаролик, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги фаоллигини доимий равишда уларнинг маърифатини ошириш тизимига таянган ҳолда қуйидан бошлаш керак.

Маҳалладаги аёлларга, аёллар кенгашлари раҳбарларига мурожаат қилганда, уларни аёллар ҳуқуқлари соҳасидаги билимларни тарқатувчилар сифатида ишлатиш мумкин.

Лойиҳани амалга ошириш давомида маҳаллаларда учрашувлар ўтказилди, турли материаллар тарқатилди. Бу эса кутилмаган акс-садо берди. Аёллар кенгашлари раҳбарлари кўтарилган муаммонинг долзарблигини эътироф этдилар.

Гендерга оид тенглик муаммоси фуқаролик жамиятининг барча қатламлари иштирокида ва биринчи навбатда, ноҳукумат, нотижорат ташкилотлари иштирокида ҳал этилиши мумкин.

Ўйлашимизча, бу муаммони эркаклар иштирокисиз ҳал этиб бўлмайди, улар гендерга оид тенглик моҳиятини нафақат билишлари, балки уни ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, яъни турмушда, ташкилотларда, корхоналарда, муассасаларда, бир гап билан айтганда, ҳамма жойда жорий этишлари лозим.

АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК: УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БАРТАРАФ ЭТИШДА ОИЛА, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

Жамиятни кайта қуриш натижасида одамлар умид қилаётган асосий эзгуликлардан бири ҳар кимнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш имкониятларининг кенгайиб бораётганлигидадир. Масъулиятни ўз зиммасига оладиган, танлаш қобилиятига эга бўлган ва қўйилган мақсад йўлида курашадиган шахснинг ролига янгича урғу бермоқ, жинси, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа омиллардан қатъи назар, жамият аъзоларининг ҳар бирига тааллуқлидир. Ўз тақдирини ўзи ҳал қилишнинг ҳуқуқий асослари Конституция ва қонунларда белгилаб берилган ва уларда ҳар бир одамнинг, шу жумладан эркак ва аёлнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан камол топиши мустақкамлаб қўйилган ва кафолатланган.

Тадқиқотлар кўрсатадики, аёллар ҳуқуқини таъминлаш уларнинг жамият ҳаётида эркаклар билан тенг иштирок этишини таъминлашда асосий қонунбузарлик аёлларга нисбатан зўравонлик ва дўқ-пўписа ҳисобланади. Жамиятда умумий таранглик ва зўравонлик ортиб бораётган бир шароитда аёлларнинг уйдаги, хизмат жойидаги ва жамоат жойларидаги ҳавфсизлиги давлат, жамият, оила томонидан тегишли равишда муҳофазага олиниши керак.

Аёлларнинг шахсий турмушидаги зўравонлик муаммоси жамият ва давлат томонидан эътиборни талаб этади. Бу муаммо фақат Ўзбекистонда эмас, балки мустақил ҳамдўстлик давлатларида ва бошқа ривожланган давлатларда ҳам ўз баҳосини олмаган ва уни ҳал қилиш йўллари кўрсатилмаган. Европа ва Американинг ривожланган мамлакатларида мазкур муаммоларни ҳал қилишга киришилди. Улар 10–15 йил муқаддам масаланинг муҳимлигини англаб, аёлларни турли зўравонликдан муҳофаза қилиш тўғрисида тегишли қонуний ҳужжатлар қабул қилдилар ва зўравонликка учраган аёлларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус ижтимоий хизмат соҳаларини ташкил этдилар. Аёлларга ва қизларга нисбатан зўравонликларнинг содир этилиши инсон ҳуқуқларини жиддий

бузилишига олиб келади, уларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига жиддий зарар етказилади. Аммо амалда зўравонлик даражасини аниқлаш қийин, кўп ҳолларда аёлларнинг ўзлари маънавий ва сексуал таҳқирлашлар, жисмоний ва руҳий зўравонликларнинг фарқига бормайдилар.

1993 йил БМТда аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги Декларацияда "Аёлларга нисбатан зўравонлик" атамасига шундай изоҳ берилди "аёлларга нисбатан жисмоний, жинсий ёки руҳий азоб берган ва шикаст етказган ёки етказиши мумкин бўлган ёхуд шунга ҳаракат қилган, мажбурлаб ёки ўзбошимчалик билан озодликдан ва жамиятдан ёки шахсий ҳаётдан маҳрум этган ҳар қандай ҳаракат зўравонликдан иборатдир".

Аёлларга нисбатан зўравонликларнинг энг кўп учрайдиган шакллари уларни бирга яшашга, фоҳишалик қилишга мажбурлаш, номусига тегиш, зўравонлик қилиш ва спиртли ичимлик, гиёҳвандлик моддалар истеъмол қилдириш, мунтазам ҳўрлаш ва, руҳий таъсир кўрсатиш ва бошқа йўллар билан ўлимга олиб бориш кабилар киради. Тажриба кўрсатадики, бунга оилада бўлиб турадиган узок давомли жанжаллар ҳам сабаб бўлади. Оиладаги зўравонлик тарихий, иқтисодий, ахлоқий, жинсий ва бошқа асосларга эга бўлиб, уни чуқур таҳлил этиш талаб қилинади.

Аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча турлари (руҳий, жисмоний, сексуал)нинг ортиб бориш ҳолатлари кузатилмоқда. Бунга қуйидагилар сабаб бўлмоқда:

1) жамият амалда оиладаги зўравонлик муаммосидан ажралиб қолган, бунга фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашув деб қаралади, аёл ва болаларга нисбатан зўравонлик оиланинг ички ишларига айланиб қолган, эри ва бошқа қариндошлари томонидан мунтазам зўравонликларга учраётган аёлларга ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ёрдам кўрсатмаяптилар, аёлларни зўрлаш ҳолатларига жиноят қурбонларини айбдор қилиб кўрсатмоқдалар, бундай жиноятни содир этганларга енгил чоралар кўрилмақда, хизмат жойларида аёлларга нисбатан сексуал таъқиб кузатилмоқда, зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатадиган махсус хизмат бўлимлари йўқ ва ҳоказо.

2) жисмоний, руҳий ва сексуал зўравонликларга учраган

аёллар милицияга муружаат қилишни истамайдилар. Бунга уларда қўрқув ва номус қилиш ҳамда зўравонлик содир этганларнинг қариндошлари ёки яқинларидан чўчиш сабаб бўлади. Улар жиноятчи қўлга олинishi ва тегишли равишда жазоланишига ишонмайдилар, кўпчилик ичида обрўларига путур етишидан ҳадиксирайдилар. Оиладаги зўравонлик, кўп ҳолларда ёш аёлларнинг (30 ёшгача) ўзини ўлдиришгача олиб келади, бундай аёллар, асосан, ҳеч қаерда ишламайдилар ва қишлоқларда истиқомат қиладилар. Ҳар қандай зўравонлик узоқ вақт ўз салбий таъсирини ўтказади, уларнинг баъзи бир шакллари, айниқса, узоқ вақт давом этади ва аёллар соғлиғига жиддий зарар етказади. Тадқиқотлар кўрсатадики, зўравонлик аёлларнинг руҳий саломатлигига жиддий таъсир этиши мумкин, уларда руҳий азобланиш, қўрқув, ваҳима кучаяди, уйқуси, овқатланиш тартиби бузилади, алкоголь ичимлик ва гиёҳвандлик моддаларга берилиб кетади ва ниҳоят, ўлимни афзал кўради.

Тадқиқотлар кўрсатадики, аёлларга нисбатан зўравонлик жаҳондаги барча мамлакатларга, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётидан қатъи назар, хос нарса ҳисобланади. Ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, Японияда 59 фоиз аёл жисмоний зўравонлик қурбони бўладилар. АҚШда 40 фоиз, Канадада 25 фоиз ва ҳоказо. Социологлар хулосасига кўра 60 млн. аёл турли шаклдаги дискриминация қилиш, таққирлаш ва зўравонлик қурбони бўладилар. Африка мамлакатларида (Танзания 60%), Жанубий Осиё (60%), Лотин Америкасида (57%) аёлларга нисбатан зўравонлик кучайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Зўравонлик натижасида жуда катта иқтисодий зарар кўрилади, аёлларнинг иш жойида меҳнат унумдорлиги камаёди, оиланинг маънавий-ахлоқий томонига, унинг нормал ривожланишига тиклаб бўлмас даражасида зарар етади.

1999 йили Ўзбекистонда “Аёллар йили” дастури асосида биринчи марта мамлакат тарихида оналар ва болалар ҳуқуқига риоя қилиш бўйича мониторинг тадқиқот ўтказилди. Аёллар ҳуқуқини муҳофаза қилиш, давлат ва жамият томонидан аёллар муаммоларига эътиборни кучайтириш билан боғлиқ ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам кузатилади.

Жумладан, жойларда аёллар ҳуқуқига риоя қилиш мониторинги кўрсатдики, аёллар жиноятчилиги ортиб бормоқда. Бу бозор иқтисодига аёллар ижтимоий-иқтисодий аҳволининг ёмонлашувида кўринади. Аёллар ўз эҳтиёжини қондириш учун ҳуқуқбузарликлар содир этмоқдалар. Қуйидаги фактлар ҳам катта ташвиш туғдиради. Анъанавий жиноят турлари билан бирга ўғирлик, харидорларни алдаш, камомадлик каби ҳолатлар кузатилмоқда. Аёллар ўртасида тан жароҳати етказиш, ўлдириш, безорилик, гиёҳвандлик моддалар билан шугулланиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ва бошқа жиноятлар содир этилмоқда. Жиноий жавобгарликка тортилганлар ва қўшмачилик, бузуқчилик билан шугулланганлар сони ортиб бормоқда.

Мониторинг аёлларга қарши зўравонлик муаммосини кўрсатди. Аммо бундай жиноятлар яширин тарзда бўлгани учун уларни очиш анча қийин. Аёллар одамлар, қариндошлари томонидан, хизмат жойида ўз вазифасини ўташ жараёнида ва кўча-куйда турли зўравонликларга учрайдилар.

"Ижтимоий фикр" маркази ўтказган сўров натижалари кўрсатадики, зўравонлик кўп ҳолларда жамоат жойларида (18,9 %), оилада (9,5 %) ва иш жойида (7,5 %) содир этилади. Анъанавий ҳолатлар, яъни эркакларнинг алкохол ичимлик ичиши, эгоизми, ҳукмронлик ўрнатишга интилиши, аёлларнинг жисмоний ва руҳий заифлиги, зўравонлик содир этганларнинг жазосиз қолиши, аёлларнинг эркакларга моддий жиҳатдан қарамлиги, аёлларга, болаларга нисбатан зўравонлик қилганларга ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари, жамоат ташкилотларининг лоқайд муносабати ва бошқалар зўравонлик сабаблари ҳисобланади.

Афсуски, аёлларнинг ўзлари ўртасида аёлларга нисбатан зўравонликларни маъқуллайдиганлар кам эмас. Уларнинг фикрича, хотинни, қизларни ахлоқли бўлиши учун эркаклар уларга зуғум ўтказиб туриши керак (60 %).

Оилада зуғум ва зўравонликка асосланган ахлоқ модели авлоддан авлодга ўтиб келмоқда. Зўравонликнинг гувоҳи бўлган ёки зўравонликни бошидан ўтказган болалар зўравонлик қурбони бўлишга ёки катта бўлганларида ўзлари уни содир этишга ҳаракат қиладилар. Оиладаги шахсга таъсир кўрсатадиган воситаларга сўз уқтириш, намуна кўрсатиш,

ишонч ҳосил қилиш, мажбурлаш ва жазолаш, даъват қилиш, қизиқиш уйғотиш ва бошқалар киради.

Оила боланинг кўз очиб кўрган жойи, инсоний муносабатларнинг ҳамма кўринишлари шу ерда мужжасам, у муҳаббат ва яхшилик мактаби, авлоддан-авлодга олий кадриятлар ўтказиладиган жой бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда оила ва ота-онанинг аҳамиятини таъкидлаб ўтган эди: "Минг афсуслар бўлсинки, баъзи бир оилаларда ота-она на ўзининг саломатлиги тўғрисида, на болаларининг саломатлиги тўғрисида ўйламайдилар. Улар билмайдиларки, бир неча машинаси ва ҳашаматли уйлари бор одамлар бой эмас, балки оиласи тинч ва иноқ, соғлом, тарбия кўрган, ақлли болалар ўсаётган оила бойдир". Юртбошимиз яна шундай деган эди: "ҳолдан тойган, камситилган, азобда қолган онадан соғлом фарзанд туғилмайди..., аёлларни, оналарни ҳимоя қилиш, демак болаларни, авлодларни ва ниҳоят - миллатни ҳимоя қилиш демакдир".

Эркин, ҳар томонлама камол топган аёлларни тарбиялаш муаммосини ҳал қилиш учун оила қизларини нималарга ўргатапти, уларни ҳар томонлама вояга етиши учун қайси ахлоқий кадрият асос қилиб олинган, вояга етган қизларни оила қандай йўналишдан етакламоқда, деган саволларга жавоб бериш керак. Ўрта Осиё аёллари ҳаётининг таҳлили кўрсатадики, оилада қизлар тарбиясидаги асосий йўналиш - итоатгўйлик ва келишиб яшаш. Қизлар ёшлигидан ота-она, ака, эркаклар гапига қулоқ солиши зарурлиги, ўғил бола улардан юқори туриши уқдириб борилади, қизлар фақат оилада эмас, жамиятда ҳам қуйи мақомга эгалиги таъкидланиб турилади.

Кўпчилик оилалар фақат қизларга тегишли ахлоқий кадриятларни ташвиқот қиладилар, бу ўғил болаларникидан анча фарқ қилади. Агар болалар, ўсмирлар ёшлигидан бирор касб-ҳунарни ўрганишга ва катта бўлганда ўз оиласини боқишга йўналтирилса, қизлар яхши эрга тегиш, эрига, қайнонасига хизмат кўрсатиш, уларнинг айтганларини бажо келтириш, ўзидан катталар билан тортишмасликка йўналтирилади.

Агар қиз яхши маълумотли, дурустгина касб эгаси бўлиб, оила иқтисодига ўз ҳиссасини қўшаётган бўлса ҳам унинг оиладаги мақоми ошмайди. Амалда аёллар бутун умри давомида

аввало ўз оилалари томонидан, кейин эри ва унинг оилалари томонидан руҳий таъсир остида бўлади.

Аёлларнинг турли оилаларга тушиб қолиши уларда ҳар хил қадриятлар тизимини ўзлаштиришга мажбур қилади, бу аёлларга баъзан салбий таъсир ўтказиши мумкин. Аёл уларга мослашуви, ўзининг маънавий-ахлоқий ва ҳаётий қарашларига мувофиқ келмайдиган ҳаракатларни бажариши керак. Оила ва жамоатчилик фикри уни камситилган вазият билан муроса қилишга, оилани сақлаб қолиш учун кўрқув ва хавотирда яшашга мажбур қилади. Бундай ҳолат билан келиша олмайдиганлар эри билан ажралишга, бола тарбиясини ўз зиммасига олишга ёхуд ҳаётини фожиали тугатишга ҳам боради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, аёлнинг ҳаётдаги мақоми яхши эмас, ажрашган аёлга нисбатан жамоатчилик бошқачароқ қарайди, шунинг учун аёл яна турмушга чиқиш учун ҳаракат қилади, кейинги турмушида ҳам аввалгисидан баттар жойга тушиб қолиши мумкин, аммо бечора аёл ўзини яхши хотин эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилади. Аммо қайнона ва келин ўртасида маънавий-ахлоқий жиҳатдан қарашларда фарқ бўлади, келиннинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини назарда тутсак манзара янада яққолроқ намоён бўлади.

Ўз умрини яшаб бўлган айрим урф-одатларнинг яна пайдо бўлиши кишида хавотир уйғотади. Бу урф-одатлар аёл шаъни ва кадр-қимматини ерга уради, эрига қарам қилиб қўяди. Кўпхотинлик, фақат диний никоҳ ўқитиш билан кифояланиш (бунда аёл ва бола мулк ҳуқуқидан маҳрум бўлади), қиз боққан ота-онага уй жиҳозларини олиб беришга мажбур қилиш, вояга етмаган қизларни турмушга бериш, яқин қариндошларга қуда бўлиш ҳолатларига жамоатчилик тамошабин бўлиб турибди.

"Ижтимоий фикр" маркази ўтказган сўров натижаларига кўра, маҳалла хотин-қизлар ҳаётида муҳим ўрин тутати дегувчилар 22,6 фоизни, қисман дегувчилар 25,3 фоизни, 49,3 фоизи ҳеч қандай роль ўйнамайди деганлар. Аёлларнинг фикрига кўра, маҳалла бошқаруви фақат оммавий тадбирлар (тўй, худойи ва бошқалар)ни ўтказишда эмас, балки оиладаги келишмовчиликларни, қўшниларнинг ўзаро жанжалларини,

оилани моддий ва молиявий таъминоти, шунингдек инсон ҳуқуқига эътиборни кучайтириш, иш ўрни билан таъминлаш масалаларини ҳал этиши мумкин.

Турмушда аёлларни дискриминация қилиш ҳолатларининг сақланиб қолиши одамлар онгида, жумладан маҳалла, аҳоли ўртасида аёлларни эркакларга нисбатан паст табақа деб қарашнинг яшовчанлигини кўрсатади, бу эса аёллар ҳуқуқини чеклаб қўяди.

Турли ёшдаги ва турли ижтимоий мақомдаги аёлларга нисбатан зўравонликнинг сабаблари таҳлил қилинганда маълум бўладики, аёлларга нисбатан оила ва жамоат муносабатини тубдан ўзгартирмай туриб, аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериб бўлмайди. Фақат олий кадрият йўналишида бўлган оилада, эсли-ҳушли фарзандларнинг ўсиб камол топиши улар жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук бўлиши, ота-она билан фарзанд ўртасида уйғун муносабатлар ўрнатилиши, аёлларнинг эркин шаклланишига йўл очиши, жамият ўз умрини яшаб бўлган урф-одатлар, удумлардан халос бўлиши мумкин.

Аёлларнинг ҳақиқий мақомини тиклаш йўлида кескин ўзгаришларга эришиш учун давлат мазкур жараён бошқарувини ўз қўлига олиши керак. Бунинг учун аёлларни турли кўринишдаги зўравонликлардан ҳимоя қиладиган қонунларимизни такомиллаштиришимиз, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, Оила кодекси ва бошқа ҳужжатларда мустаҳкамланган аёллар ҳуқуқига риоя қилишнинг ҳақиқий механизмини яратиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ишини яхшилаш, аёлларни зўрлаганларни жиноий жавобгарикка тортиш, бу борада маҳаллий бошқарув идораларини давлат ташкилотлари билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур.

БМТ тавсияларига мувофиқ шахсий ҳавфсизликни таъмин этувчи ва оилада зўравонликнинг олдини олувчи қонун ишлаб чиқиш (зўравонлик қурбонлари ҳуқуқини кенгайтириш), жиноий ҳаракатлардан зарар кўрган ва турмушда оғир вазиятга тушиб қолганларни ижтимоий муҳофазасини кафолатлайдиган қонун лойиҳасини тайёрлаш, фуқаролар ҳуқуқини муҳофаза қилиш ва, уларни амалга ошириш ва бошқа чораларни кўриш зарур.

Оилада аёлларга нисбатан зўравонлик ишлатилганда

одил судлов (ички ишлар идоралари, прокуратура, судлар)ни унга бўлган муносабатини ўзгартириш, бундай ходисаларни фақат аёллар ҳаёти ва саломатлигига путур етказувчи эмас, балки жамиятнинг маънавий-ахлоқий ривожланишига тўсиқ бўлувчилар сифатида қараш керак.

Аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик пайини қирқиш учун, энг аввало, жамият бу инсон устидан зўравонлик эканлигини тушуниб етиши керак. Улар биологик сабабларга кўра жисмоний ва руҳий жиҳатдан энг нозик қатлам бўлиб, жамият ва давлат эътибори ва ғамхўрлигида бўлиши керак. Аёллар ва болаларни зўравонликлардан муҳофаза қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунларини экспертизадан ўтказиш зарур. Бунда зўравонликнинг ҳамма кўринишларига нисбатан масъулиятни кучайтириш, зўравонликка учраган аёллар ва болаларга махсус ёрдам кўрсатиш тизимини жорий этиш, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар, ижтимоий, тиббий хизмат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ходимларини зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиш бўйича махсус дастурини ишлаб чиқиш, шунингдек аёллар учун зўравонликнинг олдини олиш бўйича маслаҳат-ахборот хизматини ташкил этиш зарур.

Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш амалда аёлларнинг меҳнат қилиш, таълим олиш ва соғлиқни сақлаш ҳуқуқлари билан узвий алоқададир. Давлат ижтимоий-фойдали функцияларини амалга ошириш доирасида аёлларнинг оилавий мажбуриятлари билан иши ва ўқишини қўшиб олиб бориши учун қулай имконият яратиб бериши шарт. Афсуски, аёллар ҳуқуқи мониторинги кўрсатадики, республиканинг кўпгина ҳудудларида болаларнинг мактабгача муассасалари сони қисқармоқда, мактабда куни узайтирилган гуруҳлар ишламаяпти, болалар боғчаси ва яслилар тўловлари ортиб кетганлиги сабабли уларга бораётган болалар сони камайиб бормоқда.

Давлат фақат давлат ташкилотлари, корхоналарида ишлаётган аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилмай, айтилиши вақтда хусусий-тижорат соҳасида ишлаётган аёллар ҳуқуқини ҳам назорат қилиб боришга даъват этилган. Масалан, кейинги вақтларда аёлларни дискриминация қилишнинг янги шакллари пайдо бўлмоқда, бунга кўра иш берувчилар аёллар малакасига

эмас, балки унинг ёши ва ташқи кўринишига эътибор бермоқдалар. Ишга қабул қилинувчиларга туғмаслик шартини қўймоқдалар. Булар ҳам аёллар ҳуқуқини чеклаш ва дискриминация қилишдан бошқа нарса эмас.

Аёллар ўртасида таълим даражасини оширишга тўсиқ бўлаётган сабаблардан бири ўқув юртларида ўқиб юриб фарзанд кўрган аёлларнинг жиддий қийинчиликларга учраётганлигидир. Уй юмушларини ўқиш билан қўшиб олиб бориш муаммолари билан яккама якка қолган талаба аёллар ўқишни сиртқи бўлимга ўтказишга мажбур бўладилар, акс ҳолда оилада келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Ўқув юртларида ёш болали талаба аёлларга махсус имтиёзлар берилиши, болалари учун бериладиган нафақа миқдори кўпайтирилиши, хорижий мамлакатларда бўлгани каби олий ўқув юртларида текин болалар муассасалари ташкил этилиши зарур. Аёллар ҳуқуқини таъмин этиш соҳасида вужудга келган вазият давлат ва жамият томонидан аёлларни қўллаб-қувватлаш механизмини ривожлантириб боришни тақозо этади.

Нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув идоралари, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари диққат-эътиборини аёл ҳуқуқига риоя қилиш мониторинги ўтказиш, аёлларга нисбатан зўравонлик тўғрисида ахборотлар тўплаш, уларнинг сабабларини аниқлаш, аёлларга нисбатан зўравонлик пайини қирқиш масалаларига қаратиши зарур. Зўравонлик қурбонларининг аризалари ва шикоятлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари, аёллар яшаётган, даволанаётган, ўқиётган, ишлаётган жойларни бориб кўриш ахборот олиш манбалари бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси, унинг ҳудудий вакиллари аёлларга нисбатан зўравонлик муаммосини ҳал қилишда катта ёрдам бериши мумкин. Оилада зўравонликнинг олдини олиш ва тугатиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш зўравонлик қурбонларига ёрдам хизматини ташкил этиш зарур.

Нодавлат ташкилотлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар мониторинги фаолиятини маърифий ахборот фаолияти билан кенг равишда қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бу аёлларга нисбатан зўравонлик сабабларини тушунтиришга, зўравонлик тушунчаси ва унинг турларини аниқлашга, зўравонликдан ҳимояланишни таъминлаш

тадбирларини кўришга йўналтирилган бўлиши зарур. Зўравонликка учраган ва зўравонлик хавф солаётган аёллар учун турли марказлар ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда бундай марказларнинг очилиши бу соҳада нодавлат-нотижорат ташкилотларининг фаол иштирокини таъминламоқда. Аёлларга нисбатан зўравонликка қарши ҳаракатда оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидениенинг ёшлар каналлари, газета, журналлар фаол иштирок этишлари керак.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини аёллар ҳуқуқи умумий концепциясини тарғибот ва ташвиқот қилишга қаратиш, шу соҳадаги халқаро ҳужжатлар билан таништириб бориш, аёллар ҳуқуқига риоя қилиш бўйича фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш, аёлларга нисбатан зўравонлик қилган шахсларга давлат томонидан жавобгарлик турлари ва жазолаш тадбирларини белгилаш, аёлларга нисбатан зўравонлик ҳодисалари кенг ёйилишига имкон берадиган сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиш, аёлларнинг оиладаги мақомини пасайтиришга олиб келадиган ўтмиш урф-одатлари ва анъаналарига салбий муносабатларни шакллантириш, уларни чуқур таҳлил қилиш, асосий эътиборни мазкур мавзуда давра суҳбатлари, мунозаралар уюштиришга йўналтириш керак. Биз тилга олган муаммолар "Инсон ва қонун", "Оила ва жамият" газеталари, "Ҳаёт ва қонун", "Давлат ва ҳуқуқ" журналлари саҳифаларида кенг муҳокама қилиниши, телевидение ва радио каналларида кенг ёритилиши мақсадга мувофиқ.

Аёллар ва қизларга нисбатан руҳий ва жисмоний зўравонликнинг олдини олиш учун бу муаммоларни ҳал этиш йўллари излаб топиш, ташаббускорлик, жасорат, фаоллик кўрсатиш, ошкораликка кенг йўл очиш талаб этилади.

ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК – ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАМСИТИШ ДЕМАҚДИР

Хотин-қизлар – опа-сингил, рафиқа, она уй-рўзгор, хонадоннинг бекалари деб қаралади ва шу сабабли аёллар ва оила деганда яхлит бир тушунча назарда тутилади. Шубҳасиз, ҳамма нарсанинг ибтидоси ва интиҳоси оила билан боғлиқ. Халқимиз орасидаги "нима эксанг, шуни ўрасан", деган мақол ҳам шу маънода оилага тааллуқли бўлади. Шарқда азалдан оила муқаддас даргоҳ саналган ва унинг обрўсини, нуфузини авайлашган.

Оила ҳаммамиз учун қадрдон жой ҳисобланади, бу гўшада биз ҳар биримиз ўзимизни эркин ва бемалол ҳис этамиз. Ана шу маконда келажагимиз куртаклари – ёш авлод дунёга келиб, камолга етиши унинг аҳамиятини янада оширади. Оила – жамиятнинг индикаторидир: оиладаги фаровонлик ва соғлом руҳий муҳит ундаги умумий аҳволга туртки бўлади.

Халқимиз демократик, дунёвий жамиятни барпо этишга киришди, бундай жамият учун янгича қадриятлар ва янгича инсонлар бўлиши шарт. Шу туфайли унинг учун ҳар томонлама таълим олган, эркин фикрловчи, ташаббускор фуқаролар зарур. Уларни фақат беҳбуд яхши, имонли оила тарбиялаб, камолга етказди, бунда янги инсон ўзининг илк тарбиячисини – Она сиймосида топади.

Носоғлом руҳий муҳит, зўрлик ва зўравонлик ин қўйган оила ҳар тарафлама баркамол инсон – жамиятнинг аъзосини тарбиялаб, вояга етказиши мумкинми? Зўравонлик қурбонига айланган аёл инсоний фикр юритадиган шахсни тарбиялашга қодирми?

Шарқ аёллари болалигидан бошлаб итоаткорлик, сабр-бардошлик, ўзидан катталарни ҳурмат қилиш руҳида тарбияланади. Анъанавий патриархал турмуш тарзи тамойиллари асосида тарбияланган аёл онгида "эркак-оила хўжайини, барча масалалар ечими унинг измида", деган тушунча теран илдиз отган бўлади. Унинг бурчи ва фаолият соҳаси эса – ошхона, кийим-кечак, ҳовли-жойнинг саранжом-саришталиги, эрининг, қайнота-қайнонанинг, қариндош-

уруғларнинг кўнглини топиш, болалар тарбияси. Ана шу руҳда тарбияланган аёллар ўзларининг оилага алоқадор муаммоларни мустақил ҳал қила олиши мумкинлигини ҳатто ҳаёлига ҳам келтира олишмайди.

Патриархал турмуш тарзи руҳида вояга етган аёллар, одатда, ўзининг кадр-қиммати, ўзини ўзи ҳурмат қилиш, ўзига ишонч каби ҳислардан маҳрум бўладилар. Шу ўринда агар аёл кишига оилавий пиллапояда энг қуйи босқич ажратиладиган бўлса, унда у ўз фарзандига ҳаётда ҳали кўп асқотадиган муҳим инсоний хусусиятларни қандай қилиб сингдира олади, деган савол кўндаланг бўлади. Кўпчилик аёллар ўз уйида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган аёл жинсига нисбатан салбий муносабат билдиришади. Улар бундай аёлларни ўз эрларига ҳўжайинлик қилишяпти, деб ҳисоблайдилар.

Эркаклар ҳам ўз навбатида анъанавий қарор топган ижтимоий ақидага амал қилишиб, ўзларини оиланинг сардори деб билишади ва "айтган ҳар бир сўзим - қонун", деган тамойилга асосланишади. Бундай эркаклар "эркакларнинг иши"га хотинлар аралашинини ёқтиришмайди, бу хилдаги уринишларни илдизидаёқ барҳам топтиради, "хотинларнинг иши - уй-рўзгор ташвиши, бола туғиш ва тарбиялаш", у ҳал қилувчи овозга эга бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Минг афсуски, айти шу хилдаги салбий урф-одатлар, анъаналар турмушимизнинг ажралмас бир қисми бўлиб келаяпти ва жамият тараққиётига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бундай ҳолатлар кўпинча низоли вазиятлар келиб чиқишига, хотин-қизларга нисбатан зўрлик ва зўравонлик ҳаракатлари содир қилинишига сабаб бўлмоқда. Шуниси ачинарлики, эркаклар ўзига нисбатан ҳурмат ва ғурур ҳиссини бой бериб, ўзларининг кадр-қимматини, оила ва уй-рўзгор таянчи, валинеъмати эканлигини унутиб, оиланинг моддий устунларини тутиб туришга доир ташвишларни хотинлари зиммасига топшириб қўйишяпти.

Кўплаб аёллар ҳам уй-рўзгор ишларини бажаришади, ҳам ишхонасидаги асосий ишини ижро этишади ва буларнинг устига оиладаги иқтисодий аҳволни меъёрида тутиб туриш учун ҳар хил қўшимча ишларга ёлланишади ёки "кичик бизнес" (уйда турли пишириқлар тайёрлаб, кийим-кечак тикиб ва тўқиб бозорга чиқариш) билан шуғулланадилар. Айрим аёллар

ўзларини "тижорат олами"га уришган: бошқа хорижий юртларга бориб, қоплар тўла оғир моллар олиб келишади ва куни бўйи бозор пештахталари ортида туриб, савдо-сотик қилишади. Уларнинг болалар тарбияси билан шуғулланишга на вақти, на ҳафсаласи қолади. Шубҳасиз, бундай оилалардаги болалар ота-она қаровидан четда қолгач, ўз билганича хоҳлаган ишини қилишади ва баъзан беихтиёр нохуш ҳолатларга ҳам тушиб қолишади.

Буларнинг ҳаммаси – касалликнинг илк аломатларидир. Халқ орасида "ойни этак билан ёпиб бўлмас", "касалликни яширсанг иситмаси ошкора қилади", деган гаплар бор. Кўра-била туриб, бекитиш-ғоят мудҳиш хатога йўл қўйиш, даволаш мушкул бўлган дарднинг олдини олмаслик билан баробар.

Янги жамиятнинг барпо этилишини хотин-қизларга шахс сифатида ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хотин-қизлар ҳам шахс сифатида эркаклар билан баб-баравар ҳақ-ҳуқуқларга эга, улар ҳам ўзларининг ҳаёт йўлини ўзлари танлашга ҳақлидирлар.

Фақат чинакамига эркин, мустақил ва тўла ҳуқуқли аёл барча даражаларда қарорларни қабул қилишда фаол қатнашиши, билимли, зиёли, ўз Ватанига содиқ авлодни тарбиялаб, камолга етказиши мумкин.

Ҳукуматимиз хотин-қизлар – миллат ва давлат қиёфасини англатишини яхши тушунган ҳолда Ўзбекистон хотин-қизларининг аҳволини янада яхшилаш юзасидан барча чора-тадбирларни ишга солмоқда. 1997 йилдан бошлаб Президентимиз И.А.Каримов ташаббусига биноан ҳар бир йилга махсус мақом бериб келинади: 1997 йил – Фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш йили, 1998 йил – Оила йили, 1999 йил – Хотин-қизлар йили, 2000 йил – Соғлом авлод йили, 2001 йил – Оналар ва болалар йили. Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш дастурлари энг кескин муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Бундай дастурларнинг амалга оширилиши жамиятнинг қўйилган вазифалар моҳиятини идрок этиши ва уларнинг бажарилишига лозим даражадаги масъулият билан ёндошишига боғлиқ.

"Меҳр" хотин-қизлар жамияти аъзолари қўйилган вазифаларга мувофиқ хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳаётда уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қарор

топтириш, оилани такомиллаштириш, соғлом турмуш тарзини, аёлларнинг репродуктив саломатлигини ривожлантириш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишмоқда. Жамият маҳаллалар, мактаблар, олий ўқув юртлири ва корхоналардаги хотин-қизлар билан давра суҳбатлари, семинарлар, тренинглар ўтказаяпти. Бунда иштирокчиларга шахслар ўртасида илиқ ва ишончли муносабатлар ўрнатилиши учун шарт-шароитлар яратилишига алоҳида эътибор берилади. Хотин-қизлар айна шундай шароитда ўзларининг қалб сирлари билан бемалол ўртоқлашишади, ўзларини ҳур, эркин ҳис қилишади, баъзида кишининг яққа ўзи ҳал этиши мушкул бўлган муаммолар хусусида фикр алмашишади. Аёл киши ҳамма вақт ҳам ўз дилини очиб ташлайвермайди, дилни оғритиб қўйишдан чўчигани сабабли ҳатто туққан онадан ҳам кўп нарсалар сир тутилади. Кўпчилик аёллар ортиқча гап-сўз чиқиши, оиласи, эри, фарзандлари ва ота-онаси шаънига доғ тушишини ўйлаб, кўп нарсани ичига ютиб яшайди. Уларнинг учрашувлар чоғида бир-бирига дилини ёришлари аёлларни безовта қилаётган кўпгина муаммо ва ташвишларни ушуниб олишга имкон беради.

Хотин-қизлар билан бўлган мулоқотлар бизнинг аёл-қизлар учун улар турмушда дуч келадиган муаммоларни ҳал этиш йўлларини қидириб топишга ёрдам берадиган махсус хизматни ташкил қилиш борасидаги режаларимизни ниҳоясига етказишга асос бўлди. Ушбу гоё Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1999 йилни Хотин-қизлар йили деб эълон қилиши арафасида Очиқ Жамият Институти, Қўмаклашиш жамғармасининг қўллаб-қувватлаши натижасида амалга оширилди. Бу севимли хотин-қизларимиз учун яхши тухфа бўлди. 1998 йил декабридан бошлаб ишонч телефони орқали маслаҳат хизмати фаолият кўрсата бошлади, бу хизмат кейинчалик Очиқ Жамият Институти ва Қўмаклашиш жамғармаси қошидаги "Таскин" ишонч марказига айланди. Ҳозирги вақтда иккита телефон линияси орқали маслаҳатлар бериб борилади. Марказда юксак малакали, улкан ҳаётий тажрибага эга мутахассислар: психологлар, шифокорлар, ҳуқуқшунослар хизмат кўрсатишади, улардан икки нафари фан номзодлари ва доцентлардир. Марказ маслаҳатчилари бу ерга мурожаат қиладиган ҳар қандай хотин-қизларга, ҳатто

эркакларга ҳам тегишли ёрдамни беришга ҳаракат қиладилар. Ўз саволлари билан мурожаат қилувчилар психологлар, ҳуқуқшунослар, шифокорларнинг бепул ва беминнат хизматларидан ҳар доим мамнун бўлиб келишяпти.

Икки ярим йил ичида "Таскин" ишонч марказига 10 мингга яқин киши ҳар хил саволлар ва муаммолар билан мурожаат қилишди. Улардан қарийб 15 фоизга яқинини эркаклар ташкил этади. Қўнғироқ қилувчиларнинг 75 фоизи – 25 ёшдан 50 ёшгача, 10-11 фоизи – 19 ёшдан 25 ёшгача, 7-8-фоизи – 50 ёшдан ошган ва 6-7 фоизи – 19 ёшгача бўлган кишилардир. Ушбу маълумотлардан кўриниб турганидек, мурожаат қилувчиларнинг аксарият кўпчилигини оилавий турмуш кечириш ёшидаги кишилар ташкил этади. Марказ телефонларига қўнғироқ қилган аёллар ва эркакларнинг 40-45 фоизга яқини ҳуқуқшунослик, 30-37 фоизи – психологик ва 23-25 фоизи тиббий масалалар юзасидан зарур ёрдам олишди. Юридик маслаҳатлар, асосан, қуйидаги масалалар бўйича берилган:

- мерос, ўғил ёки қиз қилиб олиш ва васийлик масалалари бўйича (22-24%);
- қўйди-чиқди ишларидан кейинги уй-жой муаммоларини ҳал этиш бўйича (19-25%);
- никоҳни бекор қилиш масалалари бўйича (28-30%);
- алиментларни ундириб олиш масалалари бўйича (30-35%);
- умумий юридик масалалар бўйича (15-20%);
- эр-хотин, келин билан қайнона, ота-она билан фарзандлар, ака-укалар, опа-сингиллар, қариндош-уруғлар ўртасидаги низоли вазиятлар юзасидан (35-42%).

Мурожаатларнинг кўпчилиги оиладаги иқтисодий ҳолатга тегишли эди. Улар: ишга жойлашиш, коммунал хизматлар, электр энергияси, газ, транспорт учун ҳақ ва қанд-шакар, ўсимлик ёғи, гўшт-сут маҳсулотлари, макарон маҳсулотлари, гуруч каби энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларига нарх-навонинг узлуксиз ошиб бориши, бозордаги нархлар, шунингдек, дори-дармонлар нархларига тегишли саволлардан иборат.

Кўпинча айрим пенсионерларни ёлғизлик, дори-дармонларга маблағ етишмаслиги масалалари ташвишга солади.

Мурожаат қилувчи аёллар ва эркакларнинг кўпчилиги ота-оналар билан ўсмир фарзандлар ўртасидаги зиддиятли

муносабатлар туфайли назорат доирасидан четга чиқиб кетган болалари сабабли оғир кечинмаларни бошдан ўтказган. Кўпгина ота-оналар фарзандларининг алкоғолли ичимликлар, гиёҳванд ва психотроп моддаларга ружу қўйганлиги ёки ҳадеб тунги клубларда қолиб кетиши билан боғлиқ муаммоларини баён қилиб, уларни ҳал этиш юзасидан ёрдам ва маслаҳат сўрашади.

Шуни қайд қилиш керакки, иқтисодий ислохотларнинг мураккаб жараёни хотин-қизлар, ўсмирлар аҳволига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Айрим нопок шахслар иқтисодий қийинчиликларни дастак қилиб, қандай йўл билан бўлса-да мўмай пул топиш мақсадида тажрибасиз ёш қизлар ва аёлларни ҳар хил шубҳали фаолият турларига жалб этишаяптики, бундай ҳол маънавий тарбия ва жамият ахлоқиға салбий таъсир қилапти.

Кўпчилик эркаклар ўзларининг эмоционал ҳолатини юмшатиш мақсадида алкоғолли ичимликларни истеъмол қилишга ўтиши ғоят ташвишли ҳоллардан биридир. Улар уйларига маст ҳолатда келишиб, оилада жанжал-тўпалон чиқаришади, муштира зўр бериб, оғизларидан боди кириб, шоди чиқади, шунда бикинида фарзандлари ўтиргани, ўз ҳолати билан улар онгига қандай шикаст етказаётганини ўйлаб ҳам кўришмайди. Сурункали асаббузишлар, оғир жисмоний меҳнат саломатликка путур етказади. Натижада аксарият хотин-қизлар рухий сиқилади ва тушқунлик азобиға дучор бўлишади. Ҳатто айрим аёллар ҳаётдан тўйиб кетиб, ўзига суиқасд қилиш ҳолатига ҳам тушиб қолишади.

Яна шундай ҳоллар ҳам учрайдики, айрим пулдор эркаклар оилаға, умр йўлдоши ва фарзандларига нисбатан вафо ва садоқат ҳисларига кўз юмиб, четда ўзига ўйнаш орттириш ёки ҳатто яна бир ноқонуний оила қуришни фахр деб билишади. Бундай ҳоллар хотин кишиға ва ўртадаги фарзандларға жиддий психологик зарба етказади.

"Таскин" ишонч марказига қўнғироқ қилган айрим хотин-қизларнинг дил сўзлари билан танишиб кўринг:

- "Менинг исмим Муҳаббат. Турмуш ўртоғим билан 22 йилдан бери биргамиз. Шу даврда 3 нафар ўғилларимни (15, 17, 19 ёшда) вояға етказдим, улар менинг ҳаётимнинг энг лазиз шамчироқлари. Фақат шуларни деб барча қийинчиликларға, эримнинг қилиқларига чидаб келаман. Турмушға чиқишимнинг

дастлабки кунлариданоқ, эрим унга ва қайнонамга сўзсиз бўйсуним кераклигини шарт қилиб қўйди. Уларни ҳурмат қилишим, нима дейишса ҳам ҳаммасини бажаришим керак эди. Ана шундагина оила тикланиб кетишини айтишди. Мен бундай гапларга ҳайрон қолсам ҳам, барибир, ҳамма шартларга кўнишга мажбур бўлдим. Эҳтимол, бундай қилиб хато йўл тутгандирман. Нима бўлса-да, ўз ёғимга ўзим қоврилиб яшайвердим. Эрим мен бажаришим шарт бўлган мажбуриятларни сира ҳам эсидан чиқармас, ўзининг энг оддий эркаклик, оталик мажбуриятлари ҳақида эса ўйлаб ҳам кўрмасди. Менинг айрим нарсалар тўғрисидаги илтимосларим бежавоб қолиб кетаверарди. Мабодо улар ҳақида такроран, сал қатъият аралаш эслатадиган бўлсам, эрим дўппослашга тушарди. Эримнинг талабларига бутунлай бўйин эгиб, ўз кадр-қимматимни, ор-номусимни ерга урдим, калтаклардан бошим чиқмай қолди. Бу давр ичида бир неча марта эрим билан орани очиқ қилишга уриниб кўрдим, болаларимни олиб ота-онамникига кетиб ҳам кўрдим. Лекин кейинчалик эримнинг ваъдаларига яна ишониб, муҳими, ўғилларимни отасиз қолдирмаслик учун, барибир, яна қайтиб келавердим. То мана шу кунгача ҳам оиламизда носоғлом муҳит ҳукм суради. Ҳозир мен эримни кўрарга кўзим йўқ даражага етдим ва яна нима қилишимни билмай сарсонман. Ёшим 42да, болаларимнинг ҳам бўйи етиб қолди. Эримни қандай қилиб муштумзўрликдан қайтарса бўлади?"

—"Раъно эри билан севишиб турмуш қурган эди. У моддий жиҳатдан ўзига тўқ оилага келин бўлиб тушган ва 16 йил шу хонадонда яшади. Бир ўғли ва икки қизи бор. У 16 йил мобайнида эрининг ота-онаси, опа-сингиллари, бошқа қариндош-уруғларининг хўрлаши ва ҳақоратларига чидаб, тишини-тишига босиб яшади. Улар келинининг камбағал тоифадан эканлигини таъна қилиб, қасддан бундай никоҳга эришганликда айблашарди. Бироқ Раъно эрига ва болаларига қаттиқ боғланиб қолганлиги сабабли ҳамма азобларга чидаб келди. Лекин эри ҳам ота-онасининг ёнини олиб, уларга қўшилиб хўрлашга, ҳатто калтаклашга ўтганидан сўнг унинг сабр косаси тўлиб кетди. Эр шу даражага етдики, ҳатто хотинини ва болаларини уйдан кўчага ҳайдаб юбориш одатини чиқарди. Ҳозир Раъно эри билан ажрашган ва бир йилдан

ортиқ вақтдан бери болалари билан бирга ўзининг ота-онаси уйида яшайпти. Бу давр ичида эри бирон марта ҳам хотини ва болаларини келиб кўрмади, ҳол-аҳволлари билан қизиқмади".

—"Дилноза эри билан бирга 15 йил яшади. Эрининг жуда қаттиқ севиб қолганлиги туфайли турмуш қуришган эди. Эри уни шунчалик рашк қилар эдики, ҳатто уйдан ҳам чиқармасди. Ота-онасиникига фақат эрининг кузатувида бориб келарди. Уларнинг бир қизи ва бир ўғли бор. Рашк балоси чегара билмай қолди. Эр нимани бўлса-да баҳона қилиб, хотинини калтаклашга тушарди. Дилнозанинг тоқати тоқ бўлди. У ҳозир болалари билан бирга ўзининг ота-онасиникида яшайпти ва ажралишга қарор қилган, чунки эрининг ваъдаларига ишончи бутунлай тугаган".

—"Нигора ўғлини ўзи ёлғиз тарбияляпти. У эрининг ниҳоятда хасислигига чидай олмасдан ажрашган. Эри доим унинг маошини тортиб олар, агар Нигора бирон нарса демоқчи бўлса, муштга зўр берарди".

—"Мастуранинг икки ўғли ва икки қизи бор. 18 йилдан ортиқ вақт давомида эри билан бирга яшади. Эри ичиб олиши ҳамон уни калтаклашга тушарди. Мастлик тарқагач, у калтаклашларини бўйнига олмас, меҳр-мурувват, эътибор кўрсатишга ҳаракат қиларди".

—"Дилором 25 йиллик "яхши" оилавий турмушдан кейин эрининг яна бир оиласи борлиги, у ерда икки нафар фарзандни вояга етказётганлигидан хабар топади. У буни эшитиб, донг қотиб қолди. Нима қиларини билмасдан ўзини ўлдиришга аҳд қилади. Тасодифан омон қолади. У эрининг хиёнат қилганлигидан қаттиқ ҳаяжонга тушиб, янги қариндошлар олдида уятдан, номусдан ерга киргудек бўларди. Натижада оила барҳам топди".

Келтирилган мисоллардан шу нарса кўринадики, кўпгина аёллар уйдаги зўравонликни "хотин кишининг қисмати" деб ҳисоблаб, ўз толедан кўриб, узоқ муддат давомида унга чидаб, тоқат қилиб келади ва тарбияси, анъанавий қарор топган фикрлаш андозалари сабабли ўз муаммоларини бўсагадан ташқарига олиб чиқишни эп кўрмайди.

Кўп ҳолларда аёллар "Ишонч" марказига эрларининг бевафолиги масаласи юзасидан маслаҳат сўраб кўнгироқ қилишади. Кейинги йилларда чеккада яна бир оила орттириш

одатга айланмоқда. Айрим аёллар эркакнинг ўз оиласи борлигини билса-да, унга иккинчи хотин бўлиб яшашга онгли равишда розилик беришади, бунда улар бу иши билан эркакнинг қонуний хотинига, оиласига, айниқса фарзандларига қандай оғир психологик зарба етказишларини ўйлаб ҳам кўришмайди. Телефон орқали билдирилган ахборотлар таҳлили кўпинча пулдор эркакларнинг ноқонуний қўшимча оила қуриши, камхарж эркаклар эса ичкиликка ружу қўйиши ва бу билан ўз яқинларига қанчалик азоб-уқубат етказишларини кўрсатади.

Эркаклар ва кўплаб аёллар ахлоқ, оила олдидаги бурч, садоқат ва вафо деган ақидалар мавжудлигини баъзан эсдан чиқариб қўйишади.

Қайнона билан келин ўртасидаги ўзаро муносабатлар, яъни "қайнона ва келин" муаммоси ҳам гоят муҳим масалалардан биридир.

Замонавий ҳаётда хотин-қизлар икки хил турмуш тарзини бошдан кечирадилар, яъни ҳаёт зиддиятларга тўладир. Улар, бир томондан, ишда замонавий қарашларга амал қилишади, ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишади. Бошқа томондан эса, уйда, ишдан ташқари вазиятда деярли бутунлай анъанавий – патриархал турмуш тарзига бўйсунушади. Анъаналар ва замонавийлик, традиционализм ва модернизм бир-бирига қарама-қарши, ўзаро бир-бирини истисно қилувчи ва айни бир пайтда ҳар қандай жамият ҳаётида ўзаро бир-бирини тўлдириб турувчи тенденциялардир.

Традиционализмга асосланган миллий менталитет барча урф-одатлар ва маросимларга амал қилинишини тақозо этади. Одатларга биноан, ўғил хотинини ўз ота-онасининг уйига олиб келади, қиз эса эрга чиқиб, эрининг ота-онасиникида яшайди. Ёш келинчак тўйдан сўнг эри ва қайнонасининг рухсатисиз ҳатто кўча эшигидан ҳатлаб ташқарига чиқиши мумкин эмас.

Ёш аёл келинга айлангач, ўз ота-онасининг оиласи учун гўё одоб-ахлоқ ва ор-номус калити ролини ўйнайди. Қиз бола турмушга чиқишдан анча илгариеқ оилавий турмушга тайёрлаб борилади, уни ҳамма урф-одатларга сўзсиз амал қилиш руҳида тарбиялашади. Ёш куёв учун эса сардор, қатъий эксперт, имтиҳон олувчи, тарбиячи, прокурор ва ҳакам роли ажратилади.

Қайноналарнинг кўпчилиги "генераллик" мавқеини эгаллашга ишқибоз бўлишади. Улар ўзларини шундай деб аташади ҳам. Қайноналар келинни ўз иродасига бўйсундириб олиш ва унинг барча ҳатти-ҳаракатларини қатъий назорат қилиб боришга интилишади. Келиннинг ўз уйига, ота-онаси олдига қачон, ким билан ва нималар олиб бориши масаласини ҳам фақат қайнона ҳал қилади. Ота-онанинг уйига бориб туриш юзасидан аниқ жадвал ҳам тузиб қўйилади (икки ҳафтада ёки бир ойда бир марта). Айрим келинларга ишлаш тақиқланади. Улар севимли ишининг баҳридан ўтишга мажбур бўладилар. Бу дискриминация қилиш эмасми? Ҳатто қизнинг ота-онаси ҳам янги қудалар ёнини олиб, қизига ҳамма талабларга бўйсунуш керак ва шарт эканлигини, акс ҳолда жанжал чиқиши ва келин эриникидан ҳайдалиши ҳам мумкинлигини айтиб уқтиришади.

"Таскин" ишонч марказига шу масала юзасидан кўплаб қўнғироқлар бўлиб туради. Мана бир мисол. Ёш келин турмушга чиқишигача тиббиёт институтида таҳсил олар, энди учинчи курсда ўқиётган эди. Тиббиёт институтида ўқишнинг ўзи жуда қийин, агар талаба бирон бир сабабга кўра қандайдир машғулотга бора олмай қолса, ушбу машғулотни албатта ўзлаштириши шарт. Агар у бир кун дарсларга келмаса, демак, бирданига бир неча фанлар бўйича "қарздор" бўлиб қолади. Мавжуд урф-одатлар ва таомилларга кўра қайнона ёш келинни эрининг қариндошлари билан таништириб чиқиши керак. Келин эса институтдаги дарсларига бориши лозимлиги, акс ҳолда, уни ўқишдан ҳайдашлари мумкинлигини айтиб, қариндошларникига қилинадиган ташрифлардан воз кечади. Қайнона эса келинни тушунгиси, тиббиёт институтида таълим олиш ҳақиқатан ҳам гоят масъулиятли эканлигини англагиси келмади. Кечқурун оила аъзолари дастурхон атрофида тўпланишганида қайнона келиннинг ўқишини бошқа институтга ўтказишини талаб қилади ва ёш аёлнинг хоҳиш-иродасига зид равишда педагогика институтининг сиртқи бўлимига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади. Келин тўйгача тиббиёт институтида муваффақиятли ўқиб келган эди. У болалигидан бери шифокор бўлишни орзу қилар, шу институтга ўқишга кириш учун қанчалик куч-ғайрат сарфлаган эди. У энди нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб қолди. Табиийки, у ўз

қатъиятини намоён қилиши ва ўз талабида туриб олиши керак эди. Бироқ қизнинг ота-онаси уни бошқа институтга ўтишга кўндиришди. У дилида бир дунё алам ва ҳасрат билан, фақат эрига бўлган муҳаббати туфайли тиббиёт институти билан хайр-хўш қилади. Шу тариқа йиллар ўтди. У уч нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. 18 йил мобайнида кўплаб хўрлик, ҳақоратлар эшитди, уни паст табақадан чиққан деб таъна қилишарди. Ишқ – муҳаббат сабабли турмуш қурган эри уни неча марталаб калтаклаб ташлади. Улар охир-оқибатда ажралиб кетишди. Аёл узоқ вақт давомида мушкул аҳволни бошидан кечирди.

Аёл эрининг оиласида турмуш кечира бошлаганидаёқ, ўзининг тиббиёт институтида ўқиш ҳақидаги талабида қаттиқ туриб олмасдан катта хатога йўл қўйган эди. Асосий масалада ён берганидан кейин хўрлик ва ҳақоратлар, қадр-қимматининг ерга урилишларига учрай бошлади. Бундай ҳоллар бизда аёллар ва эркекларнинг ҳали ҳам ҳуқуқий жиҳатдан етарлича билимга эга эмаслигини тасдиқлайди.

Хотин-қизларга илтифотсизлик болаликдан бошлаб онга сингдирилади ва авлоддан авлодга ўтиб келади. Аёлларнинг камситилишига, аввало, алоҳида ақидага айлантирилган барқарор анъаналар сабаб бўлади.

Патриархал руҳда тарбияланган ёш эр хотинини ҳатто жуда севгани ҳолда ҳам унга ўз хайрихоҳлигини очиқ намоён қила олмайди, одамлар, айниқса, онаси, отаси, ака-укалари ва опа-сингиллари ҳузурида хотинига нисбатан ҳисларини намоёиш қилиши ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади. Мабодо у бунга жазм этса борми, атрофидагиларнинг таъна-ю кулгиларига учрайди. Шу сабабли эркеклар бу борада ғоят эҳтиёткор бўлишади. "Хотиннинг ногорасига ўйнаш" айбига дучор бўлмаслик учун улар мустабидлик ролини танлашади. Бундай эркеклар ўз хотини ширин таом тайёрлагани учун ҳеч қачон мақтаб, кўнгилини кўтарадиган илиқ гап-сўзлар билан қувватлай олмайди. Улар қўрс, хасис ва қўпол бўлиб қоладилар. Бундай иллатлар кундан-кунга "болалайверади". Хотин бундай муносабатга узоқ вақт чидаб келиши мумкин, лекин охир-оқибатда унинг сабр косаси тўлиб тошади ва у ҳам дағаллашиб, гап қайтарадиган ҳолатга киради. Бундай муносабатлар оқибатида оилада ўзаро совуқлик, бир-бирини тушунмаслик,

ётсираш ҳоллари пайдо бўлиб, кескин низолар чиқишига олиб келади. Низолар узоқ муддат давомида ҳал қилинмасдан қолаверади, ҳатто топиладиган ечим ҳам вайронкорлик тусида бўлади. Кўпинча бу хилдаги ўзаро муносабатлар ўртада "улкан музли тоғ"нинг бўй чўзишига олиб келадики, энди уни ўртадан кўтариб олиб ташлаш осон бўлмайди. Кўпгина оилалардаги эр билан хотин ана шундай "музтоғ"нинг турли томонларига ўрнашиб олишганки, ўртада болалар гоҳ у, гоҳ бу томонга чопиб ўтиш билан оворалар.

"Аёл бахти" ҳақида фақат орзу қилиш мумкин. "Аёл бахти деганда нимани тушунасиз?" деган саволга кўпгина аёллар фақат елка қисиб, бирон-бир жўяли жавоб бера олишмади. Айримлар, хотин-қизлар мутлақо бахтли бўла олмайди, дейишди ҳам. Умуман олганда, "бахт"-бу хомжаёл. Шунинг учун ҳам: "Қизлар-турмушга чиқишга илҳақ, кампирларнинг ичи эса пушаймонга тўла", дейишади.

Реал ҳаётда хотин-қизларнинг қандай бўлиши кераклиги ҳақида гап-сўзлар юради. Унинг ақлли, донишманд, ювош, ёқимтой бўлиши, уй-рўзгор ишларини энчиллик билан бажариши, таомларни рисоладагидек тайёрлаши, эрининг дўсту биродарларини очиқ чеҳра билан кутиб олиши, катталарнинг ҳурматини жойига қўйиши ва уларга асло гап қайтармаслиги, ҳеч нарсани талаб қилмаслиги, эркаклар ишига аралашмаслиги, оддий бир яхши хотин бўлиши талаб қилинади. Яхши хотинга доир мезонлар-ку бутун барча қоидалари билан ишлаб чиқилган, лекин яхши эрга оид мезонлар хомаки нусха ҳолатидан нари ўтмаган. Эркак ҳам оиланинг бир бунёдкори. У ҳам яхши, меҳрибон, доно, ақлли, тушунадиган, садоқатли эр ва фарзандларининг ибратли отаси бўлиши керак. Ҳозирги вақтда эркаклардан фақат бир нарса – яхши пул топиш ва оилани таъминлаш талаб этилади. Матбуотда, семинарлару давра суҳбатларида, бошқа тадбирларда эркакларга тегишли масалалар муҳокама мавзуси қилиб олинмайди. Фикримизча, аёлларга нисбатан уй-рўзгордаги зўравонлик муносабати билан вужудга келадиган муаммоларнинг кўпчилиги айнан шу эркаклар тарбиясининг етарли эмаслиги билан боғлиқдир.

Эркаклар газаб отига минган ҳолатда кўпинча хотинларига қараб: "ҳозир мен сенга кўрсатиб қўяман", дея

тахдид қилишади ёки қўлига нима (пичоқми, қайчими, ошхонадаги бошқа асбоб-ускуналарми) илинса, шуни олиб, уларга қарата отишади. Улар бундай нарсаларнинг объектга бориб тегиши, ҳаёт ва саломатлик учун нақадар хавфли эканлиги ҳақида бош ҳам қотиришмайди. "Таскин"га қўнғироқ қилган бир аёл шундай ҳикоя қилади. Эри ишдан маст ҳолатда қайтиб келади. У дастурхон ёнига ўтиришга улгурмасидан ароқ қуйишни талаб қилади. Лекин уйда ароқ йўқлигини эшитиб, эрнинг жаҳли чиқади. У стол устида турган пичоқни олиб хотинига қараб отди. 3 яшар кичик ўғил онасига ёпишиб олган эди. Аксига олиб пичоқ бориб болага тегади ва унинг юзини ва кўзини тилиб ўтади. Болани операция қилишга тўғри келади ва унинг ҳаётини сақлаб қолишади. Отани милиция олиб кетади. Хотин нима қилишини билмай боши қотади. У эрининг қамалиб кетишини истамай, маслаҳат сўраб "Таскин"га қўнғироқ қилди. Боланинг онасига тегишлича тушунтиришлар берилди ва айбдорнинг албатта жазо олиши кераклиги уқтирилди.

Ушбу мисолдан кўриниб турганидек, зўравонлик ўз қурбони саломатлигига жиддий таҳдид солади. Афсуски, бундай зўравонлик шакллари кенг тарқалган.

Кўп ҳолларда қайнона ёки эр келиннинг стипендияси ёки маошини тортиб олиб қўйишади. Бир талаба келин қўнғироқ қилиб, қайнонаси унинг стипендиясини бутунлай олиб қўйиши, фақат йўл харажатлари учунгина пул ажратишини айтиб шикоят қилди. Унинг ҳатто тушлик қилгани ҳам пули қолмайди. Бундай ҳол унинг жонига тегиб кетади ва ўзини сал бўлса-да ҳимоя қилиш учун қайнонасидан кўпроқ пул ажратишини илтимос қилади. Қайнонага бу ёқмайди. Қайнона ўғлига шикоят қилиб, хотинининг жуда талтайиб кетганлиги, рўзгор юритишнинг осон эмаслигини тушунмаслигини айтади. Эр билан қайнона келиннинг ҳомиладорлигини била туриб, вазиятни ётиғи билан тушунтириб ўтирмасдан, аёлни хасису харисликда айблаб, ҳақоратлашади. Аёл нафақат иқтисодий, шу билан бирга психо-эмоционал зўравонликка учрайди. Унга тегишлича психологик далда берилди.

Кўпчилик уй-рўзғордаги зўравонлик – хусусий ҳол деб ҳисоблашади.

Бир қатор мамлакатлардаги хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашган ҳуқуқшунослар,

адвокатлар уй-рўзгордаги зўравонликнинг жами жиноятчилик турлари орасида олдинги ўринлардан бирини эгаллашини аниқлашган.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, зўравонликка учрайдиган аёллардаги анъанага ёпишиб олиш уларнинг никоҳдаги ролига нисбатан қарашларида намоён бўлади. Улар "аёлнинг ўрни - уй-рўзгорда" деган ақидани сўзсиз қабул қилишади. Унинг хизматдаги истиқболи қанчалик муҳим бўлиши мумкинлиги эътибордан соқит қилинади ва эрини ҳамда фарзандларини бахтиёр қилиш учун бундай истиқболдан шартта кўз юмиб қўя қолади. Кўпинча аёлнинг бундай қадами оиланинг иқтисодий аҳволи ёмонлашувига сабаб бўлади ва унинг ўз эрига моддий жиҳатдан бутунлай қарам бўлиб қолишига олиб келади. Ўз ишини ташлашга журъат қила олмаган аёллар эса ўзларини худди айбдордек ҳис қила бошлайди. Айни пайтда оиланинг молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида ишлашда давом этадиган аёллар ишда ўтказиладиган фурсатнинг уйдаги зўравон эрдан кўрган хўрликларини биров бўлса-да унутиш, ўзини чалғитиш учун асқотишини тушунадилар.

Бироқ эр хотинини ўзига бутунлай бўйсундириб олишни ният қилган бўлса, аёл учун эртами кечми барибир ишни ташлашига тўғри келади. Масалан, эркак хотинининг ишдаги бошқа эркакларга муносабатлари юзасидан шубҳа-гумонларни дастак қилиб, бемаъни гап-сўзлари, қилиқлари билан аёлнинг жонига тегиб кетиши мумкин. Айрим ишловчи аёллар олган маошининг ҳаммасини қайнонага ёки эрига келтириб беради. Ҳатто эрига нисбатан кўпроқ даромад топадиган ва оилани таъминлайдиган аёллар ҳам бу пулларнинг ҳаммаси фақат эрига, қайнонасига тегишли бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Кўпчилик аёллар эрини ёки қайнонасини оиланинг бошлиғи деб билади ва шу сабабли, гарчи ўзининг топадиган даромади ушбу оиланинг ва оилавий муносабатларнинг тутиб турилиши учун зарур яккаю ягона моддий манба эканлигини билса-да, сарф-харажатлар юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқини бутунлай уларнинг измига топшириб қўяди.

Одатда, эр томонидан зўравонлик қурбонига айлантирилган аёллар доимий қўрқув ва асабийлик ҳолатида яшашади. Бу уларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатига қаттиқ

таъсир қилади. Кўплаб аёллар зўравонлик туфайли узок муддат давомида ҳаддан ташқари танглик ва дардчиликни бошдан кечириб, чидаб юришга қодир бўлса-да, барибир, улар ўзларининг жисмоний ва руҳий ҳолатида нохуш ўзгаришлар юз бераётганидан шикоят қилишади. Аёллар бош оғриғи, бутун гавдасидаги тинимсиз оғриқлар, уйқусизлик ва тушқунликдан азоб чекишади, дили хуфтон бўлиб, маҳдудлик ҳолига тушишади. Улар зўравонликнинг яна такрорланиши хавфидан қўрқиб, доимий беҳаловат, хавотирли ҳолатни бошдан кечирадилар.

Кузатувларнинг кўрсатишича, ўз хотинлари, болаларига нисбатан зўравонлик ҳаракатларини содир қиладиган эркаклар, одатда, қуйидаги тарзда таърифланади:

- ўз-ўзини баҳолаш даражаси паст;
- зўравонлик муносабатларига доир афсоналарга ишонишади;
- анъанавий ақидаларга ишонишади ва эркак оилада ҳамда жамиятда етакчи роль ўйнайди, деб ҳисоблашади;
- патологик рашкчи;
- иккиюзлама шахсга айланган;
- кескин вазиятлар қаттиқ таъсир қилади;
- алкоғолли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилишади;

– ўз-ўзига юқори баҳо бериш мақсадида жинсий муносабатларда тажовузкорлик қилади, бундай тажовузли феъл-атворининг оғир оқибатларга олиб келишини тушуниб етишмайди.

Дилозорлик кўрган кишилар муайян муаммолардан сиқилиб турганлигини, эҳтимол, ўзлари ҳис қилиб туришса-да, буни тан олишни хоҳлашмайди. Улар бундай нарсаларни муҳокама қилишни ёқтирмайдилар ва бекитишга уринадилар, мабодо хотинининг бу масалани кимгадир ошкор қилганини билиб қолишса, газаблари қўзиб кетади.

Эркак зўравонлик ҳаракати ҳақида гап кетганида хотинига бирон ёмонлик қилиш ҳаёлида ҳам бўлмаганлиги, фақат уни сал-пал тарбиялаш ниятида шундай қилганини айтиши мумкин. Эркакнинг зўравонлик ҳаракатлари оддий бир эмоционал ҳақоратдан бошланади, кейин тарсаки, яна тарсаки туширишга ўтади ва сўнгра ўзини тута олмай қолади. Ҳатто хотинига жиддий тан жароҳати етказганлигини кўрса-да, ўзини

тўхтата олмаслиги мумкин. Сўнгра "осойишталик" ва "сулҳ тузиш" босқичига ўтилади ва эркак ўз хатти-ҳаракатлари учун хотинидан уэр сўрайди, унга совға-саломлар келтириб, диққат-эътибор кўрсатади, хотинини барибир севишини исботлашга ҳаракат қилади.

Айрим эркакларда мулқдорлик ҳисси устунлик қилади, рашкчи, суллоҳ бўлишади. Улар ўз хотинларини назорат остида тутиб туриш учун бўлар-бўлмас нарсаларга аралашаверади. Хотин унинг рухсатисиз остона ҳатлаб ўтолмайди. Эр хотинини қафасдан чиқармаслик учун унинг кўп бола туғишини талаб қилади.

Шуниси муқаррарки, эркакнинг онаси ҳам гарчи ўглининг зўравонлигини кўриб турса-да, унинг феъл-атворига кўпроқ таъсир кўрсатиши мумкин.

Айрим эркаклар руҳ бардамлиги ва тинчланиш, фароғат учун алкоғолли ичимликларни истеъмол қиладилар. Улар маст ҳолатида зўравонлик ҳаракатларини қилишади ва кейинчалик ҳеч нарсани эслай олмаслигини баҳона қилиши мумкин. Улар хушёр ҳолга келгач, шундай ишлар қилиши мумкинлигидан ҳайрон бўлишади.

Кўп йиллар давомида зўравонликка дучор бўлаверган аёлда "ҳадеб калтакланаверадиган аёл синдроми" пайдо бўлиши мумкин. У ўзини ночор ва бошқа бировнинг назорати остидаги шахс деб ҳис қилади ва ўз турмушининг тизгини ўзига тегишли эмас, деган фикрга суяниб қолади. Бундай ҳолат хотинга нисбатан муайян муддат давомида содир қилинадиган зўравонликнинг психологик оқибатидир. Молиявий ва ахлоқий мададнинг йўқлиги, моддий қарамлик, қариндош-уруғлар, маҳалла аҳли, қўни-қўшниларнинг тушунмаслиги аёлнинг оғир шароитда яшаб, азоб-уқубатларга чидам беришига мажбур қилади.

Оиладаги зўравонлик уни бошдан кечирадиган кишиларнинг кўпчилиги учун оғир зарбадир. Ҳадеб такрорланадиган зўравонлик жиддий руҳий азоблар, тушкунлик, кўрқув ҳисларини келтириб чиқаради, баъзан эса ҳатто суицидгача бўлган даҳшатли оқибатларга олиб келади.

Оиладаги зўравонлик нафақат бундай ҳаракатлар объекти бўлган аёлга катта зарар етказади, шу билан барча оила аъзолари ва, айниқса, фарзандларнинг ҳам зўравонлик

азобини тортишига сабаб бўлади.

Кўпчилик болалар ва ўсмирлар ўз уйларидаги зўравонлик гувоҳлари бўлгач, бундан қаттиқ изтиробга тушадилар. Улар азобланаётган ва калтакланаётган ўз онаси учун қайгуриш, иснод, қўрқув, қайгу-ғам, газаб оловида ёниб-куйишади. Зўравонлик содир этиладиган шароитда яшайдиган болалар ва ўсмирлар ўз тенгқурларидан ажралиб туради. Улар серзарда, тажовузкор ёки, аксинча, пассив, суст, гингшиқ, маъюс, асабий ва қўрқоқ бўлиб ўсадилар. Улар жамоатчилик орасида хунук феъл-атвор намоён қиладилар, низоларни ҳал этиш йўлларини топишга қийналишади, одамларга, айниқса, катта ёшдагиларга ишончини йўқотади. Энг хатарлиси шуки, айрим ўсмирлар зўравонликни энг тўғри йўл деб қабул қилишади ва ўз мақсадларига эришиш учун фақат шу усулни танлашади. Ўз-ўзини "юпатиш" учун айрим ўсмирлар уйларидан қочиб кетишади, ўқишни ташлашади, "кўча болалар"га қўшилади, чекиш, ичиш, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга ўтадики, бу шахснинг таназзулга юз тутишига олиб келади. Буларнинг ҳаммаси эҳтимол уларни жиноят кўчасига олиб кириб кетади.

Юқорида қайд қилинган ҳолатлар уйдаги зўравонликнинг ниҳоятда жиддий, ижтимоий тусдаги муаммо эканлиги ҳақида хулоса чиқаришга имкон беради.

Бу муаммонинг нақадар жиддийлигини англаш ва тушуниш зўравонликни бартараф этишга имконият яратиши мумкин. Одамлар фақат бирлашиб ҳаракат қилган тақдирдагина унинг ечимини топа оладилар. Буни қанчалик тез тушуниб етсак, унинг ҳал этилиши ҳам шунчалик жадаллашади. Бироқ мазкур муаммони чинакамига ҳал этиш учун уни яшириб-бекитиш эмас, балки, аксинча, у ҳақда баралла сўз юритиб, муҳокамадан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятга аъзо бўлиб киргач, ўз зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан мажбуриятлар олди.

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизларнинг аҳволи, уларнинг ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолар нафақат аёлларга тегишлидир. Бундай муаммолар бутун жамиятга дахлдор. Уларнинг ҳал этилиши инсон тараққиёти, жамиятни демократлаштириш ва ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланади.

Кейинги йилларда халқаро ҳамжамият зўравонлик муаммолари хусусида жиддий сўз юрита бошлади. Минг афсуски, зўравонлик оила аъзолари томонидан хотин-қизларга, болаларга, шунингдек кекса кишиларга нисбатан ҳамон содир қилинмоқда. Бу жиддий муаммодир. Шу сабабли бу борада мавжуд бўлган масалаларни пухта ва аниқ мақсадни кўзлаб ўрганиш, уларни ҳал қилишнинг таъсирчан чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Биз хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳақида сўз юритмоқчимиз.

"Ижтимоий фикр" – жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган социологик сўровлар қуйидагиларни аниқлади. "Хотин-қизларга нисбатан психологик ва жисмоний зўравонлик қилиш ҳоллари жамият ҳаётида учраб турадими ва улар бундай ҳолларга қаерларда дуч келишади?" деган саволга олинган жавоблар бундай фактларнинг анча кўп (43,3%), одатда, маиший вазиятларда учрашини ва асосан психологик таъсир кўрсатиш тусига эга бўлишини кўрсатди. Хотин-қизлар бундай зўравонлик турига дуч келадиган ҳаётий жабҳалар, яъни уларнинг иш жойида, кўча-кўйда, жамоатчилик жойларида, дўконларда, бозорда, маҳаллада, оилада, шунингдек қариндош-уруғлари томонидан зўравонликка учраши ҳоллари ўрганиб чиқилди.

Социологик сўров натижалари шуни кўрсатдики, зўравонлик кўпинча жамоат жойларида (18,9%), оилада (9,5%)

ва иш жойида (7,9%) содир этилади.

Хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги ўрни ҳақидаги барқарор сақланиб келаётган анъанавий андозалар уларга нисбатан зўравонлик намоён қилинишининг асосий сабабларидан биридир. Сўров якунлари ана шундан далолат беради:

1. Анъанавий таомиллар – 21,3%;
2. Эркакларнинг ичкиликбозлиги – 18,9%;
3. Эркакларнинг худбинлиги, аёллар устидан ҳукм - ронлик қилишга интилиши – 12,9%;
4. Хотин-қизларнинг жисмоний ва психологик заифлиги - 12%;
5. Айбдорларнинг жазосиз қолиши – 6,2%;
6. Хотин-қизларнинг эркакларга моддий ва ижтимоий қарамлиги – 5,8%;
7. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва жамоат ташкилотларининг зўравонлик содир этилишига, инсон ҳуқуқларининг бузилишига бефарқ муносабати – 5,8%;

Жавоб берувчиларнинг 49% жисмоний зўравонлик инсон ҳуқуқларининг қўпол бузилиши эмас, чунки бундай ҳаракат эр томонидан оилада тартибни таъминлаш учун қилинади, деб ҳисоблайди, 46% жавоб берувчилар эса, агар эр хотинини уриб турмаса, хотин унга бевафолик қилиши, қиз бола эса ёмон йўлга кириб кетиши мумкин, деб таъкидлашади.

Саволларга жавоб берган кишиларнинг 4,2% "хотин эрнинг измидаги мулкидир ва уни нима қилса ҳам ҳақли", деб қарайди. Шуниси қизиқарлики, сўровда қатнашганлар ичида хотин-қизларга нисбатан содир этиладиган зўравонлик инсон ҳуқуқларининг бузилиши эмас, деб ҳисоблаган шахсларнинг 60% хотин-қизларнинг ўзларидир.

Кўп ҳолларда оилада аёлга нисбатан қилинадиган психологик ва жисмоний зўравонликка келин билан қайнона ўртасидаги низо сабаб бўлади. Сўровда қатнашган кишиларнинг кўпчилиги қуйидагича ҳолатларни жанжалларнинг сабаблари деб ҳисоблашади: ҳозирги ёшларнинг тарбиясизлиги – 31,1%; қайнона билан келин ўртасидаги уй-рўзғорни юритиш борасидаги кураш – 25%; қайнонанинг келин устидан ҳукмронлик қилишга интилиши – 24,7%; қайнонанинг келиндан рашк қилиши – 6,6%; оиладаги моддий етишмовчилик – 5,1%.

"Қайнона билан келин ўртасидаги низоларга барҳам бериш мумкинми ва бунинг учун нима қилиш зарур?" деган

саволга респондентларнинг кўпчилиги (87,6%) низолаарга бархам бериш мумкин, деб ҳисоблашади. Бунинг учун эркаклар ва аёлларнинг фикрича қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш - 36%;
- эътибор тушунча ва анъанавий таомилларни ўзгартириш - 20,7%;
- қайнона билан келин бир оилада яшамаслиги керак - 19,5%;
- оналар ва оталар ўртасидаги маърифатчилик ишларини кучайтириш - 18,3% зарур.

Сўров яна шуни кўрсатдики, жамиятда хотин-қизлар устидан руҳий ёки жисмоний зўравонликни содир қилган ҳар қандай шахс ҳуқуқий жавобгарликка тортилиши ва амалдаги қонунларга биноан жазоланиши керак, деган фикр қатъий қарор топган (85%).

Маиший зўравонлик нафақат жисмоний азоб беришда, шу билан бирга психологик тазйиқ ўтказишда ҳам намоён бўлади. Ҳақоратлаш хотин-қизларнинг инсоний қадр-қимлатини ерга уради, хўрлайди, сўнгра энг оғир чораларни қўллаши, ҳатто ўзини ўзи ўлдиришигача сабабчи бўлади. Оиладаги зўравонлик қандай шаклда намоён бўлишидан қатъи назар, у албатта хотин-қизларга қаттиқ жабр етказиши.

Ҳатти-ҳаракатлар бўйича Пекин дастурида нафақат хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш масалалари, шу билан бирга жиноят содир қилинганидан сўнг азият чеккан кишига ёрдам кўрсатиш масаласи ҳам таъкидланади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир этилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини назарда тутди. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида хотин-қизларга нисбатан содир этилган зўравонлик ҳаракатлари учун ҳар хил жазо турлари назарда тутилган.

Жиноят кодексининг 136-моддасига биноан, аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғирлаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш - энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан ёки уч йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Жиноят кодексининг 103-моддасига мувофиқ моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлмаган шахсга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда дискриминация қилиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш - уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш

билан жазоланади. Ҷша қилмишлар моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, — беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят кодексининг 115-моддаси аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш, агар ҳомила сунъий туширилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

**Судда кўриб чиқилган жиноят ишлари бўйича статистика
маълумотлари эътиборга молик**
(Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотлари бўйича).

| ЖК модде- лари | 1994 | | 1995 | | 1996 | | 1997 | | 1998 | |
|----------------------|------|--------|------|--------|------|--------|------|--------|------|--------|
| | жамм | аёллар | жамм | аёллар | жамм | аёллар | жамм | аёллар | жамм | аёллар |
| 97-2 | 848 | 67 | 194 | 9 | 348 | 17 | 311 | 28 | 465 | 46 |
| 103 | 88 | - | 46 | 4 | 83 | 10 | 144 | 21 | 128 | 20 |
| 104-1 | 854 | 54 | 200 | 15 | 400 | 58 | 335 | 40 | 252 | 40 |
| 104-2 | - | - | 142 | 16 | 180 | 14 | 182 | 11 | 193 | 12 |
| 104-3 | - | - | 110 | 6 | 227 | 13 | 242 | 12 | 235 | 11 |
| 105 | 110 | 70 | 880 | 95 | 1233 | 98 | 1095 | 104 | 946 | 103 |
| 110 | 67 | - | 46 | - | 69 | - | 111 | - | 97 | - |
| 114 | 2 | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 115 | 2 | - | 1 | - | 1 | - | 2 | - | 2 | - |
| 118-1 | - | - | 140 | - | 219 | - | 185 | - | 140 | - |
| 118-2 | - | - | 92 | - | 211 | 3 | 189 | 2 | 189 | 3 |
| 118-3 | - | - | 118 | - | 173 | 1 | 105 | - | 137 | 4 |
| 118-4 | - | - | 21 | - | 28 | 1 | 49 | 1 | 76 | 1 |
| 119-1 | 67 | - | 12 | - | 21 | - | 17 | - | 15 | - |
| 119-2 | - | - | 18 | - | 49 | - | 32 | - | 27 | - |
| 119-3 | - | - | 25 | - | 36 | - | 22 | - | 32 | - |
| 119-4 | - | - | 18 | - | 43 | - | 53 | - | 70 | 1 |
| 121 | 8 | - | 7 | - | 10 | - | 9 | - | 9 | - |
| 128 | 122 | - | 142 | - | 214 | - | 286 | - | 320 | - |

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118-моддасига биноан номусга тегиш, яъни зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш, – уч йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш:

- а) икки ёки бир неча шахсга нисбатан;
- б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёхуд илгари ушбу Кодекснинг 119-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс томонидан;
- в) бир гуруҳ шахслар томонидан;
- г) ўлдириш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, – етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Номусга тегиш:

- а) шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда;
- б) яқин қариндошга нисбатан;
- в) оммавий тартибсизлик қатнашчиси томонидан;
- г) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;
- д) оғир оқибатларга олиб келган бўлса, – ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тегиш – ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Иш жойидаги зўравонлик, аввало, ходимлар ўртасидаги ёки хизматчилар билан мижозлар муносабатларидаги зўравонлик билан боғлиқдир. Маълумки, бундай зўравонлик шакли айниқса одатда эркаклар устун ўрин тутадиган соҳалар учун характерлидир. Лекин халқаро статистиканинг кўрсатишича, кейинги йилларда иш жойида, кўпроқ хизмат кўрсатиш борасида зўравонлик ҳоллари кўпайган.

Зўрлаб номусга тегилиши масаласи юзасидан хотин-қизларнинг рўйхатдан ўтказилган мурожаатлари сони
(Ўзбекистон Прокуратураси маълумотлари бўйича):

| 1995 йил | 1996 йил | 1997 йил | 1998 йил |
|----------|----------|----------|----------|
| 791 | 808 | 687 | 675 |

Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият органлари тизимида хотин-қизларга нисбатан зўравонлик содир қилинишининг олдини олиш юзасидан асосий масъулият Ички ишлар вазирлиги зиммасига юклатилган.

Республика Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари хотин-қизларга нисбатан зўравонлик қилишнинг олдини олиш юзасидан бир қатор ташкилий ва амалий чора-тадбирларни амалга оширдилар. Республика ички ишлар органларининг зўравонлик жиноятларининг олдини олишга доир фаолиятини фаоллаштириш ва янада такомиллаштириш мақсадида идоравий меъёрий ҳужжатлар базаси қайта ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 1994 йил июль ойида чиқарилган махсус буйруғига биноан ички ишлар органлари олдига шахснинг ҳаёти ва саломатлигига қарши жиноятларнинг олдини олиш, бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик жиноятларининг кўпчилиги оилавий-маиший низолар натижасида содир этилишини ҳисобга олиб, 1997-1998 йиллар учун оилавий-маиший муносабатлар соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг комплекс дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Зўравонлик жиноятларининг аниқланган сабаблари ва уларни бартараф этиш зарурлиги тўғрисида барча манфаатдор идораларга тақдимномалар юборилади. Уларнинг ижро этилиши юзасидан ҳар ойда назорат ишлари олиб борилади.

Хотин-қизлар содир қилган ўзини ўзи ўлдириш ҳолларининг сони

(Ўзбекистон Прокуратураси маълумотлари бўйича):

| 1995 йил | 1996 йил | 1997 йил | 1998 йил |
|----------|----------|----------|----------|
| 1327 | 1460 | 1573 | 1560 |

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳаёт ва соғлиққа қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олишга доир фаолияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб борилади. Милиция ходимлари хотин-қизларга нисбатан қилинадиган зўравонликнинг олдини олишга қаратилган

ишларни давлат муассасалари, хотин-қизларнинг ноҳукумат ташкилотлари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ўзини ўзи бошқариш идоралари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, ижтимоий таъминот идоралари ва шу қабилар билан яқиндан ҳамкорлик қилган ҳолда амалга ошириляпти.

Бугунги кунда зўравонлик қурбонларини қўллаб-қувватлаш ишларини бажаришда кўпгина ноҳукумат ташкилотлари, танглик марказлари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари ва хотин-қизларнинг ноҳукумат ташкилотлари, масалан, Тошкентдаги "Сабо" ва "Меҳр" марказлари, Самарқанддаги "Сабр" танглик маркази билан биргаликда 1998-1999 йилларда Тошкент шаҳрида ва Самарқанд вилоятида таваккалчилик гуруҳларига мансуб хотин-қизлар билан бир неча семинарлар ўтказилди. Маиший соҳада хотин-қизларга нисбатан қилинадиган зўравонликнинг олдини олиш мақсадида ичкиликбозлар, безорилар, оиласида тўпалон қилувчилар, нохуш ва кам таъминланган оилаларни аниқлаш ишлари олиб борилди. Улар билан яқка тартибдаги олдини олиш ишлари ўтказилди ва махсус ёрдам кўрсатилди.

Масалан, 1998 йилда 3218та нохуш оила ҳисобга олиб қўйилди, 1995 йилда бундай оилалар сони 2540 тадан иборат эди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, жойлардаги уй-жой қўмиталари билан биргаликда маҳалла аҳолиси билан учрашувлар ўтказиб, уларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши фактлари юзасидан мурожаат қилиш тартиби тушунтириб берилади, ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатадиган ташкилотлар ҳақида ахборотлар етказилади.

Фоҳишабозлик ва хотин-қизлардан фойдаланиш ҳамда улар билан савдо-сотик қилиш турларининг олдини олишга доир чора-тадбирлар кўрилмоқда

Кейинги йилларда фоҳишабозлик ва жинсий муносабатлар негизидаги тадбиркорлик кўпгина хорижий давлатларда умуман кенг тарқалган ва сезиларли ҳодиса бўлиб

қолди, шу билан бирга бундай нохуш ҳолатлар бизнинг жамиятда ҳам пайдо бўлиб, муҳокама объектига айланмоқда.

Халқаро чегаралар очилиши, чет мамлакатлардан келиш ва уларга бориш қоидаларининг соддалашуви Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ахлоқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар – жиноий муносабатлар бизнеси ва парнобизнес сонининг кескин ошишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳақидаги қонунлари шу муносабат билан намойиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида парнографик буюмларни тайёрлаш, шунингдек уларни йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намойиш қилиш ёки тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса – энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Фоҳишахона очиш ёки сақлаш, шунингдек ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш – энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) вояга етмаган шахсни жалб қилган ҳолда;

б) такроран, хавфли рецидивист ёки ушбу Кодекснинг 135 ёки 137-моддаларида назарда тутилган жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан содир қилинган бўлса, – олти ойгача қамоқ ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасига биноан шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш учун алдаш йўли билан одам ёллаш – энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, –

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Ўша ҳаракат бундай шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мақсадида содир этилган бўлса, – беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Судларда кўриб чиқилган жиноят ишларига доир
статистика маълумотлари**

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотлари бўйича):

| ЖК модда- лари | 1994 | | 1995 | | 1996 | | 1997 | | 1998 | |
|----------------------|------------|--------|------------|--------|------------|----------|------------|----------|------------|----------|
| | жами | аёллар | жами | аёллар | жами | аёллар | жами | аёллар | жами | аёллар |
| 129 | 57 | - | 41 | - | 63 | - | 69 | - | 39 | - |
| 130 | 5 | - | 13 | - | 4 | - | 4 | - | 2 | - |
| 131 | 231 | - | 264 | - | 389 | - | 545 | - | 606 | - |
| 135-1 | - | - | 2 | - | - | - | - | - | 1 | 1 |
| 135-2 | - | - | - | - | 1 | - | - | - | 2 | 2 |
| 135-3 | - | - | - | - | 4 | 2 | 6 | 5 | 5 | 4 |

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига қараганда ("Правда Востока" газетаси, 2000 йил 24 август) озодликдан маҳрум қилинган шахслар содир қилган жиноятлар турлари қуйидагича бўлган:

- парнографик материалларни тайёрлаш ва тарқатиш – 2,3%;
- зўрлаб номусига тегиш – 2,4%;
- жинсий эҳтиёжларни зўравонлик билан қондириш – 1,8%;
- одам ўлдиришлар – 6,2%;
- оғир тан жароҳатлари етказиш – 2,9%

Қонунчилик чораларини кўриш билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тузилмасида фоҳишабозлик, парнография маҳсулотлари ва зўравонликни тарғиб қиладиган киномаҳсулотларининг тарқатилишига қарши курашишга даъват этилган махсус бўлинмалар ҳам ташкил этилди. "Таваккалчилик гуруҳлари" деб аталадиган гуруҳларга мансуб шахсларни аниқлаш ва улар билан олдини олиш ишларини ўтказиш мақсадида уларни ҳисобга қўйишга алоҳида

аҳамият берилади.

1998 йилда 7176 нафар ана шундай шахслар аниқланди.

Республика Ички ишлар вазирлигида ижтимоий ахлоқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олувчи бўлинмалар фаолияти тўғрисида махсус Йўриқнома тасдиқланган. Мазкур бўлинмалар ижтимоий ахлоқ соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган "Орият" деган шартли ном остидаги кенг миқёсда комплекс тадбирларни мунтазам ўтказиб келмоқда.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, оиладаги зўравонлик муаммоси нафақат хотин-қизларга дахлдор бўлган муаммодир. Бундай муаммо болаларга ҳам тегишли, чунки улар кўз ўнгида содир қилинаётган зўравонликнинг гувоҳи бўладилар. Бу эса боланинг нормал ўсишига, унинг психикасига таъсир қилмай қолмайди. Шу муносабат билан боланинг саломатлигини муҳофаза қилиш, унинг нормал, яхши ривожланиши учун шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоси вужудга келади. БМТ Бош Ассамблеяси 1959 йилда эълон қилган Бола ҳуқуқлари декларациясининг энг муҳим тамойилларидан бирига мувофиқ бола учун қонун ва бошқа воситалар орқали "эркинлик ва инсоний кадр-қиммат шароитида" ўсиш имконияти яратилиши лозим. Оила ичидаги зўравонлик муҳити ўсиб келаётган болаларнинг маънавий ва руҳий саломатлигига ёмон таъсир қилади.

Бизнинг фикримизча, ўзининг кекса ёши ёки жисмоний ҳолати, моддий қарамлиги сабабли ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган қарияларга нисбатан ҳам зўравонлик содир этилиши масаласини ўрганиш ғоят муҳимдир.

Халқаро миқёсдаги ҳужжатлар зўравонликни жамият таракқиётига умуман тўғри келмайдиган инсон ҳуқуқларининг бузилиши факти сифатида кўриб чиқади.

Бугунги кунда ахборотлар, маслаҳатлашишлар, оилани режалаштириш ва жинсий тарбия, шунингдек оила манфаатларини кўзлайдиган бошқа чора-тадбирлар ёрдамида оиладаги зўравонликнинг олдини олиш юзасидан янада таъсирчан саъи-ҳаракатларни ишга солиш зарур. Жамият ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш соҳасида самарали маслаҳатчилик – ахборот тизимини, хизматларни ташкил этиш, фикрлаш ва феъл-атвордаги салбий таомилларга барҳам бериш

йўли билан зўравонликнинг олдини олиш ишида ёрдам бериши мумкин ва лозим.

Хорижий тажрибанинг кўрсатишича, оиладаги зўравонлик – бу давлат органлари ва кўнгилли хизматларнинг кўплаб турли бўлинмалари фаолиятига дахлдор бўлган кенг миқёсдаги муаммодир.

Фаол ва аниқ мақсадни кўзловчи ишлар жараёнида яна бир бошқа мақсадга ҳам эришилади, яъни мижознинг ўзи зўравонликка мойилликнинг хатарли муаммо эканлигини англаб етади.

Финляндиядаги Ювяксэуту ҳаракатчан лойиҳаси (Финляндия психик саломатлик ассоциацияси) диққатга сазовор, у оилада зўравонлик содир қиладиган эркакларни қайта тарбиялашнинг янгича моделидан иборат бўлиб, тенглик вазиятларида кеча-кундуз ёрдам қўлини чўзади. Бу лойиҳанинг асосий мақсади – ўз фаолиятига давлат ва кўнгилли хизматларни жалб қилишдир. Ҳаракатчан марказ полиция, прокуратура, Ювяккюль университетининг психология кафедраси, Ювяккюль реабилитация маркази, психотерапевтик клиника ва шаҳарнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорлик қилади.

Лойиҳанинг яна бир мақсади танглик вазиятларида ёрдам кўрсатиш, бундай вазиятларни тартибга солиш бўйича янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш, иш ўринларини яратиш, ижтимоий таъминот ва тиббиёт хизмати соҳалари ходимларининг ўқувини ташкил қилишдан иборат.

Бундай марказларнинг зарурлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас. Буни амалиёт тасдиқлаб турибди. Бу хилдаги марказларни бизда ҳам ташкил этиш мумкин. Бу ҳақда ўйлаб кўришимиз керак. Оилада зўравонлик содир қиладиган шахслар, шунингдек уларнинг қурбонлари ва оиладаги зўравонликдан жабр чекадиган бошқа шахслар ҳар қандай ҳаётий вазиятда ёрдам сўраб мурожаат қилиш мумкин бўлган (шахснинг кимлигини ошкор қилмасдан ва ёши, жинси, мавқеидан қатъи назар) хизматнинг мададига мухтождир. Баъзан кескин танглик вазиятига тушиб қолган фуқаролар бизда ҳам шунга ўхшаган марказларга ёрдам сўраб мурожаат қилиш имкониятига эга бўлишса, қандай яхши натижаларга эришган бўлар эдик.

ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РОЛИ

Оиладаги зўравонликнинг тавсифи

Кейинги вақтларда уйдаги зўравонликлар шахсий ва оилавий муаммо бўлмай, балки ижтимоий ҳодиса даражасига кўтарилди. Оиладаги зўравонликнинг олдини олиш соҳасида иш олиб бораётган олимлар, психологлар, юристлар, социологларнинг фикрига кўра, мазкур муаммо ижтимоий тус олган. Бу муҳим муаммо давлат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, маҳаллалар ва бошқа жамоат ташкилотлари эътиборини тақозо этмоқда.

Оиладаги зўравонлик – бир одамнинг ўз оила аъзолари устидан ҳукмронлик қилиши ва назорат ўрнатиши асосий мақсад қилиб қўйилган ахлоқий тизимдир. У турли шаклда намоён бўлади. Булар жисмоний, рухий, иқтисодий ва сексуал зўравонликлардан иборатдир. Кўп ҳолларда улар муайян мақсадда амалга оширилади, яъни бундай ишларни қилаётган одам уни нима учун қилаётганлигини яхши билади. Уйдаги зўравонлик яқин одамлар ўртасида, масалан, эр билан хотин, дўст ва дугона, ота-она ва болалар ўртасида содир этилади. Зўравонлик камбағал ва бой оилаларда, географик жойлашуви ва жамият тузумидан қатъи назар, ҳар қандай миллат оиласида юз бериши мумкин. Самарқанддаги "Сабр" маркази тажрибаси шуни кўрсатадики, кўпинча болалар, аёллар ва оила қариялари зўравонлик қурбони бўладилар.

Сўровларнинг таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, марказга мурожаат қилганларнинг 29 фоизи уйдаги зўравонликдан шикоят қилганлар. Жумладан, 69 фоизи дискриминация қилиш, қўрқитиш, ҳақорат қилиш, ҳис-туйғуларини менсимаслик, мунтазам тергаб туриш шаклида намоён бўладиган психологик ва эмоционал зўравонликлардан иборатдир. Унинг 22 фоизини иқтисодий зўравонлик ташкил этади. Бунда бир одам молиявий бюджет устидан назорат ўрнатади, маблағни ўз қўлида тўплайди ва бир ўзи молиявий

қарор қабул қилади. У ишга яроқли оила аъзосини ишлатмай қўйиши мумкин ва улардан хоҳлаганича фойдаланади, шунингдек, вояга етмаган болаларга иқтисодий тазйиқ ўтказади. Мурожаат қилганларнинг яна бир гуруҳи жисмоний зўравоник (6,5%)дан шикоят қилганлар. Булар калтакланганлар, тарсаки еганлар ва бошқа дўқ-пўписаларнинг қурбони бўлганлардир. Энг кам (2,5%) мурожаат қилганлар сексуал зўравонликка тегишли. Бундай эр сексуал объекти бўлган хотинини унинг ихтиёрига зид равишда зўрлайди.

Зўравонликдан шикоят қилаётганлар мурожаатини таҳлил қилиб кўриб, бизнинг ҳудудимиз учун хос бўлган зўравонлик сабаблари ҳақида хулоса чиқариш мумкин:

- 1) гендер – стереотипининг мавжудлиги;
- 2) оилада ўғил ва қиз бола тарбиясига бир хил муносабатда бўлиш;
- 3) ҳуқуқий маданият даражаси паст;
- 4) алкоголь ичимликлар ва наркотик моддалар истеъмол қилиш;
- 5) маҳаллий ва миллий урф-одатлар, анъаналар ва маросимлар;
- 6) аёлларнинг иқтисодий томондан қарамлиги;
- 7) ёшларни ижтимоий-психологик жиҳатдан оилавий ҳаёт кечиришга тайёр эмаслиги;
- 8) оммавий ахборот воситаларида зўравонлик муам – моларини етарли даражада ёритилмай келинаётганлиги;
- 9) одамларнинг ижтимоий онгида уйдаги зўравонликлар тўғрисида турли уйдирма-афсоналарнинг мавжудлиги.

Энди уйдаги зўравонликларнинг айрим турлари устида тўхталиб ўтамиз.

Эркаклар фикрича, оилага тушган келин барча масалада эрига ва унинг оила аъзоларига буйсуниши керак. Шунинг учун кўпгина эркаклар зўравонлик ўтказади, улар зўравонликни одатий ҳол деб қабул қилади.

Аёлларнинг фаол бўлмаганлиги натижасида ҳамма муаммолар бошқа оила аъзолари, яъни эри ва қайнонаси томонидан ҳал қилинади. Кўпгина уйдаги зўравонлик, шунчаки уйдаги жанжал – оиланинг ички ишлари деб қабул қилинади.

Бизнинг ҳудудимиздаги аёллар уйдаги зўравонлик тўғрисида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларга жуда кам

мурожаат қиладилар, улар жамоатчиликнинг салбий фикрлари ва гап-сўзларидан ҳадиксирайдилар. Аёлларга хос истак – оилани, болалар учун отани сақлаб қолиш муҳимдир. Эридан ажраган аёл яна оила қуриб яхши ҳаёт кечиришга кўзи етмайди, боласини етим қилишни хоҳламайди.

Оилада қиз болалар итоатли, сўзсиз бўйсунувчи, катталарга ҳурмат кўрсатиш руҳида тарбияланадилар, ўғил болаларга эса алоҳида мақом берилади, эркин ўсадилар ва заиф жинс вакилларига нисбатан устунликларини ҳис қилиб турадилар.

Аёллар ўз ҳуқуқлари, уйдаги зўравонликлар олдини олишнинг ҳуқуқий механизми тўғрисида етарли ахборотга эга эмаслар.

Келинлар барча урф-одат ва маросимларни пухта билишлари ва унга итоат этишлари, фақат эрига эмас, балки бошқа оила аъзоларига юксак ҳурмат кўрсатишлари шарт.

Оиладаги зўравонлик ҳодисаларини камайтириш йўллари ва усуллари

Мавжуд адабиётлар таҳлили ва "Сабр" ишонч маркази иш тажрибаси уйдаги зўравонликларнинг олдини олишнинг қуйидаги йўллари белгилаш имкониятини беради;

– уйдаги зўравонликлар муҳим муаммо эканлигини кенг жамоатчилик онгига етказиш ва сингдириш;

– муаммонинг ижтимоий аҳамияти, сабаблари ва оқибатлари тўғрисидаги ахборотлар зарурлигини англаб етиш.

Бу оммавий ахбороти воситаларида мақолалар билан чиқиш, радио ва телевиденида махсус кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш, ахборот материалларини чоп эттириш ва уларни тарқатиш, конференция, семинар, давра суҳбатлари ўтказиш, театрларда шу мавзудаги тамошаларни уюштириш ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Фақат ёшлар ёки катта ёндагилар билан ишламай, айна вақтда болаларга махсус адабиётларни ўқитиш, мультимедия ва бадий фильмлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун қуйидагиларни ўтказиш зарур:

– уйдаги зўравонликлар сабабларини ўрганиш, унинг олдини олишнинг самарали йўллари излаб топиш;

– эркалар ва аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини

ошириш бўйича конференция, семинар-тренинглари, давра суҳбатлари ўтказиш, ахборот материаллари тарқатиш;

– нодавлат, нотижорат ташкилоти билан бирга ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар ва маҳаллаларнинг иш олиб бориши.

Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш учун уйдаги зўравонликка барҳам бериш бўйича милицияда махсус бўлим ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Зўравонликларнинг олдини олиш ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш зарур. Қуйидагилар муҳим эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим:

– микрозаёмлар бериш (айниқса қишлоқларда) воситасида иқтисодий қарамликни камайтириш ва аёллар ижтимоий мақомини кўтариш бўйича дастурларни амалга ошириш;

– алкоголь ичимликлар ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилишнинг олдини олиш, ёшларнинг соғлом ҳаёт тарзини таъминлаш.

Самарқанддаги "Сабр" ишонч маркази республикадаги биринчи турмушдаги танг вазият маркази ҳисобланади, у танг ҳолатда қолган аёллар, ўсмирларга психологик ёрдам кўрсатиш, шунингдек Самарқанд вилоятидаги зўравонликларнинг олдини олиш билан шуғулланиб келмоқда.

Уйдаги зўравонлик ҳодисаларининг олдини олиш бўйича марказ ходимларининг асосий иш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Самарқанд вилоятида оилавий келишмовчиликлар, психологик ва ҳуқуқий зўравонликларнинг олдини олиш бўйича маҳаллаларда ва қишлоқларда семинар-тренинглари ўтказиш;

2. Хорижий турмушдаги танг вазият марказлари иш тажрибасини ўрганиш;

3. Уйдаги зўравонликларнинг олдини олиш бўйича ахборот материаллари ва услубий қўлланмалар нашр этириш;

4. "Уйдаги зўравонликлар муаммосини ҳал этишда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг роли" мавзусида ҳудудий конференция ўтказиш;

5. Республикадаги ва хориждаги халқаро жамғармалар ташкил этган семинарларда, тренингларида, конференцияларда ходимлар малакасини ошириш;

6. Самарқанд вилоят аёлларининг ижтимоий-иқтисодий

ҳолатини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш.

7. Республика ҳудудларида танг вазият марказлари тармоқларини ташкил этишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш.

Аёлларнинг иқтисодий қарамлигини камайтириш ва уларнинг ижтимоий мақомини кўтариш учун марказ Ургут, Иштихон, Гўзалкент туманларида камбағал аёллар учун микрозаём беришни режалаштирилган.

Оиладаги зўравонликка барқам бериш учун фақат аёллар билан эмас, айти вақтда эркаклар билан ҳам ишлаш зарур. Марказ тажрибаси кўрсатадики, фақат аёллар билан бир томонлама иш олиб бориш кам самара беради. Шунинг учун эркаклар ўртасида самарали иш олиб бориш зарур. Чунки уларнинг онгида сақланиб қолган эски анъаналар уйдаги зўравонликларда салбий рол уйнамоқда.

Зўравонликларнинг олдини олишда эркакларни жалб этиш билан кифояланиб қолмай, айти вақтда нодавлат нотижорат ташкилотлар, давлат тизимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, маҳаллалар ва бошқа жамоат ташкилотлари биргаликда ҳаракат қилишлари ва энг долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган тадбирларни ўтказишлари талаб этилади.

АЁЛЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ҲИМОЯЛАШ ЮЗАСИДАН ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 31 августда ўз мустақиллигини эълон қилди. Шу даврдан бошлаб мустақил суверен давлат сифатида Ўзбекистонда тикланиш, мустақамланиш қарор топиши – янги давр бошланди. Республикамиз Президенти И.Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" номли китобида, – "Биз дунёдаги барча бойликлар ичидан энг улуғи инсонни алоҳида олдик ва шу асосда жамият фуқаролари билан давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларни оқилона тўғри ҳал қилишга ҳаракат қилдик", деб ёзган эди.

Ёш суверен давлат ўзининг дастлабки қадамларидан бошлаб инсоннинг жамиятда тутган устувор мавқеини белгилаб берди. Унинг манфаатлари, ҳаёти ва эркинликлари энг олий қадрият эканлиги, у ижтимоий тараққиётнинг мақсади, вазибалари ва асосини белгилаб бериши эътироф этилди. Мазкур қоидалар энди шаклланаётган миллий қонунчиликда, энг аввало, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида тўла ўз ифодасини топди.

Демократик ўзгаришлар, бозор иқтисодининг ривожланиши миллий қонунларимизни ислоҳ этиш зарурлигини тақозо қилди. 1994 йил сентябр ойида Олий Кенгаш 6-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қабул қилинди ва 1995 йил апрелдан бошлаб кучга кирди. Бу қонуний ҳужжатда фуқаролар ҳуқуқи ва эркинлигини муҳофаза қилишга оид янги ғоялар ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қоидалари тўғрисида тўхталиб ўтишдан олдин аёллар ҳаёти, саломатлиги, ор-номуси ва кадр-қимматиға қарши йўналтирилган жиноятларнинг баъзи бир тафсилотлари устида тўхталиб ўтиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

1993 йил июн ойида Венада бўлиб ўтган инсон ҳуқуқи бўйича Бутун Жаҳон конференциясида "Оиладаги

зўравонликлар" мавзуси муҳокама қилинди. Мазкур муаммонинг долзарблиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларда уйдаги зўравонликлар кенг тарқалганлиги билан изоҳланади. Бу масалага ўз ҳуқуқи учун курашаётган жамоатчи аёллар тез-тез мурожаат эта бошладилар. Оммавий ахборот воситалари ҳам илгари сир сақланган уйдаги зўравонликни кўпроқ ёрита бошладилар.

Аёллар муаммоси бўйича 1995 сентябрда Пекинда бўлиб ўтган БМТ IV анжумани уйдаги зўравонликни дунёдаги кўпгина мамлакатлар учун хос бўлган "юқумли касаллик" деб эълон қилди.

Аёлларга нисбатан зўравонлик аёллар билан эркакларнинг амалий тенглигига эришувига халақит беради. Агар зўравонлик давом этса, аёлларни ўз ҳаётининг "бекаси"га айлантириш борасидаги барча саъи-ҳаракатлар бекор кетади. Зўравонлик кучли жинс томонидан заиф жинс – аёллар устидан назорат ўрнатиш ва ҳукмронлик қилиш мақсадида амалга оширилади. Зўравонлик аёллар қадр-қимматини поймол қилади ва унинг инсоний ҳуқуқларидан маҳрум қилади.

1979 йил 18 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган аёлларга нисбатан барча шаклдаги дискриминация қилишларга барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг 3-моддасида қуйидагилар таъкидланган:

"Қатнашувчи давлатлар барча соҳаларда, айниқса сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда шу жумладан эркаклар билан тенг ҳуқуқ асосида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ундан фойдаланиш, асосий эркинликларни кафолатлаш мақсадида аёлларни ҳар томонлама камол топиши ва ривожланишини таъминлаш учун барча қонуний тадбирларни кўради".

Оилавий муносабатлар, бошқа ижтимоий муносабатлар сингари ҳуқуқий қоидалар асосида бошқариб турилади, яъни давлат маълум доирада бир қатор мажбурий қоидаларни белгилайди. Бундан мақсад оила аъзолари хулқини белгилаш, уларни жамият манфаатларига тўла жавоб берадиган йўналиш бўйича ривожлантиришдан иборат. Оила қонунларида оилавий-ҳуқуқий муносабатлар асослари белгилаб берилди. Ҳуқуқий меъёрларда оилани ташкил этувчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар келтирилган. Оилада фарзанд туғилиши ота-

она зиммасига болани эъзозлаш, ҳимоя қилиш ва уни инсонийлик руҳида тарбиялаш мажбуриятини юклайди. Бола қандай инсон бўлиб ўсиши, ҳаётда нималарга эришуви, келажакда жамиятга қандай фойда келтириши, аввало унинг оилада қандай тарбия олганлигига боғлиқ бўлади. Бу оддий масалалар эмас, албатта. Шунинг учун уларни ҳал қилиш енгил иш эмас, аммо ҳал қилиш зарур. Бола тугилгандан кейин қандай тарбия олган бўлса, у бутун ҳаёти давомида шу тарбия асосида камол топади. Эзгулик, ростгўйлик, одамларга нисбатан ҳурмат сабоқларини биринчи навбатда оилада олади. Бу сабоқ ота-онанинг "руҳсат этишида" ёки "тақиқлашида" намоён бўлмай, балки ўша ота-онанинг хулқида, сўзларида, хатти-ҳаракатларида намоён бўлади ва у боланинг характери шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бола унча катта бўлмаган оила муҳитида яшайди, ўсади ва тарбияланади, унга тегишли ҳамма нарса ота-оналарнинг шахсий ишлари ҳисобланади. Шу билан бирга жамият боладан муносиб инсон этишиб чиқишидан манфаатдор. Шунинг учун ҳам оилада бола тарбияси жамият манфаатлари билан узвий равишда боғлиқ бўлиши керак. Мана шундай муҳим вазифани амалга ошириш учун ота-она ҳуқуқига унинг мажбурияти сифатида қараш керак. Бу тушунчаларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди ва улар ягона умумийликни ташкил этади. Айни вақтда ота-оналар ўз болаларини ўзлари билганларича тарбиялайдилар. Шундай ота-оналар учрайдики, улар "боламини кўлимдан келгунча тарбияламоқдаман" дейди. Бундай содда ибора замирида ўз фарзандини тарбиялашнинг уддасидан чиқа олмаган ота-она баҳонаси яширинган бўлади. Энг ёмони шундаки, бундай хилдаги фикрлашлар асосида онага, ўғилга, қизга нисбатан қўполлик, шафқатсизлик каби ҳолатларни оқлаш ётади. Бунда уларнинг инсонийлик қадр-қимматини дискриминация қилиш ҳоллари рўй беради, ота-она ўзининг нотўғри хатти-ҳаракатлари билан болаларни тарбиялаш у ёқда турсин, уларга нисбатан ёмон намуна кўрсатадилар. Оилада носоглом руҳий муҳит вужудга келиши, ота-она бир бири билан мунтазам жанжаллашишлари, бўлмағур сўзлар билан ҳақоратлашлари, муштлашишгача боришлари, ёнларида болалар борлигини унутиб қўйишлари - буларнинг барчаси болалар онгига салбий таъсир ўтказди. Болалар ҳамма

нарсани тушунадилар ва атрофда бўлаётган воқеаларни ўзларича тез қабул қилиб оладилар. Оилавий жанжал болалар "тарбияси"нинг энг ёмон тизимидир. Бундай тарбия оқибатлари вақти келиб ўз мевасини беради. Болалар отаси онасини ҳеч нарсадан тап тортмай ураётганлигини кўради. Дастлаб бу манзара болаларда норозилик кайфиятини туғдиради. Кейинчалик улар бу ҳодисага кўника борадилар ва уларда бу каби ҳодисаларга нисбатан лоқайдлик кайфияти шаклланади. Бора-бора уларда зўравонликни нисбатан ҳар бир одамга қўллаш мумкин, деган тушунча ҳосил бўлади.

Ота-оналарнинг бўлмағур қилиқлари аста-секин болалар хулқида намоён бўла бошлайди, айниқса гиёҳванд моддалар, алкоголь ичимликларга берилиб кетиш, безорилик қилиш ҳолатлари кучаяди.

Бундай оилада тарбияланган ўғил кунлардан бир кун уйига маст бўлиб кириб келади, ота-онанинг тергашларига қўполлик билан жавоб беради, отасига қўл кўтаришгача бориб етади. Ота "бу қандай қилиқ" деган савол билан ўғлига мурожаат қилади. Ота билмайдики, ўғли бундай қилиқни ўзи (отаси)дан ўрганган. Баъзи бир ота-она болага нисбатан алоҳида муносабатда бўлиш, уларни ишонтира олиш йўлидан бормайди, аксинча болага ўдағайлаб, уни калтаклаш билан тарбияламоқчи бўлади. "Бундай тарбия усуллари" болаларга, айниқса ўсмирларга ахлоқий ва жисмоний азоб келтиради. Бунда болалар доим газабланиш ҳолатида юрадилар, фақат ўз оиласига эмас, умуман жамиятга жуда катта зарар келтирадилар. Мана шунинг учун ҳам уйдаги зўравонлик жамиятга жуда қимматга тушишини ўйлаб кўриш керак.

Давлат ёш авлодни ахлоқий ва ақлий камол топиши муаммоларига алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Бу жиҳатдан "Фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилиш йили (1997 й.)", "Оила йили (1998 й.)", "Аёллар йили (1999 й.)", "Соғлом авлод йили (2000 й.)", "Оналар ва болалар йили (2001 й.)" каби давлат дастурлари юқорида тилга олинган масалаларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур дастурлар оила институти, соғлом ҳаёт тарзи, ёшларни ватанпарварлик, она Ватанга садоқат, миллий қадриятлар ва маданиятни эъзозлаш руҳида тарбиялаш масалаларини назарда тутади.

Ўзбекистоннинг замонавий аёллари образини яратиш

учун мавжуд шаклланган қолип (стереотип)ни енгиб ўтиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, нодавлат хотин-қизлар ташкилотлари оилада аёлларнинг соғлом турмуш тарзини шакллаштириш ва камситилишига барҳам бериш бўйича бир қатор дастурларни ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдалар.

Нодавлат хотин-қизлар ташкилотлари уйдаги зўравонликларни олдини олиш ва оғир вазиятга тушиб қолган аёлларга ёрдам кўрсатиш фаолияти билан шуғулланмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси ҳокимият идоралари тизимида аёлларга нисбатан зўравонлик ишлатишнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича асосий масъулият Ички ишлар вазирлиги зиммасига юклатилган.

Республика Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича ташкилий ва амалий тадбирларни кўриб келмоқдалар. Зўравонлик жиноятларини олдини олиш бўйича Республика Ички ишлар идоралари фаолиятини кучайтириш ва такомиллаштириш мақсадида идоралараро меъёрий асослар ишлаб чиқилди. 1994 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг махсус буйруғи билан ички ишлар идоралари олдига шахс ҳаёти ва саломатлигига қарши жиноятларнинг олдини олиш ва мазкур йўналиш бўйича ишларни давом эттириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди. Аёлларга нисбатан зўравонлик жиноятлари оилавий-маиший жанжаллар натижасида юз беради, шунинг учун оилавий муносабатлар соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишга йўналтирилган комплекс тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг инсон ҳаёти ва саломатлигига қарши жиноятларнинг олдини олиш ва уларнинг оғир турларини бартараф этиш бўйича фаолияти оммавий ахборот воситалари саҳифаларида мунтазам ёритиб келинмоқда. Фавқулодда ҳолатлар, оғир аҳволга тушиб қолган аёлларга юридик, тиббий ва руҳий ёрдам кўрсатилади. Уларга ор-номуси ва қадр-қиммати, ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий меъёрлар тушунтирилади. Зўравонликларнинг олдини олиш ва оилавий келишмовчиликларни ҳал қилиш юзасидан тегишли тавсиялар берилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар Хотин-қизларнинг нодавлат ташкилотлари, хотин-қизлар кўмитаси, ўзини-ўзи бошқариш идоралари, шунингдек олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ижтимоий таъминот ва бошқа ташкилотлар ҳамкорликда аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ишларини олиб бормоқдалар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида уйдаги зўравонлик бўйича қонуний меъёрлар алоҳида боб қилиб берилмаган.

Умумий қонунлар – ҳукм чиқарувчи одил судлов идоралари риоя қиладиган меъёрлар ҳисобланади. Умумий қонунлар – шахсга қарши қонунни бузувчиларга чора белгилайди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Жиноят кодексида аёллар ҳуқуқи ва манфаатини муҳофаза қилишга қаратилган нормалар мавжуд. Жиноят кодексининг алоҳида қисми биринчи бўлим шахсга қарши жиноятга бағишланган яъни инсон ҳаётига қарши жиноят ҳақида. 97-модда икки қисмдан иборат: биринчи қисми – қасддан одам ўлдириш, иккинчи қисми жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш. 97-модда 2-қисм "б" бандида ҳомиладор аёлларни қасддан ўлдириш назарда тутилади.

Бу хил қасддан одам ўлдириш жиноят тури ижтимоий хавфлилик ҳолатини оширади, чунки субъект, яъни жиноятчи икки шахсга – аёл ва ҳомила ҳаётига тажовуз қилиб, инсон ҳаётини давом эттиришга зомин бўлган ҳисобланади.

ЖК 103-моддасида ўзини-ўзи ўлдиришгача олиб борган ҳолат учун жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур модда икки қисмдан иборат. Иккинчи қисмида ўзига моддий томондан ёки бошқа жиҳатлари билан қарам бўлган шахсни мунтазам равишда ор-номуси ва кадр-қимматини дискриминация қилиш, унга шавқатсизларча муносабатда бўлиш кўзда тутилган. Инсонга нисбатан шавқатсиз муносабатда бўлиш, унинг кадр-қимматини мунтазам дискриминация қилиш ва шахсни ўлимгача олиб бориш жиддий жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси тан жароҳатининг турли кўринишлари учун жавобгарликни кўзда тутди. ЖКнинг тан жароҳати тўғрисидаги моддалари таҳлил қилинганда уларнинг асосий классификациясига кўра соғлиққа

зарар етказганлар оғир жазо оладилар. Шу классификацияга қараб тан жароҳати оғир, ўртача, енгил, калтаклаш ва азоб беришларга бўлинади.

Суд-тергов амалиёти кўрсатадики, кўпинча муштлашиш, калтаклаш, азоб бериш жиноий жазо назаридан четда бўлади ва маъмурий жазо билан кифояланадилар. Буни уйдаги зўравонлик ҳолатларида ҳам кузатиш мумкин.

Жиноят кодексининг 104-105-моддаларида қасддан тан жароҳати етказган ва қасддан ўртача оғирликда жароҳат етказган, ҳомиладор аёлларга тан жароҳати етказганлар жазоси ва жавобгарлиги оғирлашади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКда аёлларни аборт қилишга мажбурловчилар учун модда бор. Бу модда 1994 йилда биринчи марта киритилди. Олдинги ЖКда бундай модда йўқ эди. Бу моддани суд-тергов амалиётида жуда кам қўлланилади.

Жиноят кодексининг бир неча моддаларида жинсий эркинликка, жумладан зўрлаш (118-модда), кўпхотинлик, ўн олти ёшга етмаганларга ахлоқсизлик қилиш ва бошқаларга қарши жиноий жавобгарлик белгиланган.

Яқин-яқингача ўз уйда хотинига қарши зўрлик ишлатиш тўғрисида гапириш қабул қилинмаган эди. Аммо уйдаги зўравонликлар кўпайиб алоҳида ижтимоий иллат тарзини олди. Бу эса мазкур муаммо тўғрисида очиқ гапиришга туртки бўлди. Хотин-қизлар ҳаракати етакчиларининг ҳамжиҳатлиги туфайли мазкур муаммо халқаро даражага кўтарилди.

Инсон ҳуқуқи ҳимоясига бағишланган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар уйдаги зўравонликларни инсон ҳуқуқи бузилганлиги билан тавсифланади. Мажбурият олган мамлакатлар зиммасига бу иллатни бартараф этишнинг ҳуқуқий воситасидан самарали фойдаланиш вазифасини қўйди.

Г.М.Тансиқбоева: "Аёллар унинг ҳуқуқи ва эркинлиги муаммоси, уни ҳал этиш йўллари" мақоласида таклиф қилинган "Оилада зўрлашларнинг олдини олиш тўғрисидаги қонун" оилавий муносабатларни мурувватли қилишга йўналтирилган бўлиб, оиладаги зўрлашларнинг барҳам топишига ҳуқуқий асос яратган бўларди.

Бундай қонунни қабул қилиш – аёллар ҳуқуқини муҳофаза қилиш давлат тизимини яратиш зўравонлик қурбони

бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бўйича ихтисослашган хизмат кўрсатиш шартлари ва тартибини белгилаб берган бўларди. Бу зўравонликларнинг олдини олишда амалий ва эҳтиёт чораларини кўриш имконини яратарди.

Муаллиф фикрларига қўшилган ҳолда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим. Уйдаги зўравонлик ҳам "парда" ортида қолиб келмоқда. Бунга сабаб миллий менталитет, анъана оиладаги муаммоларни ташқарига чиқариш имкониятини бермайди. Аёллар ташқаридан оила ишларига аралашувдан эҳтиёт бўладилар, ўз оилаларини атрофдаги гап-сўзлардан муҳофаза қиладилар.

Натижада аёллар узоқ вақт давомида хонадонда рўй берадиган руҳий, иқтисодий, жинсий ва жисмоний зўравонлик мусибатларига чидаб келмоқда. Агар аёл ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ариза билан мурожаат қилса, унинг ва болаларининг ҳаёти, турмуши билан боғлиқ муаммолар янада кўпаяди. Айниқса ота-онаси бўлмаган аёллар ўз болалари билан қаердан бошпана топа олади. Шунинг учун ҳам жуда катта "юк"ни, оила муносабатлари билан боғлиқ муаммоларни ўз зиммаларига олишга, барча воқеаларга чидашга мажбур бўладилар. Ҳозирги вақтда зўравонлик қурбонлари бўлганлар ва соғлигини йўқотганлар ҳақида статистик маълумотлар йўқ. Оиладаги зўравонликлар тўғрисида қонун зарур, бу аёлларни ҳар қандай тажовузлардан муҳофаза қилади. Аёлларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш зарур, уларга шуни тушунтириш керакки, оиладаги зўравонлик фақат унинг ҳуқуқини чеклаб қолмай, айти вақтда унинг саломатлигига, ҳаёт тарзига зарар келтиради, болалар ва ўсмир ёшдаги ўғил-қизлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

ОИЛАДА ЭР-ХОТИННИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ ВА АЁЛЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Оила йилида қабул қилинган Оила кодекси оила, айниқса болалар ва аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган йирик қонуний ҳужжат ҳисобланади.

Янги Оила кодекси¹ оила хотиржамлигини таъминлашга, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилишга йўналтирилган ягона давлат дастурини амалга ошириш имкониятини беради. Маълумки, никоҳдан ўтганларнинг бахтли бўлиши, оила мустаҳкамланиши учун ўзаро муҳаббат ва ҳурмат билан бирга, моддий таъминот зарур. Болаларни тарбиялаш, оила аъзоларини таъминлаб туриш, маиший томонларни ташкил этиш, уй ҳўжалигини юритиш моддий харажатларни тақозо этади. Буларнинг бари мулкий муносабатларни ташкил этади.

Янги Оила кодексига эр-хотиннинг мулкий муносабатларига ўзгартиришлар киритилди. Илгариги кодекс каби эр-хотиннинг мулкий муносабатлари икки гуруҳдан иборат: эр-хотиннинг мулкий муносабатлари ва эр-хотиннинг алимент ҳуқуқий муносабатлари.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 5-бобида эр-хотиннинг мулкий муносабатлари, уларнинг меъёрлари, мулкнинг қонуний режими, шартномавий мулк режими тартибга солинади. Қонуний режимда эр-хотиннинг биргаликдаги мулклари тушунилади. Эр-хотиннинг биргаликдаги мулкига никоҳдан кейин йиғилган мулклари киради, бу мулклар уларнинг ҳар иккисига тегишли ва улар эгаллик қилишга, ундан фойдаланишга, уни бошқариш ҳуқуқига эгадирлар. Бу мулклар кимнинг номига олингани ёки рўйхатдан ўтказилгани (уй, машина), эр-хотиннинг қайси бири ўз номидан кимнинг номига маблағ ўтказгани (банк маблағи, ширкат учун пай бадали ва бошқалар) жиддий ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Никоҳдан кейин уй-ҳўжалик ишлари ва болалар тарбияси билан шуғулланган, касалга ёхуд қари ота-оналарга

¹ Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси. "Адолат", 1998 й.

қараган, бошқа бир сабабларга кўра мустақил пул (фойда) топмаган эр-хотин (бундай ишлар асосан аёллар бошига тушади) ҳам мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

Мулк режими тўғрисида шуни таъкидлаш керакки, эр ёки хотин томонидан учинчи шахс ҳисобига ўтказилган маблағни улар ўзаро бўлиш ҳуқуқига эга эмас. Бу қондани ўта мунозарали деб ҳисоблаймиз, чунки бунда эр ёки хотин умумий мулк ҳисобланган маблағни улардан бирининг ижозатисиз эгалик қилишига асос яратиб беради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми бу масалага ойдинлик киритиши керак. Кредит муассасидан учинчи шахсга ўтказилаётган маблағ учун эр ёки хотиндан розилик олиши керак, акс ҳолда, виждонсиз эр яширин равишда кредит муассасасига отаси, онаси, дўсти, биринчи никоҳдан туғилган боласи номига маблағ ўтказиб, иккинчи оиласини ҳеч нарчасиз қолдириши мумкин. Қўйилган маблағ умумийлигини асослаш учун ҳисоб рақами очган вақтни никоҳ ҳолатлари билан солиштириб кўриш мақсадга мувофиқ. Никоҳ даврида ўтказилган маблағ эр-хотиннинг ҳар иккаласига тегишли. Бу маблағ ўтказилганда эр-хотин ойлик олганми, тадбиркорлик фаолиятдан фойда кўрганми ёки улардан бири ишлаб, иккинчиси уй-хўжалик ишлари, бола тарбияси билан шуғулланганми ёхуд бошқа узрли сабаб билан маблағ тўплашда иштирок этмаганми, булардан қатъи назар, маблағ эрга ҳам, хотинга ҳам бирдай тегишли ҳисобланади. Никоҳ даврида олинган акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар ва лотерея билетлари ва улардан олинган пул-буюм ютуқлари умумий мулк саналади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори билан (1998 й. 11 сентябрь) Кодекснинг 24-моддасига берилган тушунтириш қонунчилигимиздаги камчиликни тўлдирди дейиш мумкин. Бунга кўра, қайтармаслик шарти билан эр-хотинга берилган мулк, жумладан, тўйда қилинган совға (тўйдан кейин ўтказилган тадбирлардан олинган совға) ҳам умумий мулк таркибига киритилади, бироқ бу мулк умумий тасарруфда бўлиши керак. Агар тўй совғалари эр-хотиндан бирига аталган бўлса (қимматбаҳо буюмлар ва зеб-зийнатлар бундан мустасно), бунда мулк кимга аталган бўлса, ўшанга тегишли ҳисобланади.

Қонун эр-хотин мулки, энг аввало, натура ҳолида, шу жумладан томонлар учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган турар-жой (уй)ни ҳам бўлишни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги Никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишни кўрганда суд амалиётида қонунларни қўллаш тўғрисидаги қарорида бир неча бор таъкидлаб ўтилганидек, судлар турар-жой (уй)ни умумий мулкни тартибга солувчи қонун меъёрлари талаблари бўйича натура ҳолида бўлиш масаласини кўришлари керак.

Агар эр-хотиннинг умумий мулки (уй) хусусийлаштирилган турар-жой биносида жойлашган бўлса улар ўртасидаги уйни ва ёрдамчи биноларни (ошхона, йўлак, санузел) бўлганда кириб-чиқиши алоҳида бўлишига аҳамият берилади. Бундай имконият бўлмаган тақдирда суд даъвогар талабига кўра, уйдан фойдаланиш тартибини ҳал қилиб беради ёки томонларга бу турар-жойни қонуний тартибда алмаштириш мумкинлигини тушунтиради. (24-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1997 йил 2 майдаги қарори, 1998 йил 11 сентябрдаги "Хусусийлаштирилган турар-жойга эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни бошқариш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"). Шунингдек, қонунга мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Турар-жой кодекси 32-модда), эр-хотиндан бирини кўчириш, бунда уйга бўлган умумий мулкнинг тегишли ҳиссаси уйни ўша вақтдаги бозор баҳосида баҳоланиб кўчирилган эрга ёки хотинга берилиши ёхуд унинг ҳиссаси қийматидаги турар-жойни таклиф қилиши мумкин. Эр-хотиндан бири хусусийлаштирилган турар-жой биносини бўлишда ўз ҳиссасини иккинчисига бериши мумкин. Бу ҳолат қонунда тартибга солинмаган жуда муҳим ҳолат ҳисобланади ва унинг бўлмаслиги эса маълум вақт уйсиз қолган шахс ҳуқуқининг бузилишига олиб келади. Бу муддатни бир ой деб белгилаш тўғри бўлади. Бу вақт ичида уйда қолган эр ёки хотин кўчиб кетадиган эр ёки хотинга уй сотиб олиб бериши ёхуд уй сотиб олиш учун маблағ бериши зарур. Агар қолган эр ёки хотин уй сотиб олган бўлса, уни фуқаролик ҳуқуқи асосида кўчиб кетаётган эрга ёки хотинга беради. Агар у уй сотиб олиш учун моддий маблағ тақдим этса, бунда кўчиб кетаётган эр ёки хотин уй баҳолашдан келадиган ҳиссадан воз кечади. Хўш,

бундай ҳолат қайси ҳуқуқий асосларда ечилади? Менинг фикримча, бу масалани Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ҳал этиб бериши керак.

Аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилиқ конституциявий тамойили (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 46-модда) эр-хотиннинг тенг ҳуқуқларидан ва тенг мажбуриятларидан фойдаланадиган оилавий муносабатларда ҳам ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 19-модда).

Эр-хотиннинг биргаликдаги мулкидан ташқари, уларнинг ҳар бирининг ўз мулки ҳам бор. Бунга никоҳга қадар уларнинг ҳар қайсига тегишли мулк киради (ота-она тўйга қадар қизига йиғиб қўйган моллар), шунингдек, никоҳ даврида совға тариқасида ёки бошқа келишувлар асосида олинган мерослар (масалан, совға қилинган мулкни ўзига хусусийлаштириб олиш) ёхуд бошқа асосларда (меҳнат ҳақиға кирмайдиган мукофотлар) тарзидаги мулклар киради.

Эр-хотин мулкнинг қонуний режими кўпчилик манфаатларига мос келади. Айниқса, эрларидан кам даромад оладиган аёлларни қанотлантиради. Улардан баъзилари профессионал лавозимини уй-хўжалиқ ишларини юритиш, болаларни тарбиялаш билан қўшиб олиб боради. Бундай ҳолларда умумий мулкнинг қонуний режими уларнинг мулкий ҳуқуқини муҳофаза қилади. Бинобарин, мулкларни бўлишда уларнинг ҳар қайсиларининг ҳиссалари тенг бўлинади.

Аммо вояга етмаган болалар ёки эр-хотиндан бирининг манфаати тақозо этганда, мулкларни тенг бўлиш тамойилидан чекиниш мумкин. Болалар учун сотиб олинган мулк (масалан, мусиқа асбоби), унинг номига ўтказилган маблағ, берилган совғалар эр-хотин ўртасида бўлинадиган мулк таркибига кирмайди. Бола ким билан қолса, болаларга тегишли мулк ҳам ўшанда қолади.

Агар эр-хотиндан бири умумий мол-мулкни оила манфаатига зид равишда харажат қилиб юборган бўлса, мулк бўлинганда унинг ҳиссаси камайиши мумкин. Баъзан эр-хотиндан бири уйдаги мол-мулк ҳисобидан спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддаларга, қиморга, лотереяга ва бошқа қизиққан соҳалар учун сарфлаб юборади. Бундай харажатлар оилага катта моддий зарар етказди.

Эр-хотин мол-мулкларининг қонуний режими олимлар ва амалиётчилар тадқиқотларида ўз ифодасини топган¹.

Мамлакатимиздаги янги иқтисодий вазият ҳаётимизни ўзгартириб юборди. Хусусий бизнес, тадбиркорлик кўпгина аёллар учун эрларига нисбатан кўпроқ даромад олиш имкониятини яратади. Мамлакатда кўплаб мулкдорлар пайдо бўлди. Ўз ишини юритиш – фирма очиш, савдо-сотик билан шуғулланиш жуда катта моддий ва жисмоний харажатларни талаб этади. Бундай эр-хотинлар учун умумий мулк қонуний режими асосида мол-мулкни бўлиш унчалик кўнгилли эмас. Бундай ҳолатларда Оила кодекси никоҳ шартномаси тузишни назарда тутди. Бунга кўра, улар мол-мулкни хоҳлаган ҳуқуқий режимини шартномада кўрсатишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 29-моддасида никоҳдан ўтаётган шахсларнинг келишувини ёки никоҳдаги эр-хотин ажратган тақдирда мол-мулк ҳуқуқини белгиловчи келишувни эътироф этади. Никоҳ шартномасининг ҳуқуқий мазмуни – эр-хотин мол-мулкнинг ҳуқуқий режимини белгилашдан иборат. Бу бошқаларга тегишли эмас, ҳеч кимни, ҳеч нарсага мажбур этмайди. Бутун умр бўйи севишни мажбурлаб бўлмайди, ким овқат тайёрлайди, ким уйни йиғиштиради, буларни ҳам белгилаш мумкин эмас. Никоҳ шартномасига кўра, фалон вақтгача ёки никоҳдан ўтгандан кейин хоҳлаган вақтда, деб белгиланади. Бундай шартномани никоҳдан ўтгангача тузиш мумкин, аммо никоҳдан ўтгандан кейин кучга киради. Чунки фақат эр ва хотин бу шартнома томонлари сифатида расмийлаштирилади. Амалдаги никоҳга келсак, бунда эр-хотин мулкий муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг меъёрлари билан ҳал қилинади (18-боб. Умумий мулк). М.В. Антакольская фикрича, амалдаги никоҳлар кенг тарқалиши муносабати билан эр-хотинларга никоҳ шартномасини тузиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шартномада биргаликдаги умумий мулк режимини уларнинг мол-мулки учун тегишли эканлигини шарт қилиб қўйиш керак².

¹ Ворожейкин Е.М. Семейные правоотношения в СССР. М.1972; Никитин В.П. Имущество супругов. Саратов. 1975; Нечаев А.М. Брак, семья, закон. М., 1984; Право и защита семьи государством. М., 1987.

² Антакольская М.В. Семейное право. М.Юрист. 1997.-169-6.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 30-модда 3-қисмида никоҳ шартномаси албатта ёзма шаклда тузилиши ва у нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши назарда тутилган. Агар бундай тартибга риоя қилинмаса, никоҳ шартномаси ҳақиқий эмас, деб топилади. Никоҳ шартномаси аёлларга жуда катта ҳуқуқ беради. Шартномада қўшимча шартлар ва баъзи бир ўзгаришлар билан эр-хотин мол-мулкининг қонуний режими ўз ифодасини топади.

Шартномада қўшимча даромад (масалан, мақола ёки китоб учун олинган қалам ҳақи) эр-хотиннинг умумий даромади таркибига кирмайди. Ёхуд пенсия, нафақа, коллекцияларга нисбатан ҳам шундай шартлар қўйиш мумкин. Шартномада келишув миқдорини фалон сўмдан ошиб кетмаслиги чегаралаб қўйилади, бунда келишув тузаётган иккинчисининг ёзма равишдаги розилиги олинади (машина, уй ва бошқалар сотиб олинганда).

Шартномавий режимни бундай қўшиб юбориш умумий мулкда ҳам бўлиши мумкин. Унда ҳар бир мулк эгасининг ҳиссаси кўрсатилади (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 216-модда, 2-қисм).

Биргаликдаги мулк режими шартномасида эр-хотиннинг барча мол-мулкига унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги умумли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўзгартиришга ҳақли эканлиги кўрсатилади (Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 31-модда, 1-қисм).

Агар шартномада ҳар бир мулк эгасининг улуши белгиланмаган бўлса, улардан ҳар бири умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуқли бўлиб, демак улушлар ҳам тенг бўлиниши керак (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 217-модда, 1-қисм). Эр-хотин умумий мулкда ҳар бирининг улуши белгиланган бўлиши мумкин (хонадоннинг бир қисми, дала ҳовлиси). Бундай улуш натурада индивидуаллашган. Бўлинадиган умумий мулкда белгиланган улуш (автомашинанинг 1/2 қисми) анча мукаммал ҳисобланади. Бу ҳолатларнинг ҳар бирида эр-хотин умумий мулк иштирокчиси ҳисобланади. Эр-хотиннинг бирига тегишли уй вайрон бўлганда ҳам ушбу мулкка улушли, унинг қолган қисмига даъво қилиши

мумкин¹. Эр-хотин мавжуд мол-мулк режимининг хоҳлаган турини танлаб олиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 354-моддасида эркин шартнома назарда тутилган. Бунда эр-хотинга шу даврга қадар йиғилган мулки, келажакдаги мулкига ўз хоҳиши бўйича эгаллик қилиш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 31-модда 3-қисмида эр-хотин никоҳ шартномасида, гарчи улардан бири қонун бўйича алимент олиш ҳуқуқига эга бўлмаса ҳам, бири иккинчисига қараб туриш ҳуқуқи ва мажбуриятини белгилаш назарда тутилган. Ажралиш арафасида аёл-она шундай аҳволга тушиб қолиши мумкин. Бу аёл эрининг талабига кўра хўжалик, болалар тарбияси билан шуғулланган бўлиши, ўқишга ёки ишига бора олмаслиги, касб маҳоратини йўқотиб, ишга ҳам жойлаша олмаслиги мумкин. Бундай вазиятда аёл кун ўтказиб туриш учун никоҳ шартномасида алимент олиш ҳуқуқи кўрсатилишини талаб қилиши зарур.

Эр-хотин мулкий муносабатларига тегишли ҳар қандай шарт, агар у Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 31-модда 5-қисми ва умумий шартномавий ҳуқуқ меъёрларига зид бўлмаса (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 353-385-моддалар), ҳақиқий ҳисобланади.

Никоҳ шартномаси қонунга кўра, шошилич шаклда бўлиши мумкин (Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 31-модда, 4-қисм). Масалан, шартномада мол-мулклари алоҳида режимда кўрсатилиб, уч-беш йил давомида бирга яшагач, шахсий мол-мулк умумий бўлиб қолиши мумкин. Бу шарт табиий ва маъноли ҳисобланади. Мулк эгаси бойлигини хавф остида қолдиришни раво кўрмайди, аввалги никоҳдан куйганлиги сабабли уни яна такрорламасликни истайди. Белгиланган 3-5 йиллик муддат никоҳ муносабатларини қанчалик мустаҳкамлигига синов бўлади.

Никоҳ шартномаси барча фуқаролик келишувларига мувофиқ келади. Эр-хотин соғлом бўлиши зарур, бунда уларнинг маълум ҳуқуқий натижага эришувига йўналтирилган хоҳиш-истаклари инобатга олиниши талаб этилади. Никоҳ

¹ Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. 1-кисм. Масъул муҳаррир проф. Содиқов О.Н. М.1997. 290-бет.

шартномасининг мазмун-моҳияти қонунга зид келмаслиги лозим. Никоҳ шартномаси эр-хотин ҳуқуқи ва салоҳиятини, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат қилишларини ўз фарзандларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларини чекламаслиги, шунингдек, унда эр-хотиндан бирини оғир вазиятга туширадиган шартлар қўйилмаслиги зарур. Агар шартнома шартлари юқорида санаб ўтилганлар (Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 31-модда, 5-қисм)га зид келса, суд бундай никоҳ шартномасини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.

Оилавий ҳуқуқий муносабатларда никоҳ шартномасининг таъсири йўқ, бинобарин, унинг шартларида шахсий муносабатлар белгиланмаган. Бу борада ҳеч кимни ҳеч нарсага мажбур қилиб бўлмайди. Эр-хотин шахсий мажбуриятларини ҳеч қандай мажбурловсиз бажариши керак. Унинг ижроси учун ҳеч қандай масъулият мавжуд эмас. Қонун эр-хотин манфаатларини ҳимоя қилади. Аёллар кўпинча оғир аҳволда қолади.

Ўзи севган, ишонган ва боғланиб қолган одамни осон кўндириш (алдаш, адаштириш, дўқ-пўписа қилиш) орқали ва унинг мулкий ҳуқуқини чекловчи шартларда никоҳ шартномасига имзо қўйдириши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 123-моддасида кўрсатилган асослар бўйича бундай шартномаларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида меъёрлар қўлланилади.

Никоҳ шартномасининг пайдо бўлиши Оила кодекси меъёрларига ўзгаришлар киритишни тақозо қилди. Бунга кўра, никоҳ шартномаси тузилганда, ўзгартирилганда ва бекор қилинганда эр-хотин кредиторлари манфаатлари ҳимоя қилинади (Оила кодекси 35-модда). Кредитор эр-хотин ўртасида никоҳ шартномаси мавжудлигини, унинг мазмунини, улар ўртасида мулк қандай тақсимланганлигини аниқлаб олиши керак. Чунки кредитор манфаати ҳимоя қилиниши ана шу шартномага боғлиқ. Шунинг учун Оила кодексининг 35-моддаси эр-хотин ўз кредиторларига никоҳ шартномаси тузилгани, ўзгариши ва бекор қилиниши билан боғлиқ масалаларни маълум қилишни назарда тутди.

Шартноманинг аҳамияти катта. Бунда кўпгина масалаларни эр-хотин суд муҳокамасига қўймай, ўзлари ечишлари мумкин. Эр-хотин ажралишганда асосий мураккаб

масала мол-мулкни бўлиш ҳисобланади. Агар суд муҳокамасига қўйилса у ойлаб, йиллаб чўзилиши, бу орада эр-хотин бир-бирини юзига лой чаплашлари мумкин. Никоҳ шартномаси уни тузувчиларга ўзи учун энг қулай мол-мулк режимини қўллаш имкониятини беради. Севишиб никоҳдан ўтишга не етсин, аммо бу ҳис-туйғу қанча вақтга етиши мумкинлигини ҳеч ким каромат қила олмайди, агар никоҳда ҳисоб-китоб мавжуд бўлса, буни ҳеч ёмон жойи йўқ.

Моддий қўллаб-қувватлаш, ўзаро гамхўрлик-оиланинг асосий конституциявий тамойили ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 64, 66-моддалар). У Оила кодекси меъёрларида (5-бўлим) ўз ифодасини топган, унда эр-хотин, ота-она, болалар ва бошқа шахслар олдидаги бурчлари кўрсатилган. Қариндошлик бурчларини адо этиб, мухтож эр-хотинга, болаларга, ота-онага моддий ёрдам кўрсатилади. Бундай мажбурият қонун кучи билан амалга оширилса, алимент номини олади. Оила кодексига мухтожларга ёрдам кўрсатиш мажбурияти юклатилган шахслар доираси анча кенг. Алимент мажбуриятлари юрист олимлар тадқиқотларида кенг ёритиб келинмоқда¹.

Биз алимент мажбуриятларини алимент тўловлари тўғрисидаги битимлардан, яъни Оила кодексига янгиликлардан, унда кўпчиликни ташкил қилувчи алимент оладиган аёллар ҳуқуқи қандай ҳимоя қилинаётганлигидан келиб чиқиб кўрамиз.

Алимент мажбуриятларини тартибга солиб турувчи меъёрлар диспозитивдир. Қонун алимент тўловининг икки хил тартибини кўзда тутлади: суд қарори асосида ва томонлар келишувига кўра.

Келишув асосида алимент тўлаш илгари ҳам қонуний ҳисобланган, аммо уни мажбурлаб олиб бўлмайди. Ҳозирги вақтда Оила кодексига алимент муносабатлари субъектларига тўловларни келишув асосидами ёхуд қонун меъёрлари асосидами, ўзлари ҳал қилишлари ҳуқуқи берилган. Алимент тўловлари ҳақидаги келишув мавжуд бўлса, унинг ижроси суд тартибида қаноатлантирилмайди.

Биз алимент тўлови ҳақидаги келишув аёллар учун

¹Пергамент А.И. Алиментные обязательства. М., 1951, Маслов В.Ф. Имущественные отношения в семье. Харьков, 1972, Ершова Н.М. Алиментные обязанности членов семьи. М., 1976.

ишончли, деб ҳисоблаймиз. Аёлларнинг ижро варақаси орқали алимент олишидан кўра, бевосита эридан алимент олиши анча кафолатланган ҳисобланади. Биринчидан, алимент тўловчининг ўзи келишувда иштирок этади ва ҳамма шартлари ва оқибатларини билади, демак ундан қочиб юришга ҳожат йўқ. Алимент олувчи аёл ижро варақаси билан боғлиқ кўнгилсизликлардан халос бўлади. Иккинчидан, алимент тўлови тўғрисидаги нотариал тасдиқланган битим ижро варақаси кучига эга (Оила кодекси 131-модда). Кўрамизки, қонун келишув учун мажбурий нотариал тартибини белгилайди, унга амал қилмаслик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси назарда тутган оқибатларга олиб келади. (112-модда - келишувни ҳақиқий эмас, деб топиш). Келишув алимент тўловчи билан уни олувчи ўртасида тузилади. Ҳаётда кўпинча ота алимент тўловчи, олувчи эса она бўлади. Аксинча ҳолат камдан кам учрайди. Улар шартнома мазмунини: унинг шартлари, тўлов тартиби ва алимент миқдорини эркин белгилайдилар. Ойда бир марта, икки марта, уч марта ёки аллақандай фойда олганда тўланиши кўрсатилади. Улар белгилаётган алимент миқдори вояга етмаган болалар учун қонунда белгиланганидан кам бўлмаслиги керак (ота-она ойлик иш ҳақининг тўртдан бири, учдан бири, ярми, (Оила кодекси, 99-модда). Бу қонуннинг талаби, шубҳасиз. (133-модда 2-қисм). Агар алимент бу миқдордан кам бўлса, бунда келишув суд тартибида ҳақиқий эмас, деб топилади. Бунда бола ёки меҳнатга лаёқатсиз оила аъзосининг манфаати бузилган деб топилади. Алимент миқдори томонлар истагига (виждонига) кўра қонун белгиланган миқдордан юқори бўлиши мумкин. Келишув асосида тўланадиган алимент иш ҳақи ёки бошқа даромадлар ҳиссаси, шунингдек, қатъий сўм асосида бир марта (бир-икки йил олдин) ёки вақти-вақти билан тўланиши мумкин. Алимент тўловни эркин ҳал этиш унинг ижро варақаси асосида тўловга нисбатан устунлигини кўрсатади. Қонун бўйича алимент тўловини мол-мулк билан алмаштириш мумкин, бу ҳам олдиндан келишилган бўлади. Алимент тўловчи (ота бундай ҳолда алимент олувчига (она) мол-мулк ёхуд кўчмас мулк (уй, дала ҳовлиси, мевали дарахтлари бўлган ер участкаси) беради.

Агар алимент қатъий сўмда тўланса, тўловни индексация қилиш тўғрисида келишиб олиш мумкин. Масалан,

энг кам иш ҳақининг ошишга пропорционал равишда ошиб бориши, ижро варақаси (144-модда) бўйича тўловда, Оила кодексида белгилангандек, индексация қилиб борилади. Нотариал тасдиқланган келишув шартномаси алимент тўловчи ишлаётган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига жўнатилади, маъмурият ижро варақаси бўйича алимент тўлови тартибида келишув асосидаги мажбурий тўловни ташкил этади. Алимент тўлови тўғрисидаги келишув шартномаси хоҳлаган вақтда ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Бундай ўзгаришлар ҳам нотариал тартибида тасдиқланиши керак. Қонун бўйича алимент тўғрисидаги келишув шартларини бир томонлама ўзгартириш ёки бекор қилиш мумкин эмас. Агар иккала томон ҳам алимент тўловига ўзгартириш киритиш ёхуд бекор қилиш тўғрисидаги қарорга келишмаса, манфаатдор томон судга мурожаат қилишга ҳақли. Агар суд келишув шартномаси тузилгандан кейин томонларнинг моддий ёки оилавий ҳолатида жиддий ўзгаришлар юз берган деб топса, даъвогар талаби қондирилади. Моддий ва оилавий ҳолатида жиддий ўзгаришлар деганда алимент тўловчининг (меҳнат қобилияти йўқолгани, янги оила қургани, пенсияга чиққани, банкротга учрагани сабабли) даромади камайгани ва алимент олувчининг даромади ошганлиги (қўшимча даромад олгани, мерос қолгани)ни тушуниш мумкин. Келишув шартномасидаги алимент тўловини ўзгартириш ва тўхтатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда суд томонлар манфаатини эътиборга олишга ҳақлидир. Алимент тўлови келишув шартномасини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда суд ота-оналарнинг болаларни боқиш бўйича алимент мажбуриятларини тартибга солувчи Оила кодекси 14-моддасига мувофиқ, алимент ундириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Оила кодексининг 117-моддасида кўзда тутилган эр-хотин бир-бирига ихтиёрий равишда моддий ёрдам кўрсатиш

мажбурияти эркин-ихтиёрий равишда бажарилади. Уларнинг меҳнатга лаёқатлилиги ва ёрдамга муҳтож эмаслигининг бунга алоқаси йўқ. Илгари эр-хотин бир-бирига ёрдам кўрсатиш тўғрисида келишув шартномаси тузмаган. Янги Оила кодекси никоҳ бекор қилингандан кейин эр ажрашган хотинига алимент тўлаш ҳақида келишув шартномаси тузиш мумкинлигини назарда тутди (118-модда, 2-қисм).

Келишув шартномаси ёрдамида эридан алимент олиш имконияти бўлади, суд тартибида бундай ҳуқуқ кўзда тутилмаган. Масалан, аёл агар ўқишни ташлаб, уй ишлари, бола боқиш билан шуғулланишни лозим топса, қонуний ажрашган эридан келишув шартномаси асосида алимент олиши мумкин. Аёл билиб туриб шундай қилади, чунки ёш гўдакни бошқа энага онадай боқа олмайди. Бундай ҳолда қанчалик муҳтожлиги эътиборга олинмайди. Алимент миқдори суд тартибида белгиланганидан юқори бўлиши мумкин. Юқоридагилардан маълум бўладики, Оила кодекси эр-хотиннинг мулкӣ ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича янги ўзгартиришлар киритди, эр-хотиннинг мол-мулк шартномавий режими ва алимент тўлови тўғрисида келишув шартномаси шулар жумласидандир.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

У эшикка яқинлашди ва овқатланиб ўтирган болалари ҳамда плита ёнида турган хотинига кўзи тушди. Хотин эрини кўриб, жилмайди: "Салом азизим!" эр ошхонадаги столга назар ташлади, сўнгра чанокда уюлиб турган ювилмаган идишларни кўриб, жаҳли чиқиб кетди: "Нима, менинг шу тартибсизлик ичида ўтириб овқатланишимни ҳоҳлайсанми?" "Кечиргин, илтимос, мен жуда ҳам банд эдим", жавоб берди хотин. Эр уйнинг тўс-тўполон бўлиб кетганини айтиб, хотинига бақириб, сўкина кетди. У хотинини "чўчқасан, ғарсан" дея, ҳақоратлашга тушди. Кир идишлар орасидан товани суғуриб олди-да, у билан хотинининг бошига тушурди. Кейин ўз "қуроли" ни яна чанокка иргитди-да, ташқари чиқди. Бека қўрқиб кетганидан ҳожатхонага қочиб кирди-да, эшикни қулфлаб олди. У қўрқа-писа дарчадан мўралади ва бир неча дақиқадан сўнг эрининг қизига бақираётганини, уни нимага мушукларнинг ахлатини тозаламгани учун сўкаётганини эшитди. Қизини ўйлаб қўрқиб кетган она ошхонага югуриб чиқади ва гарданидаги лат еган жойга бир бўлак муз босади, сўнгра эшик ёнига бориб, эридан болаларни тинч қўйишни ўтинади. Эр майсазорга резина ичакдан сув сепиб юрган эди, лекин хотинининг товушини эшитиб, уни гапиртирмаслик учун резина ичакни унга қаратиб, ҳамма ёгини шалоббо қилади. Энди хотиннинг ҳам сабри тугайди. У болаларини уйга чақириб олиб, эшик ичкаридан қулфлайди ва полицияга қўнғироқ қилади. Қўнғироққа 911 хизматининг операторига юз берган воқеани тез-тез айтиб беради ва полиция келишини кутиб, телефон гўшагини қўймасдан пойлайди. Она билан болалар бўлган жанжални узок муҳокама қилишади ва оператор болаларнинг гапларини эшитиб туради. Ниҳоят, полиция етиб келади ва олдинга ҳали ҳам ҳовлида юрган эр билан учрашади. Эркак уйда ҳамма ёқ тўс-тўполон бўлиб ётганини айтиб, нима учун хотинини урганга важ келтиради, лекин бунда ўз айбини бўйнига олмайди. Полициячилар уйга кириб, бекадан суриштира бошлайди. Улар, шунингдек, хотиннинг гарданида шишиб

чиққан гольф тўпича келадиган гуррани ҳам суратга олиб қўйишади. Шундан сўнг улар саккиз яшар ўғилча билан суҳбатлашишади. Бола отасининг това билан онасининг бошига урганини айтиб беради. Полициячилар эрни ҳибсга олишади, икки кун ўтгач эса, ушбу иш кўриб чиқиш учун менга топширилди. Мен ишни жадал кўриб чиқишим керак эди, чунки гумон қилинувчи ҳибсда ўтирар, у судланиши ёки озод қилиниши лозим эди. Мен иш билан танишиб чиқдим ва ўқиган материаллардан шу нарса маълум бўлдики, гарчи полицияга биринчи марта мурожаат қилиниши бўлса-да, лекин бундай аҳвол анчадан бери давом этиб келаётган эди. Мен бу одамни айблаш учун асосларни тақдим этдим ва оиладаги аҳволдан ташвишда бўлганим сабабли суддан то иш ҳал бўлгунига қадар уни ҳибсда сақлаб туришни сўрадим. Бу воқеа хотиннинг биринчи марта полицияга мурожаат қилганлиги билан боғлиқлиги туфайли эр ундан ҳаддан ортиқ дарғазаб эди. Мабодо ҳозир чиқариб юборилса, у ўч олишга уриниши мумкин. Эр идишнинг ювилмагани учун хотинини това билан урган экан, икки кун мобайнида қамоқда ўтирганининг алаmidан, ким билади нималар қилмайди. Мен шундай далилларимни судга тақдим этдим ва суд бунга кўниб, эрни қамоқда қолдирди. Бир ҳафтадан сўнг бека менга қўнғироқ қилиб, эрини қамоқдан чиқаришини сўраб, ялиниб ёлворди. У, мабодо эри уйга қайтиб келса, ҳаммаси жойига тушишини уқтиради. Мен аёлнинг оиладаги молиявий аҳволдан ташвишдалигини тушундим, чунки унинг ўзи ишламас, банкдаги ҳисоб варақалардан фойдалана олмас ва энди нима қиларини билмай ҳайрон эди. Мен унга эрини дарҳол озод қилиб юбориш билан ёрдам бера олмаслигимни айтдим. Уларнинг хавфсизлигидан хавотирдалигимни, чунки эрининг хатарли эканлигини тушунтирдим. Шундан сўнг мен унга адвокатга учрашишни, унинг вақтинчалик моддий ёрдам топишга кўмаклашишини айтиб, маслаҳат бердим.

Бир неча кундан сўнг аёлдан яна нома олдим, унда у ўша куни ҳеч қандай ҳодиса рўй бермаганлиги, эҳтимол, бу гапларни унинг ўзи ўйлаб топган бўлиши мумкинлиги, балки бош оғриғи хуруж қилганлигини айтиб, аслида эрининг това билан бошига урмаганлигини билдирмоқчи бўлган. Мен унга қўнғироқ қилиб, бир неча далилларни асос қилиб келтирдим. У

барибир мени аҳдимдан қайтара олмади. Судда жавобгарнинг ҳам, менинг важларимни рад қилишини билдирди. Суд муҳокама қиладиган сана тайинланди. Бир неча ҳафтадан сўнг биз мажлислар залида суд маслаҳатчилари олдида ҳозир бўлдик. Мен полиция ёрдамида йиғилган барча далилларни, шу жумладан, воқеа бўлиб ўтган кундан зўравонлик қурбонининг 911 хизмати оператори билан телефон орқали мулоқотини ва аёлнинг гарданидаги ғурра суратини тақдим этдим. Аёл ўша кунни ҳеч нарса юз бермаган эди, фақат ўзимни бироз ёмон ҳис қилган эдим, эримдан хафа бўлганим учун полицияга нотўғри гапларни айтдим, деб таъкидлади. Мен аёлнинг саккиз яшар ўғлини ўртага олиб сўроқ қилдим, у ҳам полицияга алдаганлигини айтди. Судда тақдим этилган барча кўрсатмалар айбловчи томонга қарши қаратилган эди.

Мен ўзимнинг якуяловчи далил асосларимда нима учун аёлнинг бундай вазиятларда судда ёлгон гапириши мумкинлиги сабабларини тушунтирдим. Эҳтимол тутилган сабаблардан бири аёлнинг ўз эрини севиши ва шунинг учун унинг уйга қайтишини хоҳлаши мумкинлиги эди. Бошқа бир сабаб, аёлни оиладаги моддий аҳвол ташвишга солаётгани бўлиши мумкин. У эрига чиққан вақтидан бери ишламайди, шунинг учун ҳозир боши қотиб қолган ва эрсиз нима қилиши мумкинлигини билмай ҳайрон. Учунчидан, у эридан қўрқиб турибди. Эҳтимол, аёл агар судда ҳақиқатни айтса, эрининг бирон қори ҳол қилиши мумкинлигидан қўрқади. Шундан сўнг мен яна 911 хизматига қилинган қўнғироқнинг ёзувини қўйдим ва маслаҳатчилардан диққат билан эшитишларини сўрадим. Ёзувнинг бошланишида аёл таҳликада, овоз қаттиқ-қаттиқ чиқарди ва тез-тез сўзлаб, оператордан ёрдам беришини сўраб ялинарди. У оператор билан гаплашиш жараёнида бироз тинчланади, лекин, барибир, асабийлашаётгани сезилиб турарди. Шу пайт у эшик тақиллаганини эшитади. Унинг товуши яна кўтарилади ва афтидан, қўрқиб кетгани сезилади. Ёзувда унинг ўғлидан бунинг ким эканлигини ва саросима ичида отаси эмаслигини сўрагани эшитилиб туради. Сўнгра у яна телефонга қайтади ва тинч ҳамда дармонсиз ҳолда полиция келганлигини билдиради, фақат шундан сўнг у эркин нафас ола бошлайди. Мен аёлнинг уни эри калтаклаган вақтда қўрқиб кетиб, полицияга қўнғироқ қилганлигини ва фақат полиция етиб келганидан кейин ўзини

хавфсиз ҳис қилганлигини тушунтирдим. Мен мабодо шунда полиция бу одамни жазосиз қолдириб, ташлаб кетганида аёлдаги қўрқув ҳиссининг яна тикланиши мумкин бўлишига маслаҳатчиларни ишонтирдим. Шундай бўлганида аёл янада ёмон аҳволга тушиб, келгусида қўрққанидан полицияга қайтиб мурожаат қилмаган бўларди. 15 дақиқа давомида маслаҳатчилар ҳукм чиқаришди. Эр 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди, лекин унинг оиласини боқиши учун унга ишлаш, уйдаги зўравонлик ва стресс ҳолатини бартараф этишга доир курслар сериясига қатнашни талаб этадиган синов чораси ҳам тайинланди. Бир неча ҳафтадан сўнг аёл менга яна қўнғироқ қилди. У гарчи нимагалигини ўзи тушунмаган бўлса-да, мендан узр сўради. Сўнгра у эрининг пул бермаганлигини айтди. Бунга ишонгим келмай қолди. Бу эркак шунчалик паст экан, у хотини ва болалари устидан ҳукмронлик қилишга шунча ўрганиб қолган эдики, нима қилиб бўлса-да ва бундай мавқени қўлдан чиқармоқчи эмас эди. Ҳатто ўз фарзандларининг оч-наҳор ўтириши мумкинлиги ҳам уни ўз аҳдидан қайтармаган. Шунда мен уни жиноят қурбони бўлган кишиларга моддий ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган тегишли ташкилотлар билан таништириб қўйдим.

Аёл ва эрининг бундай феъл-атвори менинг нафратимни кўзгади ва ўшанда тўғри ёки нотўғри қилганлигим хусусида ўйланиб қолдим. Лекин мен чиқарилган хулосанинг бирдан-бир тўғри йўл бўлганлигига шу куниёқ амин бўлдим. Бу эркак агар хотини унинг чизиб қўйган чизигидан сал четга чиқадиган бўлса, уни бемалол калтаклайвериш мумкин, деб ишонган. Бутун ишни кўриб чиқиш жараёнида – аёлни уларнинг биргаликдаги турмуши тўғрисидаги ҳикоясида, бўлган воқеани полицияга изоҳлаб беришда ва унинг суддаги сўзга чиқишида шу нарса яққол кўриниб турарди. Эркак ўзининг феъл-атворида ҳеч қандай нуқсонни кўрмаган ва ҳукм чиқарилганида ғазаб отига миниб кетган эди. У хотини устидан назорат юритишим керак, деб ҳисоблаган. Пировард натижада, у ҳатто қамоқда ўтирган жойида ҳам намоён қилган ҳокими мутлоқлик феъл-атвори зўравон шахс учун хосдир, бу ҳол юридик аралашувининг муҳим бўлганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Жамият унга бундай феъл-атворнинг нафақат номаъқуллиги, балки жинойий тусдалигини айтиши лозим эди. Ҳеч ким фақат жаҳли чиқиб

турганлиги сабабли бошқа бир кишини уришга ҳақли эмас. Агар у кўчада бошқа бир эркак билан урушиб, унинг бошига металл буюм билан урганида эди, у албатта жазоланарди. Бундай кишига у ўзининг хотинини урган ҳолда ҳам худди шундай жазо кутишини тушунтириш керак. Мен бу оилада кейин нима бўлганлиги ёки нима бўлишини билмайман, лекин шунга ишончим комилки, энди бу эркак хотинини хоҳлаган вақтида калтаклай олмайди, мободро шундай қиладиган бўлса, жазо муқаррарлигини яхши тушунади.

Мен прокурор бўлиб ишлайман, мазкур ишни ўтган йили Калифорния штатидаги Сан-Диего шаҳрида кўриб чиққан эдим. Мен ҳикоя қилиб берган ҳол бошқалардан унчалик фарқ қилмайди, у ҳам биз уйдаги зўравонлик ҳақидаги ишларни кўриб чиқишда шуғулланадиган барча масалаларга хос элементларни ўз ичига олади.

Менинг назаримда, Ўзбекистондаги вазият ҳам АҚШдаги уйдаги зўравонлик соҳасидаги ишлар аҳволига жуда ўхшаб кетади. Кўзга яққол ташланадиган ягона фарқ шундаки, ўзбеклар жамиятнинг аксарият қисми бундай феъл-атворни нормал ҳолат деб қабул қиладилар. Кўпчилик одамлар агар хотин чизган чизикдан четга чиққан ҳолларда уни калтакласа, бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ, дейишади.

Самарқандда менга савол берган бир аёл билан учрашдим. У уйдаги зўравонликка доир тренингларда қатнашаётган эди ва унинг саволи биз тренинг жараёнида қўллаган топшириқлардан бирига дахлдор экан. Топшириқда ўз эрига бевафолик қилган, шунинг натижасида эри томонидан калтакланган аёл тўғрисида гап борарди. Аёл: "Бундай калтаклаш тўғри бўлган", деди. Шунда мен, агар эри хотинига бевафолик қилса, хотинининг уни тутиб олиб уриши нормал ҳол бўладими, деб сўрадим. Аёл менга ҳайрат билан қараб қолди ва бу жамиятда ҳеч қачон бундай бўлмаслигини айтди.

Ўзбекистондаги кўпчилик аёллар ҳатто милицияга ҳам мурожаат қилишмайди. Улар ўзларининг ҳуқуқий ҳолатини иккинчи даражали ҳолат деб қабул қилишади ва афтидан, уларни вақти-вақти билан жазолаб туришларини нормал ҳол, деб ҳисоблашади. Ёки улар ўзларининг эрлари билан орани очиқ қилишга қодир эмас, деб биладилар. Эҳтимол, моддий аҳвол тангрокдир, бир неча фарзандлари бордир. Устига устак,

бу жамиятда эр-хотиннинг ажралиши хато иш бўлиб саналади. Шунинг учун улар чидайверишади. Улар ҳатто милицияга мурожаат қилганида ҳам нима бўлиши мумкинлигини жуда яхши билишади. Бунда бирон-бир чора кўрилиши амри маҳолу, фақат уларнинг ўзларига янада қийин бўлади.

Мабодо бундай ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари эътиборига тақдим этиладиган бўлса, уларнинг кўриб чиқилиши тартибда ҳам эркакларнинг бунга ўхшаш феъл-атворида ҳеч қандай айбли иш йўқ, деган гоё яққол сезилиб туради. Аксарият ҳолларда бундай ишлар яраштирувчи комиссияларга юборилади. Фақат оғир тан жароҳатлари етказилган ҳолларда бундай ишлар жиноий таъқибга учрайди.

Бу мамлакатдаги асосий муаммо шундан иборатки, одамлар аёлларнинг репродуктив қобилиятларини ва болаларни тарбиялашдаги ролини жуда қадрлагани ҳолда, уларга жамиятнинг тенг аъзолари деб қарамайдилар. Кўпгина эркаклар, баъзан ҳатто, хотин-қизларнинг ўзлари ҳам аёлларни иккинчи даражали фуқаролар, деб ҳисоблашади. Табиийки, бундай феномен фақат бу жамиятда учрайдиган ҳол эмас. Дунёдаги кўнлаб мамлакатлар шундай ёндашувга кўшиладилар.

Деярли ҳар бир мамлакатда хотин-қизларга етказиладиган оғир жароҳатларнинг асосий сабаби уйдаги зўравонлик бўлади. Бундай ишларнинг кўриб чиқилиши айнан бир хил эмас ва ҳукуматлар кўпинча ушбу муаммонинг мавжудлигини назарга илишмайди ёки инкор қилишади. Нотенглик ва хотин-қизлар тушинишининг паст даражаси зўравонликка тўсиқ бўла олмайди. Бу фақат катта муаммонинг бир жиҳатига айланади, холос. Ҳиндистонда ҳар куни қиз болалар жинсий аъзоларининг шикастланишига дучор этилади ва хотин-қизлар сепининг етарли эмаслиги сабабли ўлдириб ташланади ёки ўзларини ўзлари қурбон қилишади. Бутун дунёда хотин-қизлар иш билан бандлик соҳасида жинсий мансублиги сабабли шилқимликларга дучор бўладилар. Дунёдаги биронта мамлакатда хотин-қизлар меҳнатига эркакларники билан баравар ҳақ тўланмайди.

Яхшиям ҳукуматлар бундай муаммо мавжудлигини эътироф этишади ва унга барҳам бериши учун чора-тадбирлар қабул қилишяпти. Хотин-қизларнинг ҳам эркаклар ва болалар каби ҳуқуқлар, эркинликлар ва имтиёзларга эга бўлиши лозимлиги бутун дунё мамлакатлари ҳуқуқий ҳужжатларида,

шу жумладан, Ўзбекистоннинг қонунчилик ҳужжатларида ҳам эътироф этилган. Бунда муаммо шундан иборатки, бу қонунларнинг ҳаммаси ҳам ижро этилмапти, кўпгина одамлар уларнинг талабларини бажаришмайди, бошқалар эса бундай ҳужжатлар мавжудлигини билишмайди ҳам.

Кўпчилиги Ўзбекистон томонидан ҳам ратификация қилинган халқаро битимлар эркаклар ва хотин-қизларнинг қонун олдидаги ҳуқуқлари ва эркинликлари тенглигини тан олади. 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси бундай ҳуқуқларни эътироф қилган дастлабки ҳужжатлардан бири эди. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар халқларининг инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсининг шаъни ва қадр-қиматига ва эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли эканлигига ўз ишончини тасдиқлаши кўрсатилади. Декларацияда эркаклар ва хотин-қизларнинг қуйидаги соҳаларда тенг ҳуқуқли бўлиши лозимлиги таъкидланади: қонун олдида тенг ҳуқуқлилиқ, камситилишдан бир хилда ҳимояланиш, тенг никоҳ ҳуқуқлари, давлат хизматида баробар ишлай олиш, тенг қимматга эга меҳнати учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқи. Ҳаммага маълумки, Ўзбекистон ҳам ушбу ҳужжатнинг қатнашчисидир.

1979 йилда БМТ Бош Ассамблеяси Хотин-қизларга қарши Дискриминация қилишнинг ҳамма шаклларини бартараф қилиш тўғрисидаги Конвенцияни (CEDAW) қабул қилди. Бу ҳужжат хотин-қизлар ҳуқуқларини бошқа ҳар қандай Конвенцияга нисбатан кўпроқ миқёсда ва яхши маънода эътироф этади. У Конвенцияда қатнашувчи давлатларнинг эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг даражада сиёсий, иқтисодий, маданий ва фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши юзасидан мажбуриятларини ўз ичига олади. Янада аниқроқ қилиб айтганда, Конвенция давлатларни инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларининг эркаклар билан аёлларнинг тенглиги асосида ижро қилинишига кўмаклашишга даъват этади. CEDAW га мувофиқ, унга аъзо бўлган давлатлар жинслардан бирининг норасолиги ёки устунлиги ғоясига ёхуд эркаклар билан аёллар ролининг андазавийлигига асосланадиган иллатлар ва бошқа барча амалиётни бартараф қилиш мақсадида эркаклар ва хотин-қизлар феъл-атворининг ижтимоий ва маданий моделларини ўзлаштириш учун жамики

чора тадбирларни ишга солиши лозим. Ўзбекистон CEDAW Конвенциясини 1995 йилда ратификация қилган.

Гендер тенглик моҳиятини эътироф этадиган яна бир неча битимлар мавжуд. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенция ва Хотин-қизларга қарши содир этиладиган зўравонликни бартараф қилиш тўғрисидаги Декларация ҳам бор. Кейинги ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси ҳали қўшилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олади. Шуниси гоят муҳимки, Ўзбекистон ҳам иштирокчиси бўлган халқаро шартномалар хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларида ижро этилиши лозим.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ҳуқуқий ҳолатини ошириш ва ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида аёллар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андазалардан хабардорлик даражасини ошириш ва бундай битимларни имплементациялаш йўлларини қидириб топиш зарур.

Биз бундай воситаларга амал қилишимиз керак, лекин уларни амалга ошириш янада муҳимдир, ҳокимиятни бошқариб бораётган эркаклар ва аёллар бундай воситаларнинг ижро этилишини кафолатлайдиган тарзда иш олиб бориши лозим.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларнинг қўлланиши учун Ўзбекистоннинг салоҳияти гоят буюқдир. Кўпгина мамлакатлар халқаро шартномалардан қонунларини ўзгартириш ва ижро этиш мақсадларида фойдаланишади. Масалан, ноҳукумат ташкилотлари CEDAW дан тенгликни таъминлаш учун конституцияда аниқ механизмларни мустаҳкамлаш зарурлигига ўз ҳукуматларини ишонтириш мақсадида фойдаландилар. Колумбияда мамлакат конституциясининг лойиҳаси тайёрланаётган пайтда хотин-қизлар ташкилотлари, агар ҳукумат демократия ўрнатилишига интиладиган бўлса, унда буни амалга оширишнинг ягона йўли эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқчилигини белгилаш, шунингдек, CEDAW Конвенциясида мустаҳкамланган мажбуриятларни ижро этиш эканлиги ҳақидаги гоани тарғибот қиладилар. Улар ҳукуматни ишонтиришга муваффақ бўлиши ва натижада конституцияда

хотин-қизлар ҳуқуқларининг муҳим кафолатлари, шу жумладан, давлатнинг хотин-қизларга қарши дискриминация қилишни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни қабул қилиш мажбурияти ҳам киритилди. Бошқа мамлакатлар хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули сифатида суд механизмларини қўллашди ёки CEDAW талабларини акс эттирадиган янги қонунларнинг қабул қилинишига қўмаклашади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида хотин-қизлар ўзларини тенг ҳуқуқли деб ҳисобламайдилар, бунинг сабаби шундаки, уларга асрлар давомида иккинчи даражали фуқаролар сифатида муносабатда бўлинган. Бундай ҳолга барҳам бериш учун кўп иш қилинган, лекин яна кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур. Ўзбекистон хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлаш учун тегишли қонунлар қабул қилиниши йўлида улкан саъи-ҳаракатлар сарфлади. Лекин ҳали бундай шартномалар тамойилларини ижро этиш, қонунларга ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, уларнинг ижроси механизмини кучайтириш керак бўлади. Ҳукумат жамият барча аъзоларининг хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳасидаги билимларини ошириш мақсадида чора-тадбирларни қабул қилиши керак. Халқаро ҳамжамият маърифий дастурлар йўли билан ёрдам бериши, ўз тажрибасини ва гендер тенгликка эришилган бошқа мамлакатларга оид мисолларни тақдим қилиши мумкин.

Биз хотин-қизларнинг қонун олдидаги тенг ҳуқуқларини, таълим олиш ва иш билан бандлик соҳаларида барабар имкониятларга эга бўлиши, никоҳдан ўтишида ва эр-хотиннинг ажралишида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш учун бир ёқадан бош чиқариб ишлашимиз зарур, шунингдек, хотин-қизларга зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқи кафолатланиши лозим.

ОИЛАДАГИ ЗҶУРАВОНЛИККА ҚАРШИ ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУНЛАРНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг оиладаги зўравонликка қарши моделли қонунлари жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлган давлатларга тавсиялар¹ сифатида ишлаб чиқилган. Бундай тавсиялар оилада хотин-қизларга нисбатан содир қилинадиган зўравонликка қарши қонунларни қабул қилишни ёқлаб чиқаётган қонун чиқарувчи органлар ва ташкилотлар учун мўлжалланган.

Ушбу тавсияларнинг аҳамияти шундан иборатки, улар амалдаги жиноий ва фуқаролик қонунлари соҳасидаги "уйдаги зўравонликка" дахлдор масалаларга доир камчиликларни бартараф этишга кўмаклашади. Бундан ташқари, улар оиладаги зўравонлик масаласи юзасидан мамлакатда амал қилиб турган қонунларнинг такомиллаштирилишига ёрдам бериш учун даъват этилган.

Зўравонликка қарши қонун назарда тутадиган мақсадларнинг аҳамияти жуда катта. Бундай қонуннинг қабул қилиниши аввало, ҳар бир муайян мамлакатда хотин-қизларга нисбатан содир қилинадиган зўравонликни бартараф қилиш тўғрисидаги халқаро андазалар, яъни БМТ Декларациясида назарда тутилган меъёрларнинг риоя этилишига ёрдам бериши лозим.

Хотин-қизларга нисбатан фақат у аёл бўлгани учун содир қилинган ҳар қандай зўравонлик ҳаракати Декларацияда нафақат шахсга, шу билан бирга, жамиятга ҳам қарши қаратилган жиддий жиноят сифатида кўриб чиқилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз тавсияларида хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай зўравонликнинг намоён қилиниши кечириб ва чидаб бўлмайдиган ҳаракат эканлигини таъкидлаган ҳолда, жаҳон ҳамжамиятидан ўрин олган ҳар бир давлат зиммасига оила аъзолари ёки умуман яқин муносабатларда бўлган хотин-қизларга нисбатан содир

¹ БМТ эллик иккинчи сессиясида Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиянинг 1995/85 резолюциясига асосан ишлаб чиқилган

қилинадиган зўравонликни тақиқлайдиган миллий қонунларни барпо этиш ва такомиллаштириш вазифасини юклайди.

1. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиясининг 1995/85 резолюциясига асосан қабул қилинган.

Тавсияларга биноан, ички қонунлар меъёрлари зўравонликнинг ҳар бир қурбонини ҳимоя қилиши, келгусида бундай ҳаракатнинг такрорланишига йўл қўймаслиги керак.

Тавсияларда зўравонлик қилинишининг олдини олиш турмушда зўравонликка йўл қўймаслик ва уни бартараф этишнинг энг муҳим шартларидан бири сифатида баҳоланади.

Бу ҳужжатда давлатларнинг алоҳида диққат-эътибори зўравонлик қурбонларига юксак даражадаги ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш муаммосига қаратилади.

Зўравонлик қурбонларига юксак даражадаги ҳуқуқий ҳимоянинг таъминланиши мақсадида оилада зўравонлик намоён қилинганлиги учун жиноий ва фуқаролик қонунларидаги меъёрларда назарда тутилган бундай шахсларнинг эҳтиёжларига мувофиқ келадиган жазолаш билан боғлиқ бир қатор қайишқоқ шошилиш чора-тадбирлар мажмуини яратиш тавсия этилади.

Қуйидагиларни ўз ичига оладиган турли қўллаб-қувватловчи хизматларнинг ташкил этилишига муҳим аҳамият берилади:

– оиладаги зўравонлик масаласи юзасидан ижтимоий фикрни шакллантириш ва фуқароларнинг бу соҳадаги хабардорлик даражасини ошириш йўли билан бундай ҳаракатларни бартараф этиш ва уларга барҳам беришга қаратилган дастурлар;

– ҳар хил зўравонлик турлари қурбонлари ва уларнинг оилаларига ёрдам кўрсатувчи хизматлар;

– зўравонлик қилишда айбдор шахс, зўравонлик қурбони ва оиланинг бошқа аъзолари, шу жумладан, болалар орасида маърифат, маслаҳатчилик ва руҳий ёрдам кўрсатиш дастурлари.

Тавсияларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидаги зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиш, оилада зўравонлик қилинган ҳолларда қонунларга риоя этилишини таъминлаш, унинг олдини олиш ишларига алоҳида аҳамият берилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг олдини олиш ишларини ўтказишга доир фаолиятини такомиллаштиришда судлар, прокурорлар, полициячилар (милиционерлар) ва ижтимоий соҳа ходимларининг зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатишнинг самарали шаклларини ўрганиши муҳим роль ўйнайди.

Оиладаги зўравонлик масалаларида полицияга, судга, зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатишга, шунингдек, бундай ҳаракатни содир этган шахслар билан психологик иш олиб боришга қодир бўлган маслаҳатчиларни тайёрлаш тизимини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш алоҳида тавсия этилади.

Тавсияларда оиладаги зўравонликка барҳам бериш ишида маҳаллий жамоатчиликнинг қатнаштирилишига жиддий аҳамият берилган.

Тавсияларнинг биринчи қисми ана шу масалаларга бағишланган.

Унинг иккинчи – "Асосий таърифлар" қисми – бевосита давлатларга таклиф қилинадиган аниқ тавсияларни ўз ичига олади.

Тавсияларнинг бу қисми барча давлатларга нисбатан "оиладаги зўравонлик ҳаракатларининг халқаро меъёрларга мувофиқ келадиган кенгайтирилган таърифларини ва оиладаги зўравонликдан ҳимоя қилинадиган муносабатлар доирасини" белгилашга доир мурожаатдан бошланади.

Қандай муносабатлар Тавсияларда тартибга солиниши лозим деб ҳисобланадиган муносабатлар сифатида қайд қилинган?

Биринчидан, қонун билан тартибга солинадиган муносабатлар доирасига қуйидагилар ўртасида содир этиладиган муносабатлар киритилиши лозим:

- хотинлар;
- биргаликда умр кечирувчи шериклар;
- собиқ хотинлар ёки шериклар;
- бирга яшайдиган шахслар, шу жумладан, айти шу уйда яшамайдиган бундай шахслар;
- қариндош аёллар, уй ходимаси ва уларнинг оила аъзолари.

Кўриб турганимиздек, қайд қилинган шахслар доираси

фақат опа-сингиллар, қизлар ва оналар билан чекланмайди.

Тавсияларга биноан, зўравонлик ҳақидаги қонун давлат зиммасига диний ёки маданий урф-одатларнинг қайсидир аёлнинг қонунда назарда тутилган тўлиқ ҳимояни олишига тўсқинлик қилишига йўл қўймаслик вазифасини юклаши лозим.

Ўзининг эрига ёки яқин муносабатларда бўлиб келган бошқа бир шахсга нисбатан суд процессини бошлаш ниятида бўлган аёлга ҳеч қандай тўсқинлик қилинмаслиги керак.

Давлат ўзининг фуқаролигига эга бўлмаган хотин-қизларнинг ҳам тўлиқ ҳимоясини таъминлаш вазифасини зиммасига олиши керак. Давлатлар, шунингдек, унинг фуқаролари бўлмаган эркакларни ҳам зўравонлик учун жавобгарликка тортадиган бўлиши зарур.

Тавсияларга мувофиқ, зўравонлик билан боғлиқ ҳамма нарса – оғзаки ҳақоратлаш ёки оғир жисмоний жароҳатлар етказиш ёки ўғирлаб кетишгача бўлган дўқ-пўписалар, қўрқитишлар, мажбурлашлар, таъқиб этишлар, жинсий зўравонлик, никоҳда турган ҳолатдаги зўрлашлар, жинсий аъзоларга жароҳат етказишлар, сеп масаласидаги зўравонлик, жинсий мақсадлардаги зўрлаб фойдаланишлар, уй ходималарига нисбатан зўравонлик – "оиладаги зўравонлик" сифатида кўриб чиқилиши лозим.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, бу рўйхат нисбий бўлиб, у зўравонликнинг бошқа кўплаб шаклларини ўз ичига олмайди. Айнан шунинг учун давлатларнинг ўзларига маҳаллий ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда оиладаги хотин-қизларга нисбатан содир қилинадиган зўравонлик ҳаракатларининг кенг таърифини ишлаб чиқиш тавсия қилинган.

Тавсияларнинг III қисми "Шикоятларни тақдим этиш механизми"га бағишланган.

Хотин-қизларга нисбатан қилинадиган зўравонлик жиддий жиноят сифатида кўриб чиқилиши сабабли қонунларда полицияда оиладаги зўравонлик ҳақидаги шикоятнинг рўйхатдан ўтказилиши ёки судларга зўравонлик қурбони бўлган шахслар ёки уларнинг оила аъзолари ёки зўравонлик гувоҳлари, шу жумладан, зўравонлик қурбонига бошпана берган шахслардан, шунингдек, қурбонларга ёрдам кўрсатадиган давлат ва хусусий тиббий муассасалар, ижтимоий

хизматлар, марказлар аризаларининг берилиши тартибининг белгиланишига катта аҳамият қаратилган.

Тавсияларда полициячиларнинг вазифалари ҳам моделлаштирилган.

Масалан, полициячиларга оилада зўравонлик содир қилингани шубҳаланилган ҳолларда ёрдам ва ҳимоя ҳақидаги ҳар бир мурожаатга оператив жавоб қилиш вазифаси юклатилиши лозим.

Полициячилар оила аъзолари амалга оширган деб шубҳа қилинадиган суистеъмом қилиш ҳоллари юзасидан бўладиган мурожаатлар билан боғлиқ фактларни худди шундай ҳаракатларнинг ўзга шахслар томонидан қилинганига нисбатан камроқ аҳамиятга эга деб қарамасликлари керак.

Полиция ходимлари, агар шикоят қилувчи аёл қуйидаги фактлар ҳақида хабар қилса, ҳодиса содир бўлган жойга шахсан етиб бориши шарт:

- зўравонлик ҳоли етилаётган ёки кучаяётган бўлса;
- кўриқлаш ордери мавжуд бўлиб, унинг бузилиши эҳтимоли кутилса;
- оиладаги зўравонлик илгари ҳам юз берган бўлса.

Бундай ҳолларда полиция ишни пайсалга солмаслиги керак. У ҳатто агар шикоят билан мурожаат қилган аёл зўравонлик қурбони бўлмасдан, фақат бунинг гувоҳи ёки аёлнинг дўсти (дугонаси), қариндоши, соғлиқни сақлаш хизмати ёки зўравонликдан жабр кўрган кишиларга ёрдам кўрсатиш маркази вакили бўлганида ҳам зудлик билан иш тутиши лозим. Унинг тез жавоб қилиши зўравонлик қурбонига нисбатан амалий ёрдам гаровидир. Оператив жавоб қилишнинг муҳимлиги яна шундаки, у фуқароларда давлат хизмати, унинг институтларига ва уларнинг инсонпарварлик ёрдамига нисбатан ишонч ва ҳурматни шакллантиради.

Полиция мурожаатномаларни кўриб чиқиш жараёнида муайян русум-қоидаларга амал қилиши шарт:

- томонлар ва гувоҳларни, шу жумладан, болаларни уларнинг ўзлари кузатган (кўрган) фактлари ҳақида эркин, ҳеч нарсадан тортинмасдан ҳикоя қилишлари учун алоҳида хоналарда сўраб-суриштириш;
- шикоятларни батафсил ёзиб олиш;
- зўравонлик қурбонига унинг ҳуқуқлари тўғрисида

маслаҳат бериш;

– оилада юз берган зўравонлик тўғрисида қонунда кўрсатилган тартибда билдиргини ёзиш ва рўйхатдан ўтказиш;

– агар зарур бўлса ёки талаб қилинса, жабр чеккан шахсни даволаш ва кўриқдан ўтказиш учун яқин жойдаги касалхонага ёки тиббий муассасага етказиб қўйиш ёки буни ташкил этиш;

– жабр чеккан кишининг шахсий нарсаларини олиши учун уни яшаш жойига етказиб қўйиш ёки буни ташкил этиш;

– зўравонлик ҳолати ҳақида хабар қилган шахснинг ҳимоясини таъминлаш;

– муаммо шундай ҳал қилиниши керакки, хафа қилган шахс уйдан чиқиб кетиши зарур, бунинг иложи бўлмаса ва жабр кўрган аёлга зўравонлик қилиниши хавфи яна сақланиб қолса, айбдор шахсни ҳибсга олиш лозим.

Тавсияларда шикоятларни бериш бўйича муқобил русум-қоидаларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилишига катта ўрин берилган.

Ҳап зўравонликдан жабр чеккан аёл ёки воқеанинг гувоҳи ёки аризачи (хафа қилган шахс, жабр кўрган аёлнинг яшаш жойи ёки воқеа содир бўлган жой, шунингдек, давлат ёки хусусий тиббий муассаса) томонидан шикоят берилишининг ҳар хил шаклларида фойдаланиш имконияти ҳақида бормоқда.

Моделли қонун оиладаги зўравонлик ҳаракатлари тўғрисидаги қариндошлар, дўстлар ва бошқа шахслар томонидан бериладиган шикоятларни рўйхатга олиш тартиби билан боғлиқ русум-қоидаларнинг қандай бўлиши кераклигини батафсил белгилаб беради. Шунингдек, жабр кўрган кишиларнинг уларни хафа қилган шахсларга қарши жиноий иш қўзғатиш учун прокурорга мурожаат қилиш тартиби ҳақида ахборотларни олишга доир ҳуқуқлари ҳам белгиланган.

Тавсияларда жабр чеккан кишиларнинг бундан кейинги бўлиши мумкин бўлган зўравонлик ҳаракатларидан ҳимояланиш учун қўшимча суд ордерини олиш бўйича мурожаат қилиш ҳуқуқи масаласига ҳам катта эътибор берилади. Бундан ташқари, уларнинг жиноий иш қўзғатиш учун бундай ордерни яна қайта тиклаш масаласи бўйича прокурорга мурожаат қилиш ҳуқуқининг ҳам мустаҳкамлаб қўйилиши гоят муҳимдир. Бироқ бундай қилиниши судда

фуқаролик ишларини юрғизиш доирасида бу шахсларнинг алоҳида тарзда яшаш, ажралиш ёки зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида иш қўзғатиш билан боғлиқ ҳуқуқига путур етказмаслиги керак.

Оиладаги зўравонлик тўғрисидаги қонунда жабр чеккан аёлларнинг қўриқлаш ордери сўраб мурожаат қилиши, судларнинг зўравонлик қурбонлари ҳуқуқларига амал қилиш соҳасидаги вазифалари, суд ордерларида назарда тутилган чора-тадбирлар, уларни тегишли полиция органларига ўз вақтида юбориш, бундай ордерлар мониторингини ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳам тартибга келтирилиши лозим.

Тавсиялардаги алоҳида бўлим қўриқлаш ордерини бериш билан бир вақтда бошланиши керак бўлган жиноят процессига бағишланган.

Бу бўлимдаги моделлаштирилган қоидаларнинг муҳимлиги шундаки, улар Бош прокуратурага ёки Адлия вазирлигига оиладаги зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни тергаб-текширадиган мансабдор шахслар учун ёзма йўриқномаларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга киритиш вазифасини юклайди. Суднинг жиноят ишидаги айбни ҳар қандай ўзгартириши суд ишида ёзиб қўйилиши лозим.

Яна шуниси ниҳоятда муҳимки, прокурор оиладаги зўравонлик билан боғлиқ даъволарда айбнинг оиладаги зўравонликка тегишли эканлигини кўрсатиши зарур.

Шикоятларни гувоҳларнинг кўрсатмалари бошқа далил-асослар билан тасдиқланмаганлигини баҳона қилиб ўзгартиришга йўл қўйилиши мумкин эмас.

Қонун суднинг ҳукмида албатта уни кўриб чиқиш оқибатларининг кўрсатилиши кераклиги ҳақидаги қонундан ўз ичига олиши лозим.

Суд процесси жараёнида жавобгар шахснинг даъвогар билан назорат қилинмайдиган алоқаларининг қонуний тартибда истисно этилиши ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Қонун жабр чеккан шахсларнинг (уларнинг хоҳишига кўра) бепул маслаҳат олиш ҳуқуқини ҳам таъминлаши зарур.

БМТ жаҳон ҳамжамияти аъзолари бўлган давлатларга тавсия қиладиган оиладаги зўравонлик тўғрисидаги намуна сифатида модели қонунларнинг асосий қоидалари ана шундан иборат. Бироқ бу ҳужжат қатъий кўрсатма тарзида берилмайди, чунки у ҳар бир давлатнинг хотин-қизларни уйдаги

зўравонликдан ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича ўз стратегиясини ишлаб чиқиш учун шу мамлакатдаги бундай жиноят турининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши керак деган қоидага асосланади.

**Аёллар ҳуқуқлари дискриминация қилинишининг
барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида
БМТ Конвенцияси**

КИРИШ

Хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига эришиш йўлида 1979 йил 18 декабрда муҳим қадам қўйилган эди. Шу куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилди.

30 та моддадан иборат бўлган Конвенцияда, барча хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган халқаро-ҳуқуқий шаклдаги тамойиллари ва чоралари аниқлаб берилган.

Унинг қабул қилиниши беш йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этган ҳар хил ишчи гуруҳлар, хотин-қизлар аҳволини ўрганувчи комиссиялар фаолияти, шунингдек, Бош Ассамблеянинг маслаҳатлари натижаси бўлди.

Кенг қамровли Конвенция хотин-қизларга нисбатан фақат жинсий белгиси асосида қўлланувчи истисно ва чеклашларнинг ҳар хил кўринишларини жамлаб, аёлларнинг оилавий ҳолатидан қатъи назар, барча соҳаларда:

– сиёсатда, иқтисодда, ижтимоий ҳаётда, маданиятда, фуқароликда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга чақиради. У давлатларни хотин-қизлар камситилишига қарши миллий қонунчилик чораларини ҳамда эркаклар ва аёллар ўртасида амалдаги тенгликни тезлик билан ўрнатишга қаратилган вақтинчалик махсус чораларни қабул қилишга чақиради, шунингдек, аёлларнинг ҳуқуқлари камситилишини сақлаб қолишга имкон берувчи ижтимоий ва маданий моделларни ўзгартириш чораларини кўришни тавсия қилади.

Бошқа чоралар хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, таълим олишда ва бир хил ўқув дастурларига эга бўлишда тенгликни таъминлашга, камситувчи ҳолларни тугатишни ҳамда хотин-қизларнинг турмушга чиққанда ва она бўлган пайтида иш билан таъминлаш кафолатини назарда тутати.

Конвенция оилавий ҳаёт масалаларида эркак ва аёллар учун бир хил ҳуқуқ ва бурчларни ўрнатади. У шунингдек,

керакли ижтимоий хизмат кўрсатишни таъминлашга, жумладан ота-оналар оилавий вазифаларини меҳнат фаолияти билан бирга қўшиб олиб бориш ва ижтимоий ҳаётда қатнашиш учун шароит яратувчи болаларни парвариш қилувчи ташкилотларнинг тармоқларини тузишга даъват этади.

Конвенциянинг бошқа моддаларида соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар камситилишига барҳам беришга даъват этилган, шу жумладан, оиланинг катта-кичиклигини режалаштиришда эркак ва аёлларга тенг фуқаролик ҳуқуқларини бериш масалалари ҳам ифодаланган. Бунга кўра, давлатлар хотин-қизларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган барча шартнома ва бошқа хусусий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб ҳисоблашга келишмоқдалар.

Конвенцияда қишлоқ жойларда яшовчи аёллар дуч келаётган муаммоларга алоҳида эътибор берилган.

Конвенция давлатларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини қандай бажараётганини халқаро кузатувчи механизмни таъсис этади.

Конвенциянинг амалга оширилишини кўриб чиқиш учун иштирокчи давлатлар экспертлар Қўмитасини сайлайдилар ва улар хусусий эксперт сифатида иш юритадилар.

1980 йилнинг 1 мартдан имзолаш учун очиқ бўлган Конвенция, 20 та давлат Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилиш орқали унинг қоидаларига риоя қилиш мажбуриятларини олгандан кейин кучга киради.

**Аёллар ҳуқуқлари дискриминация қилинишининг
барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида
БМТ Конвенцияси
(Конвенциянинг тўлиқ матни илова этилмоқда)**

Ушбу Конвенциянинг иштирокчи давлатлари:

– Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсиятининг қадрияти ва кадр-қимматига, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигига ишончни яна қарор топтирганлигини ҳисобга олган ҳолда,

– инсон ҳуқуқларининг Умумжаҳон декларацияси ҳуқуқларнинг камситилишига йўл қўймаслик принципини таъкидлаб, барча инсонлар ҳуқуқ ва кадр-қимматларида тенг ва эркин бўлиб туғилишини, унда эълон қилинганидек, ҳар бир инсон шу жумладан жинсига нисбатан бўлган фарқлардан қатъи назар, барча ҳуқуқ ва эркинликка эга бўлмоғи кераклигини эълон қилганлигини ҳисобга олган ҳолда,

– инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Халқаро пактларнинг иштирокчи-давлатларига эркак ва аёллар учун барча иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан тенг фойдаланишни таъминлаш вазифалари юклатилганлигини ҳисобга олган ҳолда,

– эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослашган ташкилотлар шафелигида тузилган халқаро конвенцияларни эътиборга олган ҳолда,

– шунингдек, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли бўлишига ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар ташкилоти ва ихтисослашган ташкилотлар томонидан қабул қилинган резолюциялар, декларациялар ва тавсияномаларни ҳисобга олган ҳолда,

– мана шу турли ҳужжатларга қарамай, хотин-қизлар ҳуқуқларининг камситилиш ҳоллари ҳамон юз бераётганлигидан ташвишланиб,

– хотин-қизлар ҳуқуқларининг камситилиши инсон кадр-қимматига бўлган ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилиқ принципларига путур етказишини, аёллар эркаклар билан бир қаторда ўз мамлакатининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида иштирок этишига тўсқинлик қилишини, оила

ва жамият фаровонлигининг ўсишига ҳалақит беришини ва инсоният ва ўз мамлакатларининг манфаатлари йўлида хотин-қизларнинг имкониятлари тўлиқ намоён бўлишига яна ҳам кўпроқ қийинчиликлар туғдиришини эслатиб,

– қашшоқлик шароитларида хотин-қизларнинг озиқ-овқатга, соғлиқни сақлашга, таълимга, касб тайёргарлигига ва ишга жойлашиш имкониятларига, шунингдек, бошқа эҳтиёжларни қондиришга имконияти жуда кам эканлигидан ташвишланиб,

– тенглик ва адолат асосида ўрнатилган янги халқаро иқтисодий тартиб эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгликни таъминлашда анчагина имконият беришига қатъий ишониб,

– ирқий айирмачиликни, барча турдаги ирқчилик, ирқий дискриминация қилиш, эски ва янги мустамлакачилик, агрессия, давлатлар устидан ҳукмронлик ўрнатишни, бошқа давлат томонидан босиб олинишини ва ҳукмронлик қилишини ҳамда давлатларнинг ички ишларига аралашини бартараф қилиш эркаклар ва хотин-қизлар ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишнинг зарур омиллари эканлигини таъкидлаб,

– халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш, ижтимоий ва иқтисодий тизимларидан қатъи назар, барча давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, қатъий ва самарали халқаро назорат остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш, айниқса, ядровий қуролсизланиш, мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда адолат, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларини қарор топтириш ҳамда чет эл ва мустамлака ҳукмронлиги ва бошқа давлатлар оккупацияси остида бўлган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақиллик ҳуқуқини амалга ошириш, шунингдек давлатларнинг миллий мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш ижтимоий тараққиёт ва ривожланишга кўмаклашишни ҳамда бунинг оқибати ўлароқ эркаклар билан аёллар ўртасида тўла тенгликка эришиш имконини беришини тасдиқлаб,

– мамлакатнинг тўлиқ ривожланиши, бутун дунёда фаровонлик ва тинчлик иши барча соҳаларда аёлларнинг эркаклар билан барабар мумкин қадар кўпроқ иштирок этишларини талаб қилишига қатъий ишониб,

– хотин-қизларнинг оила фаровонлиги ва жамият

ривожига қўшаётган ҳозиргача тўла тан олинмаган ҳиссасининг аҳамиятини, оналикни ижтимоий аҳамиятини ҳамда оилада ва бола тарбиясида ота-онанинг тутган ўрнини ҳисобга олган ҳолда аёлнинг насл давомчиси сифатида ўрни аёл ҳуқуқларининг камситилишига сабаб бўлмаслигини, чунки болаларнинг тарбияси эркак ва аёлларнинг ва умуман, жамиятнинг биргаликдаги жавобгарлигини талаб қилишини англаб,

– эркак ва аёл ўртасида тўла тенгликка эришиш учун, ҳам эркак, ҳам аёлнинг жамият ва оилада тутган анъанавий ўрнини ўзгартириш зарурлигини тан олиб,

– хотин-қизлар ҳуқуқларининг камситилишини барта-раф этиш тўғрисидаги Декларацияда эълон қилинган принципларни амалга ошириш ва шу мақсадда бундай ҳуқуқлар камситилишининг барча шакллари ва кўринишларини баратараф этиш учун зарур чораларни кўришга азму қарор қилиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1 ҚИСМ

1-модда

Мазкур Конвенциянинг мақсади ўлароқ "хотин-қизларнинг камситилиши" тушунчаси, ҳар қандай фарқ, жинсий белгиларига кўра истисно қилиш, чеклаш, тан олмаслик, йўққа чиқариш ёки бўшаштиришга йўналтирилган, аёллар фойдаланаётган ёки амалга ошираётган ҳар қандай сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ва бошқа соҳада оилавий шароитидан қатъи назар эркак ва аёлларга тенглик асосида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар берилишини англалади.

2-модда

Иштирокчи давлатлар хотин-қизлар камситилишининг барча шаклларини қоралаб, зудлик билан барча тегишли усуллар орқали хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш сиёсатини юргизишга келишадилар ва шу мақсадда қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

а) эркаклар билан аёллар ўртасидаги тенглик тамойилини, агарда бу ҳозиргача амалга киритилган бўлмаса, миллий Конституцияга ва бошқа тегишли қонунларга киритиш

ҳамда қонун ва бошқа воситалар ёрдамида ушбу тамойилни амалиётга жорий этишни таъминлаш;

б) хотин-қизларнинг ҳар қандай камситилишини тақиқловчи тегишли қонунчилик ва бошқа чораларни кўриш, зарур бўлганда санкцияларни қўллаш;

в) эркаклар билан тенглик асосида аёлларнинг ҳуқуқлари юридик жиҳатдан ҳимояланишини ўрнатиш, ваколатли миллий судлар ва бошқа давлат муассасаларининг ёрдамида хотин-қизларнинг ҳар қандай дискриминация қилинишига қарши уларнинг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш;

г) хотин-қизларни дискриминация қиладиган бирон-бир хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан тийилиш, давлат органлари ва муассасалари ушбу мажбуриятга мувофиқ фаолият кўрсатишларига кафолат бериш;

д) бирон-бир шахс, ташкилот, ёки корхона томонидан хотин-қизлар дискриминация қилинишини бартараф этиш учун барча тегишли чораларни кўриш;

е) хотин-қизларни дискриминация қилувчи мавжуд қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўриш;

ж) хотин-қизларни дискриминация қилишдан иборат бўлган ўзининг жиноятчиликка оид қонунларининг барча моддаларини бекор қилиш.

3-модда

Иштирокчи давлатлар эркаклар билан тенглик асосида хотин-қизларнинг инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларини рўёбга чиқаришлари ва улардан фойдаланишларини кафолатлаш мақсадида хотин-қизларининг ҳар томонлама ривожланишини ва тараққиётини таъминлаш учун барча соҳаларда, хусусан сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўрадилар.

4-модда

1. Мазкур Конвенцияда кўрсатилганидек, иштирокчи давлатлар томонидан хотин-қизларнинг эркаклар билан амалда

тенглигини таъминлашни тезлаштиришга қаратилган вақтинча қабул қилинган махсус чоралар ҳуқуқларни камситувчи деб ҳисобланмайди, лекин у тенг ҳуқуқли бўлмаган ёки табақалаштирилган андозаларнинг сақланиб қолишига асло олиб келмаслиги керак, қачонки имкониятларнинг тенглиги ва тенг ҳуқуқли муносабатнинг мақсадларига эришилгандан сўнг бу чоралар бекор қилиниши зарур.

2. Иштирокчи давлатлар оналикни ҳимоя қилишга қаратилган махсус чораларни, жумладан ушбу Конвенцияда мавжуд бўлган чораларни қабул қилиши камситувчи чоралар деб ҳисобланмайди.

5-модда

Иштирокчи давлатлар барча тегишли чораларни қабул қилишларидан мақсад:

а) эркак ва аёлларнинг ижтимоий ва маданий ҳуқ-атвор моделларини битта жинс иккинчиси устидан устун бўлиши ёки эркак ва аёлнинг бир хил роли ғоясига асосланган хурофий урф-одатлар, бидъатлар ва шунга ўхшаш ҳолларни тугатиш ва бекор қилиш мақсадида ўзгартириш;

б) болалар манфаатлари барча ҳолларда устун туришини назарда тутиб, оилавий тарбия ўз ичига оналикни ижтимоий вазифа сифатида тўғри англаниши ҳамда эркак ва аёлларнинг ўз болалари тарбияси ва камолоти учун умумий жавобгарлиги эътироф этилиши қамраб олиншини таъминлаш.

6-модда

Иштирокчи давлатлар аёлларни сотишнинг ва фоҳишаликда ишлатишнинг барча турларига чек қўйиш учун барча тегишли чораларни, шу жумладан қонунчилик чораларини кўрадилар.

II қисм

7-модда

Иштирокчи давлатлар мамлакатнинг сиёсий ва жамоат ҳаётида хотин-қизлар дискриминация қилинишига барҳам бериш юзасидан барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, аёлларга эркаклар билан тенг – шарт-шароитлар асосида қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) барча сайловлар ва оммавий референдумларда овоз

бериш ва оммавий сайланадиган органларга сайланиш;

б) давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда қатнашиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш, шунингдек, давлат бошқарувининг барча бўғинларида давлат вазифаларини амалга ошириш;

в) мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаёт муаммолари билан шуғулланадиган ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва уюшмаларнинг фаолиятида қатнашиш.

8-модда

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглик асосида ва ҳеч қандай дискриминация қилишсиз халқаро миқёсда ўз ҳукуматлари номидан вакиллик қилиш ва халқаро ташкилотлар ишида қатнашиш имкониятларини таъминлаш мақсадида барча тегишли чораларни кўрадилар.

9-модда

1. Иштирокчи давлатлар фуқароликни қабул қилиш, уни ўзгартириш ёки сақлаб қолишда аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуқларни беради. Улар, жумладан, чет эл кишисига турмушга чиққанда ҳам, турмушга чиқаётган вақтда турмуш ўртоғининг фуқаролиги ўзгарганда ҳам аёлнинг фуқаролиги ўз-ўзидан ўзгаришга олиб келмайди, уни фуқаролиги бўлмаган шахсга айлантирмайди ва эрининг фуқаролигини қабул қилишга мажбур эта олмайди;

2. Иштирокчи давлатлар аёлларга ўз фарзандларининг фуқаролигига нисбатан эркаклар билан тенг ҳуқуқлар беради.

III қисм

10-модда

Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг дискриминация қилинишини бартараф этиш, аёлларнинг эркаклар ва аёллар тенглиги асосида таълим олиш соҳасида эркаклар билан тенг ҳуқуқларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар. Жумладан, қуйидагиларни таъминлайдилар:

а) шаҳар туманлари сингари қишлоқ жойларида ҳам барча тоифадаги ўқув юртларида билимдан баҳраманд бўлиш ва диплом олиш, касб-кор ёки мутахассисликни танлашда бир

хил шароитларни яратиш, бундай тенглик мактабгача тарбия, умумтаълим, ўрта махсус ва олий техник маълумот олишда, шунингдек, касбга тайёрлашнинг барча турларида таъминланади;

б) бир хил ўқув дастурларига, бир хил имтиҳонларга, бир хил малакали ўқитувчилар таркибига, тенг сифатли мактаб хоналари ва жиҳозларига эга бўлиш;

в) барча таълим олиш босқичлари ва шаклларида эркак ва хотин-қизлар ролининг биргаликда ва бошқа хилдаги таълим олиш йўли орқали ҳар қандай бир қолипдаги концепциясини бартараф этиш ва шу асосда, жумладан, ўқув қўлланмалари ва мактаб дастурларини қайта кўриб чиқиш ҳамда ўқитиш услубларини мослаштириш йўли билан шу мақсадга эришиш;

г) таълим учун стипендия ва бошқа нафақалар олиш имкониятларининг бир хиллиги;

д) эркаклар ва аёллар билимидаги ҳар қандай узилишни мумкин қадар тезлик билан қисқартиришга йўналтирилган функционал саводхонлик дастури ва катта ёшдагилар орасидаги саводхонликни оммалаштириш дастурларини назарда тутиб, таълим олишни давом эттириш дастуридан фойдаланиш имкониятларининг бир хиллиги;

е) мактабни тугатмаётган қизлар сонини камайтириш ва мактабни барвақт тарк этган аёллар ва қизлар учун алоҳида дастурларни ишлаб чиқиш;

ж) жисмоний тайёргарлик ва спорт машғулотларида фаол қатнашиш учун бир хил имкониятлар яратиш;

з) оилалар соғлиги ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида таълим соҳасига бағишланган махсус ахборотларга, шу жумладан оиланинг катта-кичиклигини режалаштириш тўғрисидаги ахборот ва йўл-йўриқ маълумотларига эга бўлиш.

11-модда

1. Хотин-қизларнинг иш билан банд бўлиш соҳасидаги ҳуқуқлари камситилишини бартараф этиш, айтилиши вақтда эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида иштирокчи давлатлар барча тегишли чораларни, жумладан, қуйидаги ҳуқуқларни таъминлаш чораларини кўрадилар:

а) барча инсонларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида меҳнат қилиш ҳуқуқи;

б) ишга ёллашда бир хил имкониятларга эга бўлиш, шу билан бирга, ишга ёллашда бир хил танлаш мезонларини қўллаш ҳуқуқи;

в) касб ёки иш турини эркин танлаш, лавозим бўйича кўтарилиш ва иш билан банд этиш кафолатига эга бўлиш, шунингдек, шогирдлик юқори даражадаги касб бўйича тайёргарлик ва мунтазам суратда малака оширишни ўз ичига олган ҳолда меҳнат қилишнинг барча имтиёзлари ва шарт-шароитларидан тўлиқ фойдаланиш, касб бўйича тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтиш ҳуқуқи;

г) имтиёзлар олишни ҳам ҳисобга олган ҳолда тенг мукофотланиш, бир хил қимматга эга бўлган меҳнатга нисбатан тенг шароитларга, шунингдек, иш сифатини баҳолашга тенг ёндошиш ҳуқуқи;

д) жумладан нафақага чиқиш, ишсиз қолиш, касаллик, ногиронлик, қариллик ва меҳнат қобилиятини йўқотишдан иборат бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминот ҳуқуқи, шунингдек, ҳақи тўланадиган таътил ҳуқуқи;

ж) соғлиқни сақлаш ва хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлиш, шунингдек, наслни давом эттириш вазифасини сақлаб қолиш ҳуқуқи;

2. Аёлларнинг турмушга чиқмаганлиги ёки оналиги сабабли дискриминация қилинишининг олдини олиш ва уларга меҳнат қилишнинг самарали ҳуқуқларини кафолатлаш мақсадида, иштирокчи давлатлар қуйидагиларни амалга ошириш учун тегишли чораларни кўрадилар:

а) ҳомиладорлик сабабли ишдан бўшатишни ёки ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътилга чиқаришни ёхуд оилавий аҳвол туфайли дискриминация қилишни санкциялар қўлланиш таҳдиди остида ман қилиш;

б) охириги иш жойини, лавозимини ёки ижтимоий нафақаларини йўқотмаган ҳолда ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича ҳақи тўланадиган таътиллار ёки таққослама ижтимоий нафақалар, тўланадиган таътиллар жорий этиш;

в) ота-оналар оилавий бурчларининг бажарилишини меҳнат фаолияти ва жамият ҳаётидаги иштироки билан бирга қўшиб олиб бориш имконини яратиш учун, жумладан,

болаларни тарбия қилиш муассасалари тармоғини кенгайтириш йўли билан, кўшимча зарур ижтимоий хизмат кўрсатишни рағбатлантириш;

г) аёллар ҳомиладорлиги даврида уларнинг саломатлиги учун зарарли деб исботланган меҳнат турларида алоҳида ҳимоялашни таъминлаш;

3. Мазкур моддада ўз аксини топган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга тааллуқли қонунчилик илмий – техникавий билимлар асосида вақти-вақти билан кўриб чиқилади, шунингдек, заруратга қараб қайтадан кўрилади, бекор қилинади ёки кенгайтирилади.

12-модда

1. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқлари дискриминация қилинишига барҳам бериш мақсадида, эркак ва аёлларга тиббий хизматни тенг таъминлаш, оиланинг катта-кичиклигини режалаштириш масалаларида тегишли барча чораларни кўрадилар.

2. Иштирокчи давлатлар ушбу модданинг 1- банди қоидалари билан бир қаторда аёлларнинг ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврида тегишли хизматлар билан таъминлайди ва, зарурият туғилганда, бепул хизматлар кўрсатадилар, шунингдек, ҳомиладорлик ва эмизикли даврида керакли озиқ-овқатларни етказиб берадилар.

13-модда

Иштирокчи давлатлар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларида хотин-қизларнинг дискриминация қилинишига барҳам бериш, шу билан бирга эркак ва аёлларнинг тенглиги асосида уларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаш борасида тегишли барча чораларни кўрадилар, жумладан қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) оилавий нафақа ҳуқуқи;

б) заём, кўчмас мулк ҳисобига қарз ва бошқа шаклдаги молиявий кредитларни олиш ҳуқуқи;

в) дам олиш билан боғлиқ тадбирларда, спорт машғулотларида ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида қатнашиш ҳуқуқи.

14 - модда

1. Иштирокчи давлатлар қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизлар дуч келадиган алоҳида муаммоларни ва уларнинг ўз оилалари иқтисодий фаровонлигини таъминлашда муҳим роль ўйнашини, шунингдек, уларнинг товарсиз хўжалик тармоқларидаги фаолиятини эътиборга олган ҳолда қишлоқ жойларда яшовчи аёлларга нисбатан мазкур Конвенция қоидаларининг қўлланилишини таъминлаш борасида барча тегишли чораларни кўрадилар.

2. Иштирокчи давлатлар қишлоқ жойларда хотин-қизлар камситилишига барҳам бериш, эркак ва хотин-қизларнинг тенглиги асосида уларнинг қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришдаги иштирокини таъминлаш ва бундай ривожланишдан наф кўриш учун барча тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, бундай хотин-қизларга қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) барча даражаларда ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

б) оилани режалаштириш масалалари бўйича ахборотлар, маслаҳатлар ва хизматларни қўшган ҳолда тегишли тиббий хизмат кўрсатилишига эришиш;

в) ижтимоий суғурта дастурлари қулайликларидан бевосита фойдаланиш;

г) жумладан, хотин-қизларнинг техникавий билим савиясини ошириш мақсадида функционал саводхонликни ҳисобга олган ҳолда барча турдаги расмий ва норасмий таълим ва тайёргарлик олиш, шунингдек, барча турдаги жамоа хизматларидан, қишлоқ хўжалик масалалари бўйича маслаҳат бериш хизматидан фойдаланиш;

д) мустақил меҳнат фаолияти ёки ишга ёллаш орқали тенг иқтисодий имкониятларни таъминлаш учун ширкатлар ва ўз-ўзига ёрдам кўрсатиш гуруҳларини ташкил этиш;

е) жамоа фаолиятининг барча турларида иштирок этиш;

ж) қишлоқ хўжалик кредитлари ва заёмларига, сотиш тизимига, тегишли технологияларга, ер ва аграр ислохотларда, шунингдек, ерларни қайта жойлаштириш режаларида тенг мақомга эришиш;

з) тегишли турмуш шароитларидан, айниқса, уй-жой

шароитлари, санитария хизматиэлектр ва сув таъминоти, шунингдек, транспорт ва алоқа воситаларидан фойдаланиш.

IV қисм 15-модда

1. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг қонун олдида эркаклар билан тенглигини тан оладилар.

2. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларга эркаклар билан бир хил фуқаролик ҳуқуқларини ва уларни амалга оширишнинг бир хил имкониятларини берадилар, жумладан, улар мулкни бошқариш ва шартномаларни тузиш вақтида хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини, шунингдек, трибунал ва суд муҳокамасининг барча босқичларида уларга нисбатан тенг муносабатни таъминлайдилар.

3. Иштирокчи давлатлар шунга қўшиладиларки, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини чеклашга қаратилган ҳар қандай ҳуқуқий шартномалар ва бошқа ҳар хил хусусий ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

4. Иштирокчи давлатлар эркак ва хотин-қизларга шахснинг кўчиб юриши, яшаш ва турар жойни танлаш эркинлигига тааллуқли бўлган қонунчиликка нисбатан бир хилдаги ҳуқуқларни беради.

16-модда

1. Иштирокчи давлатлар хотин-қизларнинг никоҳ ва оила муносабатларига тааллуқли барча масалаларда камситилишини бартараф этиш учун тегишли чораларни кўрадилар, жумладан, эркак ва аёлларнинг тенглиги асосида қуйидаги ҳуқуқларни таъминлайдилар:

а) никоҳдан ўтишда бир хил ҳуқуқлар;

б) турмуш ўртоғини эркин танлаш ва никоҳдан фақат ўзининг эркин ва тўлиқ розилиги билан ўтишда тенг ҳуқуқлар;

в) никоҳдан ўтиш ҳамда уни бекор қилиш пайтида бир хилдаги ҳуқуқ ва бурчлар;

г) болаларга тааллуқли бўлган масалаларда оилавий шароитидан қатъи назар, барча вазиятда болаларнинг манфаати устун турган ҳолда, эркак ва аёллар ота-она сифатида бир хилдаги бурч ва ҳуқуқларга эга бўлиши;

д) оилада болалар сони, уларнинг туғилиши ўртасидаги ёши масаласини эркин ва масъулиятли ечишда ва бу

ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаб берадиган воситаларга, маълумотларга ва таълим олишга бир хилда ёндашиш ҳуқуқига эга бўлиш;

ж) эр ва хотиннинг тенг шахсий ҳуқуқлари, шу жумладан, исми-шарифини, касб ва машғулот танлаш ҳуқуқи;

з) эр-хотиннинг мол-мулкка бепул ва пуллик эгалик қилиш, сотиб олиш, бошқариш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш борасидаги тенг ҳуқуқлари;

2. Ёш болани унаштириб қўйиш ва никоҳлаш юридик кучга эга бўлмайди, никоҳдан ўтишнинг энг қуйи ёшини аниқлаш ва никоҳларни фуқаролик ҳолати далолатномаларида мажбурий қайд этиш мақсадида, барча зарур, шу жумладан, зарур қонунчилик чора-тадбирлари кўрилади.

V қисм

17-модда

1. Мазкур Конвенциянинг амалга оширилишини кўриб чиқиш учун хотин-қизларнинг камситилишини бартараф этиш Қўмитаси таъсис этилиб (бундан буён Қўмита деб аталади), Конвенция кучга киргунгача ўн саккизта, ратификация қилингандан ёки унга ўттиз бешинчи иштирокчи давлатнинг қўшилганидан сўнг эса, мазкур Конвенция соҳасини мукамал биладиган юқори ахлоқий сифатларга ва етук маълумотларга эга бўлган йигирма учта экспертдан иборат бўлади. Бу экспертлар иштирокчи давлатлар томонидан ўз фуқаролари ичидан сайланадилар ва хусусий шахс сифатида иш юритадилар, бунда ўринлар тақсимотида адолат билан географик ҳудуд ва ҳар хил шаклдаги цивилизация, шунингдек асосий ҳуқуқий тизимлар вакиллари ҳисобга олинади.

2. Қўмита аъзолари иштирокчи давлатлар томонидан рўйхатга киритилган шахслар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг фуқароларидан битта вакилнинг номзодини бериши мумкин.

3. Мазкур Конвенциянинг кучга кирган кунидан бошлаб олти ойдан сўнг бирламчи сайловлар ўтказилади. Ҳар бир сайловни ўтказилишидан камида уч ой олдин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотиби иштирокчи давлатларга икки ой мобайнида ўз вакилларини кўрсатиш

бўйича таклифларини юборишни хат орқали сўрайди. Бош котиб барча иштирокчи давлатлар томонидан ушбу тарзда кўрсатилган шахсларнинг рўйхатини алфавит тартибида тайёрлаб, иштирокчи давлатларга тақдим этади.

4. Қўмита аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби томонидан чақириладиган ва БМТ Марказий муассасаларида ўтказиладиган иштирокчи давлатлар йиғилишида сайланадилар. Бу йиғилишда мажлисни ҳақиқий деб ҳисоблаш учун иштирокчи давлатларнинг сони учдан икки қисмини ташкил этиши лозим. Қатнашадиган ва овоз беришда иштирок этадиган иштирокчи давлат вакиллариининг энг кўп ва мутлақ кўп овозини олган номзодлар Қўмитага сайланган шахслар деб ҳисобланадилар.

5. Қўмита аъзолари тўрт йил муддатга сайланадилар. Бироқ биринчи сайловда сайланган тўққиз аъзонинг ваколат муддати икки йил ўтиши билан тугайди; биринчи сайловларни ўтказилгандан кейинроқ бу тўққиз аъзонинг фамилияси Қўмита раиси томонидан қуръа ташлаш орқали танланади.

6. Қўмитанинг беш нафар қўшимча аъзоси шу модданинг 2-, 3- ва 4-бандларига мувофиқ Конвенция ратификация қилинганидан сўнг ёки унга ўттиз бешинчи давлат қўшилгандан кейин сайланади. Шу тарзда сайланган икки қўшимча аъзонинг ваколат муддати икки йил ўтиши билан тугайди, бу икки қўшимча аъзонинг фамилияси Қўмита раиси томонидан қуръа ташлаш орқали танланади.

7. Иштирокчи давлатлар эксперти Қўмита аъзоси сифатида ўз вазифасини тугатган бўлса, кўзда тутилмаган бўш ўринларни тўлдириш учун Қўмитанинг розилиги билан ўз фуқаролари ичидан бошқа экспертни тайинлайди.

8. Қўмита аъзолари Бош Ассамблея тасдиқлайдиган мукофотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маблағларидан Ассамблея белгилайдиган шартлар ва тартибларга кўра Қўмитанинг вазифаси муҳимлигига қараб оладилар.

9. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Конвенцияга кўра, Қўмитанинг вазифаларини самарали бажариш учун зарур бўлган ходимлар ва моддий маблағлар билан таъминлаб боради.

18-модда

1. Иштирокчи давлатлар ушбу Конвенциянинг қоидаларини бажариш учун қабул қилинган қонунчилик, суд, маъмурий ёки бошқа чора-тадбирлар тўғрисидаги ва бу борада эришилган силжишлар ҳақидаги маърузани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига Қўмитанинг кўриб чиқиши учун тақдим этиш мажбуриятини оладилар, жумладан:

а) манфаатдор давлат учун мазкур Конвенциянинг кучга кирган кунидан бошлаб бир йил ичида;

б) шундан кейин ҳеч бўлмаганда ҳар тўрт йилда ва сўнгра, қачонки, бу ҳақда Қўмита расмий равишда сўраганда.

2. Маърузаларда мазкур Конвенция бўйича мажбуриятларни бажариш даражасига таъсир кўрсатадиган қийинчилик ва омиллар кўрсатилиши мумкин.

19-модда

1. Қўмита ўзи шахсий бажарадиган ишлар тартиби қоидаларини тасдиқлайди.

2. Қўмита икки йил муддатга ўзининг мансабдор шахсларини сайлайди.

20-модда

1. Қўмита ушбу Конвенциянинг 18-моддасига кўра тақдим этилган маърузаларни кўриб чиқиш мақсадида қоида бўйича икки ҳафтадан ошмайдиган давр ичида ҳар йилийиғилиш ўтказиб туради.

2. Қўмитанинг йиғилишлари қоида бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки бошқа Қўмита томонидан белгиланадиган бошқа исталган қулай жойда ўтказилади.

21-модда

1. Қўмита ҳар йили Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали ўзининг фаолияти ҳақидаги маърузасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига тақдим этади ва иштирокчи давлатлардан олинган маъруза ва ахборотларни ўрганишга асосланган умумий характердаги таклиф ва тавсияномаларни киритиши мумкин. Иштирокчи давлатларнинг фикрлари билан бирга, агар шундай фикрлар, бўлса умумий, характердаги шундай таклиф ва тавсияномалар Қўмитанинг

маърузасига қўшимча қилиб киритилади.

2. Бош котиб Қўмита маърузаларини хотин-қизларнинг ахволи бўйича Комиссиясига ахборот учун жўнатиб туради.

22-модда

Ихтисослашган муассасалар ўзларининг фаолият доирасига кирадиган ушбу Конвенциянинг қоидаларини амалга ошириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш чоғида вакиллик қилиш ҳуқуқига эгадир. Қўмита ихтисослашган муассасаларга Конвенцияни амалга ошириш бўйича уларнинг фаолият доирасига кирадиган соҳалардаги маърузаларни тайёрлашни таклиф қилиши мумкин.

23-модда

Ушбу Конвенцияда ҳеч бир нарса эркак ва хотин-қизлар ўртасидаги тенг ҳуқуқликка эришиш имкониятларини берувчи куйида мавжуд бўлган қоидаларга даҳл қилмайди:

- а) иштирокчи давлатларнинг қонунларида, ёки;
- б) шундай давлатлар учун юридик кучга эга бўлган ҳар қандай бошқа халқаро конвенция, битим, ёки шартномада.

24-модда

Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенцияда тан олинган ҳуқуқлар тўла амалга оширилишига эришиш учун миллий даражада барча зарур чораларни кўриш мажбуриятини оладилар.

25-модда

1. Мазкур Конвенция барча давлатлар томонидан унга имзоланиш учун очиқдир.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Конвенциянинг депозитарийси этиб тайинланади.

3. Мазкур Конвенция ратификация қилиниши лозим. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади.

4. Мазкур Конвенция унга барча давлатларнинг қўшилиши учун очиқдир. Унга қўшилиш шу ҳақдаги ҳужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топшириш йўли билан амалга оширилади.

26-модда

1. Мазкур Конвенцияни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги илтимослар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби номига ҳар қандай иштирокчи давлатлар томонидан ёзма равишда исталган вақтда хабарнома орқали йўлланиши мумкин.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси, агар у қандайдир чораларни қабул қилиш зарурлигини эътироф этса, шу илтимосга нисбатан айнан қайси чораларни кўриш зарурлиги ҳақида қарор қабул қилади.

27-модда

1. Мазкур Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилгандан сўнг ўттизинчи кундан бошлаб кучга киради.

2. Мазкур Конвенцияни ратификация қиладиган ёки унга қўшиладиган ҳар бир давлат учун ушбу Конвенция йигирманчи ратификация ёрлиғи ёки унга қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилгандан кейин ушбу Конвенция ҳар бир давлат учун ўттизинчи кундан бошлаб кучга киради.

28-модда

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида давлатлар томонидан айтилган шартларнинг матнини қабул қилиб олиб таркатади.

2. Мазкур Конвенциянинг мақсад ва вазифаларига тўғри келмайдиган қўшимча шартлар киритилмайди.

3. Шартлар хоҳлаган вақтда Бош котиб номига юборилган тегишли билдиришнома орқали бекор қилиниши мумкин, кейин эса Бош котиб бу ҳақда барча иштирокчи давлатларга маълум қилади. Бундай билдиришнома у олинган кундан бошлаб кучга киради.

29-модда

1. Мазкур Конвенцияни қўллаш ёки талқин этишга нисбатан икки ёки бир нечта иштирокчи давлатлар ўртасидаги ҳар қандай баҳс музокара йўли билан ечилмаса, унда томонлардан бирининг илтимосига биноан арбитраж

муҳокамасига тақдим этилади. Агар арбитраж муҳокамасига берилган ариза олти ой ичида икки томоннинг келишувига имкон яратмаса, унда хоҳлаган томон шу баҳс юзасидан суд мақомига кўра тегишли ариза орқали Халқаро Судга мурожаат қилиши мумкин.

2. Ҳар қайси иштирокчи давлат мазкур Конвенцияни имзолаш, ратификация қилиш ёки қўшилиш пайтида ушбу модданинг 1-бандида кўрсатилган мажбуриятлар билан ўзини боғлиқ деб ҳисобламаслигини таъкидлаш мумкин. Бошқа иштирокчи давлатлар ушбу модданинг кўрсатилган бандидан келиб чиқиб, шундай шартни қўйган ҳар қандай иштирокчи давлатга нисбатан мажбурият олмайдилар.

3. Мазкур модданинг 2-бандига тегишли шартларни қўйган ҳар қандай иштирокчи давлат истаган пайтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига билдиришнома йўллаб ўз шартларини олиб ташлаши мумкин.

30-модда

Мазкур Конвенция унинг инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матнлари айнан бир хилдир. Сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилади.

Етарли ваколатга эга бўлган қуйида имзо чекувчилар ушбунни тасдиқлаб, мазкур Конвенцияни имзоладилар.

Аёлларга нисбатан дискриминация қилишнинг ҳамма шакллари бартараф қилиш тўғрисидаги Конвенциясига Факультатив Протокол

Ушбу Протоколнинг Иштирок этувчи давлатлари.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсининг шаъни ва қадр-қимматига ҳамда эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигига ишончли яна бир бор тасдиқлаганлигини ҳисобга олиб,

шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ҳамма одамларнинг эркин ва ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқлари бобида тенг бўлиб туғилишини ва ҳар бир кишининг ҳеч қандай фарқларсиз, шу жумладан жинсига қараб фарқламасдан Декларацияда эълон қилинган ҳамма ҳуқуқларга ва ҳамма эркинликларга эга бўлиши кераклигини ҳисобга олиб,

инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро шартномаларга ва жинсига қараб дискриминация қилишни тақиқлайдиган инсон ҳуқуқларига доир бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб,

шунингдек, Иштирок этувчи давлатлар хотин-қизларга нисбатан ҳамма шакллардаги дискриминация қилишни қоралайдиган ва хотин-қизларга нисбатан дискриминация қилишни бартараф этиш сиёсатини барча тегишли усуллар билан ўтказишга пайсалга солмасдан рози бўладиган Аёлларга нисбатан дискриминация қилишнинг ҳамма шакллари бартараф қилиш тўғрисидаги Конвенция ("Конвенция") га асосланиб,

хотин-қизларга барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг тўлиқ ва тенг тақдим этилишини таъминлаш ва бундай ҳуқуқлар ва эркинликларнинг бузилишларининг олдини олиш юзасидан самарали чора-тадбирларни қабул қилиш борасидаги ўз қатъиятларини тасдиқлаб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олишди:

1-модда

Ушбу Протоколнинг иштирок этувчи давлати ("Иштирокчи давлат") Аёлларга нисбатан дискриминация қилишни бартараф қилиш Қўмитасининг ("Қўмита") 2-моддасига

мувофиқ тақдим этиладиган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқишга доир ваколатларини эътироф қилади.

2-модда

Хабарлар иштирокчи давлат юрисдикцияси остидаги мазкур Иштирокчи давлатнинг Конвенцияда баён қилинган ҳуқуқлардан қайсидир бирини бузиши оқибатида жабрланувчи бўлганлигини таъкидлайдиган шахслар ёки шахслар гуруҳлари томонидан ёки улар номидан юборилиши мумкин. Агар хабар алоҳида шахслар ёки шахслар гуруҳлари номидан юбориладиган бўлса, бундай иш уларнинг розилиги билан амалга оширилиши керак, муаллиф ўзининг бундай шахслар розилигисиз хабарни юборишга доир ишини асослайдиган ҳоллар бундан мустаснодир.

3-модда

Хабарлар ёзма шаклда берилади ва албатта муаллифи кўрсатилиши керак. Агар хабар ушбу Протоколнинг аъзоси бўлмаган Конвенциянинг Иштирокчи давлатига тегишли бўлса, Қўмита уни қабул қилмайди.

4-модда

1. Қўмита то ҳуқуқий ҳимоя учун қўлланилиши мумкин бўлган ҳамма ички воситалар ишга солиниб бўлинганлигига ишонч ҳосил қилмагунигача хабарни кўриб чиқмайди, бундай ҳимоя воситаларининг қўлланилиши асоссиз тарзда чўзиб юборилган ёки уларнинг керакли натижани бериши даргумон бўлган ҳоллар бундан мустаснодир.

2. Қуйидаги ҳолларда Қўмита хабарни қабул қилиш мумкин эмас, деб эълон қилади:

а) агар айти шу масала Қўмита томонидан кўриб чиқилган бўлса ёки халқаро миқёсда кўриб чиқишга ёхуд тартибга солишга доир бошқа русум-қоидаларга мувофиқ кўриб чиқилган ёки кўриб чиқиладиган бўлса;

б) агар у Конвенция қоидаларига тўғри келмаса;

с) агар у асоссиз бўлса ёки етарли даражада асосли бўлмаса;

д) агар у бундай хабарни юбориш ҳуқуқини суиистеъмол қилиш натижасида юборилган бўлса;

е) агар хабар предмети бўлган фактлар ушбу Протокол тегишли Иштирокчи давлат учун кучга киришидан олдин юз берган бўлса, бу хил фактлар ушбу эслатилган санадан кейин яна содир бўлган ҳоллар бундан мустаснодир.

5-модда

1. Хабар олинганидан кейин ҳар қандай маҳалда ва унинг моҳияти юзасидан қарор қабул қилингунига қадар Қўмита тегишли Иштирокчи давлатнинг ҳуқуқларнинг фараз қилинган бузилишидан жабр чекувчига ёки жабр чекувчиларга эҳтимол тутилган тузатиб бўлмайдиган зиён етказилишининг олдини олиш учун зарур бўладиган вақтинчалик чора-тадбирларни қабул қилиши ҳақида бу давлатга зудлик билан кўриб чиқиш учун илтимосномани юбориши мумкин.

2. Агар Қўмита ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ ўзининг дискрецион ҳуқуқини амалга оширадиган бўлса, бу унинг хабарнинг қабул қилиниши мумкинлигини ёки унинг моҳияти юзасидан қарор қабул қилганлигини англамайди.

6-модда

1. Қўмита хабарни тегишли Иштирокчи давлатни эслатмасдан туриб қабул қилиш учун тўғри келмайди, деб ҳисоблайдиган ҳоллардан ташқари ҳолларда ва шахс ёки шахслар ўз номини ёки номларини ушбу Иштирокчи давлатга билдиришга рози бўлган шароитда Қўмита унга ушбу Протоколга биноан юборилган ҳар қандай хабарни тегишли Иштирокчи давлатнинг эътиборига ҳавола қилади.

2. Хабарни олган Иштирокчи давлат олти ой мобайнида Қўмитага ушбу масалани ва ушбу Иштирокчи давлат томонидан мабодо қабул қилиниши мумкин бўлган ва қабул қилинган ҳар қандай чора-тадбирларни тушунтириб берадиган ёзма изоҳлар ёки баёнотларни тақдим қилади.

7-модда

1. Қўмита ушбу Протоколга мувофиқ олинган хабарларни унга алоҳида шахслар ёки шахс гуруҳлари томонидан ёки улар номидан ва тегишли Иштирокчи давлат томонидан тақдим қилинган ҳамма ахборотларни ҳисобга олган ҳолда, агар бундай ахборот тегишли томонларга ҳам юборилган бўлса, кўриб чиқади.

2. Ушбу Протоколда назарда тутилган хабарларнинг кўриб чиқилишида Қўмита ёпиқ мажлисларни ўтказди.

3. Қўмита хабарни ўрганганидан кейин ўзининг хабар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўз тавсияномалари билан, мабодо улар бор бўлса, бирга тегишли томонларга юборади.

4. Иштирокчи давлат Қўмитанинг хабар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини унинг тавсияномалари (мабодо улар қилинган бўлса) билан бирга лозим тарзда кўриб чиқади ва Қўмитага олти ой мобайнида ёзма жавобни, шу жумладан Қўмитанинг фикр-мулоҳазаларини ва тавсияномаларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган ҳар қандай чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотни тақдим қилади.

5. Қўмита иштирокчи давлатга бу давлат томонидан Қўмитанинг фикр-мулоҳазалари ва тавсияномаларига (мабодо улар ҳосил қилинган бўлса) жавобан қабул қилган ҳар қандай чора-тадбирлар тўғрисидаги қўшимча ахборотни тақдим қилишни таклиф этиши мумкин, шу жумладан, агар Қўмита буни зарур деб ҳисобласа, бундай қўшимча ахборотлар Иштирокчи давлатнинг Конвенциянинг 18-моддасига биноан тақдим этадиган бундан кейинги маърузаларида ҳам етказилиши мумкин.

8-модда

1. Агар Қўмита Иштирокчи давлатнинг Конвенцияда баён қилинган ҳуқуқларни жиддий ёки мунтазам тарзда бузишлари тўғрисида далолат берадиган ишончли ахборотни олса, унда Қўмита ушбу Иштирокчи давлатга ахборотни ўрганишда ҳамкорлик қилишни ва шу муносабат билан тегишли ахборот юзасидан мулоҳазаларини тақдим этишни таклиф қилади.

2. Манфаатдор Иштирокчи давлат тақдим этиши мумкин бўлган ҳар қандай мулоҳазаларни, шунингдек ўзида мавжуд бўлган ҳар қандай бошқа ишончли ахборотни ҳисобга олган ҳолда Қўмита тергаб-текширишни ўтказиш ва Қўмитага зудлик билан маърузанинг тақдим қилиниши учун ўзининг бир ёки бир неча аъзосини тайинлаши мумкин ва Иштирокчи давлатнинг розилиги билан тергаб-текшириш унинг ҳудудига ташриф буюришни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

3. Қўмита бундай тергаб-текшириш натижаларини ўрганганидан кейин бу натижаларни тегишли иштирокчи

давлатга ҳар қандай мулоҳазалар ва тавсиялар билан бирга юборади.

4. Тегишли Иштирокчи давлат Қўмита юборган натижаларни, мулоҳазалар ва тавсияларни олган вақтдан бошлаб олти ой мобайнида унга ўз мулоҳазаларини тақдим қилади.

5. Бундай тергаб-текшириш махфий тарзда ўтказилади ва бу ишнинг ҳамма босқичларида мазкур Иштирокчи давлат билан ҳамкорлик таъминланиши юзасидан чора-тадбирлар қабул қилинади.

9-модда

1. Қўмита тегишли Иштирокчи давлатга Конвенциянинг 18-моддасига биноан тақдим этадиган ўз маърузасига ушбу Протоколнинг 8-моддасига мувофиқ ўтказилган тергаб-текшириш билан боғлиқ равишда қабул қилинган ҳар қандай чора-тадбирлар тўғрисидаги батафсил ахборотни киритишини таклиф қилиши мумкин.

2. Зарур бўлганида, 8.4-моддада гап бораётган олти ойлик муддат тугаганидан кейин Қўмита тегишли Иштирокчи давлатга бундай тергаб-текшириш билан боғлиқ равишда қабул қилган чора-тадбирлари тўғрисида ахборот беришни таклиф этиши мумкин.

10-модда

1. Ҳар қандай Иштирокчи давлат ушбу Протоколни имзолаш ёки ратификация қилиш ва унга қўшилиш вақтида Қўмитанинг 8 ва 9-моддаларда кўрсатилган ваколатларини эътироф қилмаслигини маълум қилиши мумкин.

2. Ушбу модданинг 1-бандига биноан баёнот берган ҳар қандай Иштирокчи давлат ҳар қандай вақтда Бош котибни хабардор қилиш йўли билан бундай баёнотидан воз кечиши мумкин.

11-модда

Иштирокчи давлат ўз юрисдикцияси остидаги шахсларнинг ушбу Протоколга биноан Қўмитага хабарни юборганлиги сабабли ёмон муомалага дучор қилинмаслиги ёки қўрқитилмаслигини таъминлаш учун барча лозим чора-тадбирларни қабул қилади.

12-модда

Қўмита ўзининг Конвенциянинг 21-моддасига биноан назарда тутилган ҳар йиллик маърузасига ўзининг ушбу Протоколга биноан олиб борган фаолияти ҳақидаги қисқача ҳисоботни киритади.

13-модда

Ҳар бир Иштирокчи давлат Конвенцияни ва ушбу Протоколни кенг оммалаштириш ва ошкор қилиш ҳамда Қўмитанинг, жумладан, ушбу Иштирокчи давлатга дахлдор масалалар бўйича фикр-мулоҳазалари ва тавсиялари ҳақидаги ахборотдан бемалол фойдаланиш мумкин бўлишига ёрдам бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

14-модда

Қўмита унга ушбу Протокол юклайдиган функциялар бажарилишида риоя этилиши лозим бўлган ўз русум-қоидаларини ишлаб чиқади.

15-модда

1. Ушбу Протокол Конвенцияни имзолаган, ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар қандай давлатнинг имзолаши учун очиқдир.

2. Ушбу Протокол Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар қандай давлат томонидан ратификация қилиниши керак бўлади. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

3. Ушбу Протокол Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар қандай давлатнинг қўшилиши учун очиқдир.

4. Қўшилиш қўшилиш ҳақидаги ҳужжатни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига депозитга топшириш билан амалга оширилади.

16-модда

1. Ушбу Протокол ўнинчи ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш ҳақидаги ўнинчи ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига депозитга топширилганидан кейин уч ойдан сўнг кучга киради.

2. Ушбу Протоколни ратификация қилган ёки у кучга кирганидан кейин унга қўшилган ҳар бир давлат учун ушбу Протокол унинг ўзининг ратификация ёрлиғи ёки қўшилиш ҳақидаги ҳужжат депозитга топширилганидан кейин уч ойдан сўнг кучга киради.

17-модда

Мазкур Протоколга шарҳлар беришга йўл қўйилмайди.

18-модда

1. Ҳар қандай Иштирокчи давлат ушбу Протоколга шарҳларни таклиф этиши ва уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим қилиши мумкин. Бош котиб сўнгра таклиф қилинган ҳар қандай тузатишларни Иштирокчи давлатларга юборади ва уларга илова хатида ушбу таклифларни кўриб чиқиш мақсадида Иштирокчи давлатларнинг конференциясини чақириш ва улар юзасидан овоз беришнинг ўтказилишини қўллаб-қувватлаши ёки йўқлиги ҳақидаги ўз фикрларини билдириши тўғрисидаги илтимосномасини ҳам ҳавола қилади. Агар Иштирокчи давлатларнинг камида учдан бир қисми бундай конференцияни чақириш фикрини қўлласа, унда Бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳомийлигида шундай конференцияни чақириши мумкин. Ушбу конференцияда иштирок этаётган ва овоз беришда қатнашаётган Иштирокчи давлатларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш тасдиқлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига тақдим этилади.

2. Тузатишлар уларни ушбу Протоколда иштирок этувчи Иштирокчи давлатларнинг учдан бир қисмидан иборат кўпчилиги томонидан уларнинг конституциявий русум-қоидаларига мувофиқ тарзда қабул қилинганидан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси тасдиқлаганидан кейин кучга киради.

3. Тузатишлар кучга кирганидан кейин улар бу тузатишларни қабул қилган Иштирокчи давлатлар учун мажбурий бўлиб қолади, бошқа Иштирокчи давлатлар учун эса мазкур Протоколнинг қоидалари ва улар қабул қилган бундан олдинги ҳар қандай тузатишлар мажбурийлик тусига эга бўлади.

19-модда

1. Ҳар қандай Иштирокчи давлат ҳар қандай вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби номига ёзма хабарнома юбориш орқали ушбу Протоколни денонсация қилиши мумкин. Денонсация бу хабарни Бош котиб олган кундан бошлаб олти ойдан кейин кучга киради.

2. Денонсация ушбу Протокол қоидаларини 2-моддага мувофиқ тақдим этилган ҳар қандай хабарга нисбатан бундан кейинги қўлланишга ёки 8-моддага биноан денонсация кучга кирадиган санагача бошланган ҳар қандай тергаб-текширишга зиён етказмайди.

20-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби барча давлатларга қуйидагиларни хабар қилади:

а) ушбу Протоколга биноан амалга оширилган имзолашлар, ратификация қилишлар ва қўшилишлар тўғрисида;

б) ушбу Протокол ва 18-моддага биноан қилинган ҳар қандай тузатишларнинг кучга кириши санаси тўғрисида;

с) 19-моддага биноан амалга оширилган ҳар қандай денонсация тўғрисида.

21-модда

1. Ушбу Протоколнинг инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларидаги матнлари бир хилдаги кучга эга бўлади ва сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига топширилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу Протоколнинг тасдиқланган нусхаларини Конвенциянинг 25-моддасида кўрсатилган ҳамма давлатларга юборади.

Оиладаги зўравонлик тўғрисидаги модели қонунлар (БМТнинг тавсиялари, 52-сессия)

Модели қонун мавжуд жиноят ва фуқаролик қонунларидаги номукамалликни бартараф қилиш ва/ёки оиладаги зўравонлик тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилди. У оиладаги зўравонлик соҳасидаги гендер жиҳатдан ўзига хос ва кенг қамровли (comprehensive) қонунларнинг қабул қилинишини қўллаб-қувватловчи қонун чиқарувчи органлар ва ташкилотлар учун мўлжалланган.

1-қисм. Мақсадлар

Оиладаги зўравонлик ҳақидаги қонун мақсадлари:

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андозаларга, айниқса БМТнинг "жинсий мансублик асосида содир қилинган, хотин-қизларга жисмоний, жинсий ёки психологик зарар ёки азоб-уқибатлар етказадиган ёки етказиши мумкин бўлган, шу жумладан ижтимоий ёки шахсий ҳаётда мажбурлаш ёки ихтиёрий тарзда озодликдан маҳрум қилиш каби хатти-ҳаракатларни содир қилиш таҳдиди" сингари ҳаракатлар билан хотин-қизларга нисбатан зўравонликни бартараф қилиш тўғрисидаги Декларацияда ифодаланган андазаларга риоя қилинишига ёрдам бериш.

Оила аъзолари ёки умуман зарар етказувчи шахс билан яқин муносабатларда бўлган хотин-қизларга нисбатан содир қилинадиган зўравонлик оиладаги зўравонлик ҳисобланади, деб эътироф этилади.

Оиладаги зўравонлик шахсга ва жамиятга қарши содир этиладиган, кечирилмайдиган ва тоқат қилинмайдиган жиддий жиноят, деб эътироф қилинади.

Оила аъзолари ёки умуман яқин муносабатларда бўлган хотин-қизларга нисбатан содир қилинадиган зўравонликни тақиқлайдиган, зўравонлик қурбонларини ҳимоя қиладиган ва бундан кейинги зўравонликни бартараф этадиган қонунларни қабул қилиш лозим.

Зўравонлик қурбонларининг юксак даражада ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш керак.

Зўравонлик қурбонларининг эҳтиёжларига жавоб

берадиган кенг доирадаги қайишқоқ, шошилинч, чора-тадбирларни, шу жумладан оиладаги зўравонликни жазолаш ва унинг олдини олиш учун, айти бир пайтда зўравонлик қурбонларининг ҳимояланишини таъминлаган ҳолда жиноят ва фуқаролик қонунларида назарда тутилган чора-тадбирларни қабул қилиш зарур.

Оила аъзолари ёки умуман зарар етказувчи шахс билан яқин муносабатларда бўлган хотин-қизларга нисбатан содир қилинадиган зўравонликни содир қиладиган шахсларни ҳуқуқбузарликдан тутиб туриш ва уларни жазолаш учун жиноят ҳақидаги қонунларнинг камситмайдиган тарзда қўлланилишини таъминлаш лозим.

Оиладаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш мақсадида уларга вақтинчалик бошпана, маслаҳатлар бериш, бандлик соҳасидаги дастурларни ўз ичига оладиган, лекин бу билан чекланиб қолмайдиган мажбуриятларни бажарадиган бўлинмалар, дастурлар, хизматлар, протоколлар, вазифаларни ташкил қилиш керак.

Қуйидагиларни ўз ичига оладиган, лекин бу билан чекланиб қолмайдиган ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш хизматларининг ташкил этилиши ва улар рўйхатини қонуний тарзда мустаҳкамлаб қўйиш зарур:

а) оиладаги зўравонликнинг олдини олиш ва йўқотишга ёрдам берадиган, шу жумладан, жамоатчилик фикрини шакллантирадиган ва аҳолининг бу соҳадаги билимларини оширадиган дастурлар;

б) ҳар хил турдаги зўравонлик қурбонларига ва улар оилаларига ёрдам берадиган шошилинч хизматлар;

в) зўравонлик қурбонлари ва уларнинг оилаларининг ўзига хос эҳтиёжларига жавоб берадиган ёрдам бериш дастурлари;

г) зўравонлик қилган шахс, зўравонлик қурбонлари ва оиланинг бошқа аъзолари, шу жумладан, болалар учун маърифат, маслаҳат бериш ва психологик ёрдам кўрсатиш дастурлари.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидаги зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиш, оилада зўравонлик қилинган ҳолларда қонунларга риоя этилишини таъминлаш, унинг олдини олиш ишларини ўтказиш (бундан кейинги бўлиши

эхтимол бўлган суистеъмолчиликларнинг олдини олиш) зарур.

Судлар, прокурорлар, полициячилар ва ижтимоий соҳа ходимларини зўравонлик қурбонларига, болаларга ғамхўрлик қилиш, иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва хавфсизлик зарур бўладиган, шунингдек зўравонлик қурбонлари алоҳида эҳтиёжларга, шу жумладан ногиронлик билан боғлиқ ҳолларда уларга ёрдам кўрсатишнинг самарали шаклларини ўргатиш керак.

Оиладаги зўравонлик масалаларида полицияга, судга, зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатишга, шунингдек бундай ҳаракатни содир этган шахслар билан психологик иш олиб боришга қодир бўлган маслаҳатчиларни тайёрлаш тизимини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш лозим.

Оиладаги зўравонлик фактлари ва уларнинг сабабларидан маҳаллий жамоатчиликни ва қўни-қўшниларни кўпроқ хабардор қилиш ва бундай ҳодисаларга барҳам беришда маҳаллий жамоатчиликнинг қатнаштирилишини рағбатлантириш зарур.

2-қисм. "Асосий таърифлар".

Барча давлатларни оиладаги зўравонлик ҳаракатларининг халқаро меъёрларга мавофиқ келадиган кенгайтирилган таърифларини ва оиладаги зўравонликдан ҳимоя қилинадиган муносабатлар доирасини белгилашга астойдил даъват этамиз.

А. Тартибга солиниши лозим деб ҳисобланадиган муносабатлар.

Оиладаги зўравонлик ҳақидаги қонуннинг амал қилиши соҳасига қуйидаги муносабатлар категориялари киритилиши лозим:

Хотинлар, биргаликда умр кечирувчи шериклар, собиқ хотинлар ёки шериклар, бирга яшайдиган шахслар, шу жумладан айна шу уйда яшамайдиган бундай шахслар, қариндош аёллар, уй ходимаси ва уларнинг оила аъзолари.

Давлатлар зўравонлик ҳақидаги қонун доирасида диний ёки маданий урф-одатларнинг қайсидир аёлнинг қонунда назарда тутилган тўлиқ ҳимояни олишига (ҳамма хотин-қизларнинг тўлиқ ҳимояни олишига) тўсқинлик қилишига йўл қўймаслиги лозим.

Ўзининг эрига ёки яқин муносабатларда бўлиб келган бошқа бир шахсга нисбатан суд процессини бошлаш ниятида

бўлган аёлга ҳеч қандай тўсқинлик қилинмаслиги керак.

Давлатлар ўзининг фуқаролигига эга бўлмаган хотин-қизларнинг ҳам тўлиқ ҳимоясини таъминлаш вазифасини зиммасига олиши керак. Давлатлар, шунингдек унинг фуқаролари бўлмаган эркакларни ҳам ушбу қонун доирасида зўравонлик учун жавобгарликка тортадиган бўлиши зарур.

Б. Оиладаги зўравонлик ҳаракатлари.

Оилавий ва яқин муносабатлар орқали боғлиқ бўлган шахс ёки шахслар томонидан хотин-қизларга нисбатан фақат жинсий белгига кўра содир қилинган зўравонлик билан боғлиқ жисмоний, психологик ва жинсий тусдаги ҳамма нарса – оғзаки ҳақоратлаш ёки оғир жисмоний жароҳатлар етказиш ёки ўғирлаб кетишгача бўлган дўқ-пўписалар, қўрқитишлар, мажбурлашлар, таъқиб этишлар, уй-жойга зўравонлик билан ёки ноқонуний бостириб киришлар, ўт қўйишлар, мол-мулкни йўқ қилишлар, жинсий зўравонлик, никоҳда турган ҳолатдаги зўрлашлар, жинсий аъзоларга жароҳат етказишлар, келиннинг сепи ёки пул тўлаб ажралишлар масаласидаги зўравонлик, жинсий мақсадларда фоҳишабозлик қилишга зўрлаб фойдаланишлар, уй ходималарига нисбатан зўравонлик ва бундай ҳаракатларни содир этишга бўлган уринишлар – "оиладаги зўравонлик" сифатида кўриб чиқилиши лозим.

3-қисм. "Шикоятларни тақдим этиш механизми".

Қонунда полицияда оиладаги зўравонлик ҳақидаги шикоятнинг рўйхатдан ўтказилиши ёки судларга зўравонлик қурбони бўлган шахслар ёки уларнинг оила аъзолари ёки зўравонлик гувоҳлари, шу жумладан зўравонлик қурбонига бошпана берган шахслардан, шунингдек қурбонларга ёрдам кўрсатадиган давлат ва хусусий тиббий муассасалар, ижтимоий хизматлар, марказлар аризаларининг берилиши тартибини назарда тутиши лозим.

А. Полициячиларнинг вазифалари.

Полициячилар оилада зўравонлик содир қилингани шубҳаланилган ҳолларда ёрдам ва ҳимоя ҳақидаги ҳар бир мурожаатга жавоб қилиши лозим.

Полициячилар оила аъзолари амалга оширган деб шубҳа қилинадиган суиистеъмол қилиш ҳоллари юзасидан бўладиган мурожаатлар билан боғлиқ фактларни худди шундай

ҳаракатларнинг ўзга шахслар томонидан қилинганига нисбатан камроқ аҳамиятга эга деб қарамасликлари керак.

Полиция ходимлари, агар шикоят қилувчи аёл қуйидаги фактлар ҳақида хабар қилса, ҳодиса содир бўлган жойга шахсан етиб бориши шарт:

а) зўравонлик ҳоли етилаётган ёки кучаяётган бўлса;

б) қўриқлаш ордери мавжуд бўлиб, унинг бузилиши эҳтимоли кутилса;

в) оиладаги зўравонлик илгари ҳам юз берган бўлса.

Бундай ҳолларда полиция ишни пайсалга солмаслиги керак. У ҳатто агар шикоят билан мурожаат шикоят қилувчи/аёл зўравонлик қурбони бўлмасдан, фақат бунинг гувоҳи ёки аёлнинг дўсти/дугонаси, қариндоши, соғлиқни сақлаш хизмати ёки зўравонликдан жабр кўрган кишиларга ёрдам кўрсатиш маркази вакили бўлганида ҳам зудлик билан иш тутиши лозим.

Полиция мурожаатномаларни кўриб чиқиш жараёнида қуйидаги русум-қоидаларга амал қилиши шарт:

а) томонлар ва гувоҳларни, шу жумладан болаларни уларнинг ўзлари кузатган (кўрган) фактлари ҳақида эркин, ҳеч нарсдан тортинмасдан ҳикоя қилишлари учун алоҳида хоналарда сўраб-суриштириш;

б) шикоятларни батафсил ёзиб олиш;

в) зўравонлик қурбонига унинг ҳуқуқлари тўғрисида маслаҳат бериш (В бўлими);

г) оилада юз берган зўравонлик тўғрисида қонунда кўрсатилган тартибда билдиргини ёзиш ва рўйхатдан ўтказиш (Г бўлими);

д) агар зарур бўлса ёки талаб қилинса, жабр чеккан шахсни даволаш ва кўриқдан ўтказиш учун яқин жойдаги касалхонага ёки тиббий муассасага етказиб қўйиш ёки буни ташкил этиш;

е) агар зарур бўлса ёки талаб қилинса, жабр чеккан аёл, унинг болалари ёки унга боғлиқ бўлган оила аъзоларини хавфсиз жойга ёки бошпанага етказиб қўйиш ёки буни ташкил этиш;

ж) жабр чеккан кишининг шахсий нарсаларини олиши учун уни яшаш жойига етказиб қўйиш ёки буни ташкил этиш;

з) зўравонлик ҳолати ҳақида хабар қилган шахснинг

ҳимоясини таъминлаш;

и) муаммо шундай ҳал қилиниши керакки, хафа қилган шахс уйдан чиқиб кетиши зарур, бунинг иложи бўлмаса ва жабр кўрган аёлга зўравонлик қилиниши хавфи яна сақланиб қолса, айбдор шахсни ҳибсга олиш лозим.

Б. Шикоятларни бериш бўйича муқобил русум-қоидалар.

1. Зўравонликдан жабр чеккан аёл, воқеанинг гувоҳи, аризачи оиладаги зўравонлик ҳаракатлари тўғрисидаги шикоятни қуйидаги адлия органида рўйхатдан ўтказиши мумкин:

а) хафа қилган шахснинг яшаш жойида;

б) жабр кўрган аёлнинг яшаш жойида;

с) воқеа содир бўлган жойда;

д) жабр кўрган аёлнинг вақтинчалик яшаш жойида.

2. Зўравонликдан жабр чеккан аёл оиладаги зўравонлик ҳаракатлари тўғрисидаги шикоятни давлат ёки хусусий тиббий муассасада ҳам рўйхатдан ўтказиши мумкин, бу муассасалар ушбу шикоятни ўзлари жойлашган жойдаги адлия минтақавий органининг полициясига юборади.

3. Оиладаги зўравонлик ҳаракатлари тўғрисида хабар бериб, ёрдам сўровчи қариндошлар, дўстлар/дугоналар ёки бошқа шахслар оиладаги зўравонлик ҳаракатлари тўғрисидаги шикоятни полицияда рўйхатдан ўтказиши мумкин.

Шикоят тегишли тарзда тергаб-текширилиши керак.

4. Шикоятнинг берилиши, жиноий/фуқаролик судлов ишларининг юритилиши жабр кўрган кишининг тиббий кўрикдан ўтказилиши ҳақидаги ҳужжатга боғлиқ қилиб қўйилмаслиги керак.

В. Жабр чеккан кишиларнинг ҳуқуқлари.

Бу бўлимнинг мақсади – жабр чеккан кишиларни уларни шикоятни тақдим этишнинг дастлабки босқичида олиши мумкин бўлган ҳуқуқий ҳимоя воситалари билан таништиришдир. У, шунингдек полиция ва суд идораларининг жабр чеккан аёлга нисбатан бажариши лозим бўлган вазифаларини ҳам кўрсатади.

1. Полиция ходими жабр чеккан аёл билан у тушунадиган тилда гаплашиши ва унга ўз исми-шарифини ва гувоҳномаси рақамини билдириши лозим. Қонун полициянинг жабр чеккан аёлни ва зўравонликни содир қилган шахс(лар)ни оиладаги зўравонликнинг жиноят эканлигидан хабардор қилиши

кераклигини талаб қилади.

2. Полиция ходими жабр чеккан аёлнинг тан жароҳатларини даволаш учун тиббий муассасага етказиб қўйиши ёки буни ташкил этиши лозим.

3. Агар жабр чеккан аёл ўз уйдан чиқиб кетмоқчи бўлса, полиция ходими жабр чеккан аёлни хавфсиз жойга ёки бошпанага етказиб қўйиши ёки буни ташкил этиши керак.

4. Полиция ходими жабр чеккан аёлнинг ва унга боғлиқ барча шахсларнинг хавфсиз жойга жойлаштирилганига ишонч ҳосил қилиши зарур.

5. Полиция ходими жабр чеккан аёлга у тушунадиган тилда мавжуд ҳуқуқий русум-қоидаларни тушунтириб бериши лозим. Бу ҳужжатда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) қонун жабр чеккан аёлнинг фавқулодда вақтинчалик чекловчи ордери ва/ёки жабр чеккан аёл, унга боғлиқ барча шахслар, бошқа оила аъзолари ёки у ёрдам ва бошпана сўраган шахсларга бундан кейин зўравонлик қилинишини тақиқлайдиган суд ордерини сўраб мурожаат қилишини назарда тутати;

б) вақтинчалик чекловчи ордери ва/ёки суд ордери жабр чеккан аёлнинг ёки оиланинг умумий мол-мулкани ҳимоя қилиши керак;

в) суд ордери хафа қилувчи шахснинг оилавий уйни ташлаб чиқиб кетишини назарда тутиши мумкин;

г) агар зўравонлик тунги пайтда, дам олиш ёки байрам кунларида содир қилинган бўлса, унда жабр чеккан аёл вақтинчалик чекловчи ордери олиши учун зудлик билан бажариладиган чора-тадбирлардан хабардор қилиниши лозим;

д) жабр чеккан аёл фавқулодда вақтинчалик чекловчи ордери ва/ёки суд ордерини олиш учун адвокат ёллаши шарт эмас;

е) суд ходимлари фавқулодда вақтинчалик чекловчи ордери ва/ёки суд ордерини олишни сўраб мурожаат қилувчи шахсларга юридик ва ноюридик шаклдаги зарур ёрдамни кўрсатиши лозим; жабр чеккан аёлга суд ордерини олиш учун тегишли суд идорасига қандай мурожаат қилиш мумкинлиги ҳақида маслаҳат берилиши лозим;

ж) полиция хафа қилган шахсга фавқулодда чекловчи ордери топшириши керак.

Г. Полициянинг оиладаги зўравонлик ҳақидаги билдиргиси.

1. Полиция ходимининг вазифаси – оиладаги зўравонлик ҳақидаги хабарга жавоб берар экан, оиладаги зўравонлик ҳақидаги билдиргини тўлдириши лозим, бундай билдирги ишнинг бир қисми ҳисобланади. Билдиргининг нусхаси тегишли адлия органига ва бунга тўғри келадиган суд идорасига тақдим этилиши керак.

2. Оиладаги зўравонлик ҳақидаги билдирги шакли полиция комиссари томонидан белгиланади. У қуйидаги маълумотларни олиши лозим (лекин улар билан чекланиб қолмаслиги зарур):

а) томонлар муносабатлари мақоми;
 б) томонларнинг жинслари;
 в) томонларнинг машғулотлари ва маълумоти ҳақидаги ахборотлар;

г) шикоят келиб тушган вақт ва сана;

д) полиция ходими шикоят бўйича тергаб-текширишни бошлаган вақт;

е) зўравонлик ҳаракатларига болалар жалб этилганми, бундай ҳаракат содир қилинганида болалар шу ерда бўлганми;

ж) суистеъмолчиликларнинг типи ва даражаси;

з) ишлатилган қурол сони ва типи;

и) ҳолатини кўриб чиқиш учун талаб қилинган вақт ва полиция ходими амалга оширган ҳаракатлар;

к) томонларга нисбатан берилган бундан олдинги ҳар қандай фавқулодда вақтинчалик чекловчи ордер ёки суд ордерининг берилган санаси ва амал қилиш муддати;

л) шикоят объекти бўлган оиладаги зўравонлик ҳолатига олиб келган барча вазиятларни тўлиқ таҳлил қилиш учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай маълумотлар.

3. Полиция комиссарининг вазифаси – оиладаги зўравонлик ҳақидаги билдиргилар маълумотларини йиғиш ва ҳар йили уларни адлия вазирлиги/идораси ёки хотин-қизлар ишлари бўйича вазирлик/идорага ёки парламентга юбориш.

4. Ҳар йилги ҳисобот қуйидаги маълумотларни олиши лозим (лекин улар билан чекланиб қолмаслиги зарур):

а) олинган билдиргиларнинг умумий сони;

б) ҳар бир жинс вакили содир қилган зўравонлик

қурбони бўлган шахсларнинг берган аризалари сони;
в) тергаб-текшириш ўтказилган аризаларнинг сони;
г) бир аризани кўриб чиқишга кетадиган ўртача вақт;
д) полиция амалга оширган ҳаракатлар типи, шу жумладан, ҳибсга олишлар сони.

4-бўлим. Адлия органлари хизматчиларининг (judicial officers) вазифалари.

А. Фавқулодда вақтинчалик чекловчи ордер.

Фавқулодда вақтинчалик чекловчи ордер оиладаги зўравонлик қурбонига у ўз хавфсизлигидан қўрқаётган ёки жавобгар судга келмасликка қарор қилган ёки яшириниб юрган ҳолларда берилиши мумкин. Фавқулодда ордер бундан кейин бўлиши мумкин бўлган зўравонликка қарши ва/ёки хафа қилган шахс/жавобгарни зўравонлик қурбони бўлган шахсни бундан кейин яна таъқиб қилиш ва даъвогарнинг ўз мол-мулкидан, шу жумладан умумий уй-рўзгор хўжалигидан фойдаланишига аралаштириш мумкин эмаслиги тўғрисидаги олдиндан бериладиган кўрсатмани ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Зўравонлик қурбонидан ташқари, бошқа шахслар ҳам ҳимоя қилиш ордерини олиш учун мурожаат қилишлари мумкин. Эҳтимол, жабр чеккан шахснинг ўзи ҳуқуқий ҳимоя олиш имконига эга бўлмаслиги мумкин. Эҳтимол, гувоҳларга ёки жабр чеккан шахсга ўз ёрдамани таклиф қилган кишиларга ҳам зўравонлик содир қилиниши хавфи бўлиши мумкин.

1. Зўравонлик қурбонининг ҳаётига, саломатлигига ва фаровонлигига жиддий хавф-хатар сақланиб қолаётган ва суд ордерини олгунга қадар унинг хавфсизлик ҳолатида бўлиши эҳтимоли кам бўлган ҳолларда зўравонлик қурбони/даъвогар, унинг қариндошлари, ижтимоий хизмат ходими судга ёки бошқа мансабдор шахсга фавқулодда вақтинчалик чекловчи ордер шаклидаги зудлик билан бериладиган ёрдам берилишини сўраб мурожаат қилиши мумкин, бундай ордер зўравонлик содир қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида расмийлаштирилиши керак бўлади.

2. Фавқулодда вақтинчалик чекловчи ордер амал қиладиган муддат давомида суднинг қуйидаги мақсаддаги фармойиши чиқарилиши мумкин:

а) хафа қилган шахсни оилавий уйни ташлаб чиқиб кетишга мажбур қилиш;

б) тартибни бузувчининг болалари билан учрашишни тартибга солиш;

в) хафа қилган шахсни жабр чеккан аёл билан унинг иш жойида ва аёл тез-тез бориши мумкин бўлган бошқа жойларда алоқада бўлишдан тутиб туриш;

г) хафа қилган шахсни жабр чеккан аёлнинг даволаниши қийматини тўлашга мажбур қилиш;

д) биргаликда тўпланган мол-мулкдан якка тартибда фойдаланишни чеклаш;

е) жабр чеккан аёлни ва хафа қилган шахсни мабодо хафа қилган шахс чекловчи ордерни бузгани ҳолда унинг ҳибсга олиниши мумкинлиги ва жиноий жазога тортилиши мумкинлигидан хабардор қилиш;

ж) жабр чеккан аёлни оиладаги зўравонлик ҳақидаги қонунлар доирасида чекловчи ордердан фойдаланилишидан қатъи назар унинг хафа қилган шахсга қарши жиноий иш қўзғатилиши мақсадида прокурорга мурожаат қилиши мумкинлигидан хабардор қилиш;

з) жабр чеккан аёлни оиладаги зўравонлик ҳақидаги қонунлар доирасида чекловчи ордердан фойдаланилишидан ва жиноий иш қўзғатилиши мақсадида прокурорга мурожаат қилишидан қатъи назар унинг фуқаролик процессини бошлаши ва ажралиш, алоҳида тарзда яшаш, зарарнинг қопланиши ва тоvon пуллари тўлаш ҳақидаги ишни қўзғатиши мумкинлигидан хабардор қилиш;

и) томонларнинг уларнинг ҳар қандай бирига дахлдор бўлган барча фуқаролик суд жараёнлари, вояга етмаганлар учун суддаги процесслар ва/ёки жиноий суд ҳақида хабардор қилишга доир ўз вазифаларини бажаришини талаб қилиш.

3. Зудлик билан қабул қилинадиган чора-тадбирлар фавқулодда вақтинчалик чекловчи ордернинг суд ордери бериладиган вақтга қадар ўз кучини сақлаб қолиши мумкинлигини назарда тутати, бундай суд ордери фавқулодда вақтинчалик чекловчи ордер амал қила бошлаган вақтдан бошлаб 28 кундан кечиктирмасдан берилиши керак.

4. Жабр чеккан хотин қуйидагилар тўғрисида хабардор қилиниши лозим:

а) оиладаги зўравонлик ҳақидаги қонунлар доирасида фавқулодда чекловчи ордердан фойдаланилишидан қатъи назар

унинг ўзини бундан кейинги зўравонликдан ҳимоя қилиш учун кўшимча суд ордерини сўраши, бундай суд ордерини яна қайтадан тиклашни сўраши ва/ёки хафа қилган шахсга қарши жиноий иш қўзғатилиши мақсадида прокурорга мурожаат қилиши мумкинлиги ҳақида;

б) унинг фавқулодда ҳимоя ордерини сўраб мурожаат қилиши судда фуқаролик ишларини юргизиш доирасида алоҳида тарзда яшаш, ажралиш, зарарни қоплаш ҳақида иш қўзғатиш каби ҳуқуқидан фойдаланиш сингари чоратадбирларни қўлланишига таъсир қилмайди;

в) жавобгар даъвогарни 24 соат олдинроқ хабардор қилгач, вақтинчалик чекловчи ордернинг бекор қилиниши ёки модификация қилиниши тўғрисида илтимос қилиши мумкин.

5. Фавқулодда чекловчи ордерга бўйсунмаслик судга ҳурматсизликда айблашга, жарима тўланишига ва озодликдан маҳрум этишга олиб келиши мумкин.

В. Ҳимоялаш ордерлари.

1. Ҳимоялаш ордерини сўраб жабр чеккан аёлнинг ўзи, унинг қариндошлари, жабр чеккан шахсга ёрдам кўрсатаётган ижтимоий хизмат ходими ёки бошқа шахс мурожаат этиши мумкин.

2. Ҳимоялаш ордерини сўраб фавқулодда чекловчи ордернинг амал қилиши даврида ёки унинг амал қилиш муддати тугаганига қадар ёки бундай ордерлардан қатъи назар мурожаат этиш мумкин.

3. Вақтинчалик ёки фавқулодда ордерларнинг амал қилиши суднинг ҳимоялаш ордери олинганидан кейин тўхтатилади.

4. Ҳимоялаш ордерлари зўравонлик қурбонини, унинг қариндошларини, унга ёрдам кўрсатган ижтимоий соҳа ходимлари ёки бошқа шахсларни бундан кейин зўравонлик қилинишидан ёки бундай хавфдан ҳимоя этиш учун амал қилиши мумкин.

5. Судьялардан шикоят берилган ва ҳимоялаш ордерини сўраб мурожаат қилинган вақтдан бошлаб 10 кун давомида ишни кўриб чиқиш талаб этилади.

6. Судьялар зўравонликдан жабр чеккан шахсларнинг ҳуқуқларига риоя этиши шарт.

7. Суд ордери ҳар қандай ёки қуйидаги барча чора-

тадбирларни назарда тутиши мумкин:

а) хафа қилган шахс/жавобгарни зўравонлик қурбони/даъвогарга, унинг оиласидаги унга боғлиқ бўлган шахсларга, унга ёрдам кўрсатган бошқа қариндошлари ёки бошқа шахсларга бундан кейин зарар етказишдан тутиб туриш;

б) оилавий уйга ким эгалик қилишидан қатъи назар жавобгарга уни ташлаб чиқиб кетиш тўғрисида кўрсатма бериш;

в) жавобгарга даъвогарнинг автомобилдан ва/ёки бошқа шахсий мол-мулкдан бемалол фойдаланишига рухсат бериш тўғрисида кўрсатма бериш;

г) жавобгарнинг болалари билан учрашишини тартибга солиш;

д) жавобгарни даъвогар билан унинг иш жойида ва аёл тез-тез бориши мумкин бўлган бошқа жойларда алоқада бўлишдан тутиб туриш;

е) жавобгар қуролдан фойдаланадиган ёки унга эгалик қиладиган ҳолларда жавобгарнинг ўқотар қурол ёки суд кўрсатадиган бошқа типдаги қуролни сотиб олиши, фойдаланиши ёки эгалик қилишини тақиқлаш;

ж) жавобгарни даъвогарнинг даволаниши, маслаҳат олиши ёки бошпанада бўлиши қийматини тўлашга мажбур қилиш;

з) биргаликда тўплашган мол-мулкдан якка тартибда фойдаланишни тақиқлаш;

и) даъвогарни ва жавобгарни мабодо жавобгар чекловчи ордерни бузгани ҳолда унинг огоҳлантириб ёки огоҳлантиришсиз ҳибсга олиниши мумкинлиги ва жиноий жазога тортилиши мумкинлигидан хабардор қилиш;

к) даъвогарни оиладаги зўравонлик ҳақидаги қонунлар доирасида чекловчи ордердан фойдаланилишидан қатъи назар, унинг жавобгарга қарши жиноий иш қўзғатилиши мақсадида прокурорга мурожаат қилиши мумкинлигидан хабардор қилиш;

л) даъвогарни оиладаги зўравонлик ҳақидаги қонунлар доирасида чекловчи ордердан фойдаланилишидан ва жиноий иш қўзғатилиши мақсадида прокурорга мурожаат қилишидан қатъи назар унинг фуқаролик процессини бошлаши ва ажралиш, алоҳида тарзда яшаш, зарарнинг қопланиши ва товон пулларини тўлаш ҳақидаги ишни қўзғатиши мумкинлигидан хабардор қилиш;

м) томонларнинг шахсий ҳаётига дахл қилинмаслиги учун ёпиқ суд мажлиси ўтказиш.

8. Ушбу русум-қоидаларга биноан оилада зўравонлик бўлмаганлигини исботлаш вазифаси жавобгар зиммасига юкланади.

9. Судьялар ҳимоялаш/чекловчи ордерлар нусхаларини даъвогар ва ордер ҳимоясидаги шахслар яшайдиган туманларнинг полициясига у берилган вақтдан бошлаб 24 соат давомида юборишлари керак.

10. Полиция ва судьялар ҳимоялаш ордерларига риоя қилиниши масаласи юзасидан мониторинг ўтказишлари лозим. Ҳимоялаш ордерининг бузилиши – бу жиноятдир. Ҳимоялаш ордерига бўйсунмаслик судга ҳурматсизликда айблашга, жарима тўланишига ва озодликдан маҳрум этишга олиб келиши мумкин.

11. Даъвогар фавқулодда вақтинчалик чекловчи ордер ёки ҳимоялаш ордерининг берилишига доир харажатларга ҳақ тўлаш учун маблағи йўқлиги тўғрисида қасам ичган ҳолда, ёзма кўрсатма берган ҳолда бундай ордер бепул берилади.

12. Агар ҳимоялаш ордерига бўлган талаблар асоссиз бўлса, суд даъвогарни харажатлар ҳақини тўлаш ва зарарни қоплашга мажбур қилиши мумкин.

5-бўлим. Жиноят процесси.

Жиноий тергаб-текшириш ҳимоялаш ордери берилган вақтда бошланиши мумкин.

1. Бош прокурор ёки Адлия вазири оиладаги зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни тергаб-текширадиган мансабдор шахслар учун ёзма йўриқномаларни ишлаб чиқиши, қабул қилиши ва амалга киритиши лозим.

2. Агар оиладаги зўравонлик ҳолатида суд жиноят ишидаги айбни рад қиладиган бўлса, унда бундай рад қилишнинг алоҳида сабаблари суд ишида ёзиб қўйилиши лозим.

3. Прокурор оиладаги зўравонлик билан боғлиқ даъволарда айбнинг оиладаги зўравонликка тегишли эканлигини кўрсатиши зарур.

4. Айблаш учун зўравонлик қурбонининг кўрсатмалари етарлидир. Шикоят фақат гувоҳларнинг кўрсатмалари бошқа далил-асослар билан тасдиқланмаганлигини баҳона қилиб рад

қилиниши мумкин эмас.

5. Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ жиноят бўйича ҳукм чиқарилишида суд ҳукми албатта уни кўриб чиқиш оқибатларини кўрсатиши керак.

6. Суд процесси жараёнида жавобгар шахс даъвогар билан назорат қилинмайдиган алоқаларга эга бўлмаслиги лозим.

7. Фавқулодда вақтинчалик чекловчи ордер ёки ҳимоялаш ордерининг берилиши ҳар қандай жиноятнинг тергаб-текширилишида жиддий ҳолат сифатида тақдим этилиши керак.

8. Жиноятнинг тусига қараб ва жавобгар оиладаги зўравонликда биринчи марта айбланаётганида ва айбдор деб эътироф қилинганида ҳукм шартли равишда чиқарилиши мумкин, бунда фақат жабр чеккан шахснинг розилиги билан жавобгар мажбурий тартибда маслаҳат олишдан ўтиши ва ҳимоялаш ордери берилиши мумкин.

9. Оиладаги зўравонлик билан боғлиқ жиноят бўйича ҳукм чиқарилишида суд озодликдан маҳрум қилиш муддатини ва жавобгарнинг мажбурий тартибда маслаҳат олишдан ўтиши муддатини белгилashi мумкин.

10. Оиладаги зўравонлик ҳолларида такрорланадиган ҳаракатлар, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлардаги ҳақоратлашлар ва қурол ишлатиш юз берган бўлса, жазони кўпайтириш тавсия этилади.

11. Агар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлар юз берган бўлса, унда жазонинг ўрнига жавобгарнинг мажбурий тартибда маслаҳат олишдан ўтиши белгиланиши мумкин эмас.

12. Ҳукм чиқарилиши учун аниқ кўрсатмалар тасдиқлаб қўйилиши керак.

6-бўлим. Фуқаролик процесси.

1. Ажралиш, алоҳида тарзда яшаш, зарарнинг қопланиши ва товон пулларини тўлаш ҳақидаги иш бўйича фуқаролик процесси бўлаётган муддатга ҳимоялаш ордерлари берилиши мумкин.

2. Бунда ҳимоялаш ордерлари фуқаролик процесси ўрнига эмас, балки унга қўшимча равишда берилади.

3. Ҳимоялаш ва чекловчи ордерлар бир-биридан ва ажралиш ҳамда алоҳида тарзда яшаш тўғрисида ариза берилишидан қатъи назар берилиши мумкин.

4. Фавқулодда вақтинчалик чекловчи ордер ёки ҳимоялаш ордерининг берилиши кейинги фуқаролик процессида жиддий ҳолат сифатида тақдим этилиши керак.

7-бўлим. Зудлик билан ёрдам кўрсатиш.

1. Давлат зудлик билан ёрдам кўрсатиши керак, бундай ёрдам қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) 72 соат давомида танглик хизмати хизматлари;

б) жабр чеккан шахснинг уйидан тиббий марказга ёки бошпанага дарҳол етказиб қўйилиши;

в) зудлик билан юридик маслаҳат берилиши ва шундан кейин тегишли идораларга йўллаш;

г) танглик вазиятида ёрдам берилиши ва хавфсизликка ишончни таъминлаш учун маслаҳат бериш;

д) зўравонлик қурбонлари ва улар оилалари билан мулоқотда махфийлик таъминланиши.

Б. Шошилишч бўлмаган тусдаги ёрдам.

1. Давлат ёрдам кўрсатиши керак, бундай ёрдам қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) оиладаги зўравонлик қурбонларининг бандлик соҳасида маслаҳат бериш, қайта тайёрлаш ва кўникма ҳосил қилиш ва болаларни парваришlashда ёрдам кўрсатиш тизими орқали узоқ муддат давомида реабилитация қилинишига ёрдам берадиган хизматларни таъминлаш;

б) зўравонликни содир қилган шахсларнинг маслаҳат бериш тизими орқали узоқ муддат давомида феъл-атворини ўзгартиришига ёрдам берадиган хизматларни таъминлаш;

в) ижтимоий ёрдам дастурларидан қатъи назар амалга ошириладиган оиладаги зўравонлик ҳақидаги махсус дастурлар;

г) федерал ва маҳаллий даражадаги давлат, жамоатчилик ва хусусий хизматлар ва дастурларни кооперациялаш ва мувофиқлаштиришни таъминлаш.

В. Полиция ходимларини ўқитиш.

1. Полицияни бошқарувчи вазирлик/идора полиция ходимларини қуйидагилар билан таништириш учун уларни ўқитишга доир дастурларни яратиши ва янгилаб туриши керак:

а) оиладаги зўравонликнинг табиати, тарқалиши, сабаблари ва оқибатлари;

б) оиладаги зўравонлик қурбонларининг юридик ҳуқуқ-

лари ва уларнинг судда ҳимояланиш бўйича олиши мумкин бўлган воситалар;

в) зўравонлик қурбонлари ва зўравонликни содир қилган шахсларнинг олиши мумкин бўлган хизматлар ва имкониятлар;

г) полициячиларнинг ҳибсга олишларни амалга ошириш ва зўравонлик қурбонларини ҳимоялаш ва уларга ёрдам кўрсатиш борасидаги вазифалари;

д) оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳолларни кўриб чиқишда полиция ходимлари ҳуқуқларининг бузилиши эҳтимолини энг кам даражага етказадиган ва зўравонлик қурбони ҳамда унга боғлиқ бўлган шахслар хавфсизлигини таъминлайдиган услублар.

2. Ҳар бир полициячи оиладаги зўравонлик ҳолларида қандай ҳаракат қилиш кераклигига ўргатилиши лозим.

3. Мураккаб ҳолатлар билан ишлаш учун чуқурлаштирилган ва ихтисослаштирилган тайёргарликдан ўтган махсус бўлинмалар ташкил этилиши керак.

4. Таълим соҳасидаги мутахассислар, психологлар ва зўравонлик қурбонлари бундай масалаларни "ҳис қилиши" ва эътибор бериши учун полиция дастурларида иштирок қилиши зарур.

Г. Адлия органларидаги мансабдор шахсларнинг тайёрланиши.

1. Мансабдор шахсларнинг оиладаги зўравонлик ҳолларида ҳаракат қилиши учун доимий амал қилувчи дастурларни ўташига шарт-шароитлар яратилиши керак. Ўқитиш қуйидаги масалалар бўйича кўрсатмаларни ўз ичига олиши лозим:

а) оиладаги зўравонликнинг табиати, тарқалиши, сабаблари ва оқибатлари;

б) фавқулодда вақтинчалик чекловчи ордерларнинг берилиши тартиби;

в) ҳимоялаш ордерларининг берилиши тартиби;

г) жабр чеккан шахсларга уларнинг судда ва ҳуқуқий ҳимояланиш бўйича олиши мумкин бўлган воситалар ҳақида берилиши керак бўлган йўриқномалар;

д) ҳукмларни чиқариш бўйича кўрсатмалар.

2. Ўқитиш олдиндан белгиланган соатлар сонига эга бошланғич базавий курсни ва олдиндан белгиланган соатлар сонига эга ҳар йиллик шарҳли курсни ўз ичига олиши керак.

3. Оиладаги зўравонлик масалалари бўйича чуқурлаштирилган ва ихтисослаштирилган тайёргарликдан ўтиш таъминланган оила судлари ташкил этилиши керак.

Д. Маслаҳатчиларни ўқитиш.

1. Давлат полиция, суд, оиладаги зўравонлик қурбонлари ва зўравонликни содир қилган шахсларга ёрдам бериш учун маслаҳатчиларнинг тайёрланишини таъминлаши лозим.

2. Қонун зўравонликни содир қилган шахслар учун маслаҳат бериш дастурларини жиноий одил судлов тизимининг муқобил варианты сифатида эмас, балки қўшимча сифатида белгилаши лозим.

3. Бундай маслаҳат бериш дастурларининг мақсади –

а) зўравонликни содир қилган шахснинг ўзининг жавобгарлигини идрок этиши ва келгусида зўравонликни содир қилмаслик мажбуриятини беришига ёрдам қилиш;

б) зўравонликни содир қилган шахсни оиладаги зўравонликнинг ҳуқуққа зид тусга эгалигидан хабардор қилиш.

4. Зўравонликни содир қилган шахслар учун маслаҳат бериш дастурларининг маблағ билан таъминланиши зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиш дастурлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилмаслиги керак.

5. Қонун зўравонликни содир қилган шахслар учун маслаҳат беришни мажбурий тартибда белгилаши эмас, балки таъминлаши лозим. Жабр чеккан шахсларга маслаҳат бериш қуйидагича бўлиши зарур:

а) жабр чеккан шахслар бепул маслаҳат олиши зарур;

б) зўравонлик қурбонининг яна куч-қувватга киришига ёрдам бериш ва зўравонликдан ҳимояланиш ва нормал турмуш тарзини яна қайта тиклаб олиши учун қисқа муддатли ва узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш.

Оиладаги зўравонликка қарши курашиш бўйича Польша декларацияси

Оиладаги зўравонлик мамлакатимиздаги энг оғир муаммолардан бири ҳисобланади. Фуқароларнинг пассивлиги ва жамоатчилик хизматларининг кучи камлиги бунга асос бўлаяпти. Шунинг учун биз Польша Республикаси парламенти, ҳокимиятнинг ҳукумат ва ўзини ўзи бошқариш органлари, суд, прокуратура, оммавий ахборот воситалари, шунингдек барча фуқароларни зўравонликка қарши курашишга ва қуйидагича этник тамойилларга мувофиқ иш юритишга даъват қиламиз:

– **ҲАР БИР КИШИ** шахсининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш ҳисобланадиган зўравонликдан холи бўлган оилавий муҳитда яшаш ҳуқуқига эгадир;

– зўравонликка дучор қилинаётган **КИШИ** бунинг учун айбланиши мумкин эмас;

– **БОЛАЛАР ВА ЁШЛАР** зўравонликдан холи бўлган хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқига эгадир, катта ёшдаги кишиларнинг вазифаси эса – уларга бундай имкониятни таъминлашдир;

– зўравонликка дучор қилинаётган **ҲАР БИР КИШИ** унинг инсоний қадр-қимматига дахл қилинмасидан юридик, ижтимоий, психологик ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эгадир;

– **ҲАР БИР КИШИ** зўравонликка қарши курашиш учун зарур бўлган билимларни олиш ҳуқуқига эгадир;

– **ҲАР БИР КИШИ** оиладаги зўравонликка қарши курашиш ҳуқуқига эгадир;

– **ҲАР БИР КИШИ** оиладаги зўравонлик қурбонларига ёрдам кўрсатиши шарт.

Декларация 1995 йил декабрда Оиладаги Зўравонликка Қарши курашишга бағишланган II Бутунпольша конференциясида қабул қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
(парчалар)**

**ИККИНЧИ БЎЛИМ
ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ
ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ**

**V боб
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

X боб

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ
КАФОЛАТЛАРИ**

46-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

**XIV боб
ОИЛА**

63-модда. Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади.

64-модда. Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга багишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

65-модда. Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

66-модда. Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Бақоева Фарида Ҳожимуротовна – Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Котибиятининг катта референти, юридик фанлар номзоди. Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви соҳасида, ҳуқуқни қўлланиш фаолиятини ва Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларга риоя қилишини такомиллаштириш муаммолари бўйича 40 дан зиёд илмий ишлар эълон қилган.

Гартман Ирина Георгиевна – ТДЮИ қошидаги Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш Маркази кутубхонаси мудираси. Ўзини-ўзи бошқариш органлари вакилларининг ҳуқуқий билимлари даражасини оширишга даъват этилган "Тошкент шаҳар маҳалла қўмиталари раисларининг ҳуқуқий таълими" лойиҳаси доирасида шаҳар маҳаллаларидаги хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳолатини ўрганиш билан шуғулланиб келади.

Гасанов Михаил Юсупович – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қошидаги Амалдаги қонунчилик мониторинги Институтининг директори ўринбосари. Республика Конституциявий ва Олий судларининг илмий-маслаҳатчилик кенгашлари аъзоси. Меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар соҳасида, халқаро ҳуқуқ меъёрларини миллий қонунларга имплементациялаш муаммолари юзасидан 50 дан зиёд илмий ишлар эълон қилган.

Ибрагимова Зебинисо Ибрагимовна – "Сабр" Ишонч маркази (Самарқанд шаҳри) директори ўринбосари, психолог, ноҳукумат ташкилотларида 5 йиллик иш тажрибасига эга. 2000 йилда танглик марказлари иши амалиётини ўрганиш бўйича Буюк Британияда 2 ҳафта тажриба орттириб келди. Минтақалардаги ноҳукумат ташкилотлари вакилларига фандрайзинг, танглик марказлари ишини ташкил этиш, психологик маслаҳатчилик техникаси, ташкилотлар тармоғини ташкил этиш мақсадида ННТни бошқариш ва уларнинг тузилиши масалалари бўйича таълим беради.

Икромова Мағфират Ғаниевна – юридик фанлар номзоди, ТДЮИ жиноят ҳуқуқи кафедраси доценти. "Меҳри" Хотин-қизлар жамоатчилиги ташкилотининг аъзоси сифатида

хотин-қизларнинг ҳуқуқий маърифати соҳасида иш олиб боради.

Иноқова Малика Маҳмудовна – Тошкент Давлат юридик институти давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси ўқитувчиси. Инсон ҳуқуқларига доир назарий масалаларни ўрганиш билан шуғулланади.

Искандаров Эрмат Алимқулович – "Сабр" Ишонч марказининг бош психологи, ноҳукумат ташкилотларда беш йиллик иш тажрибасига эга. 4 йил давомида "Сабр" ходимлари учун ижтимоий-психологик тренинглар ўтказиб келади. 1998 йилда Италияда "Қишлоқ жойлардаги хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи" лойиҳаси бўйича амалиётни ўтаб келди. 2000 йилда Буюк Британияда танглик марказлари иш тажрибасини ўрганиш юзасидан 3 ойлик амалиётни ўтаган.

Кочергина Тамара Васильевна – ТДЮИ фуқаролик ҳуқуқи кафедраси доценти. Фуқаролик, уй-жой ва оила ҳуқуқи масалалари юзасидан 20 нафар илмий иш эълон қилган. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексини ишлаб чиқишда иштирок этган.

Муҳаммаджонов Омон Зокирович – Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш Маркази директори. Юридик фанлари номзоди, доцент. Конституциявий, халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқларига оид бир қатор илмий ишлар муаллифи.

Нельсон Кристин – Америкадаги Марказий ва Шарқий Европа Ҳуқуқий Ташаббус Юристлари уюшмаси вакили. Уюшмада Гендер дастурига раҳбарлик қилади. 1993 йилда Сиёсий фанлар бакалаври даражасини олган, шундан сўнг 1997 йилда Сан-Диего университетиде Ҳуқуқ JD даражасини олган. 1998 йил июнидан бошлаб Сан-Диего шаҳри прокуратурасида прокурор бўлиб ишлаган, у ерда оиладаги зўравонлик масалаларига доир жиноий ишларга ихтисосланган. Юридик амалиёт билан биргаликда ҳар хил сиёсий тадбирлар ўтказилишида маслаҳатчи бўлиб ишлаб, сиёсат билан шуғулланган. Ҳозирги вақтда Калифорния штати Юристлар Уюшмасининг аъзосидир.

Тансиқбоева Галия Мамрасвна – ТДЮИ халқаро ва қиёсий ҳуқуқ кафедраси доценти, Инсон ҳуқуқлари ва

гуманитар ҳуқуқни ўрганиш Маркази дастурларини мувофиқлаштирувчи бўлиб ишлайди. Инсон ҳуқуқлари, оила, конституциявий, халқаро гуманитар ҳуқуқ, давлат ва ҳуқуқ умумий назарияси соҳасидаги кўпгина илмий ишлар олима қаламига мансубдир. "Ҳуқуқшунослик", "Конституциявий ҳуқуқ" каби бир неча дарсликлар муаллифларидан бири ҳисобланади. 1968 йилда Оила кодексини, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқишда республика комиссиялари таркибида аъзо сифатида иштирок қилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Илмий-маслаҳатчилиқ Кенгаши аъзоси.

Холмуҳамедова Наима Маҳмудовна – "Меҳри" Хотин-қизлар жамияти раиси, "Оиладаги зўравонлик ва хотин-қизлар билан савдо-сотик қилинишига барҳам бериш соҳасида ижтимоий ташаббус: ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик" дастури мувофиқлаштирувчиси, доцент. 1995 йилдан бери хотин-қизларга нисбатан зўравонлик қилиниши муаммолари билан шуғулланади. Бир қатор мақолалар эълон қилган.

Юлусова Олия Туйғуновна – Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказининг таълим бўлими мудираси. Юридик фанлар номзоди.

Қодирова Олмос Пиримқуловна – Ўзбекистон Бадий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими. Кейинги бир неча йил мобайнида асосий иши билан биргаликда янги фаолият соҳаси – ижтимоий социология билан ҳам шуғулланади. Ноҳукумат ташкилотида ишлар экан, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги аҳволини, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларини ўрганиш билан шуғулланади.

Қориева Наргис Мақсудовна – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта эксперти. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи ва оила ҳуқуқи масалаларини ўрганади. Фуқаролик процесси ва оилавий муносабатларни тартибга соладиган қонунлар соҳасида бир қатор илмий ишларни эълон қилган.

SUMMARY OF THE ARTICLES

"Elimination of Woman's Discrimination is the Obligatory Condition of Her Real Equality" G. Tansykbayeva

The author considers the problem of women's rights as part of the general problem of human's rights. The problems discussed in the article are explored from the standpoint of determining specific trends peculiar to the conditions of a transition period. Specific measures promoting achievement of real equality between men and women and overcoming negative phenomenon related to discrimination against women are presented in the article.

"Inadmissibility of Women's Discrimination in the Sphere of Social and Economical Law" M. Gasanov

Relying on the analysis of the obligations resulting from international legal documents prohibiting discrimination against women and investigations of legal status of women in Uzbekistan, this article submits proposals aimed at improving legislation concerning social and economical rights of women and elimination of gender discrimination.

"Archaic Traditions as a Factor of Discrimination Against Women" A. Kadyrova

The results of the regional investigation conducted in the city of Tashkent and Tashkent oblast under support of OSCE are reported in this article. On the background of the analytical investigation of the woman's status in the family the author focuses on the negative role of archaic traditions, customs and superstitions violating her rights and freedom. Taking into account the necessity to confront this negative phenomenon, the author provides, in her opinion, specific necessary proposals to work out a plan of mutual actions for overnmental organizations and for the third sector (NGOs).

"Historical Roots of the Stereotype Attitude in Respect of Women" N. Karieva

This article considers the issue of the status of women in the community and the state in its historical context. The author

undertakes an exploration from the perspective that it is impossible to understand current status of women without knowledge of history that leaves its imprint on the current status of women.

"Legal Guarantee of Protection of Women's Rights in all Spheres" M. Inakova

The article considers legal documents providing the basis of protection of women's rights and indicates the importance of international documents in the sphere of women's rights. Specifically, attention is paid to the "Convention on the Elimination of All Forms of Discrimination Against Women," the "Declaration on the Elimination of Violence Against Women," and others.

"Protection of Women's Rights - Obligation and Responsibility of the Community and the State" I. Gartman

The article is devoted to the problem of women's rights. Examining the situation of rights of women living in the mahalla, the author analyzes the conditions which contribute to the violation of women's rights. On the basis of data of housewives' questionnaire the author provides a summary conclusion of factors affecting gender inequality.

"Violence Against Women: The Role of Family, Community and State in its Prevention and Elimination" F. Bakayeva

While exploring the social character of domestic violence against women, the author provides a number of suggestions for constant monitoring to protect women's Human Rights, and intensifying public education efforts of NGOs and mass media.

"Domestic Violence as a Factor of Women's Discrimination" N. Holmuhamedova

The article is devoted to the problem of family law. The author explores the essence of the problem on the basis of an analysis of the activity of the women's organization "Mehry," the members of which provide substantial assistance to women victims of domestic violence.

"Prevention of Violence against Women of Uzbekistan"

A. Junusova

The article looks at the issue of the increasing number of incidences in families of violence against women. The author provides data on the issue exploring the causes of such violence. Particular attention is devoted to the measures aimed at suppressing negative phenomena related to the violation of women's human rights.

"The Role of NGOs in Resolving the Problem of Domestic Violence" Z. Ibragimova and E. Iskandarov

This article considers the notion, kinds and causes of domestic violence, illustrates specific features of domestic violence and discusses methods for the prevention of domestic violence reflecting the experience of the staff of the Trust Center "Sabr" in decreasing the incidence of domestic violence.

"Review of the Criminal Code on Women's Protection Against Violence" M. Ikramova

The issue of domestic violence issue is considered from the standpoint of criminal law responsibility of persons guilty of committing acts of violence. A review of the Criminal Code currently in force in Uzbekistan, which presumes criminal liability for crimes committed against an individual is provided in the article.

"Protecting the Interest of Married Couples in Family Law" T. Kochergina

The article explores the changes made to the Family Code of Uzbekistan. The regulations illustrated by the author are considered from the standpoint of the protection of interests of married women and the meaning of the marriage contract for expansion and guarantee of her rights.

"Women's Rights and Gender Equality" C. Nelson

The article relays foreign experience of applying international treaties on women's rights and the role of non-governmental organizations in incorporating conventions in the national legislation. The author relates the procedure for considering domestic violence cases in the United States, where one of the mandatory

requirements of the model code on domestic violence is arrest if there is any probable cause present. The author calls to take every effort to overcome patriarchal models of behavior of women and men for the purpose of achieving gender equality. The article clearly states how important international instruments are and how necessary it is to incorporate their principles in the national legislation, as well as mechanisms for their enforcement. The author notes that the problem of domestic violence is a universal problem and is not a peculiarity of certain cultures, and therefore the world community should join its efforts to eliminate this wrong in our societies.

"UN Model Framework Law on Domestic Violence: An Analysis" O. Mukhamedjanov

The author presents an overview of the norms recommended by the UN Expert Commission on Gender Violence, which should be included as elements of a framework law on domestic violence



Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази 1996 йил июн ойида Тошкент Давлат юридик институти жамоасининг ташаббуси ҳамда Бирлашган Миллатлар Таъкилотининг қочоқлар масалалари билан шуғулланувчи Олий Комиссарлиги Бошқармаси кўмағида ташкил этилди. Марказ ижтимоий, нотижорат ва маърифий ташкилот ҳисобланиб, инсон ҳуқуқлари ва демократия соҳасидаги билимларни тарқатиш ва тарғиб қилиш билан шуғулланади.

Халқаро нормалар ва битимларга, БМТнинг тамойиллари ва амалиётига, Ўзбекистон Республикаси миллий қонун ҳужжатларига мос равишда аҳолининг гуманитар тарбиясини амалга ошириш марказ вазифалари қаторига киради.

Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази:

– инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий изланишлар ўтказиши;

– инсон ҳуқуқлари бўйича семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари, ёзги курслар ташкил қилади;

– ўқув юртлари учун дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, инсон ҳуқуқлари курсини ташкил этиш бўйича тавсияномалар тайёрлайди;

Марказ "Интернет" халқаро ахборот тармоғига боғланган компьютер техникаси ва ҳуқуқнинг турли соҳалари ҳамда инсон ҳуқуқларига оид адабиётлар тўпланган оммавий кутубхонага эга.

Бизнинг манзилимиз:

**Ўзбекистон 700047, Тошкент шаҳри,
Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, Тошкент Давлат юридик
институтининг маъмурий биноси, 3-қават
Телефон/факс (998 71) 133-60-92
e-mail: omon62@hotmail.com**

"Меҳри" аёллар жамияти бир гуруҳ аёллар ташаббуси билан, демократик, ҳуқуқий давлат пойдеворини яратишда ўз билимлари, орттирган бой тажриба ва имкониятларини жалб этиш мақсадида 1997 йилнинг ноябр ойида ташкил этилган ва Тошкент шаҳар адлия Бош бошқармасининг расмий рўйхатидан ўтган.

Унинг асосий вазифалари аёлларнинг ҳуқуқий, репродуктив саломатлиги бўйича саводхонлигини, савияси ва маданиятини ошириш, аёл шахсияти, ғурури, кадр-қимматини, жамиятдаги мавқеини кўтариш, турли даражада мустақил қарор қабул қилиши ҳамда барча жабҳаларда фаол қатнашиши имкониятини яратиш, оила институтини барқарорлаштириш, унинг руҳий муҳитини шакллантириш, аёл ҳуқуқини ҳимоялаш, керак бўлганда унга руҳий, тиббий ва ҳуқуқий кўмак бериш, аёлнинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, маърифий билимини ошириш ва миллий кадриятларни мустаҳкамлашдан иборат.

– Жамият аъзолари аёлларни камситилишлари бўйича изланишлар олиб боради;

– Ҳуқуқий, психологик, маънавий-маърифий, тиббий дастурлар асосида семинар, тренинг, давра суҳбатлари, анжуманлар ташкил қилади;

– Ўқув қўлланмалар, рисоалар, ахборот варақалари ва буклетларини яратадилар;

– Жамият қошида аёллар ва қизлар учун "Таскин" ишонч маркази фаолият кўрсатмоқда;

– Жамиятда аёллар ва уларнинг оила аъзолари учун "Мапураҳонум", "Репродуктив саломатлик", "Ахборот ва видео" марказлари ишлаб турибди;

– Жамиятда аёллар муаммолари бўйича қутубхона ташкил қилинган.

Бизнинг манзилимиз:

**Тошкент 700000, Ниязбек йўли кўчаси, 1- уй,
602 хона.**

Телефонлар: (99871) 137-65-84; 34-05-53; 34-44-36.

Аёл ҳуқуқи ва эркинликлари /Муаллиф жамоаси:
Г.Н.Тансиқбаева, М.Ю.Гасанов, А.М.Қодирова ва бошқ.;
Сўзбоши: С.Ш.Рашидова. – Т.: “Адолат”, 2002–236 б.

Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш
Маркази аёллар ҳаётига тааллуқли муаммоларни тадқиқ қилиш ишини давом эттириб, 1999 йилда нашр этилган “Аёл. Ҳуқуқ. Жамият” мақолалар тўпламини аёлларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳолатига камситувчи таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш ва бартараф қилишга бағишланган бирқатор янги материаллар билан тўлдирилган ҳолда қайтадан чоп этди.

Ушбу тўпلام “Меҳри” аёллар жамияти билан ҳамкорликда ва Винрок Интернейшнлнинг қўллаб-қувватлаши туфайли нашрдан чиқарилган эди.

Сўзбоши муаллифи.....профессор С. Ш. Рашидова
Илмий муҳаррир.....профессор Ф. А. Абдумажидов
Лойиҳа раҳбари.....доцент О. З. Муҳаммаджонов
Муҳаррир.....С. Мирзахўжаев
Корректор.....Л. Мирзахмедова
Компьютерда тайёрловчи.....К. Фоминых

Ишлаб чиқаришга топширилди: 22.03.2002

Ўлчами 60x90 1/16.

Ҳажми 11 б-т.

Адади 1000 нусха.

Буюртма 31 сони

МЧЖ “Хега-принт” босмахонасида чоп этилди.

